Жаноб де Бальзак буюклар орасида энг буюги, танланганлар орасида энг сараси. Унинг барча асарлари даҳшатли, ваҳималива айни пайтда ҳақиқий замонда яшайдиган, ҳаракатланадиган ва ҳаракат қиладиган битта китоб, жонли ёрқин ва сермазмункитобни ташкил этади... У хоҳлайдими-йўқми, бунга рози бўладими-йўқми, билмай туриб, бу улкан ва ғаройиб ижод муаллифи инқилобчи ёзувчиларнинг қудратли вакили эди [5], – (Бальзакнинг дафн маросимидаги Виктор Гюгонинг нутқи. 1850 йил, 21 август).

1939 йилда Б.Г. Реизов ўзининг “Бальзакнинг ижоди” номли монографиясида Бальзак ва Шекспирнинг эстетик принциплари ўртасидаги ўхшашлик тўғрисида ёзади ва француз ёзувчисининг буржуа ҳаёти насрида Шекспир даражасидаги улкан фожиани кўриш қобилияти борлигини таъкидлайди [9,149 б.]. Бальзак ва Шекспирнинг шахс ва адабий қаҳрамон ҳақидаги ғоялари сабабли келиб чиққан, уларнинг кўлами доираси ва драмалари жиҳатидан яқинлигидир - дейди В.Р. Гриб [6, 260-261 б.].

Бальзакнинг “Инсоний комедия”си (1816-1848 йиллар) ўзига 87 асрни – роман, повесть ва ҳикояларни камраб олади. Уларда 2000 дан кўпроқ ижтимоий типлар тасвирланган. Француз ёзувчиси мўлжалига кўра жамиятда қанча социал типлар бўлса, шунчаси асарида ҳам мавжуд бўлиши керак эди [1, 22 б.].

Ушбу асарлари мажмуаси бўлган “Инсоний комедия” Франция жамиятидаги Бурбонлар Реставрацияси ва Июль монархияси давридаги воқеаларни камраб олган реал, фантастик ва философий сюжетларни ўз ичига олган. Ушбу асарларнинг бош қаҳрамонлари Растиньяк,



Вотрен, Воке, Лусень Шардон, Дервиль ва бошқалардир.

Бальзак “Инсоний комедияси” режасидаги асосий вазифасидан келиб чиққан ҳолда: “Ўн тўққизинчи асрни янада тўлиқроқ, унинг ўз навбатида ёмонликлари ва эзгу ишларини тасвирлашга имкон яратади”. Ҳар бир китобининг “шунчаки бир боби жамият ҳақида роман”. Ёзувчи учун юксак ифтихор “тарихчи даражасига кўтарилиш” деб ҳисоблайди Бальзак; унинг ўзи ҳам тарихшунос даражасига етган, у нафақат ёзувчилар, балки ўз даврининг профессионал тарихчиларини ҳам аниқлаб берди. Буни Ф.Энгельс: “Бальзак ... “Инсоний комедия”сида “бизга француз “жамияти”нинг энг ажойиб тарихини, айниқса, “Париж дунёси”ни тақдим этади, йилномаларни тасвирлаш, деярли ҳар бир йил 1816 йилдан 1848 йилгача тобора кенгайиб, дворянлар жамиятида буржуазияни кўтарувчи илғор ғоялар кучайиб борган ... У ушбу намунали жамиятнинг сўнгги издошлари қандай қилиб секин-аста кўпол муомалали бадавлат вайсақичаларга айлангани, уларнинг олий табақали хонимлари ўрнига ... буржуа аёли келгани, пул ёки кийим учун эрларининг бошига шох ўрнатишларини тасвирлайди. Ушбу тасвир маркази атрофида Бальзак француз жамиятининг бутун тарихини жамлайди, ундан мен иқтисодий тафсилотлар (масалан, инқилобдан кейин мулк ва кўчмас мулкни қайта тақсимлаш тўғрисида) ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлдим, бу барча мутахассислар-тарихчилар, иқтисодчилар, ушбу давр статистикачиларининг китобларидагидан фарқли ўлароқ ...” деб баҳолайди [7, 36 б.].

Бальзакнинг “Инсоний комедия”сининг улкан бадиий олами, турли жанрларни туркумлаштириш асосида юзага келди. Ёзувчи ўз асарини таърифлар экан, қуйидагини эътироф қилади: “Менинг асарим ўз географияси, худди шунингдек, ўз генелогияси, ўз оилалари, ўз жойи, шароити, ҳаракат қилувчи шахслари ва фактларига, шунингдек, ўз тамғаси, ўз дворянлари ва буржуазияси, ўз ҳунармандлари ва

деҳқонлари, сиёсатдонлари ва пўримлари, ўз армиясига, бир сўз билан айтганда, ўз оламига эга” [3, 36 б.].

“Инсоний комедия”да Бальзак “ўша даврнинг бутун Франциясини, жамиятнинг ҳамма синфларини, ҳамма касб-ҳунарларини, энг муҳими одамларнинг ҳамма типларини” бадиий гавдалантиришга интилган.

Бу улкан композицион қурилма ўз қаърига турли жанрдаги асарларни қамраб олиши керак эди. Бальзак ўз бадиий ниятини мўлжаллаган ҳолда амалга ошира олмади, лекин, у бажаришига улгурган қисми ҳам нияҳоятда катта ва залворлидир.

Бальзак «Горио ота», «Евгений Гранде» ва «Йўқотилган иллатлар» романларида пул буржуазиянинг балоси ва бутин истеъдодларни йўқ қилиш ва бузиш эканлигини кўрсатади. Франция ва дунёнинг бошқа мамлакатлари ёзувчилари бир неча бор Бальзакнинг сюжетларини ишлаб чиқишган, улар одамлар устидан пулнинг кучи, шахснинг буржуа жамиятидаги фожиалари ҳақида гапиришган. Бальзакнинг даҳолиги, унинг ғайриоддий жонли, инсоний персонажларни яратганлиги, қаҳрамонларининг ўзига хослиги, сезгирлиги билан ҳам намоён бўлди.

Кўпгина рассомлар, масалан, Бальзакнинг “Евгений Гранде” романини таржима қилган Достоевский, ёзувчидан диалогни қандай ташкил қилишни ўрганган, унинг ҳаёт ҳодисаларини сунъий равишда умумлаштириш, синтез қилиш қобилятига қойил қолган [10].

Муаллиф “Горио ота” романининг бош қаҳрамони Эжен де Растиньяк образи орқали даврнинг ёш, соғлом, жамиятнинг жирканч иллатларини ўзига юқтирмаган инсонни тасвирлайди. Романнинг бадиий муаммолари Бальзакнинг Горио ота ва унинг қизлари ҳаёти билан боғлиқ равишда ифодаланган, Эжен де Растиньяк ҳикоясида баён этилган шон-шараф ва бойликни ҳалол йўл билан олиш мумкинлиги ҳақидаги умумбашарий афсонаси. Горио ота аслида ҳаётда ўз қизларига меҳр кўрсатиб жавоб ололмаган,



меҳрсизликдан жуда чарчаган инсон киссаси, Парижнинг олий табақали вакиллари ҳаётида доимий бўлиб турадиган оддий фожиа [4].

Дастлаб Бальзак “Инсоний комедия” сига мурожаат қилиши учун вақт керак эди ва бундай улкан имкониятлар муаллифга ҳеч нарса бермади. Йигирма ёшли Бальзак “Кромвель” шеъридаги фожиа устида кўп ишлади, Буалонинг фикрича, буни Расиннинг намунаси деб билди: унда классицизмнинг нуфузи устунлик қилган ва ҳеч қачон романтикларнинг классицизмга нисбатан антипатияларини ажратмаган. Бальзакнинг реализми – бу ҳақиқатдан яширинган барча парчаларни олиб ташлашнинг кучли воситасидир. Ушбу реализм - шафқатсиз далиллар ва рад қилиб бўлмайдиган далилларнинг кенг тарқалган тизими билан тергов ва айбловлар ҳужжатиدير.

“Инсон комедияси” ғоясини амалга ошириш учун пойтахтда ҳамма нарса содир бўладиган жой керак эди, шунинг учун 1935 йилда “Горио ота” романини яратади. Бальзак Парижга қайтди. Аммо, Парижга қайтиб келган ўқувчи “қашшоқлик нафаси уфуриб турган” бадбахт пансионатга тушиб қолди. Ушбу бахтсиз ва кулранг фонда, Эжен де Растиньяк ҳикояси бошланади, бу ерда ёш йигит июль Монархияси даврини бошлайди. Романда пойтахтнинг ташландик жамиятидаги қийинчиликлари, унинг ибратли иборалари билан тугайди: “Энди, ким ғалаба қозонади – менми ёки сен!” Растиньяк уруш эълон қилади, у жангга отланади, аммо, бу қаҳрамонлик даври ва ҳатто Жюльен Сорелнинг жанги ҳам эмас эди. Растиньяк ўзининг барча истеъдодларини Стендаль қаҳрамонлари учун жуда жирканч бўлган ғояларнинг жамиятга сингишига, ўзининг олтин улушини ўзлаштиришга йўналтиради.

Ушбу қарордан олдин, Растиньяк ёруғликнинг “ифлос ботқоқ” эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак эди. Горио ота реал ҳикоя – инсоннинг барча муқаддас

ҳис-туйғулари ва меҳрларини пулнинг қудратли кучи билан бузиб кўрсатадиган яна бир драмадир. Ҳатто Растиньяк (“уларнинг энг яхши”) “Париж феъл-атворини” ўрганади, яъни шарлатандай қаллоб, жаллод бўлишни ўрганади. У ҳаётнинг хиралашган териси эмас, балки виждонининг териси қотиллик билан камаяди, фақат шу вазиятда сиз ушбу нопок ўйинни енгитиш мумкин, деб ҳисоблайди [2, 359-360 б.].

“Горио ота” романидаги икки муҳим образ Горио ва Растиньяк булар бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандир. Бу боғлиқликнинг сабаби Растиньяк Горионинг қизи Делфинани севиб қолиши ҳамда романнинг бошидан охиригача Горионинг яхши-ёмон кунларида ёнида бўлишидир. Горио ота жуда ачинарли ҳаёт кечиради, бор бойлигини қизларига сарфлайди, охири-оқибат икки қизи ҳамда куёвлари уни уйдан қувиб солади.

Романда асосий маконни Париж шаҳри деб оладиган бўлса, унинг ичида кичик бир пансионат воқеалар ривожланадиган инсонлар қисмати намоён бўладиган асосий маконга айланади. Бу жойда асар қаҳрамонларининг дастлабки ютуқлари тарихи ва чолнинг ҳалокати тарихи, француз жамиятида Бальзак шоҳиди бўлган айнан ижтимоий ахлоқ қонунлари бунёд бўлган.

Хулоса қилиб айтганда асар қаҳрамони Горио ота бойликларини қизларига бўлиб бериб ўзи итдек хор бўлиб ўлади. Муаллиф Горио ота фожиаси орқали типик буржуа характерини кескин фош қилиб ташлайди, қаҳрамонларининг “шахсий ҳаёти” пулга бўлган бениҳоя хасислик хусусияти билан чекланганлигини тасвирлайди. Аммо, ундаги бу ёмон иллат фарзандларига эмас, у “инсон” сифатида қизларига меҳрибон ота бўлиб гавдаланган. Растиньяк образи эса жамият тасирларидан холи бўлган шахс сифатида гавдалантирилган.



Адабиётлар:

1. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). 1-жилд. -Т.: 1991. -384 с. – С. 22.
2. Андреев Л. Г. История французской литературы: Учеб. Для филол. спец. вузов/Л. Г. Андреев, Н. П. Козлова, Г. К. Косиков.–М.: Высш. шк., 1987.– 543 с.
3. Бальзак Оноре. Собрание сочинений. В 24-х томах. Т. 1, -М.: 1960, С. 36.
4. Бальзак О. де. Отец Горио (Бальзак О. де. Человеческая комедия, книга №23. Изд-во: “Медиа Книга”, 2012. [livelib.ru](http://livelib.ru)).
5. Бальзак О. де. Собрание сочинений в пятнадцати томах. Том 15, с. 695. -М.: Гослитиздат. 1955.
6. Гриб В.Р. Художественный метод Бальзака// Избр. раб. -М.: 1956. С. 260-261.
7. Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Изд. 2-е. Т. 37. -М.: 1965. С. 36.
8. Нажмиддинов, Т. Х. Творчество Бальзака / Т. Х. Нажмиддинов.–Текст : непосредственный // Филология и лингвистика. – 2017. –№ 2 (6). – С. 20-23.
9. Реизов Б.Г. Творчество Бальзака. – Л.: Гослитиздат, 1939. - С. 149.
10. [sochinimka.ru](http://sochinimka.ru). [Kritika24.ru](http://kritika24.ru).
11. [ru.wikipedia.org/wiki/Бальзак,\\_Оноре\\_де](http://ru.wikipedia.org/wiki/Бальзак,_Оноре_де)

*Каршибаева У. Анализ образов Горио и Растиньяка в романе «Отец Горио». В статье анализируются образы отца Горио и Растиньяка из романа Бальзака «Отец Горио» и их место в обществе. Трагедия личности в буржуазном обществе свидетельствует о том, что деньги – это бич буржуазии и уничтожение всех талантов. Образ главного героя романа, Эжена де Растиньяка изображает молодого, здорового человека той эпохи, не заразившегося отвратительными пороками общества.*

*Karshibayeva U. The analysis of the images of Gorio and Rastinyak in Balzac's novel "Father Gorio". The article analyzes the role of Gorio and Rastinyak in Balzac's novel "Father Gorio" in society. The tragedy of the individual in bourgeois society shows that money is the scourge of the bourgeoisie and the destruction of all talents. The image of the protagonist of the novel, Ejen de Rastinyak, depicts a young healthy man of the era, not infecting the disgusting vices of society.*





## ФОРС – ТОЖИК ТИЛИДАГИ ЯНГИ АДАБИЁТДА “ҲИНДИЙ САБК”

**Каримова Сафия Расуловна,**

*СамДЧТИ катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди*

**Калим сўзлар:** *сабк (услуб), тазкира, хаттот, образ, газалнавис, қофия, матла, сюжет, форсийзабон, бадиий санъатлар, ҳинд ва туркий халқлар, бобурийлар даври, янги услуб элементлари, сарбаланд нуқта, мақом ва мартаба, сабки Бедилӣ, издош, мухлис.*

“Сабки ҳиндий” устида махсус тадқиқот олиб борган олимлардан масалан, академик Ян Рижко: “Бу услуб XV аср охирига бориб Ҳиндистонда кенг тарқалганлиги учун ҳам “Сабки ҳиндий” деган ном олган. Аслида шеърятдаги бундай дабдаба ва ҳавойилик Ҳиротдан мерос қолган бўлиб, уни “Ҳинд услуби” оби-тобига етказган. Унда ёзилган шеърлар ўз мазмуни, сўз ўйини билан – бамисоли айланма йўл – муаммонинг ўзгинаси”, - деб таърифлайди.

Эронлик олим Ризозода Шафақ “Сабки ҳиндий” ни “чалкаш аллегорик сюжетли, керагидан ортиқ даражада тавиялаштирилган услуб”, деб таърифлайди.

Яна баъзи шундай фикрлар ҳам мавжудки, уларда таъкидланишича, “Ҳинд услуби” га Абдурахмон Жомий томонидан Ҳусайн Бойқаро саройида асос солиниб, кейин у Ҳиндистонда бобурийлар даврига келиб ўз давомчиларини топган.

Ё бўлмаса, академик А. Мирзоев эътирофича, “Ҳинд услуби” тожик адабиёти оқимларидан бири сифатида ҳинд заманида шаклланган” [ А. Мирзоев: 1963 ].

Ва ниҳоят, ушбу услуб устида махсус тадқиқот олиб борган З. Г. Ризаев хулосасига мувофиқ, “Ҳинд услуби” бевосита Навоий таъсири ва пантеистик тизими туфайли бунёд бўлган ва бу услуб Ҳиндистонда ўз давомчилари томонидан XVI асрнинг иккинчи ярмида ўзининг сарбаланд нуқтасига кўтарилган” [З.Г. Ризаев: 1971].

Агар баъзи олимларнинг “Ҳинд услуби” тўғрисидаги танқидий фикр-мулоҳазаларига келсак, бизнингча, уларга

муқобил йўсиндаги шундай бир мажозий савол билан мурожаат қилиш жоиз кўринади: “Расом санъати, унинг табиатдаги барча ранглари кўра билганлиги учунгина эмас, балки уларнинг омухта ҳолда қачон ва қандай жилоларда жилваланишини илғай олганлиги ва уларга қоғоз ёки матода “жон ато этиб”, томошабинлар кўзини қувонтирганлиги учун кадрли эмасми?”

Бобурийлар даврида Ҳиндистонда ҳинд, туркийзабон ва форсийзабон халқларнинг маънавияти ва эстетик завқининг қоришмасидан ҳосил бўлган бутунлай янгича турмуш ва тафаккур тарзи юзага келди. Негаки, Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар ва Эрондаги Сафавийлар салтанати даврида ушбу минтақанинг Темурийлар давридаги шон-шукуҳи, қудрат ва салоҳиятига дарз кетди: доимий хунрезликлар, жангу жадаллар ва низолар исканжасида қолган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи кескин ўзгарди – ночорчилик, қашшоқлик, доимий тазйиқ ва қувғинлар авж олди, маънавий ҳаёт таназулга юз тута бошлади, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши сусайди, ўз хомийларидан айрилган олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткор ва ҳунармандларнинг аҳволи оғирлашди.

Ана шундай вазиятда Бобур Ҳиндистонда барпо этган афсонавий, улғу салтанат даргоҳидан бошпана топиш, инсонпарвар, адабиётдўст ва санъатсевар бобурий шоҳлар ҳимояси остида ижод қилиш илинжи уларнинг жонига оро бўлди. Натижада, бир пайтлар илм-фан, маданият ва санъатнинг йирик марказлари бўлиб келган Самарқанду



Бухоро, Балху Ҳирот, Исфаҳону Нишопуру Шероз каби шаҳарлардан юзлаб, балки минглаб шоир, ёзувчи, тарихнавис, олим, меъмор, хаттот ва наққошлар оқимининг юксалиш ва кадр-қиймат топиш орзу-умиди юкланган карвонлари “Ҳинд сори юзланди” ва Бобурийлар салтанати ҳимоясида кўним топди. Мусулмон-ҳинд маданияти, санъати, эътиқоди ва кадрларининг энг сара дуру инжуларини ўзида мужассамлаштирган ушбу янги маданият ва маънавият доирасида Ҳиндистонда мингга яқин истеъдодли шоирлар, ёзувчилар, тарихнавислар, адабиётшунослар ва луғатшуносларни ўз ичига олган форс-тожик тилидаги кудратли янги бир адабиёт вужудга келди. Ушбу адабиёт таркибида эса шеърининг “Сабки ҳиндий” – ҳинд услуби деган ва олдинги хуросоний ва ироқий услублардан-да гўзалроқ, жозибалироқ ва шу билан бирга мураккаброқ янги бир шеърини услуб бор бўй-басти билан қад кўтариб, нафақат Ҳиндистон, балки бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларини ўз маънавий таъсири остига олди.

Ҳиндистонда Акбар ҳукмронлиги даврида, яъни XVI асрнинг иккинчи ярмида асли ўрта осийлик Урфий Шерозий, Назирий, Файзи Даканий сингари машҳур шоирларнинг номи билан боғлиқ адабий ҳамкорликнинг авж олиши “Сабки ҳиндий” – ҳинд услуби” нинг шаклланиш даври бўлди. Ва мазкур “услуб” келгусида кўплаб ҳиндистонлик ва ўрта осийлик шоирлар учун ижод мактаби вазифсини ўтади. “Ҳинд услуби” нинг XVIII аср охирига бориб ўрта осийлик шоирлар ижодидаги акс-садоси, икки минтақа орасидаги адабий алоқаларнинг янги қиррасига айланди. Шунингдек, ҳинд шоирлари Алифий Шомий, Тулун Кашмирий, Кимолӣ, Мирзо Маъсум Рамзий, Лоҳурий ва Жоний Қобулийларнинг Мовароуннаҳрга ташрифи ёки Файзи Даканийнинг “Кашмир” қасидасига жавобан Мурод Самарқандийнинг ёзган асари юқорида баён этилган ҳинд ва туркий халқлар

ижодий ҳамкорликларининг яна бир амалий кўриниши эди.

Шу тариқа “Ништари ишқ”, “Тазкират аш-шуаро”, “Нафоис ал-маосир” каби бир қатор тазкираларда номи зикр этилган олим ва шоирлар – Мирзо Боқий Анжумий, Қилич Муҳаммад Балхий, Гаюрий Ҳисорий, Жудойӣ, Сабухий, Чигатоӣ, Хўжа Ҳусайн, Мир Маъсумхон Беҳкорӣ, қози Муҳаммад Содик, Мир Абдулло – Васфий, Ханжарбек Чигатоӣ ва Қосим Арслонлар Ҳиндистон фани ва адабиётининг тараққиёти тарихида турфа асарлари билан ном қолдирдилар.

Жаҳонгирнинг ҳукмронлик йиллари билан боғлиқ адабий муҳит тарихида унинг Шоҳ Аббос билан яхши муносабати сабабли Шикебей, Анисий Шомлу, Зухурийдек машҳур шоирларнинг ташрифи сингари талай воқеалар ҳинд ерида Эрон маданиятини ўзининг энг юқори чўққисига эришганлиги рамзи сифатида зикр этилган. Шу вақтдаги Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон адабий алоқалари хусусида эса Чандунӣ, Сабрий ва Мутрибий ижодини кўрсатиш мумкин:

Чандунӣ - бухоролик “Малик уш - шуаро” Ҳасанхожа Нисорийнинг шогирдларидан бўлиб, у тирикчилик қийинчиликларидан Ҳиндистонга келгач, шахзода Салимнинг хизматида юрган чоғлари “Фитратий” таҳаллусида ижод қилган.

Роҳий – Мавлоно Ғазанфар Ҳиндистонда “Сабрий” таҳаллусида шеърлар ёзган. У ҳам шахзоданинг маъмурий хизматида бўлган кезлари, ўз даврининг машҳур шоири ва мутафаккири Тоқи Аҳводий билан дўстона муносабатда ҳамкорлик қилган.

Мовароуннаҳр заминида Камол Хўжандий, Хожа Исмаи; Эронда Ҳофиз Шерозий, Убайд Законий; Ҳиндистонда Ҳасан ва Хусрав Дехлавий каби санокли шоирлар моддий манфаат учун мадҳияхонлик ҳамда куруқ обрў-эътиборни қўлга киритиш учун шеърни сўз ўйинига айлантиришлардан ҳазар қилганлар.

Шу каби шоирлар туфайли аста-секинлик билан давр шеърлятида янги бир





жараён – шеър мазмун-моҳиятига янгилик киритиш, инсоннинг маънавий жиҳатдан покланиши, ўзлигини англаши каби илғор мақсадларга йўналиш юзага кела бошлаган эди. Шу жараён ўзининг табиий ривож асосида аста-секинлик билан кейинги асрларда янги сабк-услуб – Ўрта Осиёда, хусусан, Малехо Самарқандий томонидан “тарз услуби” деб номланган, сўнг “ҳиндий” ёхуд “бедил” услуб - сабк номини олган жараён ривожланиб шаклланган. Ишонч билан айтиш мумкинки, шу жараённинг ривожланишида илғор шоирлар қаторида Бисотийнинг ҳам алоҳида ўрни ва хизматлари катта. Бисотий шеъриятда янги услуб – “тарз шеъри” ёхуд “ҳиндий сабки” нинг ривожланишида хизмат қилган. Асрлар давомида уни энг буюк шоирлар қаторига киргизиб тазкирачилар ҳамда хаттотлар томонидан унинг терма шеърларини қайта-қайта кўчириб нусха олишлари бежиз эмас эди. Чунки шоир яшаб ижод қилган даврда узундан -узун қасидаларда мадҳиялар айтиш, илм-фан соҳаларининг омма тушунчасидан узоқ бўлган арабча истилоҳларидан фойдаланиш, шеърни турли сўз санъатлари билан тўлдириб тумтарок сўз ўйинларига айлантириш каби омиллар шеъриятни зерикарли бир соҳага, шоирлар обрўсини эса пастга урган бир давр эди.

Бисотий дунё бойлигини қўлга сув олганчалик омонат ҳолга ўхшатиб, дўстни қўлга киритишни ғанимат билиш ҳамда дўстларнинг ўз аҳдига вафо қилишини сувни қўлда ушлаб туриш каби қийинлигига ишора қилади ва шу тариқа бирданига иккита ташбеҳ яратади:

دامنش ديگر بساطی همچو آب از كف مده  
<sup>1</sup>گر به دست افتد چو ثروت پايبرجا دوستی.

Куйидаги байтда муҳаббатни нахл – хурмо дарахтига ўхшатган. У дейди, агар дарахтлар мевасини териб олсак тугайди ва яна мева бериши учун кейинги йилгача кутиш керак бўлади. Аммо муҳаббат дарахти бундай эмас: унинг мевасидан

қанча кўп териб олсак, шунча кўп янгидан-янги мевалар бераверади:

نخليست محبت كه از او ميوه مقصود  
 هر چند کسی بيش کند بيش بر آيد.

Ҳали ҳаётлигидаёқ Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон ва Озарбайжонда чуқур ҳурмат ва эътибор қозонган мутафаккир ва мутасаввиф шоир Мирзо Бедил XV аср охири Ҳиндистонда “Сабки ҳиндий”-мураккаб шеърий услубни юксак мақом ва мартабага кўтарган шоирдир.

Бедил ғазаллари форс-тожик шеъриятининг буюк ғазалнавис шоирлари – Рудакий, Аттор, Саъдий, Румий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Навоий, Соиб Табрзий, Калим Кошоний, Шавкат Бухорий ғазаллари билан бир қаторда туради. Унинг ғазаллари ташки жиҳатдан кўпроқ ишқий, аммо, моҳият жиҳатидан чуқур фалсафий, ирфоний, ахлоқий ва ижтимоий мазмун ва маънолар касб этади.

Бедил Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Аттор, Румий, Жомий ва Навоий сингари ниҳоят даражада сермахсул мутафаккир шоир ва ёзувчи бўлган.

Бедил таъкиб этишлардан қутулиш ва оғир пайтларда назмий ва насрий асарларида айтилган фалсафий ва ижтимоий фикр-мулоҳазаларини бошқача тарзда изоҳлаш, бошқа бир маънога ҳам буриш имкониятига эга бўлиш мақсадида ана шу мураккаб усулда ижод қилди. Натижада, мураккаб шеърий услуб – “Сабки ҳиндий”ни энг юксак чўккига кўтарди ва ушбу йўналишнинг энг ёрқин намоянчасига айланди. Бедилнинг ушбу услубдаги мақом ва мартабаси шу даражада эдики, ундан кейинги шоир ва олимлар гоҳида мазкур услубни “Сабки Бедил” – Бедил услуби номи билан ҳам аташган.

Бедил “сабки ҳиндий” да баракали ижод қилган .

ای خیال قامتت آه ضعیفانرا عصا  
 بر رخت آیینه هارا لغزش از جوش صفا.

Бедилнинг асарлари Марказий Осиё халқлари ўртасида жуда кенг тарқалди, айниқса, унинг қўлёзмалари XVII, XVIII, XIX асрларда ниҳоят даражада оммалашиб кетди.

مجموعه اشعار یازده نفر شعرای معروف. جنگ اشعار. کتابخانه  
 ص449مجلس شورای ملی. مؤسسه 1302 شماره دفتر. 12003.



Бедил юксак даражага кўтарган “сабки ҳиндий” мактаби Фигоний, Жомий, Навоий ва бошқаларнинг ижоди орқали бошлаб берилган бўлиб, Коҳий Кобулий, Ғаззолий Машҳадий, Файзий (ёки Фаёзий), Даканий, Урфий Шерозий, Толиб Омулий, Зухурий Туршизий, Сойиб Табризий, Муҳаммадқули Салим Техроний, Калим Кошоний, Назирий Нишобурий, Ғани Кашмирий, Носирали Сарҳиндий, Мирзо Жалол Асир, Шавкат Бухорий, Мазҳар Жони Жонон, Неъматхон Олий, Зебуннисобегим (Махфий), Мирзо Асадуллоҳ Ғолиб ва хатто Аллома Иқбол Лоҳурий ижоди орқали, шунингдек, Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Темурийлар сулоласига мансуб бўлган ҳукмдорлар ҳамда ушбу заминда яшаб ўтган илм ва маданият, адабиёт ва санъатга алоҳида ғамхўрлик қилган бошқа давлат арбобларининг кўллаб-қувватлашлари, ёрдамлари ва эътиборлари туфайли ўзининг камолига етган. Бедил ўз ижоди билан “сабки ҳиндий” услубини янги поғонага кўтаришга эришди, кўплаб издошлар ва мухлисларга эга бўлди. Унинг ижоди нафақат Ҳиндистон ва Марказий Осиёда, хусусан, Афғонистонда ҳам кенг

тарқалди. Бунинг натижаси ўлароқ, охириги юз йил давомида Афғонистон бедилшуносликнинг йирик марказига айланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “ҳинд услуби” ижодкорлари ўзларининг асарларида турли бадий санъатлар, мақсадли сўз ва иборалардан фойдаланиб мазмун ва шаклни бир-бирига мослаштирганлар. Ўзига хос ва бетакрор маҳоратлари билан янгидан-янги образлар яратганлар.

Ўқувчи фақат шоир билан дардкаш бўлиб қолмасдан маълум даражада ўзининг руҳий, ҳиссий туғёнларини, бошқача айтганда, ўзини шу шоир шеърлятида топади. Адабиётнинг асл мақсади ҳам нафақат муаллифнинг ўзлигини танишига, маънавий ўсишига кўмаклашиш, балки ўқувчининг маънавий-руҳий такомиллашувига эришиш ҳисобланади.

“Сабки ҳиндий” ижодкорлари асарларидаги инсон руҳияти тасвирининг ранго-ранглиги ва унинг ғазалхон қалбини ром эта олишидаги маҳорати, сўзсиз, ҳеч бир қилқалам соҳиби санъатидан қолишмайди.

#### Адабиётлар:

1. Низомиддинов Н. Бобурийлар даври Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти. – Тошкент: 2010 йил.
2. Алиев Г. Ю. Персоязычная литература Индии. – Москва: “Наука”, 1968.
3. Мирзоев А. Из истории литературных связей Маверауннахра и Индии во второй половине XVI – начале XVII в. – Москва: 1963.
4. Ризаев З. Г. Индийский стиль в поэзии фарси XVI – XVII вв.- Т.: “Фан”, 1971.

*Каримова С. Индийские приёмы в новой персидско-таджикской литературе. В статье исследуются индийские приёмы, использованные в персидско-таджикской литературе второй половины 16 века, достигшей пика своего развития.*

*Karimova S. Indian methods in the new Persian-Tajik literature. The article investigates Indian methods, used in Persian-Tajik literature in the second half of the 16<sup>th</sup> century, being on the top of its development.*



## SHE'RIYATDA AYOL QALBI

*Xalova Maftuna Abdusalomovna,  
SamDChTI dotsenti, filologiya fanlari doktori (PhD)*

**Kalit so'zlar:** yangicha ohang, ritm, turoq, lirik kechinma, munosabat, tashbeh, lirika, poetik olam, ayol qalbi, she'riyat dunyosi, mazmun, shakl, kechinma, tuyg'u, ilhom, iste'dod, badiiy mahorat, shoir shaxsi.

O'zbek adabiyoti har doim o'zining g'oyaviy mazmunining chuqurligi, hayot mazmuni masalalarini hal qilish uchun tinimsiz intilishi, insonga nisbatan insonparvarlik munosabati va uni tasvirlashning to'g'riligi bilan ajralib turadi. Qalam ahli o'zbek she'riyatida ayol obrazida, uning qalb kechinmalari orqali xalqimizning eng yaxshi xususiyatlarini ochib berishga harakat qildilar. Ayolga adabiyotda juda muhim va favqulodda rol berilgan. Ayol hayratga tushadi, ayol - ilhom manbai, u orzu qilingan orzu va dunyodagi eng ulug'vor timsol. Ayol bo'lmasa, adabiyot bo'lmasdi. Adabiyot, avvalo, ayolga atab, ayol uchun, uning ko'nglini olish, dilidagini bilish, ayol degan xilqat ne o'zi – shuni anglash uchun yaralgan. Jahon san'ati va adabiyotidagi eng go'zal va betakror san'at asarlarida ayol siymosi, uning tuyg'ulari mujassam. Ayolning betakror mehru muhabbati kishini hayratga soladi, zavq beradi, ilhom bag'ishlaydi.

O'zbek she'riyatida ichki olam qiyofasiga va ayol qalbining murakkab kechinmalariga juda katta e'tibor beriladi. Shuning bilan birga ayol qalbi tasviri erkak ijodkorlar she'riyatida ham, ayol ijodkorlar she'riyatida ham o'ziga xos tarzda voqelanadi. Adabiyotning tarixi, buguni va ertasini ayol obrazisiz, ularning go'zal siymolarisiz, qalblarining o'tli haroratisiz tasavvur eta olmaymiz. Ayol qalbining so'z san'atidagi tasviri, ayolning ijtimoiy holati uning oiladagi roli bilan bevosita bog'liqdir. Oila jamiyatning kichik birligidir va jamiyatdagi odamlarning munosabati, qarashlari, afzalliklari, xayollari tabiiy ravishda oiladagi muhitni aks ettiradi. Demak, o'zbek she'riyatida ayol qalbi, uning kechinmalari nozik ifodalanadi. Chunki

sharqona ruh, milliy o'ziga xosliklar o'zbek ayoli, o'zbek qizi qalbi orqali, ruhi orqali namoyon bo'ladi. Shora Zulfiya, Tursunoy Sodiqova, Oydin Hojiyeva, Gulchehra Jurayeva, Farida Afruz, Halima Xudoyberdiyeva, Halima Axmedova, Zebo Mirzo badiiy olamining butun go'zalliklari ularning qalbining yolqini bilan bo'g'liqdir. Jumladan, shoira Zulfiya ijodida ayolga ehtirom, onaga muhabbat mavzusi alohida o'ringa ega. Zulfiya ijodining turli davrlarida bu mavzuga qayta-qayta murojaat etganligini ko'rish mumkin. Natijada shoira Zulfiyaning "Ona", "Ona ko'ksi", "Mening mehribon onaginam" kabi she'rlarida, hattoki "Xotiram siniqlari" dostonida ham ayol muhabbati, ayol qalbi, ona mehri teran tasvirlangan. Ayol, sharqona ayol orzulari, intilishlari, nazokati shoira she'riyatining gultoji desak yanglishmagan bo'lamiz:

Kim tanimas bizning onalarni,  
Siz qaydan sezmayisiz issiq nafasini?  
O'lchab bo'larmikin ona mehrini,  
Tugatib bo'larmi aytib qissasini?

Shoira Zulfiyaning "Bizning onalar" she'ri iliq, roharbaxsh lirizm bilan sug'orilgan. Shoira ushbu she'rida ona qalbining go'zlligini onalikni his qilib tasvirlay olgandir. Uning mehri va muhabbatining betakrorligini o'z qalbidan his qilib qog'ozga tushirgan. Darhaqiqat, she'r uchun tugallik tushunchasi nisbiydir. Chunki asl she'r – hamisha suvratlangan ruhiyat. Ruhiyatning esa makonda ham, zamonda ham tugallanishi mumkin emas[5,545]. Xuddi mana shu kabi nisbatlarni shoira Zulfiya ijodida kuzatish mumkin. Shoiraning she'rlarini o'qigan inson, har bir she'rda Zulfiyaxonimni qalam tebratishga sabab bo'lgan nozik dil torlarini, qalb kechinmalarini anglab oladi. Bir ayol hayoti davomida uchragan yorug',



muhabbatga limmo – lim, quvonch – shodliklarga to'la kunlarni, ayanchli, g'am-anduh, ayriliq damlarni qog'ozga tushirgan satrlari orqali his qilish mumkin.

O'zbek she'riyatida nozik didli, betakror his qilish qobiliyatiga ega shoirlarimizdan biri Oydin Hojiyevadir. Oydin Hojiyeva she'rlarida o'zbek ayolining mehru muhabbati bilan birga uning ibosi, hayosi poetik ifodalangan. Oydin Hojiyeva she'rlarining lirik qahramoni ayol, ona. Ayol buyuk qalb egasi ekanligini, uning qalbiga butun olam sig'ajagi shoiraaning:

Tog'lar sendan o'rganar  
Sukunatni, bardoshni.  
Duoingdan el ko'karar,  
Qarg'ishing yorar toshni.  
Millatning jon tomiri  
Sen Vatanga timsolsan.  
Yurtning o'chmas chirog'i  
Momo Havo – Ayolsan...

Shoira nazdida ayol borliqning boshlanishi, asl manbayidir. Ayol – hayot tirgagi, urf-odatlarini davom ettiruvchi. Ayol allasi bilan olamni ulgaytiradi. Uning qalbi to'la go'zallik. Ayol qalbi bilan go'zallik egizak tushuncha deb bemalol e'tirof etish mumkin. Adabiyotshunos Abdug'afur Rasulov ta'biri bilan aytganda “She'rdagi shakl bir yon, undan chiqadigan ma'no bir yon. Muhimi, shoir zo'riqmasdan, chiranmasdan oddiy so'zlar orqali katta hayotiy falsafani ifodalab qo'ygan” [2,336]. Oydin Hojiyeva she'rlarida ona mehri, o'zbek ayoli, mehr-muhabbat, vafo va sadoqat, hayot va inson kabi mavzular asosiy o'rinni egallaydi:

Bilaman, seningsiz bahorim yo'q,  
Ham seningsiz qanoat, qarorim yo'q.  
Bu bir balo ishq, uning takrori yo'q,  
Hech jahonda sen kabi dildorim yo'q!<sup>2</sup>

Ijodkorning xayoli bilan yaratilgan va yaratgan ayol obrazini badiiy ijodning barcha janrlari va turlarida topish mumkin. Bu ijodkor badiiy olami mahsulidir. Aynan ayol ijodkor tomonidan yaratilgan ayol obrazi, uning qalb kechinmalari o'zgacha.

Asarning asosiy qahramoni bo'lmasdan ham, u ijod jarayonida qandaydir o'ziga xos belgi keltiradi. Va shu bilan birga, ayol har doim sir bilan o'ralgan bo'ladi, uning xatti-harakatlari chalkashlik va sarosimaga sabab bo'lishi mumkin. Ayol ruhiyatiga, uning qalbiga kirib borish, uni tushunish Olamning eng qadimiy sirlaridan birini yechish bilan barobardir. Chunki ayol siymosida sir yashirin. Bu esa ijodkordan katta mehnatni, fidoyilikni talab qiladi. Mana shunday ruh tarjimonlaridan biri Halima Xudoyberdiyevadir. Shoira ijodida chaqmoqday chaqnagan, momaqaldiroqdek gumburlagan, selday toshib kelgan she'rlar ko'p. Lekin, shoiraaning mana shunday she'rlari orasida ayol muhabbati, uning qudrati, nozik qalb egasi ekanligini ko'rsatuvchi she'rlari alohida mavqiega ega. Halima Xudoyberdiyeva inson yuragiga yaqin mavzularning yangi-yangi qirralarini ocha bordi. U Nodirabegim, Uvaysiy, To'marislar qiyofasiga kirdi. Shoira o'z she'rlarida “yurak shoirasiman...ayol muqaddas! — dedi va ayol uchun uning sha'ni-shavkati uchun madhiyalar aytdi. Ayolni o'z o'ziga o'z ovoziga ega bo'lgan shoirlar adabiyotimizning ko'rki va boyligidir. Kitob mutolaa qilayotganimizda biz bemalol Muhammad Yusuf yoki Iqbol Mirzo uslubini ajrata olamiz. Halima Xudoyberdiyeva ham xuddi shunday shoirlarimizdan hisoblanadi. Ya'ni o'z uslubiga, o'z badiiy olamiga ega shoiraadir. Halima Xudoyberdiyeva she'riyatining mavzu va ma'no ko'lami keng, teran. Uning she'rlarida ona - Vatan, ota-ona, ayol va bola mavzulari ustuvorlik qiladi. U tarjimon sifatida Fazu Aliyeva, Silva Kaputikyan, Ibrohim Yusupov kabi qardosh xalqlar shoirlari asarlarini ona tilimizga o'girdi. Halima Xudoyberdiyeva ruhiyati bu ayolning matonati, yashash uchun kurashdagi jasorati! U faqat o'xshatish emas. Bu she'riyat ayol qalb nidosi edi:

Halima Xudoyberdiyeva she'riyatga o'z ovozi bilan kirib keldi. She'riyatda o'z ovoziga ega bo'lgan shoirlar adabiyotimizning ko'rki va boyligidir. Kitob mutolaa qilayotganimizda biz bemalol Muhammad Yusuf yoki Iqbol Mirzo uslubini ajrata olamiz. Halima Xudoyberdiyeva ham xuddi shunday shoirlarimizdan hisoblanadi. Ya'ni o'z uslubiga, o'z badiiy olamiga ega shoiraadir. Halima Xudoyberdiyeva she'riyatining mavzu va ma'no ko'lami keng, teran. Uning she'rlarida ona - Vatan, ota-ona, ayol va bola mavzulari ustuvorlik qiladi. U tarjimon sifatida Fazu Aliyeva, Silva Kaputikyan, Ibrohim Yusupov kabi qardosh xalqlar shoirlari asarlarini ona tilimizga o'girdi. Halima Xudoyberdiyeva ruhiyati bu ayolning matonati, yashash uchun kurashdagi jasorati! U faqat o'xshatish emas. Bu she'riyat ayol qalb nidosi edi:

<sup>2</sup>Хожиева О. Наво. Шеърлар. Т., “Ёш гвардия”, 1977, 48-бет.



Onaginam!  
Dorilamon kunlar keldi, shafaqlari ol,  
Qayon boqsang, shaylanishlar va  
sozlashlar tor.

Olcha gulin ko'zlaringga surtasan  
behold,

“Bu kunlarga yetganlar bor,  
yetmaganlar bor”.

So'lg'in-so'lg'in lablaringdan  
ucharkan shu so'z,

Otaginam xayolimda rostlay boshlar  
qad.

Dorilamon kunlarga qayt, onam,  
yumib ko'z,

O'ksik dilda boshlanmasin desang  
qiyomat.

To'g'ri, so'z san'atida ota-onaga muhabbat, tabiat go'zalligi, halollik, bolalarni sevish, yovlarga nafrat... kabi o'nlab mavzular bor, bularning har biri ming yillardan beri yuzlab xalqlarning so'z san'atida chuqur, har taraflama ishlangan. Ammo, baribir, ularning hech biri ayol tasvirichalik ulug' mavqe kasb etmaydi. Chunki ayol go'zalligi, uning qalbining qat-qatidagi orzu-intilishlari olamlarga teng. Ayol qalbi doimo go'zallik sari intiladi. Go'zallik bilan payvastadir. Adabiy asarlarning eng mukammali, eng go'zali, jozibalisi ayol qalbiga atalgani, ona mehrini tarannum etganidir. Adabiyotdagi ayollar obrazi, u shu millatning fitratiga, davr ruhiga muvofiq aks etadi va idrok qilinadi. Shu bois ham, bir xil sharoitda bir xil harakat qiladigan xarakterlar har qaysi adabiyotda har xil gavdalanadi. Shu ma'noda shoirlar ayol obrazlarida xalqimizning eng yaxshi xususiyatlarini ochib berishga harakat qiladilar. Sodiq va

mehribon qablari, betakror ma'naviy go'zalligi bilan ajralib turadigan bunday go'zal va pokiza ayollar doimo ibrat namunasi sifatida gavdalanishadi:

Oy nimadir, bizlar oy edik,

Sohib aql, hur chiroy edik.

Hammadan tik qaytmas boy edik,

Toki tirik, toki xiromon –

Cho'lpon ekan onalarimiz.

O'q o'tmasdi ko'kragimizdan,

Yovlarimiz kelmasdi tizdan,

Isinardik o't yoqib muzdan,

Toki tirik o'lim bilmas jon,

Qalqon ekan onalarimiz.

Halima Xudoyberdiyeva she'rlariga teranroq razm solsak, biron she'ri biroviga o'xshamaydi. Uning she'rlarida qalbdan taralayotgan ayol muhabbati, mehri mujassam. Ayol bu ona, yaratuvchi, buyuk hilqat egasi. Uning qalbi nozik va shu noziklik qa'rida buyuklik mujassamdir. Ayol qalbining butun go'zalligini ayolgina yaxshi his qila oladi. Ayolning go'zalligi, uning mehru muhabbati haqida bir qancha shoirlar qalam tebratishgan. Lekin, ayol ijodkorlarimiz satridagi ayolning qalb kechinmalari o'zgacha jilvalangan.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, so'z san'ati bo'lmish badiiy adabiyotda ayol qalbi, uning kechinmalari doimo tarannum etilgan. Chunki adabiyot go'zal kechinmalar, orzu-intilishlarni o'zida mujassamlashtirgan san'atdir. Bu esa doimo ayol qalbi va uning kechmishi bilan bog'liqdir. Shu sababli ham she'riyatning eng go'zal namunalari ayollarni, ularning qalb tovlanishlarini tasvirlagan satrlardir.

### Adabiyotlar:

1. Норматов У. Ижод сеҳри. -Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007, 352 б.
2. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. -Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.- 336 б.
3. Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. – Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2006.- 168 б.
4. Худойбердиева Х. Йиллар нафаси. -Тошкент: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, -Т., 2016.- 127 б.
5. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.- 545 б.
6. Ҳожиева О. Наво. Шеърлар. -Т.: “Ёш гвардия”, 1977.- 48-бет.





7. Ҳожиева О. Тўрт танҳо.-Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

*Халова М. Душа женщины в поэзии. Состояние души в поэзии. В статье описывается состояние души женщины в поэтических произведениях и изображения её в творчестве поэтов. Женская душа, её тонкости анализируются на основе стихов поэтесс. Поэтическое выражение состояния женской души в своеобразной форме в произведениях поэтесс, описывается автором.*

*Khalova M. The woman's soul in poetry. The soul of the woman in Poetry. The article provides information about the statement of the woman's soul in poetic works and its appearance in creator's works. The woman's soul, its subtleties, is analyzed through the poems of poetess. The statements of woman's soul in a unique way in the poetry of poetess, is revealed by the author.*



## КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР

*Шомуродова Шахло Жаҳоновна,*

*СамДЧТИ доценти, филология фанлари доктори (PhD)*

*Калит сўзлар:* концептуал метафора, метафоралашши, когнитив метафора, концепт, когнитив ёндашув.

Когнитив лингвистика нуқтаи назаридан олиб қаралганда, метафора бирор бир концептни бошқа бир концепт орқали тушунишни англатади. Ҳозирги кунда когнитив метафора назарияси метафоралашши жараёнида *манба (source)* ва *мақсаднинг (target)* когнитив жиҳатдан ўзаро муносабатга киришуви қандай йўл билан кечишини тўлиқ асослаб бера олмайди. Бунинг асосий сабаби метафоранинг қўлланилишида мақсадни ифодаловчи билимларни баён қилишда умумий қоидаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда маълумотларни қайта ишлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги саналади. Маълумки, сўзловчининг А тушунча ҳақидаги фикрини В орқали ифодалаш ҳамда тингловчининг билдирилган фикрнинг асл моҳиятини тўлақонли англай олиши мураккаб жараёни шакллантиради. Бунда *манбава мақсад* ўртасидаги ўзаро узвий мутаносибликларнинг мос келиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга [Kövecses, 2005;3]. Чунки В концептни ташкил этувчи концептуал бирликлар А концептни ташкил этувчи элементларга мос келади. Масалан, юзага келадиган фикрлар ёки ғояларни маънавий озуқа концептига таққосланса, ижтимоий ташкилот ёки тузилмаларни ўсимлик концепти билан қиёсланади, назарий ғоялар бино концептига асосланади, ҳаёт тушунчаси саёҳат концепти орқали тушунтирилади ва мазкур чоғиштиришда ушбу мутаносибликлар яққол намоён бўлади.

Метафоралар одатда моддий, жисмоний, ижтимоий, маънавий асосларга эга бўлиши мумкин. Масалан, *бахт* тушунчаси маънавий жиҳатдан *хурсандчилик*, жисмоний жиҳатдан *юздаги табассум* ва *хатти-ҳаракатлар*,

ижтимоий жиҳатдан *жамиятдаги мавқе* каби тушунчалар билан боғланади. Умумий метафорик концептуал тизим ўзаро мутаносиблик тамойилига амал қилиб, нутқ вазиятига боғланган ҳолда ифода планига кўчади ҳамда у ёки бу асоснинг танланишини белгилаб беради. Юқоридаги фикрларнинг исботи ўларок, *Happy is up* метафораси *Good is up* ва *Healthy is up* метафоралари билан ўзаро боғлиқликни вужудга келтиради. Умуман олганда, концептуал метафоралар бевосита инсон фаолиятининг, дунёқарашининг ва билимининг лисоний акс этиши сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам турли объект ва ходисаларга алоқадор концептуал метафоралар юзага келади. Мазкур метафоралар биринчи навбатда этник, миллий-маданий, менталитет, ўша этнос истиқомат қиладиган табиий шароитга мос равишда шаклланади. Аммо, шундай бўлса-да, барча маданиятларга хос концептлар ҳам мавжуд. Мазкур концептлардан бири “инсон” тушунчаси бўлиб, у дунё тиллари ва маданиятлари кесимида энг кўп учраши исботланган. Жумладан, инсон тана аъзолари акс этадиган метафораларни мисол сифатида келтириш мумкин: *The body of a man is not a home but an inn* [Sommer, Weiss, 2001;46], *Our bodies are gardens to which our wills the gardeners* [Sommer, Weiss, 2001;45] каби мисоллар концептуал метафоралар ақлий фаолият, ижтимоий онг ва тафаккур маҳсули эканлигининг яққол намуналари сифатида хизмат қилади. Ўзбек тилида *соғ танда соғлом* ақллекстик бирлиги таҳлил этилса, *соғ тана* манба сифатида *соғлом* ақл мақсад сифатида алоқага киришиши натижасида метафоралашши жараёни вужудга келадиганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Мазкур мисолда соғ тана соғлом



ақлга нисбатан ҳам маънавий, ҳам маърифий, ҳам жисмоний хусусиятларни қамраб олган ҳолда бевосита ва билвосита манба сифатида хизмат қилмоқда. Ушбу мисолнинг инглиз тилидаги эквиваленти сифатида *The healthy body is a guest chamber for the soul, a sick body is a prison* [Sommer, Weiss, 2001;45] метафорасини келтириш мумкин. Рус тилида инсон ижтимоий фаолиятини тасвирлашда бу каби метафоралар кўп учрайди. Жумладан, дўстлик концептини тасвирлашда *рука об руку*, адолат концептига *око за око, зуб за зуб*, сукут концептига *держатъ язык за зубами*, дангасаликни ифодалаш учун *палец о палец не ударить* каби метафоралар кенг қўлланилади.

Метафоралаштириш билимларнинг ички таркибига кирувчи манба ҳамда мақсад каби когнитив структураларининг ўзаро муносабатига асосланади. Метафоралаштириш жараёнида “мақсад”нинг айрим хусусиятлари “манба”нинг хусусиятларига мослашади. Бошқача қилиб айтганда, “метафорик проекция” (metaphorical mapping) ёки “когнитив кўриниш” (cognitive mapping) вужудга келади. Манба (source) таркибида мақсаднинг (target) қисман акс этиши инвариантлик гипотезаси атамаси билан юритилади [Kövecses, 2005:4].

Ж.Лакоффнинг таъкидлашича, “...метафора бизга мавҳум ёки ўз табиатига кўра тушунарсиз бўлган нарсаларни тушуниш имкониятини беради” [Lakoff, 1980;10]. Мазкур мулоҳаза асосланган ҳолда когнитив нуқтаи назардан метафорада манбага инсон ҳаётининг тажрибаларининг жамланмаси сифатида қараш мумкин.

Масалан, *They are not going anywhere* гапида *to go somewhere* тушунчаси тақдир йўлларида юришни англатгани ҳолда, мазкур гапда айнан манзили аниқ бўлмаган мақсад тушунчаси ифодаланган. Шунга кўра, мазкур метафора Ж.Лакофф келтирган *Love is a journey* концептуал метафораси туркумига киритилади [Lakoff, 1980;25]. Чунки гап саёҳат тушунчасининг 3 та таркибий унсурларини, яъни саёҳатчилар, саёҳат,

манзил ёки тақдир каби таркибий қисмларни ўзида мужассам эта олган. Юқоридаги мисолнинг туб моҳияти контекст таркибида тўлиқ намоён бўлади ва таркибий элементлар қуйидаги талқинда англашилади:

Саёҳатчилар → севишганлар

Саёҳат → севги йўлидаги воқеа-ҳодисалар

Манзил → ишқий муосабатдан кўзланган мақсад

Юқоридаги мисолда асос тушунча мақсад тушунча билан тўла мутаносибликни вужудга келтирган. Жумладан, *Бу йўл машаққатларга тўла гапи орқали англашиладиган концептуал маънони фақатгина муайян контекст орқали изоҳлашимиз мумкин. Контекстга кўра машаққат:*

а). Илм йўлидаги машаққат;

б). Ҳаёт йўлидаги қийинчилик;

в). Севги йўлидаги тўсиқлар ва ҳоказоларни англашиши мумкин. Шунга кўра бу каби метафоралар кўпгина тилшунослар томонидан (Ж.Лакофф, Н.Купина, И.Крилова, С.Норманд, М.Жонсон, Ю.Нинг, Ю.Матсуки ва бошқалар) концептуал метафоралар сифатида талқин этилади.

Ж. Лакофф ўзининг “Metaphors we live by” номли китобида метафораларни когнитив нуқтаи назардан ўрганишнинг асосларини баён қилган [Lakoff, 1980;5]. Аммо, когнитив ёндашувнинг асосий моҳиятини очиб берувчи тамойилларга шу кунга қадар фақатгина мазмуний жиҳатдан ёндашилган. Когнитив метафора назариясининг асосий тезисига кўра метафоралаштириш жараёни замирида маълумот (билим)лар – фрейм ва сценарийлар – структурасини қайта ишлаш тизими ётади. Фрейм ва сценарийлар кўринишида намоён бўлувчи билим инсоннинг уни ўраб турган олам (ижтимоий ва материал) билан муносабатга киришувида юзага келувчи умумлашган тажриба маҳсули саналади. Инсоннинг материал олам билан муносабатга киришувининг ҳосиласи бўлган онтологик метафоралар кўринишида тилда акс этувчи тил





бирликлари бу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Муайян бир жамиятнинг тили ва маданиятидан ўрин олган манба ва мақсад ўртасидаги турғун мутаносибликлар “концептуал метафоралар” сифатида тан олинган. Европа халқлари маданиятидан ўрин олган метафораларга *Вақт бу пул*, *Баҳс бу уруш*, *Ҳаёт бу саёҳат* кабиларни киритиш мумкин. Аммо, Осиё, жумладан, ўзбек маданиятида концептуал жиҳатдан фарқланишни кузатиш мумкин. Мисол учун, ўзбек лингвوماданиятида вақт тушунчаси кўп ҳолатда инсон умри билан киёсланади. Умр-оқар дарё, Вақт ўткинчи каби мисоллар миллий менталитетнинг акси сифатида йиллар давомида шаклланган.

Когнитив метафора назарияси ҳозирги кунда турли хил йўналишларда ривожланмоқда. Улардан бири бу дескриптив метафора назарияси саналади. Дескриптив метафора назариясига кўра, метафора бир нечта сигнификатив ва денотатив дескриптор (тасвирловчи) лардан ташкил топган ҳолда метафоралашган проекциянинг манба ва мақсадни ўзида мужассам этади. Масалан, *Қонунлар жанги* метафораси икки элементли (унсурли) қурилма ҳисобланади, яъни “жанг” ва “қонунчилик фаолияти, қонунчилик”ни қамраб олади. Бунда биринчи дескриптор “жанг” – сигнификат бўлса, иккинчи дескрипторлар “қонунчилик фаолияти ва қонунчилик” денотатив маънода келади. Мавзу уйғунлигига кўра бир бирига боғланган сигнификатив дескрипторлар “метафоралашган моделлар” (м-модел)ни ташкил қилади. Бир илдизли манбалар қисман инсоннинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қисман семантик нуқтаи назардан метафорик моделни юзага келтиради. Бу ҳолатда м-модел дескриптив метафора назариясига кўра “тилнинг метафорик моделини” ҳосил қилади.

Когнитив метафора назариясида асосий ўринлардан бирини муайян бир маданиятда борлиқни инсон томонидан англаш йўллари изохловчи концептуал

метафоралар эгаллайди. Дескриптив метафора назариясига кўра концептуал метафоралар *м-модел* таркибига кирувчи тасвирловчи жуфтлик, яъни сигнификатив ҳамда денотатив дескрипторларни ҳосил қилади.

Метафораларни изчил тадқиқ этиш турли хил дискурс доирасида кўплаб таҳлилларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Бу каби ишлар инглиз тилшунослигида “тилни танқидий ўрганиш” тенденциясига тўртки берди. Халқ тилида умумистеъмолда бўлган метафораларнинг қўлланилишини илмий жиҳатдан асослашда дискурсив жиҳатдан метафоралашган моделларини тўлиқ ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун метафораларни алоҳида танлаб олган ҳолда эмас, балки аралаш ҳолда таҳлил этиш кейинги вақтларда кўп учрамоқда ва ушбу ишларнинг натижаларини статистик нуқтаи назардан илмий асосланган деб ҳисоблаш мумкин.

Метафоранинг когнитив функцияларидан бири, бу унинг қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатишидир. Замонавий тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилиш жараёни қуйидаги асосий босқичларга бўлинади:

1. Муаммоли вазиятни англаш;
2. Муаммони ечишнинг альтернатив йўллари аниқлаш;
3. Альтернатив вариантларни ўзаро баҳолаш;
4. Муқобил вариантни танлаш, яъни қарор қабул қилиш [Kövecses, 2005;12].

Метафора қарор қабул қилишнинг ҳар қандай босқичига у ёки бу даражада таъсир этса-да, муаммоли вазиятни ҳал қилишнинг муқобил вариантларини шакллантиришда асосий аҳамиятни касб этади.

Нутқда метафоралашган моделларнинг уйғунлиги бу когнитив системанинг яхлит ҳолда йўлга қўйилишининг омилларидан саналади. Шунга кўра янги метафоралар ўзига хос миллий-маданий дунёқараш асосида шаклланган ижтимоий қарашлар, ҳаётий



тажрибалар маҳсули ҳам ҳисобланади. Аммо, янги метафораларнинг яратилишида ўзига хос қонун-қоидалар мавжудлигига ҳозирга қадар ойдинлик киритилмаган. Жумладан, Карбонелл метафорани компьютер моделлаштиришда тил белгиларини тўғридан-тўғри тушуниш имконияти бўлмагандагина турғун бирикмали матнни (шу жумладан, метафораларни ҳам) махсус қоидалар орқали таҳлил этишни таклиф этади [Carbonell, 1981].

Объектлар ўртасидаги ўрғасидаги ўхшашликлардан фойдаланган ҳолда фикрларни ифодалаш жараёнида ушбу предметларнинг ўхшаш хусусиятларини аниқлаш муайян муаммоли вазиятда янги тил бирликларининг пайдо бўлишига ҳам замин яратади. Шунга кўра, метафоралар нафақат бизнинг кундалик ҳаётимизга, тилимизга, балки тафаккуримиз ва фаолиятимизни бойитишга хизмат қилади. Инсоннинг фикрлаш жараёнини бошқараётган тушунчалар шунчаки онг маҳсули бўлиб қолмасдан, балки тилда мавжуд далилларга таянган ҳолда юзага келади. Шунинг учун ҳам биз амал қилаётган концептуал системанинг катта қисми метафорик хусусиятга эга, деб баҳолаш мумкин.

Психоллингвистик нуқтаи назардан олиб қаралганда, инсоннинг фикрлаши, умуман, тафаккур жараёни метафоралашган хусусиятга эга. Бу инсоннинг ўз фикр ва муносабатларини билдиришда концептуал метафораларга таянган ҳолда иш юритишини, қарорлар қабул қилиш жараёнида улардан фойдаланишни англатади. Шунга кўра, метафоралар тажриба маҳсули сифатида тан олинади. Чунки тилдаги мавжуд метафоралашган бирликлар тузилиши жиҳатидан метафорик тушунчалар билан узвий боғлиқ. Метафорик тушунчалар концептуал тизимга таянган ҳолда инсон фаолиятининг табиатини тўлиқ ифодалайди. Юқоридагиларга амал қилган ҳолда замонавий тилларда кенг тарқалган *Вақт бу бойлик* метафорик концептини таҳлил қиладиган бўлсак, бу миллий менталитетга боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Жумладан, ўзбек маданиятида ушбу концепт инглиз ва рус тилларидаги *Time is money/ Время это деньги* концептларидан фарқ қилади. Жумладан, ўзбек маданиятида *вақт* тушунчаси тўғридан-тўғри бойлик маъносига эмас балки, инсон умри ҳамда берилган вақтдан унумли фойдаланиш мазмунидаги концептни англатади. Қуйида *Вақт бу бойлик* метафораси билан боғланган мисоллар келтирилади:

1. Вақтинг кетди-нақдинг кетди (Асосий концепт- пул).

2. Сенинг давринг (вақтинг) ўтди (Асосий концепт - умр).

Представляется необходимым отдельно рассмотреть значимость графических средств как репрезентации авторской позиции на том основании, что они являются наименее изученными в стилистике, в частности в декодировании английского языка. В последнее время данному вопросу начинают уделять большое внимание. В этом плане необходимо отметить работы Н.М. Джусупова [2;3], концепция которого принята нами за основу. Графическое акцентирование обеспечивает концентрацию внимания адресата на определенных фрагментах текста художественного произведения, активизацию определенных участков знания в когнитивной структуре того или иного концептуально значимого элемента текста, и в итоге способствует реализации авторской интенции.

Графические средства, как отмечают исследователи, прежде всего направлены на выражение эмоционального состояния персонажа, на создания эмфазы, а также подтекста [1, 227 с.; 2; 3; 4]. Более того, графические средства способствуют созданию дополнительной информации – смысловой, стилистической и эстетической, тем самым увеличивая содержательную емкость художественного текста [3, 23 с.].

К индивидуально-авторским графическим средствам акцентирования, наиболее часто используемым в художественном дискурсе, относятся следующие:

а) графические средства, характеризующиеся особенностью

написания (шрифта): заглавные буквы, выделение слов и предложений курсивом, написание целых слов и предложений заглавными буквами, выделение слов жирным шрифтом; пробелы (между словами, главами, абзацами), использование разных форм геометрических фигур, использование цвета;

б) средства пунктуации: восклицательный знак, вопросительный знак, многоточие, эмоциональные паузы, отмеченные тире, кавычки, скобки, дефисация, отсутствие точек и т.д. [1; 2; 3; 4; 5; 6].

Как показал практический материал, использование разнообразных графических средств выполняет весьма весомую роль при передаче эмоционального состояния персонажа. Типичным для разговорной речи высказываниям свойственна эмоциональность, а значит, она присуща и художественному диалогу. Диалогическая речь часто бывает эмоциональной по характеру, и поэтому обладает широкими возможностями для раскрытия образов персонажей.

### **Заглавные буквы**

–WILL YOU MARRY ME? WILL YOU? I WILL WAIT FOREVER.

– Oh, I don't know (*Keyes «Last chance saloon» p. 7*);

– GET OUT. GET OUT. ALL OF YOU. NOW I WILL NOT...HAVE MY PATIENCES USED AS FASHION ACCESSORIES.

– Be calm....(N.Hornby «The road up and down», p. 19);



– *Minnie, MINNI-EEE, DO YOU HEAR, Minnie?* (H. Laurell «The killing dance», p. 45).

Представленные прописные буквы в этих предложениях показывают значимость и важность фрагментов текста. Они определяют интонацию и тон персонажей, дают представление об обстановке происходящего. Выделение целых предложений прописными буквами в данных примерах служит не только своеобразным текстовым сигналом особой значимости содержания транслируемой информации, но и в совокупности с другими стилистическими средствами (повтор, сравнение, эмфатические конструкции) передает высокую степень эмоционального напряжения.

#### Курсив

a) – All of it *terrible, dirty tricks*. Let me be alone;

b)– *What? What did your just say? ...*

– Go away? (Vincenzi «The road», p. 12).

c) – Do let's have tea, under the oak tree when they come; I *know* they'd like it best.

– You mean *you'd* like it best.

– No, *they* would, to please me (J.Galsworthy «Awakening», p. 17).

d) – You *are* a baby, Robert.

– What you said? (J.B.Priestley «Dangerous corner», p. 45).

Использование курсива в данных примерах способствует не только логическому, но и эмоциональному усилению выделенных слов, что свидетельствует о стремлении персонажа акцентировать внимание на наиболее концептуально-значимых элементах текста.

Особенно важная роль в ряду графических средств занимает **пунктуация**. В ХД пунктуация выполняет функции выражения авторской модальности и интенциональности, имплицитности, эмоциональности, оценочности, которую ожидают от читателя. Пунктуация также отражает и ритмико-мелодическое композицию речи [1, 227 с.]. Однако акцент сделан именно

на эмоциональную функцию графических средств, так как эта функция является преобладающей. Большое значение для передачи эмоционального состояния персонажа в диалоге имеют вопросительные и восклицательные знаки.

a)– *Good? Good? Are you going to give me a gold star? Or grade me? What do I get? Eight or ten? B minus? C plus?*

– *I don't catch...* (N. Hornby «How to be good», p. 122).

b) – *Have you heard this?*

– *About what? Christ! What the hell did he find to talk about with you? He's a man's man – what the hell did you discuss with him besides me? Your cellulite? Your eye jobs and face – lefts? Shopping? Your nutritionist?* (Ravenhill «Shopping», p. 8).

c) – *Jesus. What's the matter with you? Are you some sort of emotional cripple? Hmmm? Is that what you are? Hmmm? Answer me? are you an emotional cripple or are you not?* (N.Hornby «The road up and down» p. 34)

Наряду с вопросительным знаком большую нагрузку в прямой речи персонажей несет восклицательный знак. Частотность использования восклицательного знака свидетельствует об эмоциональности высказывания:

a) – *Shut up, you maniac psychotic!...Turnthatoff! Turn it off! Off! Stop!...Idiot!...Idiot! Fool!*

– *Stop up!.....* (Raven hill «Shopping» p. 56).

b) – *Liar! I know – I know everything!*

– *What you mean....* (Keyes «Last chance saloon» p. 223)

Восклицательный знак часто используется писателями рядом с вопросительным для создания контраста:

– *Are you insane? Are you calling me a convict? If I hadn't agreed to do this it would be you and Donald in jail!.. But Tom, this is when I need you the most! I need your love, I need your support! You can't abandon me now!.. You were a nobody when I met you!... You are a lily-livered coward of a nobody!*

– *Please stop talking nonsense....* (Ravenhill «Shopping» p. 49)





Восклицательный знак всегда является признаком эмоциональности, выражает сильные чувства, такие как удивление, восторг, негодование. При этом нужно отметить, что восклицательный знак в драме встречается чаще, чем в прозе.

Кроме восклицательного и вопросительного знака, авторы нередко используют тире, для того чтобы отметить эмоциональные паузы:

а) – *Shut up! Who let them in?! It's unfortunate you wandered in? but that's life – full of ironies – some of them pleasant? Some rather ugly – I've never thought life was a gift – it's a burden – a sentence – cruel and unusual punishment – everybody say your prayers.* (Keyes «Last chance saloon» p. 221).

б) – *Is friendship enough for it in your mind?....*

– *'Yes, it is. In marriage one has got to have—well—friendships with other people. This suspicious attitude is all wrong. I—I can't speak to a pretty woman without your jumping to the conclusion that I'm in love with her—'.* (Agatha Christie «Evil under the sun» p. 189).

с) – *I'm shaking like a leaf! I'm trembling? I feel faint! Howard wanted to kill us – both – first me and then himself – his father's pistol – a souvenir – but – but – it jammed...* (N.Hornby «Howtobegood» p. 15)

Эмоциональные паузы, как правило, отражают нерешительность, смущение, нервозность, недоумение, неловкость, возмущение, раздражение, гнев персонажа. Помимо тире, эмоциональные паузы могут быть отмечены многоточиями, передавая стилистическую палитру эмоций такие как, нерешительность, неуверенность, смущение, нервозность персонажа:

а) – *I don't want you leave me alone, Carol. ... I'm a person who can't be alone, Carol. ... I'm scared - ... I think life is a black hole. ... It's unbearable! I don't want to live!...It's all so squalid and meaningless!...I'm frightened...I want to die.*

– *I'm not going to leave you, darling...* (Keyes «Last chance saloon», p. 39).

б) – *Lola – yes...I don't know what happened...we were disconnected...oh no...I was about to say...I called because I miss you and I'll pick you up at work and we can walk home together ...I love you ...I love you...*

– *Are you well...* (Ravenhill «Shopping» p. 59).

Паузы и соответственно многоточия отражают эмоциональное состояние ДЛ персонажей. В данных примерах персонажи используют фрагментарные неполные предложения и после каждой короткой реплики делают паузу, что выражено многочисленными многоточиями. В первом примере персонаж намерено прерывает свою речь, так как под будучи в эмоциональном состоянии или из соображений тактичности, предполагая, что может выдать какой-то секрет использует неполные, прерывистые предложения, предпочитает, чтобы собеседник догадался сам. Во втором примере многоточия указывают на затянутые паузы перед каким-нибудь важным словом или случаем для того, чтобы привлечь внимание, акцентировать значение. При этом они сочетаются с заполнителями типа yes, oh, no. Таким образом, можно сделать вывод, что персонажи сильно взволнованы, смущены и напуганы.

Как отмечалось ранее, речь персонажей представляет собой стилизацию особенностей живой разговорной речи. В письменной форме эти особенности прежде всего передаются знаками препинания, и в первую очередь, таким простым знаком препинания, как точка.

Одним из наиболее интересных приемов, как мы говорили выше, является парцелляция, которая характеризуется разрывом целого предложения или слов неожиданными точками для эмоционального усиления мысли:

– *Don't be upset, you exaggerating facts, everything is OK.*

– *I'm bald. Look at it. It's like a horror film. I'm grisly looking. I'm. Griz. Lee. Look.*



*Ing. I'm. Griz. Lee. Ing. I'm. Griz. Lee. Look. Ing. I'm. Griz. Lee. Look. Ing(Keyses «Last chance saloon»).*

Неожиданные точки показывают, что слова произносятся четко, отрывисто и что после каждого слова делается намеренная пауза. Благодаря разрыву целого предложения или даже слова неожиданными точками, а также использованию заглавных букв автор передает эмоциональное напряжение персонажей. Они расстроены, рассержены или взволнованы. Во всех перечисленных выше случаях информация эмоционального характера является имплицитной.

Рассмотрим примеры варьирования шрифта — курсива и прописных букв — в тексте романа С. Моэма “The Painted veil”, отражающие индивидуально авторскую картину мира. Прежде всего, нам представляет большой интерес эпиграф данного романа, который выделен курсивом и заглавными буквами в лексеме LIFE.

***“...the Painted Veil which those who live call LIFE.”***

Этистрокизаимствованы из сонета П. Б. Шелли, который начинается со слов: «Lift not the *painted veil* which those who live / Call Life». На передний план в данном контексте выдвигаются именно индивидуально-авторские графические средства, обусловленные особенностями написания шрифта — курсива и заглавных букв. Использование курсива и заглавных букв в данном примере способствует не только логическому, но и эмоциональному усилению выделенных слов, что свидетельствует о стремлении автора акцентировать внимание на наиболее концептуально-значимых элементах текста. Графическое выделение слова LIFE и Painted Veil придает ему дополнительную смысловую информацию, в результате чего наращивается общий информативный потенциал всего словосочетания *painted veil*, что чрезвычайно важно для отражения компонентов концептуального содержания произведения. Специфика графического

выделения слова в данном случае обусловлена тем, что сочетание слов *painted veil* изначально является концептуально значимым элементом в контексте, так как оно представлено в сильной позиции — в составе заглавия произведения. В связи с этим графическое выделение слова LIFE в определенной степени служит одним из стилистических маркеров выражения когнитивно-концептуальной сущности словосочетания PAINTEDVEIL.

Использование аллюзивного заголовка эпиграфа активизирует структуры знаний, в данном случае литературного характера, которые, проникая в концептуальное пространство текста, способствуют их концептуальной интеграции и созданию концептуального бленда.

Следующие примеры заглавных букв показывают также концептуальную значимость фрагментов текста.

*Because he had dressed a DOLL in gorgeous robes and set her in a sanctuary to worship her, and then discovered that the DOLL was filled with sawdust he could neither forgive himself nor her, it was deceitful, fraudulent and sham.*

Данное графическое средство представлено заглавными буквами, используется в авторской речи, они направлены на характеристику персонажа и выражения авторской модальности. Выделенное слово Doll служит своеобразным текстовым сигналом, его особой значимости и в совокупности с другими стилистическими средствами (градация, эпитет, сравнение, эмфатические конструкции) передает негативную авторскую оценку главного персонажа (*sham, deceitful, fraudulent*).

В следующем отрывке наблюдается использование курсива, что также является концептуально значимым. Выделенная курсивом фраза в тексте произведения приобретает глубокий концептуальный смысл, который может быть проинтерпретирован как угрызение совести человека, который не сумел простить и забыть боль измены близкого человека.





But he spoke quite clearly. "The dog it was that died." She stayed as still as though she were turned to stone. She could not understand and gazed at him in terrified perplexity. It was meaningless. Delirium. He had not understood a word she said. It was impossible to be so still and yet to live. She stared. His eyes were open. She could not tell if he breathed. She began to grow frightened. "Walter," she whispered. "Walter."

Автор курсивом выделяет предложение *The dog it was that died* и тем самым фокусирует внимание адресата на концептуальную информацию, транслируемую в данном речевом отрезке, т.е. кульминацией романа становится смерть Уолтера, который, желая наказать свою жену, так безжалостно растоптавшую его любовь, лишает ее прощения и умирает, унося с собой в могилу боль и разочарование. Выделенная курсивом фраза «*The dog it was that died*», является аллюзией на известную элегию О. Голдсмита, в которой бешеная собака кусает человека, из-за чего ему пророчат неминуемую смерть, но в итоге умирает сама собака, а человек остается жив и несет в себе глубокий концептуальный смысл: любая месть независимо от степени ее справедливости является злом.

Особенно важное место в ряду графических стилистических средств принадлежит пунктуации, а) в передаче эмоционального состояния (эмоциональные паузы, иронию и т.д.); б) в передаче авторской модальности; в) в намеке на подтекст; д) в подсказке эмоциональной реакции, которую ожидают от читателя.

«Hang it all, I'm not a stick or stone... After all, we are only human»...

«I don't feel human. I feel like an animal. A pig or rabbit or a dog. Oh, I don't blame you, I was just as bad. I yielded to you because I wanted you.... But it wasn't real me. I'm not that hateful, beastly, lustful woman. I disown her. It wasn't me that lay on the bed panting for you when my husband was hardly cold in his grave and your wife had been so kind to me, so indescribably kind..... It was only the animal in me, dark and fearful

like an evil spirit, and I disown, and hate, and despise it.... And ever since, when I've thought of it, my gorge rises and I feel that I must vomit» (p. 234).

Использование в данном монологе эмоциональных пауз, оформленных многоточием, направлено на выражение внутреннего психологического состояния персонажа в момент раскаяния, осознание бесцельности жизни и внутренней душевной опустошенности.

Особого внимания заслуживают восклицательный и вопросительный знаки. Сама насыщенность ими текста свидетельствует о его эмоциональности, как это видно из следующего отрывка, взятого из диалогической речи:

«Let me **frank** just this once, Father. I've been **foolish and wicked and hateful**. I've been **terribly punished, am I?** I'm determined to save my daughter from all that. I want her to **be fearless and frank!** I want her to be a person, **independent** of others she is possessed of herself, and I want her to take life like **a free man a better job of it than I have!**».

«Why, my love, you talk as though you were fifty, you mustn't be **down-hearted!**». (p. 248)

Восклицательные знаки помогают в данном примере усилить смысловые и экспрессивные оттенки значений. В данном примере используются семантические группировки слов, связанные с описанием внутреннего, психологического состояния человека (*confusion, madness, shock, uneasiness, eagerness, indifferent, immobility, hope, courage, grateful, injustice, fearless, frank, weak, independent, frivolous*). С точки зрения содержания здесь преобладают слова, обозначающие и выражающие чувства одиночества, ужаса, страха, тревоги (*worthless, terrible, self-sacrificing, unfaithful, insignificant, disproportion, absurd, silly, frivolous, wicked, hateful, lonely, miserable, unkind*). В анализируемом примере эмоциональное воздействие достигает наивысшей точки, во-первых, за счет использования отрицательных аффиксов, обладающих большим



стилистическим потенциалом [1, 74 с.], во-вторых, высокой частотности их употребления. В большинстве своем здесь представлены прилагательные и наречия, относящиеся к эмоциональной и оценочной лексике, роль которых в представлении концептуальной картины мира трудно переоценить. Очень важно также подчеркнуть, что восклицательные и вопросительные предложения эмоционально-оценочного характера воспринимаются не по отдельности, а в составе более крупных образований (лексико-семантических групп и лексико-семантических полей), что способствует категоризации передаваемых ими эмоций.

Одной из важнейших функций графических средств является функция акцентуации, которая характеризует все графические средства. Наибольший интерес представляют случаи совмещения различных видов графических средств в одном высказывании. В этом плане показательным является текстуальная презентация лексемы «Love» в произведении Стерна «Trist ram». Подчеркивая многообразный и противоречивый характер концепта, выраженного лексемой Love автор оригинальным образом представляет его концептуальную структуру, перечисляя набор концептуальных признаков в алфавитном порядке. Автор использует набор графических средств с целью создания эффекта акцентирования и выдвижения: курсив, алфавитное расположение лексем, выражающих концептуальные признаки, прописные буквы, выделенные пробелами внутри слова. Кроме того, обращает на себя внимания графическое оформление всего высказывания, представляющего перечисление концептуальных признаков графически выделенных с помощью слов составляющих отдельную строку.

–Which shows, let your reverences and worships say what you will of it (for as for thinking – all who do think – think pretty much alike both upon it and other matters) – Love is certainly, at least alphabetically speaking, one of the most

*A gitating*  
*B ewitching*  
*C onfounded*  
*D evilish affairs of life – the most*  
*E xtravagant*  
*F utilitous*  
*G allygaskinish*  
*H andy-dandyish*  
*I racundulous (there is no K to it) and*  
*L yrical of all human passions: at the same tome the most*  
*M isgiving*  
*N innyhammering*  
*O bstipating*  
*P ragmatical*  
*S tridulous*  
*R idiculous* – though by the bye the R should have gone first –

But in short ‘tis of such nature, as my father once told my uncle Toby upon the close of a long dissertation upon the subject – «You can scarce», said he, «combine two ideas together upon it, brother Toby, without an hypallage»...

(Sterne «Trist ram», p. 434).

Когнитивно-стилистический потенциал графического выделенного слова-концепта Love заключается в том, что атрибутивные компоненты, выражающие концептуальные признаки, графически представлены таким образом, что способствуют их выдвижению, акцентированию внимания читателя, а следовательно, выделению авторской точки зрения. Отступ прописной буквы от остальных букв подчеркивает алфавитное представление атрибутивных компонентов, что в свою очередь свидетельствует о сложном всестороннем представлении концептуальной структуры рассматриваемого концепта. Следует отметить также, что графически выделенные лексемы представляют собой стилистически нагруженные единицы (эпитеты, метафоры, оксюморон), выражающие как положительные, так и отрицательные признаки обозначенного концепта.

Таким образом, графическое выделение занимает важное место в общей системе индивидуально-авторских



ресурсов выдвижения в диалоге. В целом индивидуально-авторская манера графического оформления языковых единиц является одним из ключевых, наиболее лаконичных и эффективных способов трансляции стилистического потенциала ХД. Наиболее частотными среди них являются следующие: курсив,

заглавные буквы, пунктуация, тире и многоточия. Нужно также отметить, что частотность употребления указанных средств зависит не столько от характера эмоций, сколько от степени их накала. Чем сильнее эмоции персонажа, тем чаще автор использует графические средства.

### Литературы:

1. Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык: Учебник для вузов. 5-е изд., испр. и доп. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 384 с.
2. Джусупов Н.М. Когнитивно-стилистический аспект выделения слова (на материале англ. яз.) // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2010. – № 3. – С. 31–40.
3. Джусупов Н.М. Семантико-стилистические и прагматические особенности акцентуаторов // Филология масалалари. – Ташкент, 2009. – №21. С. 22 – 25.
4. Нормуродова Н.З. Выражения языковой личности в художественном диалоге (на материале английского языка). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2012. – 26 с;
5. Van Peer W. Stylistics and Psychology: Investigations of Foregrounding. –London: Croom Helm, 1986. – 220 p. <https://ethos.bl.uk/>
6. Verhagen A. Construal and Perspectivization // The Oxford Handbook of Cognitive Linguistics / D. Geeraerts, H. Cuyckens (eds). – Oxford: Oxford University Press, 2007. – 48-81.
7. Hornby How to be good. – N.Y.: Dover Publications, Inc., 1994. 212 p.
8. Keyes L. Last chance saloon. – NY: Ballantine Books, 1993. – 598p.
9. Maugham W.S. The Painted Veil. – М.: Менеджер, 1997. – 269p.
10. Maugham W.S. Selected Prose. – М.: Менеджер, 1999. – 488p.
11. Mansfield C. Short Stories to Read and Discuss. – М.: Менеджер, 1997. – P. 205–223.

**Нормуродова Н. График воситаларнинг когнитив-стилистик хусусиятлари муаллиф концептуал дунё манзараси ифодаси сифатида.** Бадий дискурс муаллиф нутқи ва персонаж нутқида қўлланилувчи график воситаларнинг турли-туманлиги билан характерланади (сўз ва гапларнинг курсив билан ажратилиши, бош ҳарфлар билан ёзилиши, сўзларнинг йўгон шрифти билан ажратилиши; сўзлар, боблар, абзацлар орасидаги пробеллар, турли шакллардаги геометрик фигураларнинг, шунингдек пунктуация белгилари: ундов, сўроқ, қўп нуқта, тире, қавс, қўшитирноқ, чизиқча (дефис), нуқта қўймастик кабиларнинг ишлатилиши). График воситаларнинг асосий вазифаси (функцияси) диққатни тортиши, эмоционал таъсир кўрсатиши, подтекст (матн ичида матн)ни яратиши ва концептуал аҳамиятли ахборотни ифодалашга урғу беришидир.

**Normurodova N. Cognitive-stylistic peculiarities of graphic means as an explication of author's conceptual world picture.** Literary discourse is characterized by a wide variety of graphic tools used in the author's speech and the character's speech (emphasizing words and sentences in italics, spelling words and sentences in capital letters, highlighting words in bold; spaces (between words, chapters, paragraphs), using different forms of geometric figures, as well as punctuation tools - exclamation point, question mark, ellipsis, dash, quotation marks, brackets, hyphenation, lack of dots, etc.). Graphic tools are characterized by pragmatic significance, stylistic marking and emphasis, including a pragmatic attitude used to attract attention, functions of emotional impact, creating subtext and expressing conceptually significant information.



## ОЛАМ МАНЗАРЛАРИНИНГ КАТЕГОРИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

*Бахронова Дилрабо Келдиёровна,*

*Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ доценти, филология фанлари доктори (PhD)*

**Калит сўзлар:** олам манзараси, борлиқ, тил ва тафаккур, испан тили, ўзбек тили.

Олам манзараси – бу субъектнинг атроф-олам, реал ёки хаёлий воқеликка оид билим ва фикр-мулоҳазалари мажмуасидир. Илмий тасниф ва талқинлар негизида мужассам бўлган дунё тўғрисидаги дастлабки билимлар айнан тилда турғун шакллар кўринишида сақланиб қолгандир. Илмий адабиётларда дунё образи ва олам модели терминлари ҳам учрайди, бироқ, улар кам тарқалган. *Олам манзараси* термини биринчи бор физика фанида Г.Герц томонидан қўлланилган. Таникли олим ушбу тушунчани ташқи объектларнинг ички образлари йиғиндиси дейди, ҳамда улар ушбу образларнинг хатти-харакатлари тўғрисидаги мантикий мулоҳазаларни шакллантиришга хизмат қилади, дея таъкидлайди. Кейинчалик бу термин бошқа фанларга кўчди, у К.Ясперс ва Л.Витгенштейнларнинг “Мантикий-фалсафий трактат” асарида, шунингдек, Л.Вайсгербер асарларида олам манзараси термини ишлатилган. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида оламнинг турли манзараларига умумий мазмунда ҳамда концепт ва концептосфералар нуқтаи назаридан долзарб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва борилмоқда, хусусан, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Э.Бегматов, А.Нурмонов, А.Маматов, Ж.Элтазаров, Ш.Усмонова, Д.Худайберганова, Д.Бахронова<sup>3</sup> сингари олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

<sup>3</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти . – Тошкент, 2012. – №5. – Б.3-16; Маҳмудов Н. Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси // Сўз санъати, № 1 (2018). – Б. 18-27.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик . – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Бегматов Э . Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2013. – №3. –Б. 35-39; Нурмонов А . Имманентликдан когнитивликка //

Олам манзараси концепциясини шакллантириш учун дастлабки шарт-шароитлар антик даврдаги тил назарияларида ҳам мавжуд эди. Дунёнинг яхлит манзараси назарий (фалсафий-илмий), назариядан ташқари (диний-бадий) ва илм-фангача бўлган билиш шакллариининг мажмуи сифатида гавдаланади. Замонавий тилшуносликдаги олам манзарасини ўрганиш борасидаги илк тадқиқотлар В. фон Хумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, А.Потебня ишларида асос солинган, деб ҳисобланса-да, антик ёки ўрта аср манбаларида ҳам бу тўғридаги қарашлар кузатилади. Масалан, Алишер Навоий асарларига мурожаат қилсак, олам манзараларининг фалсафий-илмий, диний-бадий каби кўплаб талқинини топиш мумкин:

*Қолмаса олам матоидин жиҳот,  
Ўзга навъ ўлгай санга ул дам сифот.  
Куфр ила имонга урғайсан илик,  
Бу тамаъдин очилгай бир эшик.  
Чун эшик очилди не куфру не дин,  
Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.  
Куфру имон роҳравга кеш эмас,*

Ўзбек тили ва адабиёти . –Тошкент, 2009. –№6. – Б.104-107; Маматов А . Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада ? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий -амалий анжуман материаллари ). – Андижон, 2012. –Б.212-220; Элтазаров Ж.Д. Сўз туркуми парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 101-104. Usmanova Sh. R. Lingvokulturologiya (Darslik). – Toshket: Universitet, 2019. – 191 b.; Худайберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри... дисс. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ , 2015. –240 б.; БахроноваД.К. Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера// Хорижий филология №3, 2019 йил. – Б. 62-68.





Асл йўлда банди роҳе, беш эмас<sup>11</sup>. (маъноси: (Инсон феъл-атвори ва амалида) Олам матосидан (моддий нарсаларга муҳаббатдан) ҳеч нарса қолмагач, куфр ва имон моҳияти ҳақида тафаккур қила бошлайсан. Бу ҳаракатдан бир эшик (ҳақиқат) очилади. Унга киргач (уни англагач), барча (мавжуд диний ва эътиқодий фарқлар, келишмовчиликлар) ноаниқликлардан қутуласан. Куфр ва имон тушунчалари Аллоҳ ҳақиқатини билиш, яъни бу дунёнинг асл моҳиятини англаш йўлида тўсиқдан бошқа нарса эмас)<sup>4</sup>. «Лисон ут-тайр»дан келтирилган ушбу парчада бу олам ҳақида, унинг моҳияти, диний ва дунёвий тушунчалар тўғрисида сўз борган. Навоийшунос олим Ш.Сирождидинов ёзади: “Шоир юқоридаги сатрларда бу дунё Эзгулик учун яратилгани, Парвардигор наздида турли диний таълимотлар аҳамиятсиз бўлиб, инсоннинг нафс иллатларидан қутулиб, маънан юксак фазилатлар касб этиши ва турли илмларни тараққий эттириш орқали, ақлан, оламнинг яратилиш моҳиятини тушуниб етиши муҳимроқ, деган ғояни илгари сургани кўриниб турибди”<sup>5</sup>. Алишер Навоий асарларларида кўз илғамас зоҳирий ва ботиний олам ҳақидаги маъноларда фалсафий, диний, маданий, лисоний ва ҳ.к. олам манзаралари тасвири моҳияти ниҳоятда тўлақонли ёритиб берилган. Айтиш мумкинки, бугунги антропоцентрик қарашлар ҳам Навоий асарларида инсонни марказий ўринга қўйиш, уни турли сифатлар билан аташ (“олам ичидаги олам”, “олами суғро”, “шариф ул-кавнайн”, “хужаста туғро”, “ризвон гули”) орқали ўз аксини топган.

<sup>11</sup> Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ, 12-жилд, 215-бет.

<sup>4</sup> Сирождидинов Ш.С. Алишер Навоий ижодида диний эътиқод масаласи//“Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. 2017 й. – Б. 8-11.

<sup>5</sup> Сирождидинов Ш.С. Ўша жойда. //Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. 2017 й..

Мутафаккир одамийликни инсон маънавий камолотининг энг юқори нуқтаси, деб билган.

XIX-XX аср тилшунослигида эса В. фон Хумбольдт илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. У тилни инсон ва борлиқ ўртасидаги оралиқ бўғин, тилни оламни кўриш воситаси сифатида деб ўрганиб, ўзидан кейинги олимларнинг илмий ишларига сезиларли таъсир кўрсатди. А.Потебня ҳам шеърият, наср, санъат ва фанда халқнинг дунёқараши тил орқали жонланади ва тил билан асосланади, дейди. Шунга ўхшаш талқинлар Э.Сепир, Б.Уорфнинг лингвистик нисбийлик назариясида, америкалик бошқа этнолингвистлар тадқиқотларида ҳам мавжуд.

Россияда олам манзарасини ўрганиш XX асрнинг 60- йилларида бошланиб, бу ишлар Г.Брутян, Г.Колшанский, Г.Почепцов, В.Касевич, Р.Павиленис, Н.Уфимцева каби олимлар номи билан боғлиқ. Улар ишларининг тадқиқот марказида тилнинг олам манзарасини шакллантиришдаги роли муаммоси ўрин олади. Тилнинг атрофдаги воқеликни акс эттириш қобилияти масаласи бўйича икки нуқтаи назар мавжуд. Биринчисига мувофиқ, тил оламни акс эттиради. Бундай қараш, масалан, Г.Почепцов ишида учрайдики, у “тил ёрдамида биз оламни акс эттирамиз. Айнан акс эттирамиз, таърифлаймиз эмас, аниқроғи, нафақат таърифлаймиз, чунки таърифлаш – бу оламни тилда акс эттиришнинг шаклларида бири, холос. Саволлар, ундовлар ҳам бу бошқа барча нутқий актлар каби оламни акс эттириш ёки тасаввур қилишнинг худди шундай шаклларида”<sup>6</sup>. Турли тадқиқотларни ўрганиш борасида шу хулосага келдикки, тил воқеликни акс эттириши борасидаги кўпгина тилшунос ва файласуфларнинг фикрлари англашилмовчиликка асосланган. Сўзни ташкил этувчи товушлар мажмуи ўзича ҳеч нимани акс

<sup>6</sup> Почепцов Г.Г. Языковая ментальность: способы представления мира// Вопросы языкознания. – 1990.- №6 –110-122 с (С. 110.)



эттира олмайди. Аслида акс эттиришнинг натижалари концепт ёки тушунчалардан иборат. Тил воқелик билан белгили (семиотик) боғланишга эга. Бунга муносабат билдирар экан, М.Пименова шундай хулосага келади: Тил воқеликни акс эттирмайди, балки уни белгили усул орқали тасвирлайди. Демак, бу концепцияда тил ўзига хос восита бўлиб, унинг ёрдамида борлиқ инсон томонидан концептуаллаштирилади, яъни ҳодисалар белгиларини аниқлаш орқали уларга боғлиқ тушунчани тасаввурда гавдалантириш содир бўлади <sup>7</sup>. З.Холманова ҳам, тил кишилиқ жамияти маҳсулидир. Тилсиз ҳеч бир воқелик ва ҳодисани, инсоннинг табиатда, жамиятда тутган ўрнини, жамият тараққиёти йўллари билан, ўрганиш мумкин эмас, деб таъкидлайди <sup>8</sup>. Борлиқ билан муносабатнинг турли шакллари қарашларнинг ягона тизими – олам манзарасини шакллантиради.

Олам манзарасининг муҳим жиҳати унинг маъновий-мазмуний маркази нимадан иборат, бу манзара ниманинг атрофида қурилмоқда, деган саволларга жавоб топишдан иборат. Олам манзарасини тўлақонли ўрганишда жаҳон олимлари уни категорияларга бўлиб ўрганишни таклиф қиладилар: когнитив-концептуал, лисоний, илмий, фалсафий, маданий, диний, фольклор, мифологик ва ҳ.к. Масалан, оламнинг илмий манзараси инсондан мустақил бўлган объектлар атрофида қурилади; унинг ядроси – умумбашарий жараён-воқелиқдир. Ёки оламнинг диний манзарасининг асосий мавзуси – фоний ва боқий дунё, инсонга хос ва илоҳий соҳага оид масалалар нисбатидан иборат. Оламнинг фалсафий манзараси эса ўз марказига инсон ва дунё ўртасидаги муносабатлар ва унинг барча жиҳатлари: фалсафий, маиший қадриятлар, фаолиятга оид нисбатини қўяди. Оламнинг илмий манзараси борлиқни қандай бўлса шундай, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда,

илмий факт ва назарияларга асосланиб акс эттиришга интилади. Америкалик олим Б.Уорф фикрига кўра, оламнинг ҳам лисоний, ҳам илмий манзаралари мавжуд. Бу икки манзара яхлит ҳолда онгда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириб боради. Шу ўринда айтиш керакки, бу икки манзарадан даставвал инсонда кундалик ҳаётини-маиший кўникма ва фаолияти натижасида оламнинг содда ва лисоний манзараси пайдо бўлади, унинг илмий изланиш ва тадқиқотлари негизида эса оламнинг илмий манзараси шакллана бошлайди. А.Потебня сўзнинг илмий ва лисоний жиҳатларини таҳлил қилар экан, сўзнинг бу тушунчаларини қуйидагича фарқлайди: сўз тушунчасидан икки хил маъно англашилади, улардан бири тилшуносликда қўлланиладиган сўз, илмий атама, иккинчиси эса бир тушунчани бошқасидан ажратадиган сўз. Бунга СУВ ҳақидаги мисол далил бўла олади, яъни кундалик манзарада сув – чанқоқни қолдирувчи ичимлик бўлса, тажрибалар орқали унинг таркиби аниқланиб СУВ Н2О мазмунида тушуниш эса илмий манзарага тегишли бўлади. Демак, биринчи инсон онгида оламнинг лисоний манзараси ҳосил бўлади. Ушбу манзара ва унинг таркиби таҳлил қилинган, инсон онгида оламнинг илмий манзараси шакллана боради, оламнинг лисоний манзараси сўз захирасидан оламнинг илмий манзарасига ўтган сўзларнинг маъносида илмий фаолият натижасида ўзига хос ўзгаришлар юзага келади. Бундай ўзгаришларга метафораларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Демак, оламнинг илмий манзараси – бу, турли фанларга хос билимлар тизими; бу, оламнинг умумлаштирилган образи, унда табиат, жамият ва инсон ҳақидаги тасаввурлар илмий-назарий олинган хулосалар натижасида мужассамдир; бу, турли табиий фанлар ютуқлари натижасида шаклланидиган табиат ҳақидаги айтиш тасаввурларнинг турли кўринишга эга тизимидир. Оламнинг илмий манзараси алоҳида фандаги билимларнинг бутун тизими ва

<sup>7</sup> Пименова М. В. Языковая картина мира: учебное пособие. – М.: Флинта, 2014. – 108 с. (С.6).

<sup>8</sup> Холманова З. Тилшунослик назарияси. – Т., 2020. – 86 б. (Б.6).





жамланмаси, унда ушбу фан предметига нисбатан яхлит тизимли қараш муҳрланади, ушбу қараш фан тарихининг муайян босқичларида шакллана боради ва бир босқичдан бошқасига ўтганда оламнинг биологик манзараси, физик манзараси, концептуал манзараси каби терминлар пайдо бўлади.

Борлик, унинг онгда мавжуд қиёфаси ва тилда мустаҳкамланган образи нисбати тўғрисидаги масаланинг қўйилиши, баъзи олимлар тадқиқотларида олам манзарасининг икки шаклини – концептуал-когнитив ва лисоний шакллариининг ажратиб кўрсатилишига хизмат қилди. Масалан, Г.Брутяннинг фикрича, оламини лисоний ва концептуал манзараларга бўлиш билиш жараёнида тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабатини очиб бериш, одамлар онгида олам манзарасини шакллантиришда тилнинг ролини кўрсатиш, оламнинг ҳақиқий манзарасини гавдалантиришда схематикликдан қочиш ва атрофдаги воқеликнинг онгимиздаги проекциясини имкон қадар тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини беради<sup>9</sup>. Олим оламнинг концептуал манзарасини нафақат воқеликни фикрий акс эттириш натижасидаги билим, балки мантикий билимларда ҳам мавжуд ҳиссий билиш натижаси сифатида таърифлаган.

Тилнинг лисоний манзараси – бу жонли мулоқот тили воситасида онгда ўрнашган ташқи ва ички олам ҳақидаги барча ахборот. Ушбу икки термин фарқлангандан кейин тилшуносликда оламнинг концептуал ва лисоний манзарасига оид масалаларга олимлар турли хил фикрларни билдирганлар:

1) оламнинг концептуал манзарасидан оламнинг лисоний манзараси кенгроқ, деб ҳисобловчи олимлар гуруҳи. Г.Брутяннинг фикрича, оламнинг концептуал манзараси олам лисоний манзарасининг “мағзи, асосий қисми”га мос келади, яъни “олам лисоний моделининг асосий мазмуни оламнинг

концептуал моделига хос бор мазмунни қоплайди”. Демак, олим аймоқчики, оламнинг концептуал манзараси оламнинг лисоний манзараси томонидан қамраб олинади. Бу худди физика фанида кенг ўрганилаётган, борлиқдаги барча нарсани ютиб юбораётган қора туйнукка ўхшайди. Оламнинг концептуал манзараси чегаралари ортида борлиқ-дунё тўғрисидаги қўшимча ахборот ташувчи чекка перифериялари қолиб кетади. Бунда оламнинг ҳам лисоний, ҳам концептуал манзарасига кирувчи ахборот у қайси тилда ифодаланишидан қатъи назар, инвариант ҳисобланади. Г.Брутян таъкидича, оламнинг лисоний манзараси чекка участкаларида қолган ахборотлар, яъни концептуал манзара чегаралари ортидаги хабарлар тилдан тилга вариациялашади<sup>10</sup>. Р.Абдуллаева ҳам оламнинг лисоний манзараси тил ва унинг тарихий тараққиёт даври, маданиятнинг тилга кўрсатган таъсири ва умуман тил тушунчаси остида бирлашадиган ҳар қандай ҳодиса ва жараёни қамраб олади, дейди<sup>11</sup>.

2) оламнинг лисоний ва концептуал манзаралари қамрови тенг, деб таъкидловчилар. Бундай нуқтаи назарга хос хусусиятларни Г.Колшанский асарларида кўриш мумкин, унинг фикрича, “гносеологик жиҳатдан “тил-тафаккур” муносабати эмас, балки “лисоний тафаккур-борлик” муносабати ҳақиқийдир” ва “шу боисдан оламнинг лисоний манзараси ҳақида эмас, балки оламнинг лисоний тафаккурга оид манзараси ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади”<sup>12</sup>. Бироқ, кейинчалик Г.Колшанский “оламнинг лисоний манзараси олам объектив манзарасининг иккиламчи мавжудлигидир” ва бундай иккиламчилик тилнинг тафаккурга

<sup>10</sup> Брутян Г.А. Ўша асар. Б. 109.

<sup>11</sup> Абдуллаева Р. Оламнинг лисоний манзараси. FarDU ilmiy xabarlar, № 5, 2018. – Б. 133-137 (Б. 134.).

<sup>12</sup> Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и в языке.– М.: Наука, 1990. – 108 с. (С.38.).

<sup>9</sup> Брутян Г.А. Язык и картина мира . Науч. докл. высш. шк., Философские науки. – 1973. - №1.- С. 108-111 (С. 108.).



принципал боғлиқлигини англатишини тан олади.

3) учинчи концепцияга мувофиқ лисоний манзарага нисбатан оламнинг концептуал манзараси кенгроқлиги ҳақидаги фикрловчилар гуруҳи . Бундай нуктаи назар аксарият тилшунослар ишларида учрайди . Жумладан, З.Байназаровнинг фикрича , биринчи босқич оламнинг концептуал манзараси , иккинчисини эса оламнинг лисоний манзараси дейиш мумкин; тил оламини махсус белгилар тизими орқали ифодаланиши учун оламнинг лисоний манзарасининг кўламини оламнинг концептуал манзарасига кўра анча тордир<sup>13</sup> . Г.Почепцовга кўра, оламнинг лисоний тасаввури ахборий жиҳатдан тўлиқ эмас ва/ёки ноаниқдир. Олим бунинг сабабини тушунтирар экан, бунда бутун олам эмас, балки унинг чўққилари акс этади, яъни гапирувчига энг муҳим, энг релевант, дунёни энг тўлиқ тавсифловчи жиҳатдек кўринадиган таркибий қисмлар акс этади<sup>14</sup> . Бизнинг фикримизча ҳам оламнинг концептуал манзараси олам лисоний манзарасига қараганда кенг қамровлидир. Концептология инсон тафаккури билан чуқурроқ боғланган, лисоний манзарада бир фикрни ифодаламоқчи бўлсак, онда мавжуд стереотипларга кўра билдириш мумкин, аммо, концептология менталликни тадқиқ қилар экан, инсон онгига маданият, тил, дин, тарбия, ижтимоий мулоқот билан сингдирилган ўзгармас мезонлар, этноснинг асосий тасаввурларига мурожаат қилади ва мавжуд илм билан қўйилган саволга жавоб беради. Қуйидагиларни, хусусан, бундай тасаввурларга киритиш мумкин:

ахборотнинг турли манбалари, уни сақлаш ва тарқатишнинг турли

воситаларидан фойдаланиш имконияти: ёзма ва оғзаки маданият;

болалик, кексалик, касалликлар, оилавий ҳаёт, ўзаро муносабатлар, фаровонлик: ота ва ўғил, эр ва хотин, қари билганни пари билмас;

гендер муносабатлар: аёл ва эркак; жамият ва унинг таркибий унсурларини баҳолаш;

маданиятдаги янги ва анъанавий ҳодисалар: 30 кишилик тўй, чаллари;

макон ва замонни қабул қилиш, жисмоний дунёнинг ички олам билан ўзаро таъсирлашуви: қалб ва жисм, руҳ ва материя;

меҳнатга муносабат: “ўзимизникилар” ва “беғоналар”;

меҳнатга, мулкка, бойликка ва камбағалликка, бойликнинг ва фаолиятнинг турли хилларига муносабат: бой бойга боқар;

табиатга муносабат: сув – муқаддас; табиий ва ғайритабиий ҳодисаларни аниқлаш ва фарқлаш;

фоний дунёнинг боқий дунёга нисбати: ўлим, ажал ва клиник ўлимни бошдан кечириш;

қадриятлар тизими: баҳолаш нуктаи назаридан объект ва субъектларга назар ташлаш;

қисм ва бутунлик, шахс ва жамоанинг ўзаро нисбатини тушуниш, шахснинг социумда ажралиб туриши ёки аксинча, жамият томонидан “ютиб юборилиши”ни англаш;

ҳокимлик, ҳукмронлик ва тобеликни тушуниш, эркинликни талқин этиш;

ҳуқуқлар, одатлар ва уларнинг жамиятдаги ўрнини баҳолаш ва ҳ.к. Келтирилган ушбу бўлимларда тўпланган билимларни чуқур тадқиқ этиш олам манзараларининг бошқа турларига ўтишга кўприк вазифасини бажариши мумкин. Масалан, фоний дунёнинг боқий дунёга нисбати: ўлим, ажал ва клиник ўлимни бошдан кечиришни диний тавсиф, таҳлил қилиш оламнинг диний манзарасини тасвирлашда асос бўлиши мумкин. Ёки табиий ва ғайритабиий ҳодисаларни аниқлаш ва фарқлашнинг чуқур тадқиқи оламнинг физик-механик манзараси ҳақида

<sup>13</sup> Байназаров З. М. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати -т-турк» асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси . Фил. ф. бўйича фалсафа д. (PhD) дис. автореф. – Самарканд, 2020. – 44 б. (Б.11.).

<sup>14</sup> Почепцов Г.Г. Языковая ментальность: способы представления мира// Вопросы языкознания. – 1990.- №6 –110-122 с (С. 111.)



фикрлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, XIX аср охирларигача барча фанларда ўзига хос ўзгармас қарашлар мавжуд бўлган, масалан, физика-механикадаги ньютонча фикрлаш тизимини айтиш мумкин. Оламнинг физик-механик манзарасида дунёнинг ўзи атомлардан таркиб топиб, улар доимий шакл ва массага эга ҳамда тортишиш кучи билан боғланган. Кейинчалик XX аср бошида қилинган бир қатор кашфиётлар замонавий фаннинг болиққа нисбатан қарашини тубдан ўзгартирди. Резерфорднинг альфа зарралар билан ўтказган тажрибалари, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Қора туйнук ҳақидаги билимлар ва турли фанлардаги бошқа муҳим тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бизни ўраган олам аввал тасаввур қилинганидан анча мураккаб. Яқинда америкалик тадқиқотчи Илон Маск само сирларини очиши лозим бўлган техника барпо эттирди ва уни коинотга учирди, демак, оламнинг физика-механик манзараси шиддат билан ўзгармоқда.

Айтилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, демак, олам манзараси кишининг бутун ҳаёти давомида шаклланади, токи одам боласи дунёни билиб борар экан, унинг манзараси ўзгаришда, шаклланишда давом этади. Демак, олам манзараси – кўпқатламли тузилма. Бу қатламнинг ҳар бирига йиллар, балки асрлар керак бўлади. Шунингдек, олимларнинг кузатишларича, оламнинг айнан *фольклор манзараси* лисоний шахснинг концептуал олами манзараси учун пойдевор ясайди. Оламнинг фольклорга оид манзараси дунё қандай тузилганлиги ҳақидаги билимлар ибтидосини ифодалайди, уни оламнинг содда манзараси ядроси деб ҳисоблаш мумкин<sup>15</sup>. Бизнинг фикримизча, олам манзаралари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, даставвал, болада оламнинг лисоний манзараси, кейин содда ва сўнгра бошқа манзаралар шаклланиб

боради. Боланинг йиғлаши лисоннинг илк бошланиш дебочаси, деб ҳисоблаймиз.

М.Пименова, (...) оламнинг фольклор манзараси устига оламнинг диний, илмий ва фалсафий манзаралари қатламланади. Умуман, оламнинг ушбу барча манзаралари оламнинг лисоний манзарасини ҳосил қилади, дейди<sup>16</sup>. Бу фикрга ҳамма нарсанинг асосида лисон/сўз ётганлиги, ибтидо ҳам, интиҳо ҳам сўз эканлиги нуқтаи назаридан биз ҳам қўшилаемиз. Тадқиқотимизда шу нуқтаи назардан иш олиб борамиз. Алишер Навоий ҳам тилнинг пайдо бўлишида «оламнинг, ҳамма нарсанинг бошланиши (аввали) ҳамда охири сўз, яъни тилдир», дейилган эътиқодга таянади. Шу сабабли Аллох, энг аввало, ибтидода «сўз»ни, яъни тилни яратди ҳамда инсонга уни неъмат тарзида тақдим қилди, дейди:

Бас, аввалги садо сўз ўлғай,

Ҳар савтқа ибтидо сўз ўлғай («Лайли ва Мажнун»).

Сўз келиб аввал жаҳон сўнгра,

Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра.

Ҳар киши даҳр аро ҳаёт топиб,

Сўнғи дам сўз била нажот топиб.

Аввалу охиригга солғил кўз

Бил, ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз («Сабаи сайёр»).

Демак, инсондан аввал сўз/лисон бор эди, лисоннинг гултожи қилиб инсон яратилди. Лисон фақат инсонга раво кўрилди.

Француз тилшуноси К.Ажежнинг фикрича, одамзод табиатини англаш уни турли кўринишларида тушуниш демак. Лингвистика бугунги кунда биринчи ўринга *homo loquens* – гапирувчи мавжудот сифатидаги инсонни илгари суради. У айтадики, “бугунги кунда *Homo Loquens* (гапирувчи инсонни) қандайдир «идеал гапирувчи» сифатида, унинг қандайдир маданиятга мансублигидан ташқарида кўриб чиқиш қийин, зеро, мулоқот субъекти – одам тил ва маданият субъекти ҳам ҳисобланади”<sup>17</sup>. Инсон-

<sup>15</sup> Пименова М. В. Языковая картина мира: учебное пособие. – М.: Флинта, 2014. – 108 с. (С.10).

<sup>16</sup> Пименова М.В. Ўша жойда.

<sup>17</sup> Ажеж К. Человек говорящий. Вклад лингвистики в гуманитарные науки. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 304 с.



антропоморфнинг бундай тушунилиши уни ўзи соҳиб бўлган лингвомаданият билан таққослашда кўриб чиқишни назарда тутаяди, яъни тил ва маданият бир томондан, Homo Loquensни шакллантиради, бошқа томондан эса тил ва маданият унинг ўзи томонидан шакллантирилади.

Демак, **инсон-лисон-маданият** трилемасини **лисон-маданият-инсон** деб ўқиш мумкин. Инсон ўзини ўзи ва ташқи табиатни ижодий фаолият натижасида англашга ҳаракат қиладиган ички табиатдир, яъни у табиатнинг ичида яшаётган, яратувчилик қобилиятига эга бўлган узвий ажралмас бўлақдир. Олимлар айнан табиат ва фаолият уйғунлигида, уларни англаш жараёнида маданият юзага келган, деб ҳисоблайдилар ва биз уларнинг бу фикрига қўшилаемиз. Инсон, атроф дунёда тирик қолишга ҳаракат қилиб, ундан кўп нарсани ўрганган. Ҳаётнинг ўзи инсонни кузатувчан ва омилкор бўлишига ундаган. Натижаси доимо тилда намоён бўла борган. Табиий ва инсоний универсумлар, яъни макон ва замондаги

объектив воқеликлар, улкан, сир-синоатга тўла ва ҳадсиз дунёлар доимо мавжуд бўлган. Этносининг биргаликда ўзлаштирилган турмуш тарзи уни ўраб турган табиат, унинг узра мавжуд бўлган ва Яратганнинг макони ҳисобланган Коинот, Она замин ва уммон тубларининг сирли, мистик хусусияти билан мустаҳкамланган. Шу тарзда оламнинг мифологик манзараси пайдо бўлган. Ушбу манзара илмий манзарага қараганда қадимийроқдир, деб ҳисоблаймиз. Табиат инсоннинг ташвишу қувончларига бефарқ, шу билан бирга унга ҳаёт, химоя, гўзаллик берувчи омилдир. Инсон ўзини гоҳида бу ҳаётнинг яратувчиси, гоҳида унинг қурбонидек ҳис этади, ўзини химоя қилиш учун уни ўраб турган борликни тушунишга ҳаракат қилади. Турли олам манзаралари унда умри давомида шакллана боради. Стереотипларни, эталон ва қонун-қоидаларни яратади. Одамзоднинг табиатга бўлган бундай муносабати маданиятнинг улкан қатламларида акс этган.

#### Адабиётлар:

1. Абдуллаева Р. Оламнинг лисоний манзараси. FarDU ilmiy xabarlari, № 5, 2018. – Б. 133-137.
2. Ажеж К. Человек говорящий. Вклад лингвистики в гуманитарные науки. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 304 с.
3. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ, 12- жилд, 215-бет.
4. Байназаров З . М. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк » асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси . Фил. ф. бўйича фалсафа д. (PhD) дис. автореф. – Самарқанд, 2020. – 44 б.
5. Бахронова Д.К. Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера// Хорижий филология №3, 2019 йил. – Б. 62-68.
6. Бегматов Э . Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – №3. – Б. 35-39.
7. Брутьян Г.А. Язык и картина мира. Науч. докл. высш. шк., Философские науки. – 1973. – №1.- С. 108-111.
8. Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и в языке.– М.: Наука, 1990. – 108 с.
9. Маматов А . Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада ? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон,2012. – Б. 212-220.
10. Маҳмудов Н . Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари ни излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. – №5. –Б.3-16.



11. Маҳмудов Н. Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси // Сўз санъати, № 1 (2018). – Б. 18-27.
12. Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2009. – №6. – Б.104-107.
13. Пименова М. В. Языковая картина мира: учебное пособие. – М.: Флинта, 2014. – 108 с.
14. Почепцов Г.Г. Языковая ментальность: способы представления мира// Вопросы языкознания. – 1990. – №6 –110-122 с.
15. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. –91 б.
16. Сирождидинов Ш.С. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. 2017 й. – Б.8-11.
17. Холманова З. Тилшунослик назарияси. – Т.: 2020. – 86 б.
18. Худайберганаева Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри. ...дисс. –Т.: 2015. –240 б.
19. Элтазаров Ж.Д. Сўз туркуми парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 101-104.
20. Usmanova Sh. R. Lingvokulturologiya (Darslik). – Toshket: Universitet, 2019. – 191 b.

**Бахронова Д. О категориальных особенностях картины мира. В конце прошлого века развитие языкознания приобрело особое значение с введением термина «картина мира» в концептуальной и метаязыковой аппарат этой науки. По сути, научная концепция картина мира находит отражение в трудах ученых с древних времен, ведь проблема статуса картина мира развивалась применительно к взаимодействию языка, мысли и реальности.**

*Термин картина мира относится к мировоззрениям и концепциям, которые обычно описывают мир человека и человечества, поскольку они стремятся определить свое место в этом бытии/мире. Картина мира, которая отводит человеку особое место в существовании, помогает ему найти верное направление в жизни и является результатом духовной и практической деятельности людей. Лингвистическая, мифологическая, религиозная, философская, научная, концептуальная и т. п. картины мира дают уникальные взгляды на мир и место в нем человека.*

**Bakhronova D. About categorical features of the world picture. At the end of the last century, the development of linguistics acquired special significance with the introduction of the term “picture of the world” into the conceptual and metallurgical apparatus of this science. In fact, the scientific concept of the picture of the world is reflected in the works of scientists since ancient times, because the problem of the status of the picture of the world has developed in relation to the interaction of language, thought and reality.**

*The term picture of the world refers to the worldviews and concepts that usually describe the world of man and humanity as they seek to define their place in this being/world. The picture of the world, which gives a person a special place in existence, helps him find the right direction in life and is the result of the spiritual and practical activities of people. Linguistic, mythological, religious, philosophical, scientific, conceptual, etc. pictures of the world give unique views of the world and the place of man in it.*





## ОККАЗИОНАЛ ҚЎШМА СЎЗЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШДА БЕЛГИЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ЎРНИ

*Ахмедов Анвар Ботирович,*

*ҚарДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** *оказионал сўз, лугавий бирлик, таянч сўз бирикмаси, ҳақиқий ёки хаёлий сифат, сабаб ёки мақсад, мансублик, ҳол билан ифодаланган алоқалар, белгисига кўра қиёслаш, кучайтирувчи белгилар қатлами.*

Янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг юзага келиши, илм-фан ва техника соҳасидаги кашфиётлар, санъат ва маданиятнинг ривожланиши, буларнинг барчаси неологизмлар пайдо бўлишига олиб келади. Тилда пайдо бўлган у ёки бу неологизмнинг муаллифини аниқлаш жуда қийин, баъзан бунинг мутлақо иложи йўқ. Янги сўзлар, гўё тилнинг ичида туғилади. Бу ўринда, уларга умумтил неологизмлари дея таъриф бериш тўла ўринли [2, 119]. Бундай сўзлар тилда маълум вақт неологизм сифатида қўлланади, кейин эса тилнинг асосий лексик таркибига ўтади ва янгилик хусусиятини йўқотади. Шу билан бирга, неологизмларнинг алоҳида бир гуруҳи ҳам борки, уларнинг пайдо бўлиши маълум бир ёзувчининг услуби билан боғлиқ. Одатда, улар ўз муаллифи ижоди доирасида қўлланади [3, 204]. Маълум бир хаётий вазиятни акс эттириш учун ёзувчилар томонидан яратиладиган бундай

неологизмларни ҳозирги тил тизими ҳодисаси деб ҳисобламаслик керак, зеро, улар вақтинчалик ёки ситуатив ҳодисани ифодалайди [6, 117]. Шунинг учун ҳам, бу каби бир марталик янги сўзлар тилда тасодифий (конкрет вазиятга ўта мослашган) ёки окказионал сўзлар деб аталади [5, 88-89].

Тилнинг луғат таркибидан ўрин олмаган қатламларни доимий равишда янги сўзлар билан тўлдириб борувчи мураккаб номинатив бирликлар деривацияси кўп жихатдан тегишли белгилар қатламига (БҚ) мансуб у ёки бу белгини индивидуал тарзда танлаб олиш билан боғлиқ. Бундай бирликлар таркибида окказионал қўшма сўзлар алоҳида ўринга эга.

Узуал (кодификация қилинган 1- жадвалга қаранг) ва окказионал (кодификация қилинмаган 2- жадвалга қаранг) қўшма сўзларни қиёслаймиз.

*1- жадвал*

*Узуал (кодификация қилинган) қўшма сўзлар*

№	Белгилар қатлами (БҚ)	Луғавий бирлик	Таянч сўз бирикмаси (ички синтагма, синтема)
1	Ҳақиқий ёки хаёлий сифат	Blauhimmel Gebrauchtwagen	blauer Himmel gebrauchter Wagen
2	Сабаб ёки мақсад	Schreibfeder giftgrün schamrot	Feder zum Schreiben giftiges Grün rot aus Scham
3	Мансублик	Dornbusch Kartoffelsuppe Tischbeine	Busch mit Dornen Suppe aus Kartoffeln Beine eines Tisches
4	Ҳол билан ифодаланган алоқалар ўрин (loci.) пайт (temp.) жараён (proz.) социал (soz.)	Alpenflug Julihitze —	Flug über die Alpen Hitze im Juli —





	интим (intim.) нисбий (relat.)	— — —	— — —
5	Белгисига кўра қиёслаш (compar.)	Staubregen	Regen wie Staub
6	Кучайтирувчи positiv: Negativ:	bombensicher Hundekälte	— —

Изоҳ 1.:

2- устунда белгилар қатламининг халқаро номлари қавс ичида қисқартирилган ҳолда берилди;

3- устунда узуал қўшма сўзларга мисоллар келтирилди;

4- устунда узуал қўшма сўзларга мос келувчи таянч сўз бирикмалари берилди.

2- жадвал

Окказионал (кодификация қилинмаган) қўшма сўзлар

№	Белгилар қатлами (БК)	Луғавий бирлик (ОС)	Таянч сўз бирикмаси (ички синтагма, синтема)
1	Ҳақиқий ёки хаёлий сифат	rotbemüht (Lenz) todviolett (Segh.) Zitterhand (Zech.)	mit roter Mütze Tod (bringendes) Violett zitternde Hand
2	Сабаб ёки мақсад	Frostgrün (Str.) Mondrausch (Borch.) regenmüde (Semml.)	grün im Frost Rausch vom Monde müde vom Regen
3	Мансублик	Kellnergesicht (Segh.) Smaragdäugig (Borch.)	Gesicht des Kellners mit Augen wie Smaragd
4	Ҳол билан ифодаланган алоқалар ўрин (loci.)  пайт (temp.)  жараён (proz.) социал (soz.)  интим (intim.)  нисбий (relat.)	  Klavierhände (A.Zweig)  Süderde (Lasker) Damals-Sekunde (M.Walser) Septemberwind (A.Zweig) — kleinleutig (A.Zweig)  Evelyngrün (Borch.) —	  Hände auf den Klaviertasten Erde im Süden — Wind im September — Eine Art wie bei den kleinen Leuten — —
5	Белгисига кўра қиёслаш (compar)	Haarölstimme (Tuch.) mädchenaugenblau (Semml.) tausendpistolenscharf (M.Walser)	Stimme wie Haaröl blau wie die Augen eines Mädchens scharf wie der Schuß aus Tausend Pistolen
6	Кучайтирувчи (elativ)	—	—

Изоҳ 2.:

2- устунда белгилар қатламининг халқаро номлари қавс ичида қисқартирилган ҳолда берилди;



3- устунда окказионал сўзлардан сўнг уни яратган ижодкорнинг исми ва фамилияси қисқартирилган ҳолда берилди;

4- устунда окказионал қўшма сўзларга мос келувчи таянч сўз бирикмалари берилди.

Юқорида келтирилган окказионал қўшма сўзларнинг белгилар қатламига кўра фарқланишини куйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ҳақиқий ёки хаёлий сифат белгилар қатламига тегишли бўлган, деривацион жиҳатдан фаол окказионал қўшма сўзлар гуруҳига куйидагилар киради:

1) А + S2 қолипи бўйича ясалган таянч сўз бирикмаси билан боғланган окказионал сўзлар. Масалан: *Grautag* (Ehrenstein), *Grauhimmel* (Friedländer), *Zartseele* (Ehrenstein), *Müdschritt* (Liebmann), *Blauhauch* (Däubler), *Moralmensch* (A.Zweig), *Tiefschlaf*, *Neugierhände*, *Grauschnee*, *Irraugen* (E.Strittmatter). Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, бу турдаги окказионал қўшма сўзлар синоним сўз бирикмасига осонлик билан қайта ўзгариши мумкин. Бу ҳолда қўшма сўзга хос окказионаллик жиҳати уни сўз бирикмаси билан қиёслашда кўринади, яъни сўз бирикмаси ҳозирги немис тили сўз ясалиш меъёрига жавоб беради. Бироқ, қўшма сўз - окказионалдир. Сўз бирикмаси ва окказионал қўшма сўз компонентлари ўртасидаги семантик боғланишга келсак, улар бир хил. Қиёслаймиз: *Rotsonne – die rote Sonne*.

2) иккинчи компонент денотати томонидан амалга оширилган ҳаракат ёки юзага келтирилган вазият биринчи компонент томонидан ифода этилган окказионал қўшма сўзлар. Бундай ҳаракат ёки ҳолат денотатга хос хусусиятдир. Бошқача айтганда, окказионал қўшма сўзнинг биринчи компоненти феъл асосидан ясалган, шундай бўлса-да, сўз бир лаҳзада сўз бирикмасига айланиб кетиши мумкин. Масалан:

*Zitterlicht* (Däubler) – *zittriges Licht*; *das Licht zittert*;

*Zwitschertier* (Strittmatter) – *zwitscherndes Tier*; *das Tier zwitschert*.


3) ҳақиқий ёки хаёлий сифат белгилар қатламига мансуб окказионал қўшма сўзларнинг учинчи гуруҳини «сохта сифатдошлар» деб аталадиган ёки *blaubescheit* (Borchert), *rotbemüht* (Lenz) типидagi «Scheinpartizipia, яъни сохта сифатдошлар» ташкил қилади.

4) тўртинчи гуруҳга предмет ёки ҳодисага хос деб қаралган хаёлий (тасаввурдаги) белгини биринчи компонент (K1) ифода этадиган сифатлар киради. Буни *todviolett* (A.Seghers) окказионал сўзи мисолида кўриш мумкин.

Ҳақиқий ёки хаёлий сифат белгилар қатламига шунингдек, биринчи ва иккинчи компонент айнан бир денотат билан боғланган, яъни биринчи компонент иккинчисига тенг (K1 = K2) деб қараладиган окказионал қўшма сўзлар ҳам киради. Томас Манн томонидан ижод қилинган *Königsknabe* («фиръавн-бола»), *Göttin-Witwe* («бева-маъбуда») окказионал қўшма сўзлари бунга яққол мисол бўлади. Бундай окказионал қўшма сўзлар икки ўзаро синоним сифатнинг бирикишидан ясалиши ҳам мумкин, масалан, *verrückttoll* [1, 130].


2. Сабаб ёки мақсад белгилар қатламига мансуб сўзлар гуруҳига сабаб ёки мақсад белгисини иккинчи компонент денотати ифода этадиган окказионал қўшма сўзлар киради. Бундай окказионал қўшма сўзлар билан «**K2 + Pr. (zum, gegen, aus, vor) + K1**» қолипи бўйича ясалган предлогли сўз бирикмаси расман мос келади. Бу қолип бўйича ясалган окказионал қўшма сўзларга *angstblau – blau aus Angst*; *schamrot – rot aus Scham* (Borchert) каби қўшма сифатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Айрим окказионал қўшма отлар маъноси бўйича сабаб ёки мақсад белгилар қатламига тегишли бўлса ҳам структурасига кўра контаминация усулида ясалган. Масалан, *Notgespinst* (Th.Mann) окказионал сўзи мисолида қиёслаймиз (1-расмга қаранг).



1- расм. *Notgespinst* окказионал сўзининг контаминация усулида ясалishi.

Шунингдек, баъзи окказионал кўшма сўзлар контекстни элиминация қилиш (қисқартириш) натижасида ясалган. Буни қуйидаги чизма намунасида кўришимиз мумкин (1-чизмага қаранг).



1- чизма. *Raupengeld* окказионал сўзининг контекстни қисқартириш натижасида ясалishi.

**verdientes Geld für das Lesen der Raupen im Garten** → **Geld für das Raupenlesen** → **Raupengeld (Strittmatter).**

3. Мансублик белгилар қатлами деривацион фаоллиги билан ажралиб туради. Бу қатламга окказионал кўшма сўзлар ёки уларнинг ёзувчилар томонидан яратилган алоҳида гуруҳлари киради. Қуйидаги мисоллар намунасида киёслаймиз:

*Wasser -wand, -gitter, -stäbe* ← *Wand, Gitter, Stäbe aus Wasser* (M.Walser);

*Orli -wimper, -pore, -bewegungen;* ← *Wimper, -Pore, -Bewegungen mit Orli* (M.Walser);

*ich - Anselm* (M.Walser);

*millionenfenstrige Stadt*

(Borchert) ← *eine Stadt mit Millionen Fenstern;*

*Schalmädchen* (Weinert) ← *das Mädchen mit einem Schal (um den Hals).*

Мансублик белгилар қатламига кирадиган окказионал кўшма сўзларнинг биринчи (K1) ва иккинчи (K2) компонентлари орасида қарамлик муносабати мавжуд. Улар орасида, аввало, қуйидаги гуруҳлар фарқланади:

1) икки жihatдан иборат окказионал кўшма сўзлар. Бундай окказионал кўшма сўзларга синоним бўлган таянч сўз бирикмалари контекстга боғлиқ ҳолда қуйидаги муносабатларни ифодалаш мумкин:

– окказионал кўшма сўзда бўлгани каби бевосита мансублик муносабатини, масалан:

*Greisenhand* (E.Strittmatter) ← *die Hand des Greisen;*

*Kellnergesicht* (A.Seghers) ← *das Gesicht des Kellners.*

– кўшма сўзнинг биринчи ва иккинчи компоненти ўртасидаги киёсий мансублик муносабатини. Бу ҳолда таянч сўз бирикмаси S2 wie S1 қолипи бўйича ясалади, масалан:

*eine Hand wie die Hand eines Greisen* → *Greisenhand;*

*ein Gesicht wie das Gesicht eines Kellners* → *Kellnergesicht.*

2) “Pron. + S2präp” қолипи бўйича ясалган окказионал кўшма сўзлар. Масалан: *ich - Anselm, mir Anselm* (M.Walser). Окказионал кўшма сўзларнинг ушбу гуруҳига иккинчи компонент денотатига хос бўлган ва кўшма сўзнинг



умумий маъносини аниқлаб берадиган хусусиятни биринчи компонент ифода этган қўшма сўзларни ҳам киритиш мумкин. Масалан: *Samtbandmädchen* (Strittmatter) → *Mädchen mit einem Samtband in den Haaren*;

*Schalmädchen* (Weinert) → *Mädchen mit einem Schal*.

4. Ҳол билан ифодаланган алоқалар белгилар қатламига компонентлари орасидаги боғланиш ўрин-жой ёки йўналишни кўрсатиш хусусиятига эга бўлган окказионал қўшма сўзлар киради. Компонентларнинг бундай боғланиши натижасида иккинчи компонент томонидан ифодаланган денотат қаерда жойлашганлиги ёки қайси томонга ҳаракатланишини аниқлашади. Шунингдек, бундай окказионал қўшма сўзларда биринчи ва иккинчи компонент денотатларининг замон нуқтаи назаридан боғлиқлиги (қачон?) ёки ҳаракат тарзи (қай тарзда?) ҳам ўз ифодасини топади. Масалан:

*Mainachtluft* (Lotzer) → *Luft in der Mainacht*;

*Novemberfenster* (E.Strittmatter) → *die Fenster im November*;

*Septemberwind* (A.Zweig) → *der Wind im September*;

*Steppenschnee* (E.Strittmatter) → *Schnee in der Steppe*.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу гуруҳга маъноси каттароқ контекстда ойдинлашадиган қўшма сўзлар ҳам киради. Масалан: “*Damals-Sekunde*” (M.Walser) окказионал қўшма сўзи бунга яққол мисол бўлади.

5. Асосида қиёслаш мавжуд бўлган окказионал қўшма сўзлар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Э.Ризель бундай окказионал қиёслашнинг қуйидаги характерли хусусиятини кўрсатиб ўтади: «кўплаб («Fülle») образли ассоциацияларни ўзида мужассамлаштирган тил ифода воситалари тежамкорлиги намунаси» [4, 131]. Одатда, бундай ҳолда компонентлардан бири (баъзан бир бутун ҳолда қўшма сўз) да метафорик кўчим содир бўлади. Қиёсий окказионал қўшма сўзлар ясалишида

кундалик ҳаёт ва одатий вазиятдаги типик образлардан фойдаланилади. Инсон сезги органлари орқали қабул қилинадиган воқеликдаги ҳар қандай предмет ёки ҳодиса «қиёслаш база»си (tertium comparationis) сифатида олиниши мумкин. Масалан: шакл, овоз, ранг, ҳарорат, ҳаракат ва б. Мисолларга мурожаат қиламиз:

*Haarölstimme* (Tucholsky) → *Stimme wie Haaröl*

*mädchenaugenblau* (Semmler) → *blau wie die Augen eines Mädchens*

*tausendpistolenscharf* (M.Walser) → *scharf wie der Schuß aus Tausend Pistolen*.

Иккинчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг шакли ёки хусусияти биринчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг шакли ёки хусусияти билан қиёсланади; иккинчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг қайтадан тикланган ҳаракати ёки овози, биринчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг қайтадан тикланган ҳаракати ёки овозига ўхшатилади:

1) қиёсланувчи предметларнинг шакли «қиёслаш базаси» сифатида. Масалан: *Kugelwaden* – «*Das kalte Wasser beschwappte die Kugelwaden der Wehmutter*» [7, 14]. Бу сўзнинг маъноси контекстда *Waden wie eine Kugel*, яъни «шар каби юмалоқ болдир...» тарзида очилади.

*Schlangenzwurzeln* – «*Die Schlangenzwurzeln des Queckenrasens knackten aufregend*» [7, 259]. Бу окказионал сўз контекст доирасида *Wurzeln wie eine Schlange* «илонга ўхшаш томир (илдиз)лар...» маъносига эга бўлади.

*Spitztütengesicht* – «*Der Bauer mit dem Spitztütengesicht*» [8, 99]. Мазкур окказионал сўз асосида қуйидаги қиёслаш мавжуд: *Gesicht wie eine Spitztüte* «деҳқоннинг шаклан пакет (халта)чага ўхшайдиган юзи».

2) ўзаро қиёсланувчи предметларнинг хусусиятларидан бири «қиёслаш базаси» сифатида. Масалан: *Daunenlippen* – «*Sein Mund wurde ihm zgedrückt, nicht von Gott - von Marlen. Sie tat es mit ihren*



**Daunenlippen»** [7, 121]. Ушбу окказионал сўз асосида эса қуйидаги қиёслаш мавжуд: **Lippen wie eine Daune** «пардек юмшоқ лаблар».

**Krähenklekse** – «*Gingen wir ins Haus zurück, wurden die grauen Krähenklekse auf dem Schenkenfrist lebendig*» [8, 72]. Контекстда қарғалар патининг ранги сиёҳдон билан қиёсланади: **Krähen wie eine Klekse** «патининг ранги билан сиёҳдонни эслатувчи қарғалар».

**Mückenbeinfingerchen** – «*Sie streichelte mit ihren Mückenbeinfingerchen sacht über seinen Handrücken*» [7, 226].

Контекстда асар қаҳрамонининг бармоқлари пашша панжалари билан қиёсланади: **Fingerchen wie ein Mückenbein** «пашша панжасига ўхшаш енгил бармоқлар».

3) қиёсланувчи предметлар томонидан қайта тикланган ҳаракат ёки овоз «қиёслаш базаси» сифатида. Масалан: **Uhrfederstimme** – «*Freilich, haspelt Bremmes Uhrfederstimme, und sein Mund spuckt einen breiten Kleks Priemlauge gegen einen Baum*» [10, 276]. Контекстда асар персонажи Бремнинг овози бураб қўйилган соат пружинасининг жириглаган товуши билан қиёсланади: **Stimme wie eine Uhrfeder** «бураб қўйилган соат пружинасининг жириглашига ўхшаган овоз».

**Zopfschaukel** – «*Das Glück? Stefanie schüttelt sich. Ihre Zopfschaukel wippt auf dem Rücken*» [9, 9]. Бу сўз асосида қуйидагича қиёслаш мавжуд: **Schaukel wie ein Zopf** «Арғимчоқдек тебрана бошлаган кокил (соч ўрими)». Бу ерда, арғимчоқнинг ҳаракати, қизнинг елкасида тебранаётган кокил (соч ўрими) билан қиёсланмоқда.

6. Кучайтирувчи белгилар қатламига келсак, бундай белгига эга сўзлар окказионал қўшма отлар орасида учрамайди. **Hundekälte, bombensicher** каби кучайтирувчи белгилар қатламига эга узуал қўшма сўзларда биринчи компонентлар денотатив маъносини бутунлай йўқотган.

Юкорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда окказионал қўшма сўзларни тизимлаштиришда асос вазифасини бажарадиган қуйидаги белгилар қатламини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- 1) ҳақиқий ёки хаёлий сифат;
- 2) сабаб ёки мақсад;
- 3) мансублик;
- 4) ҳол билан ифодаланган алоқалар;
- 5) белгисига кўра қиёслаш;

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, қўшма сўзнинг инновацион қурилиши бир бутун бирикма ҳосил қилиш жараёнида компонентларнинг фарқловчи вазифаларига асосий эътибор қаратишни тақозо этади: иккинчи компонентнинг танлаш хусусиятига асосланган вазифаси ҳамда биринчи компонент эга бўлган бириктирувчилик вазифаси. Иккинчи компонентнинг бу функционал хусусиятига боғлиқ ҳолда, биринчи компонентнинг белгига оид маъноларидан бири реаллашади. Биринчи компонентнинг иккинчи компонент билан бирикиш имкониятлари шкаласи (яъни, биринчи компонент белгига оид маъносининг реаллашуви), кўпинча, комбинациянинг фойдаланилмаган имкониятларини намоён қилади. Бадиий асарлар тилида, улар ижодкорлар учун неологизм ва окказионализмларни ижод қилиш, яратиш жараёнида бой манба бўлиб хизмат қилади.

Окказионал қўшма сўз компонентлари орасидаги боғланишни ўрганишда қуйидаги фарздан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ: қўшма сўзнинг иккинчи компоненти тушунча орқали аниқланувчи «луғавий майдон»ни ифодалайди, шу билан бир вақтда, биринчи компонент каби мазкур луғавий майдоннинг алоҳида элементлари ўртасидаги фарқларни ёки, бошқача айтганда, белгини кўрсатади. Бинобарин, окказионал қўшма сўз биринчи компоненти «белгилар қатлами» сифатида намоён бўлади.





**Адабиётлар:**

1. Бушуй А.М. Тавтологическая атрибутивная группа имени существительного (На материале современного немецкого языка) // Вопросы романо-германского и общего языкознания. Труды СамГУ. Новая серия, выпуск № 174. – Самарканд, 1970. – С.102-144.
2. Fill A. Sprachökologie und Ökolinquistik. – Tübingen: Stauffenburg Verlag, 2006. – X, 300 S.
3. Lemnitzer L. Akquisition komplexer Lexeme aus Textkorpora. – Tübingen: Max Niemeyer Verlag, 2009. – 259 S.
4. Riesel E. Stilistik der deutschen Sprache. –2. durchgesehene Auflage. – M.: Hochschule, 1963. – 487 S.
5. Schwarz M. Einführung in die kognitive Linguistik. – Tübingen: A.Francke Verlag, 2006. – 238 S.
6. Stehl Th. Dialektgenerationen, Dialektfunktionen, Sprachwandel.– Tübingen: Gunter Narr Verlag, 2007. – 400 S.
7. Strittmatter E. Wundertäter. – Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1972. – 460 S.
8. Strittmatter E. Pony Pedro. – Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1990. – 360 S.
9. Strittmatter E. Tinko. – Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1972. – 420 S.
10. Strittmatter E. Ochsenkutscher. – Berlin: Aufbau Taschenbuch Verlag GmbH, 2000. – 346 S.

*Ахмедов А. Место знакового уровня в систематизации окказиональных сложных слов. Статья посвящена исследованию места знакового уровня в систематизации окказиональных слов в современном немецком языке. В ней посредством научного анализа окказиональных слов, отобранных из произведений немецких словесников описываются слои действительных и мнимых признаков, причина или цель, принадлежность, адвербиальные отношения, сравнение по признаку и слой усиления признаков.*

*Axmedov A. The role of attributes layer in systematization of occasional compound words. The article is devoted to the study of the role of attributes layer in systematization of occasional compound words in modern German. The article describes the layers of actual and imaginary features, reason or goal, belonging, adverbial relations, comparison by attribute and layer of strengthening attributes through the scientific analysis of occasional words selected from works of German word artists.*



## ҲИНДИЙ ТИЛИДАГИ СОНЛАРДАН ЯСАЛГАН ЛЕКСЕМАЛАРДА САНДҲИЙ ХОДИСАСИ

*Нурматов Сирожиддин Султанмуратович,  
ТошДШУ докторанти, филология фанлари номзоди*

*Калит сўзлар: сандҳий, двигу, санок сон, унли товушлар, ундош товушлар, дифтонг, висарга, татсама, тадбҳава, лексема, морфема, морфонология.*

Мазкур мақола ҳиндий тилидаги сандҳий ҳодисасини сонлардан ясалган двигу сўзлари мисолида атрофлича ўрганиш масалаларига бағишланади. Маълумки, ҳинд-орий тиллари гуруҳига оид ҳиндий тили лексикасидаги аксарият сўзлар қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидан келиб чиққан. Илмий манбаларда қайд этилишича, санскритдан ҳеч қандай имловий ўзгаришларсиз ҳиндий тили лексикасига бевосита кириб келган сўзлар татсама сўзлари ҳисобланиб, улар санскритда қандай маъно хусусиятига эга бўлган бўлса, аксарият ҳолларда ҳиндий тилида ҳам шу маъноларни беради. Ушбу мақолада сандҳий ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари двигу сўзлари [2: 281], яъни биринчи компоненти сонлардан, иккинчи компоненти эса от, сифат ёки баъзи ҳолларда аффиксал морфемалардан ясалган лексемалар мисолида атрофлича ўрганилади.

Ҳиндий тилидаги барча лексемалар келиб чиқишига кўра 4 та асосий гуруҳга бўлинади. 1) санскрит тилидан бевосита адабий йўл орқали ўзлаштирилган ва имловий шаклини сақлаб қолган татсама сўзлари; 2) санскрит тилидан то ҳозирги ҳинд-орий тиллари даврига қадар узок давом этган товуш ўзгаришлари мобайнида пракрит ва апабҳаранша босқичларидан ўтиб морфонологик ҳодиса туфайли содир бўлган тадбҳава сўзлари; 3) маҳаллий тиллардан, хусусан, дравид ва мунда сарчашмаларидан кириб келган дешья сўзлари; 4) араб, форс, инглиз ва бошқа тиллардан ўзлашган видеши сўзлари [3: 39].

Сандҳий ҳодисаси санскрит сўзларидан адабий йўл орқали

ўзлаштирилган ва имловий шаклини сақлаб қолган татсама сўзларида кўп учрайди. Мақолада двигу сўзлари, яъни биринчи компоненти сонлардан ташкил топган лексемалар таҳлилга тортилди.

Даставвал сандҳий атамасига изоҳ бериб ўтсак. Ушбу атама ҳинд тилшунослигига доир илмий асарларда кенг қўлланилган. Сандҳий атамаси бу санскритча сўз бўлиб, у “қўшилиш” деган маънони англатади [1: 29]. Яъни, иккита сўзнинг қўшилиши натижасида янги сўз ҳосил бўлганида, биринчи сўзнинг ёки морфеманинг охириги ҳарфида ҳамда иккинчи сўзнинг ёки морфеманинг биринчи ҳарфида морфонологик ўзгаришлар содир бўлса, унда сандҳий ҳодисаси юз беради [5: 141].

Сандҳий ҳодисаси асосан қуйидаги 3 та қоидага мувофиқ рўй беради.

1. Унли товушларда сандҳий ҳодисаси (бирон-бир сўзнинг ёки морфеманинг охириги унли товуши бирон-бир сўзнинг ёки морфеманинг биринчи унли товуши балан қўшилиши натижасида содир бўлади).

2. Ундош товушларда сандҳий ҳодисаси (бирон-бир сўзнинг ёки морфеманинг охириги ундош товуши бирон-бир сўзнинг ёки морфеманинг биринчи ундош ёки унли товуши балан қўшилиши натижасида содир бўлади).

3. Висарга товушида сандҳий ҳодисаси (висаргадан сўнг унли ва ундош товушларнинг келиши натижасида содир бўлади) [1: 29].

Юқорида келтирилган сандҳий қоидасига асосланган ҳолда двигу сўзларидан иборат кўплаб лексемалар таҳлил қилинди. Олиб борилган таҳлил



натижалари куйидаги моделларга таксимланди.

**I гурух.** Двигу сўзларидаги унли товушларда сандхий ҳодисаси. Ушбу гурухга оид мисоллар жами 55 та мисолни ташкил этган бўлиб, улар куйидаги моделларга бўлиб ўрганилди.

1-модель. Мазкур гурухга оид мисоллар икки компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги қисқа “а” товуши, иккинчи сўзнинг биринчи қисқа “а” товушига қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бермоқда ва натижада узун “aa” товуши ҳосил бўлмоқда. Масалан:

एक eka “бир” + अक्ष aksha “кўз” = एकाक्ष ekaaksha “бир кўзли (бир кўзи кўр), бир ўкли (битта ўкка эга бўлган ғилдирак ўки)”.

एक eka “бир” + अक्षर akshar “харф” = एकाक्षर ekaakshar “моносиллабик, бир бўғинли, қисқа, лўнда”.

एक eka “бир” + अग्र agra “олдинги, афзал, сара, олдинда” = एकाग्र ekaagr “диққат-эйтиборли, зийрак, хушёр; илтифотли, марҳаматли, жонкуяр”.

एक eka “бир” + अधिक adhik “катта, анча, кўпроқ” = एकाधिक ekaadhik “бир неча, бирмунча”.

एक eka “бир” + अधिकार adhikaar “ҳокимият, ҳокимлик, эгалик, ҳақ” = एकाधिकार ekaadhikaar “монополия”.

एक eka “бир” + अनुरूप anuruup “мос, ўхшаш” = एकानुरूप ekaanuruup “ўхшаш”.

एक eka “бир” + अयन ayan “йўл” = एकायन ekaayan “хилват жой”.

एक eka “бир” + अर्थ arth “маъно” = एकार्थ ekaarth “бир хил маъноли, маънодош” [4: 286].

अष्ट aShTa “саккиз” + अध्याय adhyaay “боб, бўлим” + ई ii “аффиксал морфема” = अष्टाध्यायी aShTaadhyaayii “саккиз қисмдан (бобдан) иборат” (саккиз қисмдан иборат Панинининг грамматик асари) [8: 120].

Моделли:  $अ + अ = आ$  ( $a + a = aa$ )

2-модель. Мазкур гурухга оид мисоллар икки компонентдан ташкил топган бўлиб, улар таркибидаги биринчи сўзнинг

сўнгги қисқа “а” унли товуши ва иккинчи компонент вазифасини бажараётган морфеманинг биринчи қисқа “а” унли товушларининг қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бериб, натижада узун “aa” унли товуши ҳосил бўлмоқда. Жумладан:

एक eka “бир” + अकार akaar “аффиксал морфема” (“а” ҳарфи”) = एकाकार ekaakaar “ўхшаш, бир хил; бир хиллик, бараварлик, бирдайлик”.

एक eka “бир” + अकी akii “аффиксал морфема” = एकाकी ekaakii “ёлғиз, ягона, танҳо”.

एक eka “бир” + अत्म atm “аффиксал морфема” = एकात्म ekaatm “бирлашган, бўлинмас”.

एक eka “бир” + अध adh “аффиксал морфема” = एकाध ekaadh “бир неча, бирмунча”.

एक eka “бир” + अह ah “аффиксал морфема” = एकाह ekaah “бир кунда бажариладиган иш” [4: 287].

Моделли:  $अ + अ = आ$  ( $a + a = aa$ )

3-модель. Ушбу гурухга оид мисоллар икки компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги қисқа “а” товушига иккинчи сўзнинг биринчи “е” унли товушининг қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бермоқда. Жумладан:

एक eka “бир” + एक eka “бир” = एकैक ekaik “кимсасиз, ёлғиз, танҳо”.

Моделли:  $अ + ए = ऐ$  ( $a + e = ai$ )

Юқоридаги таҳлилга тортилган мисолларнинг барчасида иккита унли товушларнинг қўшилиши натижасида сандхи ҳодисаси содир бўлаётган бўлиб, улар асосан एक eka “бир” санок сонидан ясалган двигу сўзлари таркибида учрамоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги “бир” санок сони талаффуз қилинганида, ундаги “к” товушидан сўнг қисқа “а” унли товуши талаффуз қилинмайди. Лекин, қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилида ушбу сонда “к” товушидан кейин қисқа “а” унлиси ҳам талаффуз қилинган.



Яъни, एक ek эмас, एक eka деб талаффуз қилиниши лозим. Қолаверса, сандхий ҳодисаси асосан татсама сўзларида ҳосил бўлади. Айнан шунинг учун ҳам एक eka шаклининг сўнгги қисқа “а” унлиси бошқа сўзларнинг ёки морфемаларнинг бошида келаётган қисқа “а” унлисига қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юзага келган. Шунингдек, ушбу гуруҳга оид мисоллар таркибида қисқа “а” унлиси билан “е” товуши қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси рўй берган. Уларнинг қўшилиши натижасида “ai” дифтонги ҳосил бўлган.

Ушбу гуруҳга оид яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, таҳлилга тортилган мисолларнинг барчасида сонлар препозиция ҳолатида келган бўлса, баъзи ҳолларда сонларга оид лексемалар постпозиция ҳолатида ўз ифодасини топганлиги ҳам кузатилади. Улардаги унли товушларнинг қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси содир бўлган. Масалан, प्रति prati “хар” + एक ek “бир” = प्रत्येक pratyek “хар бир, ҳар қайси”. Ушбу мисол इ + ए = ये (i + e = ye) моделига хос бўлиб, унинг биринчи компонентидаги “i” унлисига иккинчи компонентидаги “e” унли товушининг қўшилиши билан сандхий ҳодисаси юз берган ва натижада “ye” ярим унлиси ҳосил бўлган.

**II гуруҳ.** Двиғу сўзларидаги ундош товушларда сандхий ҳодисаси. Ушбу гуруҳга оид мисоллар жами 23 ташкил этган бўлиб, улар қуйидаги моделларга бўлиб ўрганилди.

1-модель. Мазкур гуруҳга оид мисоллар икки компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги “Т” церебрал товуши иккинчи сўзнинг биринчи “d” ундош товуши билан қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бермоқда. Жумладан:

षट् ShaT “олти” + दर्शन darshan “фалсафа” = षट्दर्शन shaD darshan “ҳинд фалсафасининг олти тизими” [8: 1386].

Модели:  $\text{ट} + \text{द} = \text{ड} (T + d = D)$

2-модель. Ушбу моделга оид мисоллар икки компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги “Т” церебрал товуши ва иккинчи

сўзнинг биринчи “m” ундош товуши билан қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бермоқда. Масалан:

षट् ShaT “олти” + मास maas “ой” = षण्मास ShaNmaas “олти ой” [1: 33].

Модели:  $\text{ट} + \text{म} = \text{ण} (T + m = N)$

3-модель. Ушбу гуруҳга оид мисоллар икки компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги церебрал “Т” товуши билан иккинчи сўзнинг биринчи қисқа “а” унли товуши қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси содир бўлган. Жумладан:

षट् ShaT “олти” + अंग ang “аъзо, бўлак, қисм” = षडंग shaDang “олтита қисм, олти бўлак” [8: 1385].

Модели:  $\text{ट} + \text{अ} = \text{ड} (T + a = D)$

Таҳлилга тортилган мисолларнинг аксариятида иккита ундош товушларнинг қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бераётган бўлиб, улар асосан бирликларга хос бўлган षट् “олти” санок сонидан ясалган двиғу сўзлари таркибида учрамоқда. Биринчи моделга хос мисоллар таркибида “Т” церебрал ундош товуши билан иккинчи сўзнинг биринчи “d” ундош товушларининг қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси юз бермоқда ва церебрал “D” ундош товушини ҳосил қилмоқда. Иккинчи моделга хос бўлган мисоллар таркибида эса “Т” церебрал ундош товуши билан иккинчи сўзнинг биринчи “m” ундош товушларининг қўшилиши натижасида сандхий ҳодисаси содир бўлган ва натижада бурунли “N” ундош товуши юзага келган.

Эътиборли жиҳати шундаки, учинчи моделга хос бўлган мисоллар таркибида иккита ундош товушнинг бирикиши натижасида эмас, балки биринчи сўзнинг сўнгги “Т” церебрал ундош товушига иккинчи сўзнинг дастлабки қисқа “а” унли товушининг қўшилиши орқали сандхий ҳодисаси содир бўлган. Натижада у церебрал “D” ундош товушига айланган ҳамда лигатура шакли ўз кучини йўқотган.

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги татсама сўзлари



ўрганилиши натижасида, уларга доир двигу сўзларининг ясалишида сандхйй ҳодисаси рўй берганлиги аниқланди ва уларнинг ўзига хос лисоний жиҳатлари атрофлича ўрганилди. Тўпланган мисоллар 3 хил, яъни унли товушларда сандхйй ҳодисаси, ундош товушларда сандхйй ҳодисаси ҳамда висарга товушида сандхйй ҳодисаси каби гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинди.

2. Таҳлил натижаларига кўра двигу сўзларидаги унли товушларда сандхйй ҳодисаси нисбатан кўп содир бўлган. Асосан  $\text{एक} \text{eka}$  “бир” санок сонидан ясалган мисолларда кўпроқ сандхйй ҳодисаси рўй берган. Уларнинг таркибидаги иккита қисқа  $\text{अ} \text{“a”}$  товушининг қўшилиши натижасида узун  $\text{आ} \text{“aa”}$  унли товуши ҳосил бўлган.  $\text{एक} \text{eka}$  “бир” санок сонидан ташқари бирликларга оид бўлган фақатгина  $\text{अष्टaShTa}$  “саккиз” санок сонидан ясалган биттагина лексема таҳлилга тортилган бўлиб, уларнинг барчаси  $\text{अ} + \text{अ} = \text{आ} \text{ ( a + a = aa )}$  моделига хос деб топилди. Шунингдек, мазкур гуруҳга оид баъзи мисолларнинг иккинчи компонентида лексик морфема эмас, балки аффиксал морфемалар иштирок этганлиги ҳам маълум бўлди. Улар таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги қисқа  $\text{अ} \text{“a”}$  унли товушига иккинчи компонент вазифасини бажараётган аффиксал морфеманинг биринчи қисқа  $\text{अ} \text{“a”}$  унли товушлари қўшилиши натижасида ҳам сандхйй ҳодисаси юз берган ва натижада узун  $\text{आ} \text{“aa”}$  унли товуши ҳосил бўлган.

3. Унли товушларда сандхйй ҳодисаси двигу сўзларига хос бўлган бошқа лексемалар таркибида ҳам учради. Биринчи сўзнинг сўнгги қисқа  $\text{अ} \text{“a”}$  товушига, иккинчи сўзнинг биринчи  $\text{ए} \text{“e”}$  унли товушининг қўшилиши натижасида ҳам сандхйй ҳодисаси юз берганлиги ва улар  $\text{अ}$

+  $\text{ए} = \text{ऐ} \text{ ( a + e = ai )}$  моделига хос эканлиги аниқланди.

4. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра ундош товушларда ҳам сандхйй ҳодисаси содир бўлганлиги маълум бўлди. Двигу сўзлари таркибидаги биринчи сўзнинг сўнгги церебрал  $\text{ट} \text{“T”}$  товуши иккинчи сўзнинг биринчи қисқа  $\text{अ} \text{“a”}$  товуши билан қўшилиши натижасида сандхйй ҳодисаси содир бўлган ва ушбу гуруҳдаги мисоллар  $\text{ट} + \text{अ} = \text{ट्र} \text{ ( T + a = D )}$  моделига хос деб топилди. Двигу сўзларининг биринчи компонентида хос бўлган сўнгги  $\text{ट} \text{“T”}$  церебрал товуши иккинчи компонентидаги биринчи  $\text{द} \text{“d”}$  ундош товуши билан қўшилиши натижасида ҳам сандхйй ҳодисаси рўй берган бўлиб, уларнинг модели  $\text{ट} + \text{द} = \text{ड} \text{ ( T + d = D )}$  шаклига эга. Шунингдек, биринчи сўзнинг сўнгги  $\text{ट} \text{“T”}$  церебрал товуши ва иккинчи сўзнинг биринчи  $\text{म} \text{“m”}$  ундош товуши билан қўшилиши натижасида сандхйй ҳодисаси юз берганлиги ҳам аниқланди ва улар  $\text{ट} + \text{म} = \text{म्र} \text{ ( T + m = N )}$  моделига хос деб топилди.

5. Двигу сўзларидан ясалган сонларга хос лексемалар таркибида сандхйй ҳодисаси содир бўлган энг маҳсулдор қолип  $\text{अ} + \text{अ} = \text{आ} \text{ ( a + a = aa )}$  моделига хослиги аниқланди. Шунингдек, таҳлилга тортилган мисолларнинг 70,5 % ида унли товушларнинг қўшилиши натижасида сандхйй ҳодисаси ҳосил бўлган бўлса, қолган 29,5 % мисолларда ундош товушларнинг қўшилиши натижасида сандхйй ҳодисаси юз берган. Висарга товушининг қўшилиши натижасида содир бўладиган сандхйй ҳодисаси двигу сўзлари орасида учрамади.

#### Адабиётлар:

1. Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986.
2. Камтапрасад Г. Грамматика хинди. Часть II. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. И с предисл. Проф. Б.А.Ларина. -М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1962.
3. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.





4. Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.М.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т I. -М.: Советская Энциклопедия, 1972.
5. धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
6. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.
7. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.
8. बृहत हिन्दी कोश। -ज्ञानमण्डल लिमिटेड, वाराणसी, 2009.

*Нурматов С. Феномен сандхи в лексемах составленных из числительных на языке хинди. В этой статье подробно рассматривается феномен сандхи, который проявляется в словах двигу составленных из числительных на языке хинди. Исследованы их специфические лингвистические аспекты. Фонетические изменения происходящие феномена сандхи, анализируются на примере слов двигу.*

*Nurmatov S. The sandhi phenomenon in lexemes made up of numerals in Hindi language. This article discusses in detail the phenomenon of sandhi, which manifests itself in the words dwigu composed of numerals in the Hindi language. Their specific linguistic aspects are investigated. Phonetic changes occurring during the sandhi phenomenon are analyzed using the example of the words dwigu.*



## ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ РЕСУРСОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

*Абдуллаева Лола Тохировна,  
Старший преподаватель СамГИИЯ*

*Ключевые слова:* образовательный процесс, электронно-образовательные ресурсы, контроль, знания, информационные ресурсы.

В эпоху глобализации невозможно представить реальность без информационно-компьютерных технологий, служащих основным средством передачи информации, связи, обработки данных, контроля качества и количества на производственных объектах и даже проведения досуга человека.

Информация является важнейшей, неотъемлемой составной частью жизни и деятельности человека. Как ни странно, но до середины прошлого столетия данная категория практически не рассматривалась с точки зрения ее влияния на личность или государство. Отношение к информации кардинально изменилось, когда люди начали осознавать и принимать информацию как стратегический ресурс развития общества и государства, поскольку «задача реформирования или соответствующей перестройки государственной информационной политики с целью значительного повышения ее эффективности приобрела особое значение в условиях нарастающей с конца XX века пятой информационной революции, связанной с созданием глобальных трансграничных информационных компьютерных сетей» [Ш.М.Мирзиёев 2019: 28].

Современные информационно-цифровые технологии произвели прорыв во многих сферах, так как позволили объединить в цифровой форме текст, графическое и видеоизображение, речевое и музыкальное сопровождение. На основе цифровых технологий создаются мощные инновационные средства накопления, представления и передачи знаний, а также средства обучения. Развитие и широкое

внедрение новых информационно-коммуникационных технологий значительно расширило границы образовательной сферы, обусловив необходимость цифровизации и информатизации образования.

Применение информационно-коммуникационных технологий в современной практике преподавания иностранных языков в корне способно изменить строение и динамику деятельности, пространственные и временные границы взаимодействия, способствуя формированию системы мотивационных составляющих, а именно познавательные, коммуникативные, социально-нормативные и творческие мотивы.

Особо следует отметить тот факт, что «большую актуальность в процессе обучения иностранному языку и формирования опыта межкультурной компетентности приобретает использование форм и технологий организации работы с обучающимися, способствующих снятию барьеров для бесконфликтного межкультурного взаимодействия» [Скоробренко И. А. 2018: 26].

Также необходимо подчеркнуть, что «перед современным преподавателем иностранных языков стоит очень важная проблема повышения интереса к изучению иностранных языков, который формирует устойчивую направленность студента на овладение глубинными знаниями и прочными практическими навыками, на достижение высокой степени владения иностранным языком» [Быстрой Е. Б., Скоробренко И. А. 2019:8].



Модернизация системы образования и рост конкурентных отношений на рынке образовательных услуг актуализируют проблему совершенствования процесса профессиональной подготовки квалифицированных специалистов, способных к самообучению и саморазвитию, готовых к наращиванию своих конкурентных преимуществ. Этот процесс во многом обуславливается повышением уровня информатизации образовательного процесса. Информатизация образования способствует созданию и применению электронных образовательных ресурсов, содействующих формированию и развитию учебной автономии студентов и обеспечивающих дифференциацию и индивидуализацию обучения.

Как известно, электронный образовательный ресурс (ЭОР) – это учебная, методическая, справочная, организационная и другая информация, необходимая для эффективной организации образовательного процесса, представленная в цифровом виде [Kavithanjali. J. 2019:775].

В педагогической литературе также широко освещены различные подходы к определению понятия «электронный образовательный ресурс». В педагогической практике можно выделить два основных направления понимания сущности электронных образовательных ресурсов:

1) понятие «электронный ресурс», предоставляющий возможность исследователям данной проблемы провести знак равенства между любым видом учебного материала в электронной форме и электронным образовательным ресурсом. Так, по мнению Н.В. Осетровой, к электронному образовательному ресурсу можно отнести любой воспроизводимый посредством компьютера информационный продукт [Осетрова Н.В. 2003:44].

2) понятие «электронный образовательный ресурс» составляет рассмотрение ЭОР как комплексного феномена, т. е. это комплексный

тематически выстроенный учебный материал, представленный в компьютерной сети. А.А.Телегин, например, считает, что под электронным образовательным ресурсом подразумевается целая система представленного при помощи компьютерной техники упорядоченного учебного материала (в формате текстов, графических изображений, аудио, видео и т. п.), предполагающая его активное освоение обучаемыми с целью формирования у них совокупности знаний и практических навыков в определенной научной области [Телегин А.А. 2006:183].

Если анализировать понятия «ресурс», «образовательный ресурс», можно сделать вывод о правомерности существования обоих подходов в отношении назначения электронных образовательных ресурсов (источник учебного материала для аудиторной и самостоятельной работы студентов) и способа их представления (компьютерные технологии).

ЭОР как единичные учебные материалы в электронной форме в настоящее время трудно отнести к нововведениям, так как преподаватели во всех образовательных учреждениях работают с текстами, учебниками, пособиями в электронной форме, аудио – и видеофайлами, компьютерными презентациями. Такие образовательные ресурсы составляют хорошо освоенный этап информатизации образовательного процесса. Новый шаг в этом же направлении – комплексные ЭОР, представляющие собой целостную систему разного вида и формата учебного материала (в том числе логически выстроенный комплекс заданий как для совместной деятельности преподавателя и студентов, так и для самостоятельной работы студентов) и сопровождающего процесс обучения контроля. Комплексные ЭОР называют также мультимедийными ЭОР или открытыми образовательными ресурсами. Если анализировать преимущества ЭОР, нельзя не отметить, что ЭОР нацелены на комплексное



рассмотрение учебного материала и обеспечивают все компоненты образовательного процесса. Это подтверждает тот факт, что кроме получения информации, ЭОР предполагают практическое применение знаний (практические занятия) и аттестацию, т. е. контроль достижений студентов в процессе освоения учебного материала. ЭОР предполагает не только совместную работу преподавателя со студентом, но и самостоятельную работу обучаемых.

Для подтверждения необходимости и целесообразности внедрения ЭОР в образовательный процесс как средства повышения качества обучения и модернизации образования в целом необходимо также проанализировать опыт применения ЭОР, имеющийся в практике преподавателей ВУЗов, и определить их эффективность. Такие методы исследования как сравнительный анализ, социологические опросы, интервьюирование, экспертные оценки позволяют определить эффективность применения ЭОР в реальном образовательном процессе. Так, например, преподаватели, имеющие опыт применения ЭОР, в процессе беседы отмечают оптимальное сочетание теоретического и практического аспекта обучения студентов, а также расширенные возможности организации контроля и самоконтроля и повышения интереса студента к будущей профессиональной деятельности, которые предоставляют электронные образовательные ресурсы. На основе личного опыта применения ЭОР при обучении английскому языку, отмечается формирование у студентов таких умений, как:

- умение планировать учебную деятельность;
- умение организовывать учебную деятельность согласно составленному плану;
- умение оценивать учебную деятельность;
- умение корректировать учебную деятельность.

При применении ЭОР в процессе обучения английскому языку происходит формирование автономии изучения английского языка, которая связана с формированием у студента готовности и привычки самостоятельно работать над языком, принимать собственные независимые решения и брать на себя ответственность за них в ходе обучения. Это связано с нацеленностью студентов на активизацию своей учебно-познавательной деятельности, включая ее планирование, оценивание и коррекцию.

Как считает большинство преподавателей, применение электронных образовательных ресурсов не приводят к сокращению времени, затрачиваемого на подготовку к занятию, но при этом сокращается время на обработку результатов контроля и повышается объективность оценивания за счет автоматизации. Непосредственное создание ЭОР может занять даже большее количество времени по сравнению с традиционным освоением учебного материала.

Как показывает практика, в настоящее время ЭОР применяются преимущественно дополнительно к основному курсу, как вспомогательный материал или как система самостоятельной работы студентов. Значит, задача преподавателя при этом определить сочетание материала, который будет представлен в ЭОР, и основного учебного материала, который будет представлен в традиционной форме в процессе непосредственного общения преподавателя и студента. В процессе реализации ЭОР также необходим контроль со стороны преподавателя, его анализ полученных данных об учебных достижениях студентов, поддержание двусторонней обратной связи, а также постоянное обновление его содержания. Анализ мнения преподавателей о качестве ЭОР и эффективности их применения в образовательном процессе свидетельствует о большой заинтересованности педагогов в использовании ЭОР на занятиях. Но, так как в большинстве случаев преподаватель



сам делает выбор образовательных ресурсов для организации процесса обучения, многое зависит от его компетентности в сфере информационных технологий. Прослеживается зависимость эффективности применения ЭОР на занятиях от уровня владения преподавателем ИКТ. Недостаточность сформированных необходимых навыков приводит к низкой эффективности ЭОР. Такая взаимозависимость прослеживается в ответах 245 преподавателей ВУЗов УзГУМЯ и СамГИИЯ на вопрос о том, что приводит к снижению эффективности ЭОР: большинство преподавателей ссылаются на недостаточный уровень владения компьютерными технологиями и отсутствие помощи специалистов этой области. Кроме того, к факторам снижения эффективности ЭОР преподаватели относят неполноценное использование всех возможностей ЭОР, несоответствие ЭОР содержанию курса или особенностям аудитории, нехватку времени на разработку качественного ЭОР, психологические барьеры со стороны преподавателей и неподготовленность аудитории к работе с ЭОР, а также недостаточное техническое обеспечение.

Сравнение мнений преподавателей с различным опытом применения ЭОР позволяет сделать вывод, что оценка эффективности ЭОР меняется с увеличением опыта их использования: чем больше опыт работы педагога с ЭОР, тем выше, по его мнению, их эффективность. Это можно объяснить формированием и постепенным совершенствованием умений преподавателя видеть недостатки разработанного ЭОР, оптимально применять его в своей деятельности, своевременно корректировать и дополнять ЭОР, адаптировать его под особенности и потребности студентов, грамотно подбирать материал для создания ЭОР и определять соотношение его составляющих.

Отдельное внимание стоит уделить тому, что при умелом применении ЭОР, открывается ряд преимущественных возможностей в достижении целей и задач

обучения и повышении его эффективности. Преимущества применения ЭОР в образовательном процессе:

1. ЭОР позволяют создавать яркий, насыщенный наглядно-демонстрационный материал, способствующий более эффективному усвоению и запоминанию содержания темы, поскольку будет задействована аудиовизуальная память, к тому же основная информация будет дублироваться в речи преподавателя, на слайдах, доске, видеофрагментах, комментариях и др.

2. ЭОР позволяют преподавателю быть «на одной волне» со студентами, найти с ними общий язык, войти в их доверие, ведь не секрет, что глобальная сеть и медиа-технологии все больше и больше овладевают вниманием современной молодежи, оказывая воздействие на ее восприятие мира и воспитание.

3. ЭОР имеют эффект «стоп-кадра», когда студенты в любой момент могут приостановить программу, если что-то недопоняли и при необходимости вернуться к предыдущему материалу и повторить или заново отработать его, чтобы лучше усвоить.

4. ЭОР способствуют индивидуализации обучения, при этом скорость, темп и порядок изучаемого материала определяют сами студенты, вырабатывая собственный стиль отработки темы. Это, в свою очередь, повышает усвояемость материала и работоспособность студентов.

5. ЭОР развивают творческий потенциал студентов, их креативизм, основанный как на научно-познавательных, так и интуитивно-эвристических методах поиска решений.

6. ЭОР открывают большие перспективы для реализации проблемного обучения, так как обладают значительным потенциалом для создания проблемных ситуаций и отработки новых навыков и умений.

7. ЭОР в современном образовательном процессе является





бесценным средством организации самостоятельной работы студентов и повышения их интереса к изучаемому предмету.

8. ЭОР способствуют интенсификации обучения, позволяя за короткий промежуток времени усвоить большой объем учебной информации.

9. ЭОР очень эффективны при дифференцированном обучении – проведении занятий как с одаренными студентами, так и отстающими: отстающие могут наверстать упущенное, возвращаясь к слабоусвоенному учебному материалу, а одаренным предлагаются задания с большей степенью сложности.

10. ЭОР в игровой форме еще больше повышают интерес к учебному процессу, вносят разнообразие, снимают психологический барьер.

11. ЭОР – значимое пространство для раскрытия педагогического потенциала преподавателя, поскольку при умелом применении помогают проводить неповторимые, яркие, запоминающиеся занятия и вовлечь всех студентов в учебный процесс.

12. ЭОР можно применять на любом этапе занятия как для активизации познавательной деятельности студентов, так и для их расслабления.

13. ЭОР разряжают монотонную обстановку некоторых форм обучения,

например, лекционных занятий, за счет разнообразия существующих мультимедийных средств, интерактивных технологий и глобальной сети (презентации, видео, анимации, тестовые системы, обучающие программы и т.д.).

Таким образом, применение современных инновационно-педагогических подходов и электронных образовательных ресурсов в учебном процессе позволяют создать на занятиях оптимальные условия для восприятия, понимания и усвоения учебного материала, повышают его информативность, обеспечивают интенсификацию и индивидуализацию процесса обучения, способствуют интеграции обучения, расширяя межпредметные связи в образовательном процессе.

При этом нужно отметить, что организация и проведение занятий с применением ЭОР требует от преподавателя определенных затрат времени и сил и возможна лишь при соответствующей технической оснащенности учебного процесса. Однако при осуществлении данного процесса, все усилия преподавателя окупаются достижением планируемых результатов занятия, существенно повышая его качественные параметры.

### Литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан "Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года" от 08.10.2019 № УП-5847 // lex.uz. 08.10.2019 г.

2. Скоробренко И. А. О некоторых аспектах обучения иностранному языку в межкультурном контексте // Культурные инициативы: материалы 50 Всероссийской с международным участием научной конференции молодых исследователей. Челябинский государственный институт культуры; Сост. и науч. ред. Ю. В. Гушул; отв. за выпуск С. Б. Синецкий, 2018.- С. 141.

3. Быстрая Е. Б., Скоробренко И. А. Формирование познавательного интереса будущих учителей к изучению иностранного языка с использованием кейс-стади // Теоретические и прикладные аспекты лингвообразования: сб. науч. ст. Межвузовская научно-практическая конференция (Кемерово, 27-28 мая 2019 г.) / под ред. Л. С. Зникиной. Кемерово : КузГТУ, 2019.- С. 148.

4. Kavithanjali. J. E – Resources: Their Importance, Types, Issues and Challenges: An Analysis. Режим доступа <http://ijrar.com/> (дата обращения:08.02.2021).



5. Осетрова Н.В. Книга и электронные средства в образовании [Текст]/Н.В. Осетрова, А.И. Смирнов, А.В. Осин. - М.: Изд. сервис; Логос, 2003,- 144 с.

6. Телегин А.А. Целесообразность совершенствования методической системы обучения учителей информатики разработке образовательных электронных ресурсов. // В сб.: «Вестник Московского городского педагогического университета. Серия информатика и информатизация образования». / М.: МГПУ-2006, Ш(б).С.182-186.

*Abdullayeva L. O'qish jarayonida electron manbalardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari. Maqolada o'quv jarayonida o'quv materialini idrok etish, anglash va o'zlashtirish uchun maqbul shart-sharoitlarni yaratish, uning axborot mazmunini oshirish, ta'limni intensivlashtirish va individualizatsiya qilishni ta'minlashga imkon beradigan zamonaviy innovatsion pedagogik yondashuvlar va elektron ta'lim resurslaridan foydalanish haqida so'z yuritilgan.*

*Абдуллаева Л. The peculiarities of using e-resources in teaching process. The article discusses the use of modern innovative pedagogical approaches and electronic educational resources in the educational process, which allows to create in the classroom optimal conditions for perception, understanding and assimilation of educational material, increase its information content, provide intensification and individualization of the learning process, promote the integration of learning.*



## АНАЛИЗ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ МАХМУДХОДЖИ БЕХБУДИ, ИХ ВЛИЯНИЕ НА СТАНОВЛЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ ТУРКЕСТАНА

*Бегбудиева Парвина Шохруховна,  
Старший преподаватель СамГИИЯ*

**Ключевые слова и фразы:** джадидизм, джадиды, образование, педагогика, духовные и нравственные ценности, культура, обучение, мусульманское общество, пресса.

С первых дней независимости Узбекистана в стране возник общественный интерес к истории просветительства начала XX века. Истоки духовности, нравственности и культуры находятся в глубинах богатого наследия прошлого каждого народа. Они передаются от поколения к поколению. Добившись независимости, народ Узбекистана выбрал собственный путь развития государства и общества, ориентируемый на возрождение духовных ценностей. Нравственные и духовные ценности на Востоке - это не просто слова – это образ жизни, эталон поведения, можно даже сказать смысл существования, смысл бытия.

Как известно, изменения в обществе проявляются на основе исторических условий определённого периода. Они отражают место и роль исторических личностей, в особенности, интеллигенции, каждая из которых выступает с характерной для нее передовой идеей.

Самым весомым из достижений передовой интеллигенции Туркестана было создание системы народного образования, свободного от доминирующей идеологии, а также основ национальной печати как важнейшего средства распространения прогрессивных идей. Просветители продолжали развивать идеи демократии и прогресса, получившие свое отражение в трудах Алишера Навои, Мирзо Бедиля и Боборахима Машраба.

Подобный процесс начал наблюдаться во второй половине XIX в. в Туркестане, Бухарском эмирате и Хивинском ханстве [3, с.44]. Интеллигенция начала стремиться к

просвещению своего народа и повышению его образованности.

Тогда в качестве лидера на общественную арену вышло движение национальных патриотов, называемое джадидизмом. Просветительская деятельность джадидов включала в себя задачу повышения национального самосознания. Они были убеждены, что Туркестанский край как часть мусульманского мира обязан найти свое достойное место в будущем и здесь они считали роль просвещения самой первостепенной.

В целях реформирования системы образования джадиды начали создавать собственные национальные школы, обучение в которых было основано на новых методах. Эти школы должны были стать средством защиты национальной культуры, ислама, традиций и обычаев. Они стали называться «новометодными» («джадиди-усул»).

Джадиды считали необходимым улучшить систему просвещения и образования у народов, находившихся в колониальной зависимости от царской России, преподавать молодым наряду с религиозными также и светские науки. Они выдвигали идею о необходимости обучения молодежи в мусульманских школах таким наукам, как ислам, арабский, персидский (фарси) и русский языки, медицина, химия, география и история. Джадиды выступили с инициативой о направлении молодежи для учебы в зарубежные страны. Десятки одаренных подростков были направлены на обучение в центральные города Германии, Египта, Турции, России. Также важно отметить и тот факт, что джадиды



заложили фундамент развития национальной прессы.

На их страницах освещались проблемы достоинства нации и Родины, вопросы просвещения народа, свободного развития людей. Эти актуальные статьи и материалы будоражили умы людей. Такие публикации находили широкий отклик среди тюрко язычного населения России, они распространялись также в Иране, Афганистане, Индии, Турции.

Просветительская деятельность туркестанских джадидов сыграла важную роль и в становлении национальной периодической печати. Через газеты, издававшиеся на собственные средства, джадиды пропагандировали преимущества новометодных школ, ратовали за подготовку национальных кадров. В периодической печати джадиды также вели активную пропаганду, направленную против невежества и фанатизма, старых обрядов и традиций, за осуществление реформ экономической, политической и культурной жизни колониального Туркестана.

Основоположником, активным пропагандистом джадидизма является Крымско-татарский просветитель Исмаил Гаспринский (1851-1914). Он обладал глубокими познаниями в религиозных и светских науках, имел четкое представление о прогрессивных процессах, протекавших в мире, знал несколько языков, что позволило ему изучать жизнь других народов.

Основатель новометодных школ Исмаил Гаспринский в годы своей учебы в Сорбонне, ознакомившись с новым аналитико-звуковым методом преподавания азбуки, мечтал реформировать мусульманскую устаревшую систему образования. Вернувшись на родину в 1884 г., он открывает школу "усулижадид", где за 40 дней обучает 12 учащихся чтению и грамоте. "Результат превзошел все мои ожидания, – писал он впоследствии, – после чего этот метод был внедрен еще в нескольких школах [2,с.13]. Им были

составлены учебники по разработанной им самим программе.

И.Гаспринский пропагандировал свои идеи со страниц издаваемой им газеты "Таржимон" ("Переводчик"), которая открывала для своих читателей новый мир, мир передовых идей, устремленных в будущее. Среди первых подписчиков газеты были и наши соотечественники из Маргелана, Ташкента, Бухары, Самарканда. Визиты Исмаила Гаспринского в Ташкент, Самарканд и Бухару в 1893 г. послужили толчком для распространения просветительских идей.

В 1893 г. в Бухарском эмирате открылась первая новометодная школа. В последующем, подобные школы стали открываться и в других местах. Последователи И.Гаспринского в Туркестане являются Махмудходжа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидов, Абдукодир Шакурый, Абдуло Авлоний, Ашурали Зокирий, Фитрат и другие возглавили борьбу за просвещение и культуру.

Первоначально джадиды, основываясь на идеях Исмаила Гаспринского, открыли новометодные школы и стали применять в них вместо старого метода зазубривания звуковой метод обучения. В этих школах, наряду с религиозными предметами, преподавались светские науки. Джадиды и их школы сыграли важную роль в просвещении масс и росте их политического сознания.

В их среде особое место занимает Бехбудий. В трудах Махмудходжи Бехбудий описывается педагогическая интерпретация воспитания молодежи в духе патриотизма и уважения к национальным ценностям. Взгляды М. Бехбудий в сфере образования тесно связаны с психикой, образом жизни, национальными ценностями узбекского народа, его богатое педагогическое наследие послужило ценным источником в развитии национальной школы, национальной педагогики. Бехбудий в сотрудничестве с передовой интеллигенцией открыл школы «Усули



Джадид», в которых преподавались светские науки. Он думал о роли воспитания детей как учитель.

Имя М. Бехбудий – его наследие и судьба являются предметом исследования ученых Германии, Турции, Америки, Японии, государств Центральной Азии.

Джадиды были уверены, что общество должно переходить в лучшее состояние, в первую очередь на основе реформ в области образования и просвещения, через познания научных достижений через духовное воспитание молодого поколения. Бехбудий прекрасно знал состояние обучения молодых людей в мактабах и медресе, во многих случаях ученики не получали должных знаний.

В одной из своих публикаций “Ох вахасрат” он писал: «Каждому известно, что из ста мусульман Туркестана девяносто девять полностью безграмотны. В кишлаках и окраинах положение ещё хуже. Из тысячи, один возможно найдётся грамотный. Причина этому заключается в том, что обучение проходило недолжным образом» [5, с. 366].

Большинство мыслей М.Бехбудий обращено к молодому поколению. В статьях «Бизга ислох керак» - (“Нам нужна реформа”) «Хаколинур, берилмас» (‘Права завоевываются, но не даются’), «Ешларга мурожаат» - (“Обращение к молодым”), «Бизни камирувчи иллатлар» - (“Явления, съедающие нас”) и другие наряду с талантом литератора и политика раскрывает его как педагога.

В одной из своих статей газеты “Самарканд” М.Бехбудий пишет: “Обратим внимание на жителей махали и села. Есть очень много неграмотных. Мы мусульмане. Исламу нужны знания и действия. Читать надо. Почему в других странах из ста есть 1 неграмотный, а у нас – из сотни грамотных есть 1 грамотный?”. “Молодые люди других национальностей учатся в школе, а наши – нищенствуют и попрошайничают. Конец этому - разрушение. Через двадцать или тридцать лет будет еще хуже, нация останется вечной и стойкой по средствам морали и развития ремесленничества.” “Сегодня,

если не будет попытки реформировать медресе, то есть нацию, религия XX века будет уничтожена, и ответ падет на сегодняшних людей. Чтобы избавиться от этой ответственности, необходимо приобщить нацию к изучению религиозных и светских наук. Место религиозной науки - в школах и медресе” [5, с. 390].

На вопрос в журнале «Ойна», «...с чего начинать реформу?» - Бехбудий отвечал: «С мактабов и медресе, ибо жизнь нации зависит от них» [4, с.56]. Говоря о необходимости светского образования и подготовке квалифицированных специалистов, была и особая забота о преподавании в новых школах религии и ислама. Поэтому Бехбудий советовал готовить категории образованных людей: одна категория – люди с религиозным образованием, которые должны быть духовными наставниками нации и стоять на страже чистоты ислама, другая – светски образованные люди, которые будут защищать интересы мусульман в сфере общественной жизни. Колониальная же система вынудила народы Туркестана жить по европейским законам, которых они не знали, а для того, чтобы защитить свои права необходимо быть образованным.

Бехбудий приходит к выводу: развитие просвещения и образования среди Туркестанцев необходимо для защиты своих национальных интересов.

Известный ученый-востоковед Л.Азиззода пишет: «Если в Узбекистане следует увековечить третье лицо в науке и культуре после Навои и Улугбека, несомненно, это должен быть памятник Бехбудий» [1, с.156].

Огромная работа проведена учеными Узбекистана по исследованию творчества и деятельности Махмудходжи Бехбудий. Это прежде всего покойные Солех и Бегали Косимовы, Ахмад Алиев. Ныне здравствующие и продолжающие исследовать творчество великого педагога и просветителя Наим Каримов, Д.А.Алимова, Сирожиддин Ахмедов, Шерали Турдиев, Халим Саид,





Нормурод Авезов, Зебо Ахроровна и  
другие. Каждый из них внес огромный вклад в восстановление справедливости.

### Литература:

- 1.Алимова Д.А. Феномен Джадидизма. Ташкент. Узбекистан. 2009 -180с.
- 2.Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияния. – Ташкент: Академ нашр, 2011.
- 3.Исмаилов А.И., Базарбаев К.К. Джадидизм-история просветительного движения и свободо мысля в Средней Азии, конец XIX–началоXXвека. -Казахстан, 2013-№1-С.44-51.
4. Каримов Н. Махмудхужа Бехбудий. –Тошкент. 2010 -80 б.
5. Каримов Н., Хасанов С., Назаров С., Каримов Б. –Махмудхужа Бехбудий/ Танланган асарлар. –Тошкент. Академ нашр. 2018 – 308 б.
6. Махмудходжа Бухбуди. Избранные произведения. Ташкент, 1977.
- 7.Хасанов Б., Каримов Бехбудий меросининг миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти. /Илмий маколалар туплами. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014-140 б.

*Begbudiyeva P. Analysis of the pedagogical views of Mahmudhoja Behbudi and their impact on the formation of the national education system of Turkestan. The article determines the main trends in the development of the socio-political educational movement of the Jadids, in particular, the evolution of views on spirituality, morality, culture, the education of thinkers of the late XIX th and early XX th centuries. The pedagogical views, fundamental scientific ideas of M. Behbudi on the issues of ensuring prosperity and sustainable development of Turkestan through the reform of the education system are also considered.*

*Бегбудиева П. Махмудхўжа Бехбудийнинг педагогик қарашлари ва уларнинг Туркистон миллий таълим тизимининг шаклланишига таъсири таҳлили. Мақолада жадиidlарнинг ижтимоий-сиёсий таълим ҳаракати ривожланишининг асосий тенденциялари, хусусан, XIX-аср охири ва XX-аср бошлари мутафаккирлари тарбияси, маънавият, ахлоқ, маданият ҳақидаги қарашларнинг ривожланиши ўрганилган. Махмуджужа Бехбудийнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали Туркистоннинг фаровонлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларига оид педагогик қарашлари, фундаментал илмий ғоялари ҳам кўриб чиқилган.*



## XX АСР ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ ИЖОДКОРЛАРИ РОМАНЛАРИДА МАКОН ВА ЗАМОН ТАСВИРИ

*Турсунова Наргиза Хамрақуловна,  
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** “ривоят”-асар, “онг оқими”, модернизм, архетип-образлар, “Кафка эффекти”, «илмий вақт», «тоза вақт».

Альбер Камю фалсафаси ва эстетикаси, унинг адабий ижоди — бу ҳаёт мазмуни ва мантиғини излаш, асосий кадрят ва идеаллар: гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат, адолат, озодлик кабиларнинг мағзини чақишга уринишдан иборат. Ушбу кадрят ва идеаллар ҳамиша инсон ҳаётининг фаолиятининг, умуман, жамиятнинг асос-пойдевори, суянчиғи ва мақсади бўлиб келган.

Франц Кафкадаги “ривоят”-асарлар яратишга интилиш, Жеймс Жойсга хос “онг оқими”, шубҳасиз, А.Камю ижодида ўз ифодасини топади: «Модернист Пруст ва Жойсдан сўнг Кафка, уларнинг давомчисидир. Аммо, унинг омади камроқ бўлди, негаки, бу “муқаддас учлик”да унинг номи айнан учинчи бўлиб тилга олинади – улар модернизмнинг уч «наҳанг»ларидир [12]». Атоқли модернистлар ижодини В.В. Шервашидзе куйидагича таърифлайди: «Онг ости оқимиға, архетип-образлар орқали умум мавжудлик синоатлари, яъни инсоният мавжудлигида такрорланувчи қонуниятларни ифодалашга қизиқиш кучаймоқда. Миф ва афсоналар рамз ўлароқ умум ғоя ва ҳиссиётларни акс эттиради. Борлиқнинг абсурдлиги орқали ўтиб келаётган асосий коллизиялар «абдийлиги»ни гўё таъкидлайди. Онг оқими техникаси (М. Пруст, В. Вулф, Ж. Жойс) келиб чиқиши турлича ҳиссиёт ва таассуротларни қайд этиш, онгнинг узук-юлуқ тасавурида уларнинг мантиқсизлигини очиб беради. Онг оқими бўйлаб кетма-кет келувчи борлиқ оқими, асар услуби ва композициясини белгилаб, бадий кенглик қурилишини таъминлайди. Модернистик парадигмага асосланган янги роман моделини яратган М. Пруст, Ф.

Кафка, Ж. Жойс кабилар «Юксак модернизм»нинг дарғалари саналадилар [Шервашидзе, 2010]».

Ф.Кафканинг ижодидаги ...«чегара олди ҳолати» (қўрқув, умидсизлик ва “боши берк кўча”) таҳлили Кафкани экзистенциалистларга жуда яқинлаштиради [13]». Ф.Кафка ифода воситаларининг ўзига хослиги ҳақида В.В.Шервашидзе шундай ёзади: «...Кафка насридаги кундалик ва фантастик ифодаларнинг мувофиксизлиги, «туш сюжетлари» қонуниятига асосан юз беради: макон ва замон, сабаб ва натижа ўртасидаги алоқалар бузилади. Ушбу «туш кўриш» принципи, бадий тасаввур ва структураларни бузган ҳолда анъанавий ва мантиқий ҳикоя усублари бирикиши натижасида, янги, ўзига хос услуб пайдо қилади. Қўрқинчли, ғайритабий ва кундалик ҳодисалар ҳақида Кафка баён услубида ҳикоя қилади. Бу эса машхур “Кафка эффекти”ни янада қуюклаштиради, яъни “ҳаммаси аён, аммо ҳеч нарса тушунмайсан [Шервашидзе, 2010]”.

«Бегона» қиссаси дунё юзини кўргач (1943), Жан Гренье 1941 йилнинг 19 апрель санасида Камюга ёзган хати орқали «Бегона» ҳақида фикр билдириб, қиссанинг умумий руҳига Ф.Кафканинг таъсирини қайд этади. Камюнинг ўзи, 1941 йилнинг 5 майидаги хатида, «Кафкадан услуб эмас, айнан руҳ олгани»ни таъкидлаган [Гренье, 1999]. Чиндан ҳам, Кафка ва Камюнинг услублари, шаксиз, турлича, аммо уларни асардаги чуқур мазмунни ривоят-афсоналар воситасида бериш услуби бирлаштириб туради. Ҳар икки ёзувчининг асарлари ўқувчини тафаккурга ундовчи фалсафий мағизга эга... Камю ёзади: «У [Кафка] доимо



табиийлик ва ғайритабиийлик, шахсий ва универсал, жожеавийлик ва кундалик, абсурд ва мантиқ ўртасида мувозанат сақлайди. Бу тўлқинлар унинг барча асарлари ичра ўтиб, уларга оҳанг ва мазмун бағишлайди. Абсурд асарни тушуниш учун барча парадоксларни саралаш, зиддиятларга куч бериш лозим [Камю, 1990: 94]». Шу тариқа, Франц Кафка фақатгина абсурд дунё муаммосини ўртага қўйса, Альбер Камю эса ижодида абсурд дунё – санок бошдан охиригача, воқеа ва жараёнларнинг туб илдизидир. Таниқли ирланд ёзувчиси, модернист ва постмодернизм йўналиши вакили Жеймс Жойс (1882—1941), «Бергсон усулига таянган ҳолда хатнинг янги услубини очди, унда бадиий шакл ғоявий, рухий-психологик ва бошқа ўлчамларни ўзида жамлаган ҳолда мазмун ўрнини эгаллайди. Жойснинг бадиий ижодида нафақат «онг оқими», шунингдек, пародиялар, стилизациялар, ҳажвий приёملар, мифологик ва рамзий мазмун қатламлари ҳам учрайди. Тил ва матннинг аналитик ёйилмасига инсон сиймосининг ёйик шакли, структурализм принциплари асосида, ижтимоий аспектлардан деярли ҳоли бўлган янги атропология кўриниши уйғунлашган. Ички нутқ адабий асар шакли сифатида XX аср адабиётшуносларининг янги термини сифатида муомилага кирди [12]». Жойс қаламига мансуб «Улисс» романи – ҳақли равишда модернистик йўналиш дурдонаси саналади. Қизиғи шундаки, бу роман Гомернинг «Одиссея»сига маҳорат билан бағишланган пародиядир (пародия – ҳазил ёки ҳажвий тарзда бошқа асарга тақлид қилиб ёзилган асар). Улисс – «Одиссея»нинг лотинча транскрипция). Воқеалар Дублинда кечади, барча ҳаракатлар эса – атиги бир кун ичида содир бўлади. Роман 18 эпизоддан иборат, уларнинг ҳар бири бизни кўхна юнон эпоси эпизодига йўллайди. Леопольд Блум – «янги» Одиссей, шўрлик, хотинининг хиёнати туфайли уйдан чиқиб кетган. Стивен Дедал – «замонавий» Телемак ва ниҳоят, «янги» Пенелопа – эрига хиёнат қилган хотин Мэрион Твиди. Буларнинг

бариси биргаликда — инсониятнинг ўзи, Дублин эса — бутун дунёни ифодалайди (универсализм). Атиги бир кун ичида, хиёнат ва уйдаги мебеллар ўрни ўзгаришидан бошқа нима ҳам юз бериши мумкин? Муаллиф жуда синчиклаб, катта аниқликда воқеалар жойи ва хронологиясини тасвирлайди. Жойс шаҳар кўчалари, жамоат муассасалари, уйлар ва бошқа диққатга сазовор жойларга худди маълумотномага ўхшаш аниқ-тиник тавсиф беради. Савол туғилади: бу нега керак? Ўз-ўзидан тушунарлики, конкрет шаҳар муҳитининг объектив реал тасвирини тиклаш учун. Хронологияга келсак, муаллиф “вақт рамкалари”дан унумли фойдалангани боис, унга айнан хронометр асқотади. Шевелёв И.Л. шундай ёзади: «Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Улисс» романини ўқиш ва ҳикоя қилиб бериш осон эмас, чунки у «онг оқими» жанрида ёзилган [Новиков, 1997]».

Қомусга мурожаат қиламиз: «Онг оқими — XX аср адабиётининг асосан модернизм оқими усулларидан бири, рухий оламни бевосита, жумла тузилишидан қатъи назар, бутун аломатлари билан акс эттириш усули. «Онг оқими» термини америкалик философ-идеалист Уильям Жеймсга тегишли: онг — бу оқим, фикрлар, ҳиссиётлар, хотиралар, фавқулодда таассуротлар дарёсида бир-бирини бўлиб, қоришиб, ғаройиб ва «мантиксиз» суратда тўлқинланувчи кучдир («Психология асослари», 1890). «Онг оқими» кўпинча ички монологнинг сўнги, якуний кўринишини акс эттиради, унинг реал муҳит билан аниқ алоқаларини кўпинча тиклаш мушкулдир [14]».

Филолог-тадқиқотчи Г.М. Ибатуллина «истигфор (исповедальное слово)» тушунчалари ҳақида фикр юритаркан, шундай хулосага келади: «Истиғфор истагини жўшдирувчи ички ўзликни англаш жараёни «онг оқими», дегани эмас. Ваҳоланки, Ғарб экзистенциалист-ёзувчилари (А. Камю, Ж.-П. Сартр ва бошқ.) унга ана шундай таъриф беришга мойилдирлар... Экзистенциализм сўзи, Р.Барт ёзганидек, «хатнинг нулинчи



даражаси», ибтидо сўз, англаш овози, дейиш мумкин [Ибатуллина, 2012: 57-75]».

Ж.-П. Сартр, «Бегона» услуби ва фалсафа ўртасидаги алоқани англашга интилиб, шундай қайд этади: «Ҳар бир ибора оралиғида дунё барбод бўлиб, яна қайта тикланади: йўқликдан пайдо бўлган сўз, шу заҳоти ижод намунасига айланади; «Бегона» иборалари – худди кимсасиз орол мисол. Иборадан иборага сакраганинг сайин, борлиқ ва йўқлик ўртасида юргандек бўласан [Ерофеев, 1993: 9]». Р.Барт, Камю услубини шундай таърифлаган: «Оқ хатдан ортиқроқ алдамчи услуб топилмаса керак; у пайдо бўлганидан бери айнан озодлик барқ урган жойларда автоматик қабул қилиш ишга туша бошлайди; тош қотган шакллар сўзни ҳар томондан қисиб, унинг илк ҳолатига зарар етказди, оқибатда тайёр қолипларга тушмайдиган тил ўрнида яна хат пайдо бўлади [Барт, 1983: 344]». Шундай қилиб, юқоридаги тадқиқотчилар мулоҳазаларидаги мантиққа эргашган ҳолда, Камю ўз асари («Бегона»)ни «онг оқими» услубида, ушбу янги жанрни янада янги мазмун билан бойитган ҳолда яратган, дейиш мумкин.

Жеймс Жойснинг «онг оқими» услуби Уильям Фолкнерни ҳам бефарқ қолдирмаган. Фолкнер шунингдек, файласуф Анри Бергсоннинг, “вақт бир тўғри чизикдан иборат эмас” деган ғоясидан ҳам кўп илҳомланган.

Ю.Ю.Новиков, «А.Бергсон фалсафасида вақт Концепцияси» номли мақоласида шундай ёзади: «А.Бергсон соат ва бошқа воситалар билан ўлчанувчи «илмий вақт»дан фарқли, воқеаларнинг жонли ҳамда фаол оқими – ҳаётнинг ўз йўналиши бўлмиш «тоза вақт»ни алоҳида тавсифлайди. Бу вақт бевосита бошдан кечирилади, унинг ичида эркин ҳаракат қилиш мумкин. “Илмий вақт”да эса фақат интеллект амал қилади. У асли ўзига тааллуқли бўлмаса-да, ҳолатнинг алоҳида, оригинал мазмун-моҳиятларини уюштиради ва концептуаллаштиради... Бергсон онг ва масофа ўртасидаги фарқни тушунтириб берди. Унинг таърифидаги онг оқими қуйидагича тузилишга эга: у

хаотик эмас, онг бутунлиги эса жўшқин ҳиссиётлар йиғиндиси, инсон онгининг ҳар бир ҳолатида эса унинг шахси акс этади [Новиков, 1997]». М.М.Бахтин хронотопни «замон ва макон аломатларида аниқ ва хаёлийлик уйғунлиги [Бахтин, 2000: 10]», дея таърифлайди: «Бу ўринда вақт қуюқлашади, зичлашади, бадий-кўринарли бўлади; макон эса барқ уриб, вақтга тарих сюжети ўлароқ тортилади. Вақт аломатлари маконда бўй кўрсатади, макон эса вақтда идрок этилади ва ўлчанади [Бахтин, 2000: 10]».

Уильям Фолкнер асарлари ичида, унинг илк ижодий циклига тегишли «Шовқин ва ғазаб» (1929) романи диққатни тортади. Фолкнернинг ўзи бу асарни «ижодий биографиясидаги энг қийини [15]» дея таърифлаган. Рус тадқиқотчиси Н.А.Мороз роман ҳақида: ««Шовқин ва ғазаб» романи доирасида, ўз қонунлари асосида параллель яшовчи яна тўртта бадий дунё мавжуд. Бироқ, бутунлай мустақиллигига қарамай, уларни фақатгина воқеалар кечган вақт ва жойи, маиший деталлар, умумий сюжет асоси бирлаштиради. Бу ҳақда муаллиф романнинг 1933 йилги нашрига ёзган сўзбошисида таъкидлайди: «Мазкур қисса буткул биринчи бўлимда, Бенджи ҳикоясида мужассам [Фолкнер, 1985: 22]». Шундан келиб чиққан ҳолда, Компсонлар оиласининг бошқа аъзолари томонидан вақт ва маконни ўзига хос ҳис этишларини Бенджи онгида шаклланган, дунёнинг вақт-макон моделига қиёсан таҳлил этишга ҳаракат қиламиз [Мороз, 2006; 7]». У.Фолкнернинг бошқа асари қаҳрамонлари ҳақида: «...Фолкнер персонажлари одамлар ўртасида мулоқот бузилган дунёда яшашади. «Уайнсбург» – ёлғизликнинг ҳақиқий қомуси. Одамлар ўз жиннилиги, художўйлиги ва фалсафий мушоҳадалари, ўз бетакрорлигига кучли ишончи натижасида бир-бирдан айро яшашади. *Ёлғизлик ўзининг фазовий (маконга оид) рамзига ҳам эга.* Ўқитувчи аёл Кейт Свифтга кўра бу рамз – бўм-бўш ётоқхонаси; Пастор (руҳоний) Кёртис Хартман учун – кичик хонадан иборат [Мороз, 2006; 7]».



XX аср адабиётининг юқорида саналган барча муаллифларининг қаҳрамонларини нималар бирлаштиради? Ёлғизлик, улар реал “парчаланган душман ҳаёт”да барчалари ёлғиздирлар. «Улисс»нинг Дублиндаги мифологик шамоийлли қаҳрамонлари ҳам ёлғиз. Кафканинг реал борлиқ билан алоқани

йўқотган, тунги даҳшатлар дунёсида қолиб кетган қаҳрамони – ёлғиз. Суд мажлислари чексиз давом этади, аммо, Қасрга етиш имконсиз. Камю (экзистенциалистлар)нинг ўлим билан юзма-юз келган, абсурд, ёвллашган ва бегона дунёда қолган қаҳрамонлари – ёлғиз.

### Библиография:

1. Барт Р. Нулевая степень письма // Семиотика / под ред. Ю.С. Степанова.- М.: 1983.С.344.
2. Бахтин М.М. Формы времени и хронотопа в романе // Бахтин М.М. Эпос и роман. – СПб. 2000. - С. 10.
3. Гренье, Ж. Альбер Камю (Воспоминания). – М.: Аст-пресс, 1999. – 101 с. С. 104.
4. Ерофеев В. Мысли о Камю // Камю А. Счастливая смерть. Посторонний. Чума. Падение. Калигула. Миф о Сизифе. Нобелевская речь. -М.: 1993.С.9.
5. Ибатуллина Г.М. Исповедальное слово и «поток сознания»: экзистенциальный текст как неосуществленная исповедь в «Постороннем» А. Камю. Вестник Томского государственного университета, №2(18). Стр.57-75.
6. Камю А. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство. – М.:Политиздат,1990. – 415 с. С.94.
7. Мороз Н.А. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук: Пространственно-временные отношения и внутренний мир героя в романах У.Фолкнера 1920-1930-х годов. –Москва: 2006. С.7.
8. Новиков В.И., Воробьева Н.К, Кондахсазова Д.Р. Все шедевры мировой литературы в кратком изложении. Сюжеты и характеры. Зарубежная литература XX века / Ред. и сост. В. И. Новиков. — М.: Олимп: АСТ, 1997.Электронная версия книга скачана с сайта royallib.com.
9. Новиков Ю.Ю. Концепция времени в философии А. Бергсона. Российская народная академия наук, Метафизика, 2013, № 5 (7). С. 21-22.
10. Фолкнер У. Предисловие к роману «Шум и ярость» (1933) / Пер. О.Сороки // Фолкнер У.Статьи, речи, интервью, письма - М.: 1985. - С. 22.
11. Шервашидзе Вера Вахтанговна. Западноевропейская литература XX века. Учебное пособие. — М.: Флинта, 2010. — 272 с.
12. Источник: <http://20v-euro-lit.niv.ru/20v-euro-lit/bilety/bilety-3/bilet11.htm>
13. Источник: <http://17v-euro-lit.niv.ru/17veurolit/golovanova/modernizm.htm>
14. Источник: сайт dic.academic.ru
15. <https://www.livelib.ru/book/1000437236/reviews-shum-i-yarost-uilyam-folkner>.

*Турсунова Н. Пространство и время в романах писателей –представителей экзистенциализма XX века. В статье речь идёт о формировании эстетики А.Камю, в частности, о влиянии на творческое кредо писателя Ф.Кафки, Д. Джойса, У. Фолкнера.*

*Tursunova N. The image of space and time in the novels of the writers – representatives of existentialism of the XX century. The article deals with the formation of the aesthetics of A. Camus, in particular, the influence on the creative credo of the writer F. Kafka, D. Joyce, W. Faulkner.*





## БИЛИМ ВА БИЛИШ ҲАҚИДАГИ ЛИНГВОФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

*Раҳимов Аброр Аҳмадович,*

*СамДЧТИ доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Калит сўзлар:* билиш, илоҳий билим, рационал-генератив назария, эмпирик-рационал тамойил, номинация.

Билиш инсонга хос энг муҳим хислатлардан бўлиб, билиш жараёни натижасида у билим ва илмга эга бўлади. “Билим” ўзбекча, “илм” эса арабча сўз бўлиб, иккаласи ҳам “билиш”, “маълумотга эга бўлиш”, “англаш”, “ўзлаштириш” маъноларини билдиради. Ушбу сўзлар қайд этилган маъноларига кўра маънодош бўлса ҳам, билим сўзи ҳар қандай турдаги билиш, маълумотга эга бўлиш, англаш, ўзлаштириш жараёнлари натижасига, илм эса кўпроқ илмий-назарий билиш жараёни натижасига нисбатан қўлланади.

Билиш жараёни ва билим ҳақидаги ислом фалсафасига кўра, борлик “Вужуду вожиб” (Аллоҳ) ва “Вужуди мумкин” (моддий ва номоддийликлар) каби узвлардан иборат бўлиб, “Вужуду вожиб” зарурий вужуд сифатида моддий ва номоддий (мавҳум) нарсаларни (Вужуди мумкин) пайдо бўлиши учун биринчи сабабдир. “Вужуду вожиб” фаол ақл тимсолидир, инсон эса ўзлаштира ақл соҳиби бўлиш билан бирга, умуминсоний ақл бўлган фаол ақлнинг объектлашган кўринишидир. Шу боис у Тангри ақлининг ердаги вакили ҳисобланади [9: 117-122].

Билим ҳам оламнинг илоҳий ва инсоний тузулишига монанд равишда таснифланади. Унга кўра, олам ва одам муносабатидан ташкил топган борлиққа оид бирламчи билим - Аллоҳга тегишли бўлган чек-чегарасиз, азалий ва абадийлик сифатларига эга бўлган илоҳий билимдир. Инсониятга ваҳий сифатида пайғамбарлар орқали нозил қилинадиган ушбу билим ундаги рамз, ишора ва хабарларга иймон келтириш орқали қабул қилинади. Рад этиш ёки исбот қилиш имконсиз бўлган мазкур билим ҳар бир инсоннинг маънавий

дунёсига дахлдорлиги билан характерланади.

Абу Наср Форобий юқоридаги таснифий тамойилга асосланган ҳолда, инсон онгининг икки турини, яъни ички ва ташқи онглари фарқлайди. Ички онг табиат томонидан берилади, ташқи онг эса табиатдан мақсадга кўра олинади. Шунга мувофиқ тарзда инсон туғма ва кузатиш, тажриба, ўқиб ўрганиш асосида эришиладиган билимлар соҳиби ҳисобланади. Туғма билим янги туғилган боладаги билиш руҳияти орқали намоён бўлади. Шу билан бирга у сезги аъзолари ва ақл-идроки билан ушбу имкониятни юзага чиқаради ва атроф-муҳитни билиб боради.

Бундай фаоллик натижасида юзага келадиган билимлар инсоний билимлар бўлиб, улар илоҳий билимга нисбатан иккиламчи ва нисбийдир. Илоҳий билим инсон тили воситасида ифодаланадиган мутлақ ҳақиқатга асосланган билим бўлса, инсоний билимлар тахмин ва фаразларга асосланувчи, ўз мукаммаллигига етмаган билимдир. Инсон борлиқдаги сир-синоатларни билишга қанчалик уринмасин, ҳанузга қадар бу уларни тўлақонли очиб бера оладиган билимни қўлга кирита олмагани ҳам шундан дарак беради.

Шундай бўлишига қарамадан, инсон ҳамиша ўзлигини, уни қуршаб турган атроф-муҳитни билишга интилиб яшайди. Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини очиб беришга интилувчи, ўзи эришган натижалар билан атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизимининг алоҳида йўналишлари, соҳалари бўлган: 1) табиий фанлар; 2) аниқ фанлар; 3) ижтимоий-гуманитар фанлар; 4) техника фанлари замирида инсоний билимлар



ётади. Абу Наср Форобий инсоний билимларнинг авлоддан-авлодга бериладиган, қабул қилинадиган нақлий ва бевосита кузатиш, тажриба, ўқиб ўрганиш асосида эришиладиган ақлий билимларни фарқлайди.

Инсоний билимларнинг авлоддан-авлодга ўтадиган нақлий тури фикрини шакллантириш, ифодалаш имконини яратадиган она тили кўникмаси, ёзиш ва ўқиш малакалари, ахлоқ-одоб, дин-диёнат, таълим-тарбия, миллий дунёқараш, кундалик турмуш тажрибалари ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш малакалари каби қабул қилинадиган билимлардан ташкил топади. Ақлий билимлар эса инсонга ато этилган сезгилар ва ақл-идрок туфайли билимга интилиши, ташаббускорлиги натижасида ҳосил қилинадиган билим тури бўлиб, ушбу билим: а) бевосита кузатиш, амалий фаолият, таҳлил ва тажриба асосида, б) кузатилган нарсалар, таҳлил ва тажрибаларни ўзаро қиёслаш, таққослаш асосида ҳосил қилинади.

Форобий нарсанинг сезги аъзоларига таъсир қилиши туфайли инсон фикрлашини бирор нарсага қўл теккизиш йўли билан *қувваи ломиса*, кўриш орқали *қувваи нигоҳий*, нутқни эшитиш орқали эса *қувваи нотиқа* деб юритиладиган билимлар ҳосил қилиниши мисолида изоҳлайди. “Фанлар таснифи ҳақида сўз” номли асарида эса лисоний билимнинг бирламчи эканини, ушбу билим муайян халқ тилига хос бўлган қоидалар ҳақида грамматикада ўз аксини топишини, мантиқ барча тиллар учун умумий қоидалар ҳақида билимни тақозо этишини таъкидлайди [1: 80-81].

Ҳар иккала билимнинг шаклланиш воситалари масаласи энг қадимги мунозаралардан бўлиб, бу борадаги дастлабки фикрлар бирламчи авлод юнон файласуфлари томонидан борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни яратувчи илк ибтидо сифатида табиатни тарғиб қиладиган “натурфалсафа” таълимотида ўз аксини топган [10: 57]. Мазкур таълимотга кўра, инсон нарса-ҳодисаларга табиий қудрат туфайли

бахш этилган хосса ва хусусиятлар туфайли уларни ўз измига бўйсундирадиган билимларга эга бўлади. Шу боис, у номларнинг ижодкори эмас, балки табиий қудрат туфайли бахш этилган хосса ва хусусиятлардан келиб чиқадиган номларни ҳиссий идрок этган ҳолда, ижро этувчидир.

Эрадан аввалги 450 йилларда иккинчи авлод файласуфлари бу қарашларга танқидий муносабат билдиришгани ҳолда, “авлодлар ўртасидаги фикрий зиддиятларнинг сабаби инсон тафаккури, фикрлаш фаолиятини ҳисобга олмасликдир” деган хулосага келишади ва билимлар ва номлар инсон ҳиссиёти, тафаккури ва тили воситасида юзага келадиган ижодкорлик маҳсуллари сифатида талқин этила бошланади [10: 56-58]. Шу тариқа, нарса ва ном муносабатига асосланувчи билимларни инсонга ато этилган туғма қобилият, сезгилар ва ақл-идрок узвийлигида талқин қиладиган вульгар антропология шаклланади. Бироқ, ушбу нуқтаи назар тарафдорлари ўртасида туғма қобилиятнинг фаоллашувида сезги аъзолари (эмпирик воситалар) ва ақл-идрокнинг (рационал восита) тутган ўрни ва аҳамиятига баҳо беришда фикрий зиддиятлар юзага келади.

Хусусан, Платоннинг қайд этишича, илоҳий қудрат туфайли инсон ўз руҳи билан ғоялар оламига, танаси билан эса ҳиссиёт оламига дахлдор зот сифатида дунёга келади. Шу боис у туғма руҳ соҳиби ҳисобланади ва ўзидаги туғма воситани борлиқдаги ғоялар олами билан рационал боғланаган ҳолда идрок этади [6: 72]. Аристотель эса борлиқни актуал (Худо) ва потенциал (моддий ва номоддий) оламлар узвийлигидан иборат тизим сифатида талқин қилади. Унга кўра, ҳиссиёт потенциал оламдаги барча жонзотлар учун умумий ва туғма асосга эга бўлса ҳам, бошқа жонзотлардан фарқли равишда, у инсонда ҳиссий англаш тарзида фаоллашади ва бунинг натижасида яна бир қобилият, яъни



хотира шаклланади. Хотиранинг муттасил такрори тажрибани вужудга келтиради, тажриба эса билим ва кўникма учун ибтидо ҳисобланади” [2:286-288].

Ушбу олимларнинг зиддиятли қарашлари кейинги тарихий босқичларда тил ва тафаккур фаолиятига оид рационал-генератив ва эмпирик-рационал деб юритиладиган икки антропологик йўналишнинг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади [7: 9]. Хусусан, рационал-генератив (рационал - лот. ратио - ақл-идрок; генератив - лот. генератио – туғма маъноларидаги сўзлардан олинган) йўналиш тарафдорлари инсон тафаккури ва лисоний фаолиятини туғма ақлда белгиланган ғоялар асосида воқеланишини таъкидлашади. Жумладан, илк ўрта асрда Европада юзага келган реалистик оқимнинг йўлбошчиси Ансельм Кентерберийскийнинг (1033-1109) Инжилдаги сўз ва тушунчалар нарсалардан аввал мавжуд бўлган, деган ақидага таянган ҳолда, номлар илоҳий универсалияларнинг нусхасидир деган ғояни илгари суради [12: 33].

Европа мумтоз рационализмнинг кейинги ривож ва илмий асосланишида Р.Декартнинг “Картезиан рационализи” муҳим ўрин тутди. У ҳиссий (яъни эмпирик) билишнинг нобарқарорлигини эътироф этгани ҳолда, инсон ўз кузатишларини бевосита тафаккур орқали ғояга айлантиради, бу жараён эса туғма қобилият ва борлиқ ғояларининг ўзаро уйғунлашуви асосида содир бўлади, -деган фикрни илгари суради [4: 472-473; 369].

Рационал-генератив тамойилнинг замонавий тилшуносликдаги татбиғи америкалик назариётчи Н. Хомскийнинг илмий фаолиятида ўз ифодасини топган. Унинг рационал-генератив назариясида инсон лисоний қобилияти(компетенсе)ни тақозо этадиган тилни тадқиқ этиш учун унинг ифода имкониятига (перформансе), яъни нутққа эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилади. Тилни анъанавий индуктив таҳлилдан фарқли равишда дедуктив усулда ўрганишни тарғиб қилувчи ушбу таҳлилни амалга ошириш учун эса, инсон

онгидаги туғма лисоний схемага асосланувчи ички структура (ички нутқ) ва унинг грамматик трансформация воситачилигида ташқи структура (ташқи нутқ) сифатида рўёбга чиқишига эътибор қаратиш талаб қилинади. Бинобарин, ташқи структура ёки нутқ бола миёсида туғма асосда мавжуд бўлган ва тилни билиш, сўзлаш имконини яратадиган ички схематизмга асосланувчи универсал грамматик кўникманинг рўёбга чиқишини акс эттиради. Бола миёсидаги ички схематизм ва универсал грамматик кўникмага хос туғма асос эса, инсониятнинг кўп асрлик тадрижий тақомили туфайли авлоддан-авлодга ўтувчи генетик изчиллик орқали изоҳланади. Ушбу туғма табиатли ички схематизм ва универсал грамматик кўникмаларнинг фаоллашуви нутқий муҳит таъсирида юз беради [11: 4].

Келтирилган мулоҳазалардан маълум бўладики, рационал-генератив назария тарафдорлари турли даврларда юзага келган бўлса ҳам, уларнинг барчасида тафаккур ва лисоний фаолият инсоннинг туғма ақлида белгиланган ғоя ёки лисоний схемалар асосида содир бўладиган жараён сифатида изоҳланади. Бунинг натижасида эса инсон ўз таффакури ва лисоний фаолиятнинг ташаббускори эмас, балки илоҳий ёки генетик асосли туғма қобилиятда белгиланган ғоя ва лисоний схемаларнинг ижрочисига айлантириб қўйилади.

Н. Хомскийнинг рационал-генератив назариясининг мантиқий давоми сифатида эътироф этилаётган когнитив тилшуносликда ҳам тилни туғма структуралар воситасида ўзлаштириш механизми, характери барча учун умумий, универсал бўлган тамойил сифатида баҳолаш кўзга ташланади. Хусусан, тилда ўз ифодасига эга бўладиган кўпчилик концептларнинг туғма асосда мавжудлиги ҳамда уларнинг барча учун умумий, универсал тамойил сифатида талқин этиш кераклиги ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир.

Эмпирик-рационал таълимотга кўра, инсон илоҳий инъом туфайли туғма ақлга



эга бўлади, ушбу қобилиятнинг тил ва тафаккур фаолиятидаги иштироки инсоннинг ўзлигини ва атроф-муҳитни билишга интилиши, ижодкорлиги билан боғлиқдир. Абу Наср Форобийнинг “Ақл ва фан ҳақида” номли рисоласида қайд этилишича, инсон туғма ва ҳосил қилинган ақл соҳибидир. Туғма ақл шундай ақлки, у инсонга дастлабки билимини сезгилар воситасида ҳосил қилиш имконини беради. Ақлнинг иккинчи тури эса қалбнинг шундай қисмики, у муттасил такрорлаш, муайян нарсаларда қандайдир машғулоти бажариш орқали маълум вақт оралиғида мушоҳадали билим ҳосил қилиш асносида шаклланади. Авлоддан-авлодга бериладиган тушунча ва номлар ҳосил қилинган ақл натижаси бўлиб, улар ўтган авлодлардан қабул қилинган билимлардир [1:7-9].

Абу Али ибн Синонинг қайд этишича, инсон бирор нарсани кузатганда, дастлаб, унинг ҳиссий образи юзага келади. У нарсанинг мантикий моҳиятини эмас, балки унинг ҳиссий шаклини акс эттиради ва шу боис, нарса кўздан ғойиб бўлганда ҳиссий образ ҳам йўқолади. Ҳиссий образнинг хотирадан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун у тасаввурга айланиши лозим. Шунингдек, нарса ҳақидаги мулоҳазали билим ва тушунчага асосланувчи фикрий образнинг вужудга келишида ҳам тасаввур зарурат ҳисобланади. Ҳиссиёт ва тафаккур фикрни шакллантириш қудратига эга бўлса ҳам, уни ифодалай олмайди. Шу боис, инсон фикрлаш жараёнида беихтиёр сўзга ва унда кўним топган тушунча ва фикрий образга мурожаат қилади [8: 215-217].

Инсон идроки ва лисоний фаолиятнинг эмпирик-рационал тавсифи В.фон Гумбольдтнинг илмий меросида ҳам кузатилади. У тафаккур, лисоний қобилият ва фаолиятларни: “борлиқ - рух - туғма қобилият - сезгилар - ақл-идрок - тил” изчиллигида изоҳлайди. Унга кўра, лисоний фаолиятнинг марказий узвини алоҳида шахс ва халқ руҳи (Геист) ташкил қилади. Барча фаолият мобайнида ҳамроҳлик қиладиган рух қудрати туфайли

инсон буюклик, дохийлик даражасига кўтарилади, такомиллашиш чексизлигига эга бўлади, фикрлашда чاقмоқ тезлиги, тасодифийлик ва илҳомбаш қудратга эга бўлади. Тил эса инсон руҳи ва табиат ўртасидаги азалий воситачидир, у реал борлиққа руҳнинг ички куввати ёрдамида ўз таъсирини ўтказади. Шу асосда реал борлиқ ҳақидаги ҳиссий таассуротни ўзида мужассамлантирган иккинчи бир борлиқни, яъни лисоний борлиқни вужудга келтиради [3:341-355].

Маълум бўладики, эмпирик-рационал таълимот тарафдорлари инсон ақл-идроки талқинида илоҳийлик-инсонийлик антиномиясига таянишса ҳам, Форобийда “Вужуду вожиб” (яъни Аллоҳ), Гумбольдтда “рух” деб номланган илоҳий асос инсон лисоний фаолиятини бошқарувчи куч сифатида эмас, балки унинг вужудга келиш сабаби, генетик асосни белгиловчи восита сифатида қўлланилади. Шу боис, ақл-идрок, лисоний фаолият соҳиб бўлган инсон туғма қобилиятда белгиланган ғоя ва лисоний схемаларнинг ижрочиси сифатида эмас, балки унинг ташаббускори, ижодкори сифатида тасвирланади. Эмпирик-рационал таълимот тарафдорлари томонидан тавсия қилинган ушбу тамойил олам ва одам муносабатига Нақшбандийнинг “Кўлинг ишда бўлсин, кўнглинг Аллоҳда” деган ҳикматида ўз аксини топган мўътадил тамойил асосида баҳо беришга чақиради. Мазкур ҳикмат замирида ётган даъватда инсон зиммасига Аллоҳнинг бандасига инъомини ёдда тутиш ҳамда ундан оқилона фойдаланган ҳолда ўз меҳнати ва ташаббускорлиги, ижодкорлиги билан фаровонлик, тараққиётга ҳисса қўшиш масъулияти юкланади.

Рационал-генератив ва эмпирик-рационал таълимотлардан фарқли равишда олам ва одам, тил ва тафаккур, нарса ва ном муносабатини эволюцион нуқтаи назардан талқин этувчи учинчи йўналиш ҳам мавжудки, бу йўналиш собиқ иттифок даврида етакчилик қилган материалистик тилшуносликдир. XVII – XIX асрларда табиий фанларнинг ривожини туфайли



вужудга келган трансформизм ва эволюцион таълимотларнинг оммалашуви илоҳийлик-инсонийлик антиномиясига асосланган антропологик таълимотларга зид бўлган янгича қараш ва оқимларнинг вужудга келишига замин яратади. Хусусан, немис тилшуноси А.Шлейхернинг натуралистик қарашлари ана шундай янгича йўналишлардан биридир.

Бир томондан, В. Хумбольдтнинг тил яхлит организм экани ҳақидаги ғояси, иккинчи томондан, инглиз табиатшуноси Ч.Дарвиннинг табиий турлар келиб чиқиши ва ўзгариши ҳақидаги эволюцион назарияси таъсирида юзага келган ушбу оқимда тилни инсон иродасига бўйсунмайдиган, табиий қонунлар амал қилувчи организм сифатида талқин қилиш ғояси илгари сурилади. У шунга монанд ҳолда, тилшунослик фанини ҳам инсон табиий тарихининг бир қисмини ташкил этувчи, табиий фанлар системасига мансублигини таъкидлайди. Зотан, тил тирик мавжудот сингари туғилиш, ўсиш ва етуклик даражасига етиш, қариш ва ўлиш босқичларига эга бўлган организмдир.

Эволюцион назарияга кўра, инсониятнинг табиий ривожланиши: 1) австралопитек (Австралопитхесус (жанубий + маймун) – миллион йиллар аввал жанубда яшаган антропоид маймун), 2) ҳомо ҳабилис (Ҳомо ҳабилис - укувли + инсон) - “жанубий маймуни”га нисбатан

мустақил фаолият олиб бориш қобилиятига эга бўлган дастлабки одамсимон мавжудот, 3) ҳомо эретус (Ҳомо эретус - тик қадли + одам) - ҳомо ҳабилисга нисбатан қадди тик одам, 4) ҳомо сапиенс (Ҳомо сапиенс – замонавий инсон) каби тўрт тадрижий такомил босқичлари асосланади. Инсон ўз тил ва тафаккур фаолиятига “Ҳомо сапиенс” босқичида жамоавий меҳнатини ташкил қилишдаги мулоқот эҳтиёжи туфайли эга бўлади.

“Ҳар қандай диний ва идеалистик қараш ғайри илмийдир”, - деган шиор устуворлик қиладиган материалистик тилшуносликда ҳам инсон идроки, лисоний фаолиятига “материя бирламчи, онг иккиламчи”, - деган тамойил асосида баҳо бериш етакчилик қилади. “Аслида бу кўхна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди” [5:42]. Бундай бирёқламалиқдан холи ҳолда фаолият олиб бориш учун эса авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқликни таъминлашга эътибор бериш ва ҳар бир ҳаракатни дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаш каби икки мезонга амал қилиш талаб қилинади.

#### Адабиётлар:

1. Аль-Фараби Абу Наср Мухаммед. О разуме и науке. - Алма-Ата: Наука, 1975. - 136 с.
2. Аристотель. Аналитика первая и вторая. - Ленинград: Государственное издательство политической литературы, 1952.- 437 с.
3. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М.: Прогресс, 1985. - 452 с.
4. Декарт Р. Сочинения в двух т.: Пер. с лат. и франц. –Т.: 1/Сост., ред., вступ. ст. В. В. Соколова. М.: -Мысль, 1989. - 654 с.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
6. Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). - М.: Языки славянской культуры, 2004. - 560 с.
7. Раҳимов А.А. Иккиламчи номинатив бирликларни ҳосил қилувчи лингвокогнитив воситалар тадқиқи (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Фил. фан. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Самарқанд, СамДЧТИ 2020 - 62 б.





8. Сина ибн. Избранные философские произведения. - М.: Наука, 1980.- 554 с.
9. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. - Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2011 й. – 132 б.
10. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи.- Т.: “Шарк”, 2002. – 710 б.
11. Хомский Н. Картезианская лингвистика. - М.: КомКнига, 2005. — 232 с.
12. Шулежкова С.Г. История лингвистических учений. – М.: Флинта: Наука, 2008. - 404 с.

*Рахимов А. Лингвофилософские учения о знании и познании. В статье рассматривается теория познание мира с помощью языка и когниции человека, анализируется материал с древнегреческое философии вплоть до американского современного теория познания мира, с точки зрения Аристотеля до трактовок Восточных философов таких как Фараби и Ибн Сина.*

*Rahimov A. Linguophilosophic teachings upon knowledge and learning. The article examines the theory of world cognition through language and human cognition, given the analysis of the material from ancient Greek philosophy up to the American modern theory of world cognition, from the point of view of Aristotle to the interpretations of Eastern philosophers such as Farabi and Ibn Sina.*



## КОНВЕРСИВЛИК ҲОДИСАНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИ

Қўлдошов Ўктамжон Ўрозович,  
СамДЧТИ мустақил тадқиқотчиси

**Таянч сўзлар:** конверсия, конверсивлик, сўз ясаи, семантик оппозиция, денотатив умумийлик, ўзаро алоқадор қарама-қаршилик, аргументлар, лексик семантика, сигнификатив маъно, фарқловчи сема, лингвистик нисбатлик, семантик трансформация, нисбат оппозицияси.

Конверсивлик тушунчаси латин тилидаги “conversionis, f. (convertio) сўздан олинган бўлиб 1) “айланмоқ доирасимон ҳаракатланмоқ 2) айланиб қолмоқ, бурилиш, 3) нутқнинг яқунланиши” деган тушунчаларни билдиради. (Краткий латинско-русский словарь, М. Госиздой иностранных и национальных словарей, -М. 1941, 672 с.).

Ушбу сўзнинг худди шу ва бошқа кўплаб маънолари ва ҳосилаларини биз бошқа яна бир луғат -Латинско-русский словарь – [ЛРС, 1976: 258]– дан топамиз.

Тилшуносликка оид маъноларига келсак конверсив термини тил бирликларининг тескари муносабатларини ифодалаш учун ишлатилади. Бу ҳодисага биринчи бўлиб синтаксис билан шуғулланадиган тилшунослар эътибор қаратганлар. Бу ҳодисанинг диққат марказида субъект ва объект ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўлган.

О.С.Ахманованинг машҳур луғатида конверсивларга қуйидагича таъриф берилган:

Конверсия - англ. conversion, 1) Образование нового слова путем перевода данной основы в другую парадигму словоизменения. Например, *pen (n) – to pen (v)* следовательно, *He pens, He penned, He is penning*. 2) Одно из двух противоположаемых свойств как составляющих данную категорию. Конверсию звонкости представляет «глухость» [О. Ахманова, 1966: 109].

Қисқаси, бу луғатда конверсия асосан сўз ясаи тури сифатида таърифланади. *A tap – to tap; a book – to book* ва ҳоказо.

Ж.Лайонз ўзининг “Semantics” асарида [J.Lyons, 1977:82] тилшуносликда биринчилар қатори конверсивлик (converseness) тушунчасидан фойдаланди. Бу терминни у “relational opposition” номи билан таърифлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак у “ўзаро алоқадор қарама-қаршилик”, “ўзаро боғлиқ қарши қўйиш, боғланган оппозиция, ўзаро умумий маънога эга бўлган аргументларнинг оппозицияси” деб айтсак ҳам бўлаверади [F.Palmer, 1982: 55].

Биз юқорида Ж.Лайонз “конверсивлик” атамасини биринчилар қатори тилшуносликка олиб кирди деб айтиб ўтдик. Аммо, ушбу олимдан аввалроқ рус тилшуноси Ю.Д.Апресян ўзининг “Лексическая семантика” асарида “конверсивность” терминини ишлатади (Бу китоб 1975 йилда чоп этилган). Демак, бу терминни тилшуносликка Ж.Лайонз эмас, Ю.Д. Апресян олиб кирган. Албатта, ҳар иккаласининг монографияси чоп этилишдан аввал (Ю.Апресян, 1975; Ж.Лайонз, 1977) бу фикрни бир қатор фундаментал илмий мақолаларида илгари сурганлар, бу табиий ва улар бир-бирининг мақолалари билан танишган ёки фойдаланган бўлиши мумкин. Бу ҳозир жуда муҳим эмас.

Конверсивлик тушунчасини ўз асарида тадқиқ қилган яна бир тилшунос Л.А.Новиков бўлиб, у конверсия терминининг асосий маъноси, конверсивликнинг унга алоқаси ва бошқа ҳолатлар ҳақида сўз юритади [Л.Новиков, 1982: 214].

Конверсиянинг синтаксисдаги талқини ҳақида гапирар экан олим қуйидагиларни ёзади. Бу нарсга фёъл



нисбат категорияси доирасида амалга оширилади. Масалан: *The workers build the house- The house is built by the workers.*

Нисбат категорияси, диотеза назариясининг тадқиқи нисбат категориясининг жуда кенг имкониятлари борлигини намоён қилди.

Маълум бўлдики, айрим феъл жуфтликлари мавжудки, улар бир-бири билан ости ва устида, аввал ва кейин, каттароқ ва кичикроқ, кекса ва ёшроқ каби муносабатларни билдирар экан. Масалан:

A precedes B → B follows (succeeds)  
A.

А Бни бошлаб келди → Б Ага эргашиб келди.

Аҳмад Валидан катта→Вали Аҳмаддан кичик.

Лексик birlikлар ўртасидаги семантик алоқаларни ўрганар экан конверсивликни у лексик қарама-қаршилиқнинг бир тури сифатида баҳолади. Масалан: *сотмоқ - сотиб олмоқ; ютмоқ – ютқазмоқ, эр-хотин ва ҳ.*

Бу каби ҳолатларда субъект ва объект жойларининг ўзгариши феълнинг ўзгаришига ва гап структурасида ҳам тегишли ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Масалан: *John bought a book from Sam → Sam sold a book to John.*

Бу гапларда актив-пассив трансформацияси амалга ошмаси-да сўзларнинг грамматик функциясида ўзгаришлар содир бўлади. Масалан: *Барселона бу ўйинда Реални яна ютди. → Барселона бу ўйинда яна ҳолиб чиқди. Реал бу ўйинда ҳам Барселонага ютқазди. (мағлуб бўлди.)*

Агар биз бу гапда “*ютди-ютқазди*” феъл жуфтлигини ишлатсак ўзбек тилидаги “аниқ нисбат → орттирма нисбат” оппозициясини кузатамиз. Аммо, ютди ўрнига ҳолиб чиқди сўзини ишлатсак унда, “*Реални*” сўзини умуман ишлатмаслигимиз керак бўлади, ёки бўлмаса “*Реал устидан*” сўз бирикмасини қўллашимиз керак бўларди.

Инглиз тилида бу нарса анча жўн. Масалан: *Barcelona won the game against Real. → Real lost the game against*

*Barcelona.* Ёки: *Barcelona beat Real → Real was beaten by Barcelona.*

Борликдаги бир факт воқеа, ҳодисани билдирар экан конверсивлар бир вақтнинг ўзида турли сигнификатив маъноларни билдиради. Компонент таркибини таҳлил қилсак, уларнинг бир-бирини фарқловчи маъноларни билдиришини кўрамиз. Масалан: *ютмоқ- ютқазмоқ; олмоқ-бермоқ; галаба (қозонмоқ)-мағлубиятга (учрамоқ); бормоқ-келмоқ* ва ҳоказо.

Шунинг учун конверсивлар антонимлар каби мантқан қарама-қарши мос тушмайдиган, бир-бирини тўлдирувчи тушунчаларга мос келади. Аммо, конверсивларнинг антонимлардан фарқи шундаки, антонимлар асосан бир валентли сўзлар бўлиб, конверсивлар, асосан, икки ёки уч валентли сўзлардан иборат бўлади. Сўзларнинг икки ёки уч иштирокчили иш-ҳаракатларни билдириши эса уларга воқеа-ҳодисаларни “ёпиқ характерда” бўлишига имкон беради. Масалан: Аҳмад Раҳматга бирор нарса сотса бу иш-ҳаракат натижасида, Раҳмат Аҳмаддан ниманидир сотиб олган бўлади. Бу ерда тўла цикл амалга ошади. Воқеа содир бўлади.

Бунинг оқибатида конверсивларнинг фарқловчи семалари бир-бирига, умуман, мос келмайди, қарама-қарши бўлганлиги туфайли улар содир бўлган иш-ҳаракатда, воқеада қарама-қарши роль ўйнайди ва бу воқеани турли нуқтаи назардан кузатади ва турли нуқтаи назардан баҳолайди. Натижада сотган одам олмайди, олган одам сотмайди, бир одам бир вақтнинг ўзида ҳам сотиб ҳам олмайди. Агар Аҳмад Раҳматга ниманидир сотса, Раҳмат уни сотиб олса, Аҳмад уни қайта сотиб олмоқчи бўлса, бу нарса энди иложсиз. Чунки мулоқот содир бўлди. Олди-сотди амалга ошди ва ҳаммаси тугади. Энди Аҳмад сотиб олмоқчи бўлса, у ўз ижтимоий роли, коммуникатив интенциясини ўзгартириши ва янги коммуникатив актини яратиши керак бўлади. Аммо, энди бу янги воқеа бўлади.

Нуқтаи назарнинг турличалиги ҳам нутқ маҳсулотининг турлича бўлишини



тақозо этади. Масалан: Жон ва Том телефонда гаплашмоқда. Жон сўради.

-Where is Nick?

-He *went* to your office.

-When will he *come*?

-In half an hour.

Бу дискурда бор-йўғи битта иш-ҳаракат ҳақида гап бормоқда. Жон Томга кўнғироқ қилиб Никнинг қаердалигини билмоқчи. Том Никнинг кетганлигини айтди. Жон эса Никнинг қачон кетганлиги билан эмас, унинг қачон келиши билан қизиқмоқда.

Кўриб турганимиздек назорат қилувчи, кузатувчи ёки гапирувчининг қаерда жойлашганлигига қараб нутқ маҳсулотида эслатилган иш-ҳаракат турлича номланмоқда. Мана шу ҳолат конверсивларнинг нутқда ишлатилишини тақозо этади.

А ва Б нукталар ўртасида ҳаракатланаётган субъектни кимдир “*is going*”, “*кетяпти*” дейди, кимдир “*is coming*”, “*келаяпти*” дейди. Ҳар иккаласи ҳам ҳақ. Борлиқдаги бир воқеанинг турлича номланиши эса лингвистик нисбийлик назариясининг нутқ маҳсулотларини яратишдаги ўрни ва роли ҳам катта эканлигини тасдиқлаб турибди. Бу ерда маҳсулот А нуктадан Б нуктага қараб йўл олса, А нуктадаги сўзловчи “*went*” дейди, Б нуктадаги “*came*” дейди. Иш-ҳаракат ҳам, бажарувчи ҳам, масофа ҳам, сарф этилган вақт ҳам бир хил, аммо, иш-ҳаракат турлича номланмоқда.

Объектнинг инъикос этиш нуктаи назаридан предикатлар бир хил воқеа-ходисани ифода этади. Масалан: кимдир ютади ва бошқа мағлуб бўлади. Бир одамнинг ютуғи бошқасининг мағлубияти дегани.

Тема-рематик структура нуктаи назаридан бирламчи ва конверсивли структуралар ўртасида айрим фарқлар кузатилади. Масалан: Агар сўзловчининг мулоқот нияти одатий бўлса сўз тартиби ҳам одатий бўлади. Агар сўзловчи эътиборни бу воқеада содир бўлган янги бир ҳодисага қаратмоқчи бўлса конверсив феълли структурага қаратилади. Масалан: Чемпион дебютантни аяб ўтирмади.

Одатий ҳодиса, чемпион шунинг учун ҳам чемпионки улар дебютантларни аяб ўтирмайдилар, имконини қилиб каттароқ ҳисобда ютишга ҳаракат қиладилар.

Дебютант чемпионни мағлубятга учратди. Дебютант чемпионнинг чемпионлигига қараб ўтирмади, ўйинни шундай ташкил қилдики, чемпион мағлубятга учради. Натижа кутилмаган ҳолат бўлди.

Конверсивланган структурада кўпроқ эътибор дебютантнинг яхши ўйинига эмас, чунки бу тасодифий ҳол, балки чемпионнинг бўш, ёмон ўйнаганига қаратилган, чунки чемпион жамоа чемпиончасига ўйнаши ва ҳар хил дебютантларга ютқазмаслиги керак.

Конверсив жуфтликларнинг компонентлари аргументлар деб аталади [F.Palmer, 1982: 82]. Масалан: инглиз тилида *buy/sell, husband/wife, lend/borrow, rent/let, belong to/own, to give/take, give/receive, каби феъллар, husband/wife, fiancé fiancée, parent/child, debtor/creditor, teacher/pupil, above/below, in front of/behind, north of/south of* ва ҳоказолар.

Ўзбек тилида *келмоқ/кетмоқ, бормоқ/келмоқ, сотмоқ/сотиб олмоқ, олмоқ/бермоқ, қарз бермоқ/қарз олмоқ, ижара олмоқ/ижарага қўймоқ, тегишли бўлмоқ/эғалик қилмоқ, уйланмоқ/эрга тегмоқ, гапирмоқ/тингламоқ, кўрмоқ/кўрсатмоқ, эргашимоқ/эргашитирмоқ каби феъллар. Эр-хотин; ота-она-фарзанд; қарздор-қарз берувчи, ўқитувчи/ўқувчи; тепада-настда; олдида-орқасида; шимолда-жанубда; тоға-жиян; амма-хола* ва ҳоказолар.

Таниқли француз тилшуноси Ш. Балли ҳам янги даврда конверсивлик ҳодисасига эътибор қаратган олимлардан эди. У ўзининг 1921 йил чоп эттирган “Француз тили стилистикаси” номли асарида бир қатор ҳолатларни ўрганиб чиққан (Ch.Bally, 1921). У келтирган мисоллар ичида “*avoir le droit*” (ҳуқуқига эга бўлмоқ) ва *etre legitime* (қонуний бўлмоқ) бирикмалари лексик синонимия манбаларидан бири деб қаралади.

Инглиз тилида:

He was given the right to protest



He had the right to protest –  
His protest was lawful  
His protest was legal  
His protest was legally grounded.

Ўзбек тилида:

У эътироз билдириш ҳуқуқига эга эди. Унга эътироз билдириш ҳуқуқи берилганди. - Унинг эътирози қонуний эди. Унинг эътирози қонун доирасида эди.

XX асрнинг яна бир номдор тилшуносларидан бири О. Есперсен бу каби ҳолатларга мажҳул нисбатга алоқадор тушунчаларга боғлиқ ходиса сифатида қарайди. У юқоридаги ҳолатларни эга ва тўлдирувчи ўртасида функционал қийматларнинг ўзгариши деб баҳолайди ва “тўлдирувчининг конверсияланиши” деган терминни киритади [О. Есперсен, 1958: 186-187].

“A precedes B” → B follows A гаплари ўртасидаги мазмуний алоқадорлик ҳақида гапирар экан, биринчи гап А нинг нуқтаи назаридан берилган, иккинчи гап эса Б нинг нуқтаи назаридан берилган” дейди. [О. Есперсен, 1958: 186].

О. Есперсен бу қарашлари билан синтактик синонимик чегараларини кенгайтди ва бу ерга турли сўз туркумлари, шу жумладан, предлоглар ўртасида ҳам конверсивлик алоқаси борлигини қайд этади. Масалан: предлоглар, *above* (тепада) - *under* (остида); *before* (аввал) - *after* (кейин), сифатлар: *older* (каттароқ) – *younger* (ёшроқ); *desirous* (хоҳловчи) - *desirable* (хоҳланган); отлар: *examiner* (имтиҳон олувчи) - *examinee* (имтиҳон топширувчи); феъллар: *sell* (сотмоқ) – *buy* (сотиб олмақ); *give* (бермоқ) - *receive* (олмоқ); *have* (эга бўлмақ) - *belong* (тегишли бўлмақ). [О.Есперсен, 1958: 192-193].

Орадан ўтган ўн йилликларда тилшунослар бу масалага умуман эътибор қаратмадилар. Бунга сабаб балки бу даврларда лингвистик тафаккур бошқа муаммолар билан банд бўлганлигидир. Фақатгина 1952 йилга келиб америкалик таниқли тилшунослардан бири З. Харрис бу ходисани “Квазитрансформация” жараёнлари доирасида ўрганиб чиқди ва

амалга О. Есперсен ғояларини янги метод ёрдамида синаб кўришга аҳд қилди.

3. Харрис таҳлил қилган: *He sold me a book* (У менга китоб сотди) – *I bought a book from him.* - Мен ундан китоб сотиб олдим.

1957 йил америкалик бошқа бир олим М. Мастерман ўз тадқиқотида О. Есперсеннинг яна бир ғоясини таҳлил қилиб ўтди. *У cause* (сабабчи бўлади), *produces* (пайдо қилади), *leads to* (...га олиб келади); *the result is* (натижа шу бўладики); *the upshot is* (охирда биз эга бўладиган нарса...) кабиларни кўриб чиқади.

Бу ишда “Икки томонлама муносабатни билдирувчи жуфтликларда бир маъно турлича йўналишларда баҳоланади ва урғу уларда турли ўринларга қаратилади” деб баҳоланади. Масалан: A has B. - B belongs to A; A is earlier than B - B is later than B; A despite B - B in spite of A; B through A; No one knows about the plan. - The plan is unknown to anyone.

Нисбат оппозицияларида ҳам шу нарса кузатилиши айтилган. Масалан: *Frank is researching the draft.* → *The draft is being researched by Frank.*

Юқорида биз Ж. Лайонз 1963 йил “конверсивлик” атамасини тилшуносликка олиб кирди деб айтиб ўтган эдик. Бу ғоя эса кўплаб тилшунослар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Жолковский ва Мельчук, Бабицкий, В.Г.Гак, Ю.Д.Апресян, Стаал, Бар-Хиллел, Дж.Филмор, Т.Лойев ва бошқалар томонидан лексик конверсиянинг турли жиҳатларини ёритишга бағишланган қатор мақолалар ва йирикроқ ишлар эълон қилинди.

Конверсивларга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. To win – to lose: Tottenham won the game against Liverpool. Liverpool lost the game against Tottenham

2. To spare - to run: We spared all our money.

Our money ran out.

3. To go - to take. He goes there in his friend’s car. His friend takes him there.





4. To make ready – to wait for: Future made ready some problems for them. Some problems were waiting for them.

5. To keep – to be kept: A button was keeping his trousers. His trousers were kept by a button.

6. To appear – to obtain: A new meaning appears in the word. The word obtains a new meaning.

Ўзбек тилида:

1. Тугамоқ - сарфламоқ. Пулимиз тугаб қолди. Биз пулимизни сарфлаб бўлдик.

2. Кетмоқ – олиб бормоқ. У дўстининг машинасида кетади. Уни дўсти машинасида олиб боради.

3. Тайёрламоқ – кутмоқ. Келажак унга янги янада қийинроқ синовларни тайёрлаб қўйган эди. Келажакда уни янги янада қийинроқ синовлар кутиб турган эди.

4. Ушлаб турмоқ – осилиб турмоқ. Шимни битта тугма ушлаб турарди. Шим битта тугмага осилиб турарди.

5. Ўз оғушига олмоқ – қолиб кетмоқ. Уни жала ўз оғушига олди. У кучли жалада қолиб кетди.

6. Устун келмоқ – ортда қолмоқ. Одатда, бу ёшда қизларнинг бўйи ўсишда тенгдош болалар бўйдан устун келади. Одатда, бу ёшда болаларнинг бўйи ўсишда тенгдош қизлар бўйдан ортда қолади.

7. Баландроқ бўлмоқ – пастроқ бўлмоқ. Бу ёшда қизларнинг бўйи тенгдош болалар бўйдан баландроқ бўлади. Бу ёшда болаларнинг бўйи тенгдош қизлар бўйдан пастроқ бўлади.

8. Пайдо бўлмоқ – эга бўлмоқ. Сўзда яна бир янги маъно пайдо бўлди. Сўз яна бир янги маънога эга бўлди.

9. Таъзирини бермоқ – насибасини олмоқ. Кеча прораб Носирнинг таъзирини берди. Кеча Носир прорабдан насибасини олди.

10. Қувламоқ - қочмоқ. Сен нега қувладинг? - Сен қочдинг мен қувладим. (фильмдан).

11. Кўрмоқ - кўрсатмоқ. Нозимни қандай қилиб кўрдинг, сен ахир, уни танитайсан-ку. Менга уни Элдор кўрсатди.

Ўзбек тилидаги бошқа конверсив жуфтликлар сирасига яна қуйидагиларни ҳам киритишимиз мумкин: *чалғимоқ-чалғитмоқ; айланмоқ-айлантирмоқ; айрилмоқ-айирмоқ; аралашмоқ-аралаштирмоқ; қопламоқ-қопланмоқ; судрамоқ-судралмоқ; ўқимоқ-ўқитмоқ; бермоқ-олмоқ. тортмоқ-тортилмоқ; узатмоқ-олмоқ; сотмоқ-олмоқ; (сотиб олмоқ), тутмоқ-қўлга тушмоқ; шошмоқ-шоштирмоқ; ўрганмоқ-ўргатмоқ.* [Ш. Рахматуллаев.126 б.]

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни хулоса сифатида қайд этишимиз мумкин.

1. Конверсивлар лексик ва синтактик семантиканинг жуда долзарб, мунозарали ва кўп аспектли хулосаларидан бири бўлиб, унинг кўп жиҳатлари тилшуносликда ҳали ўз ечимини топгани йўқ.

2. Тилшунослардан Ш.Балли, О.Есперсен, З.Харрис, Ж.Лайонз, Ю.Д.Апресян, В.Г.Гак, Т.Ф.Ломтев, Дж.Филмор, Ж.Бар-Хиллел, А.Жолковский, В.Мельчук ва бошқалар конверсивларнинг тил ҳодисаси сифатида структурал-семантик ва функционал жиҳатлардан тадқиқ қилганлар.

3. Конверсивлар бир денотатга эга бўлган воқеа-ҳодисани турли нуқтаи назардан номлаш натижасида пайдо бўладиган тил бирликлари бўлиб, улар тилда нисбият назарияси элементлари намоён бўлинишини акс эттирувчи тил категориясидир.

4. Лексик конверсивлик бу ҳодисанинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, улар нутқнинг ҳиссий-информацион юкламасини оширишга хизмат қилувчи унсурлар ҳисобланади. Инглиз тилидаги *buy-sell; come-go; give-take; give-receive; lend-borrow; rent-lent; belong to-own; follow-precede, debtor-creditor; teacher-pupil* ва ҳоказолар конверсивларга мисол бўла олади.

Ўзбек тилидаги *келмоқ-кетмоқ; қувмоқ-қочмоқ; олмоқ-бермоқ; уйланмоқ-эрга тегмоқ; гапирмоқ-тингламоқ; кўрмоқ-кўрсатмоқ; эргашишмоқ-эргаштирмоқ; эр-хотин; ота-она-*



фарзанд; тога-жиян; амма-хола ва хоказолар конверсивлик ҳодисасини коммуникатив жиҳатдан қанчалик фаол эканлигини кўрсатиб турибди.

5. Мақола ҳажми бизга инглиз ва ўзбек тилларидаги конверсивларни батафсил, ҳар томонлама, структуравий,

семантик функционал, таржимавий ва бошқа нуктаи назардан изчил, тизим тарзида таҳлил қилишга имкон беради. Ўйлаймизки, кейинги ишларимизда эътиборни ўша ҳодисалар ва уларнинг турли жиҳатларини атрофлича ёритишга қаратамиз.

#### Адабиётлар:

1. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. М.: Наука, 1976. -366 с.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.: СЭ, 1966. -608 с.
3. Дворецкий И.Х., Латинский-русский словарь. - М. Изд. Русский язык. 1976.- 1096 с.
4. Есперсен О. Философия грамматика. -М.: Изд-во иностр лит-ры. 1958.- 380 с.
5. Краткий латинский-русский словарь.- М.: Госиздат иностранных и национальных словарей, -М.:1941.- 672 с.
6. Новиков Л.А. Семантика русского языка.- М.: ВШ, 1982.- 272 с.
7. Рахматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Т.: Фан, 2010 й.- 350 б.
8. Lyons J. Semantics. vol. I-II Cambridge. Cambridge University Press, 1977.- 980 с.
9. Palmer F. Semantics. A new outline. Semantics. -М.: VSh.- 1982, 112 с.
10. Bally Ch. Traite de stylistique. Francase, Zed, Paris, 1921.- 330 p.

*Kuldoshov U. Linguistic nature of conversions. The article is devoted to a brief description of the structural-semantic and functional features of the phenomenon of conversion in modern English and Uzbek languages. At the beginning of the article the essence of the phenomenon of conversion, lexical meaning, introduction to linguistics, history, history of study of the phenomenon of conversion by linguists, differences in the analysis and the reasons for their occurrence are described. At the end of the article, the types of conversions and their specific features are described. Each case is accompanied by examples.*

*Кулдошов У. Лингвистическая характеристика конверсии. Статья посвящена краткому описанию структурно-семантических и функциональных особенностей феномена конверсии в современных английском и узбекском языках. В начале статьи описывается сущность феномена конверсии, лексическое значение, его введение в лингвистику, история изучения феномена конверсии лингвистами, различия в анализе и их причины. В конце статьи описаны виды конверсий и их особенности. Каждый феномен сопровождается примерами.*



## PSYCHOLOGICAL PHENOMENA RELATED TO EMOTIONAL INTELLIGENCE

*Ismailov Akmal Rustamovich,*

*Independent Postgraduate, Samarkand State Institute of Foreign Languages.*

*An active member of Alberta Teachers of English as a Second Language (ATESL), Canada.*

**Key words:** *emotional intelligence, cognitive processes, criticism, social intelligence, consciousness, approach, multiple intelligences, personal intelligence.*

The concept of emotional intelligence is considered as one of the most important topics of discussion in the modern world of science. There are different views regarding the concept of emotional intelligence in terms of its definition, interpretation, significance, actuality, and connectedness to the teaching process, in general.

Critics of the concept of emotional intelligence cite the following arguments to substantiate their position regarding the notion of emotional intelligence: first, “intelligence” in this case is an inappropriate, misleading metaphor, which should be replaced by the term “competence” to more accurately express the essence of the phenomenon under discussion; secondly, intelligence is defined as an ability, and “there are no unique abilities associated with emotions” [8, p. 434]; third, in the concept of emotional intelligence, emotions are replaced by intelligence.

Such criticism seems to be not entirely justified for several reasons. First, rational and emotional are traditionally considered interrelated, which is confirmed by the data of clinical experiments, according to which the implementation of an effective or satisfactory decision-making process is impossible if the thought is deprived of emotional reinforcement. Second, if emotions are understood as “data, exactly the same as any other”, it can be assumed that there is a kind of thinking designed to process this particular type of information. Thirdly, emotional intelligence cannot be defined as “competence”, since the concept of competence presupposes the achievement of a certain level of quality representation.

Nevertheless, the question may arise: “Is the term “emotional intelligence”

controversial?” This is so if emotions are viewed as interferences so disruptive to mental activity that they must be controlled. In the first century BC, Publilius Syrus noted: “Control your emotions, otherwise your emotions will control you.” Modern proponents of this approach describe emotions as a spontaneous, mainly internal reaction resulting from disturbances in affective regulation. From this position, emotions in their pure form are viewed as caused by a complete loss of intellectual control and do not contain a trace of a conscious goal [7, p. 101].

Apparently, in accordance with this tradition, emotional thinking is sometimes understood as a certain defective component of the thinking process, which reduces the objectivity of cognition and is characterized by rigidity and inertia. Researchers often limit themselves to stating the existence of the concept of “emotional intelligence”, without defining it, without clearly identifying its structural components. Perhaps this is due to both the semantic ambiguity of this concept and the resulting problems of the operationalization of emotional intelligence.

In order to raise reasonable objections to critics of the concept of emotional intelligence, it is necessary to clearly define what emotions are within its conceptual field and what are the ideas about intelligence. In the past, it was believed that the distinction between emotions and cognitions was based on the processes that underlie them. Thus, emotions have traditionally been related to more primitive (vegetative, biological) processes. Emotions were thought to be the product of phylogenetically earlier parts of the brain (limbic system), while cognitive



processes are the product of later structures (neocortex).

In contrast to the concept of emotions as primitive biological processes in a number of modern foreign and domestic theories, emotion is considered as a special type of knowledge. According to G.M. Andreyeva, although emotion is associated with simple perceptual signals, it is at the same time “embedded” and integrated into systems of meanings. Emotional states can be interpreted as meanings, since they are significant for individual experience and serve to express it, conveying information about the individual himself and his environment [1, p. 14]. Therefore, it is no coincidence that the metaphor of “cold” and “hot” cognitions which precisely fixes the recognition of the status of knowledge for the emotions has arisen in the literature.

Clarifying the role of emotions in the construct "emotional intelligence", J.Averill makes three proposals on this issue, which are implicitly, one way or another, present in the theory of J.Meyer, P.Salovey, D.Caruso:

a) for each type of emotion (for example, anger, fear, etc.), we have our own essential features – the character, which are biologically determined;

b) simple emotions can form certain combinations – thus, complex emotions are formed;

c) emotions can be regulated, but not fundamentally altered their manifestations. Describing the role of emotions in emotional intelligence, J. Meyer, P. Salovey, D. Caruso make the following additions to J. Averill's proposals:

d) emotions signal the relationships between people and their environment (including other people) and changes in these relationships, real or imagined;

e) emotions and cognitions represent various functions of mental activity, which often interact with each other and can be expressed in an integrated form [6, p. 251]. The distinction between emotions and cognitions is to a certain extent theoretical, conceptual in nature. It makes no sense to talk about a purely emotional, mental or purely physiological reaction, because certain

mental or neurological processes can be part of both emotional and cognitive behavior, although their degree of importance and proximity to the center varies.

The results of a survey of six hundred experts in the field of psychology of intelligence are given by A.V. Libin: 99.3% of them agree that intelligence is associated with abstract thinking or logic; 97.7% - with problem solving; 96% - with the ability to acquire knowledge. If we integrate the main provisions, then it can be argued that intelligence is the general ability to think rationally and adapt to changes in the environment. With this approach, the concept of intelligence acquires greater certainty, but continues to remain quite broad. It is possible that it can be clarified by identifying the following functions of intelligence: universal adaptation to the environment, choice of a new environment, transformation of the environment, learning, development and decision-making, cognition and creativity, self-government [2, p. 89].

The problem of defining intelligence largely depends on how researchers interpret its nature.

In this regard, M.A.Kholodnaya identifies nine main directions in experimental psychological research of intelligence:

1) sociocultural approach. Intelligence is viewed as a result of the process of socialization, while the intellectual capabilities of a person are not only generated by the cultural context, but also limited by it;

2) genetic approach. Intelligence appears as a consequence of the increasingly complex adaptation to the requirements of the environment in the natural conditions of human interaction with the outside world;

3) procedural activity approach. Intellect is a special form of human activity;

4) educational approach. Intelligence is a product of learning and is a process of forming cognitive skills;

5) informational approach. Intellect is a set of information processing procedures;

6) phenomenological approach. Intelligence is a special form of the content of



consciousness, it is considered in the context of the phenomenal field of consciousness;

7) functional-level approach. Intelligence is a system (hierarchy) of different-level cognitive processes;

8) regulatory approach. Intelligence is considered as a factor in the regulation of mental activity;

9) ontological approach. Intellect is a form of organization of individual mental experience [4, p. 54].

The three most general approaches to intelligence: psychometric, adaptive, and informational, were identified by R.K. Wagner and R. Stenberg.

The psychometric direction is based solely on quantitative measurements of intelligence.

The adaptive approach is represented by the theory of J.Piaget. He considers intellect as an active process, including progressive adaptation to the surrounding reality as a result of the processes of assimilation and accommodation. According to J.Piaget, certain cognitive structures develop and form in the process of adaptation with age. The scientist focuses on the qualitative measurements of intelligence.

The information approach considers intelligence from the point of view of detecting and processing information, intellectual processes, and not only the results of its measurement [2, p. 122].

For this research, the informational approach to intelligence seems to be the most relevant. Internal and external information is very heterogeneous, and different intellectual abilities are required to process it.

According to H.Gardner, multiple intelligences include a wide range of abilities. The intelligence model structures the organization of this space. H. Gardner's model includes seven main subspecies (forms) of intelligence, among which, along with verbal-linguistic and logical-mathematical, there are visual-spatial, musical-rhythmic, bodily-kinesthetic, finally, interpersonal (interpersonal) and intrapersonal (intrapersonal). Interpersonal intelligence includes the ability to observe the feelings of others and use this knowledge to

predict their behavior and cooperate with them. Intrapersonal intelligence allows you to understand yourself and cooperate with yourself. One of the aspects of personal intelligence is also associated with feelings and is very close to what J. Meyer, P. Salovey and D. Caruso call emotional intelligence. Different types of intelligence are distinguished in accordance with the quality of the information with which they operate [5, p. 135].

According to G.M. Andreyeva, both the cognitive and emotional systems "contain two stages: the perceptual (or figurative) and the "planning stage," i.e. proper cognitive" [1, p. 13]. On this basis, it can be assumed that emotional and cognitive processing of information can be to a certain extent independent.

Almost all authors agree that emotional intelligence can be measured and that its levels can be distinguished. The problem lies in identifying objective criteria for measuring emotional intelligence.

The connection of intelligence with other individual parameters in foreign psychology has always been at the center of discussions. The first part of the discussion, devoted to the mutual influence of intellect and personality, was started by L.Thurstone and R.Cattell, who discovered a close intertwining of certain personal properties with intellectual characteristics.

Currently, it is not denied the possibility of a link between intelligence and non-cognitive personality characteristics, but it is noted that this link is less obvious and requires "careful verification."

In order to establish which personality parameters are interconnected with emotional intelligence, it is necessary to determine within which model - abilities or "mixed" - the research is conducted. "Mixed" models of emotional intelligence are those that "describe the concept of emotional intelligence, which includes not only mental abilities associated with intelligence and emotions, but also other personal dispositions and traits, such as motives, sociability, cordiality. "





There are a number of concepts related to emotional intelligence (as ability), including empathic accuracy and non-verbal perception.

Other phenomena associated with emotional intelligence, such as emotional competence, emotional maturity, emotional enlightenment, emotional creativity are similar or complementary in relation to emotional intelligence. Other types of intelligence are very close and partially overlap emotional intelligence, such as personal intelligence, social intelligence. However, among them, only social intelligence is satisfactorily operationalized as a mental ability [9, p. 170].

For the proponents of "mixed" models of emotional intelligence, the "family" of emotional intelligence -related and partially overlapping concepts looks broader. This is due to the fact that in these models the term "emotional intelligence" itself is identified with a significant set of well-studied personal characteristics, supposedly leading to success. With this approach to the specified set can be attributed to the motivation of achievement, openness, optimism, practical intelligence, self-respect, a tendency towards pleasant or unpleasant experiences, subjectively experienced well-being.

D.Goleman admits that his model of EI is not significantly different from the model of "ego power" of J. Blokov.

Close to the position of D.Goleman, A.I.Chebotar, who, in the context of emotional intelligence, examines the personal properties of ego-plasticity and ego-control, studied in detail within the framework of this model. Ego-plasticity is personal resilience, flexibility, while ego-control means introspection of emotions, the ability to restrain the urge to immediately satisfy needs for the sake of distant but more significant goals, constructive behavior in a situation of frustration, restraint. An individual with a high level of ego-plasticity in the presence of formed self-control reveals the following characteristic features: does not feel great discomfort in the face of new, unfamiliar situations; easily adapts to them; inextricably linked with the world, but does not obey it;

resolutely overcomes obstacles; able to maintain composure and internally gather in a stressful situation. A person with a low level of ego-plasticity has meager adaptive reserves, behaves stereotypically in various new situations, often feeling helpless, confused, showing rigidity, has difficulty in extreme situations (for example, in a stressful situation), shows anxiety and concern in a situation of change (both personal and social), is experiencing great difficulties in restructuring their own rhythm in accordance with the requirements of reality [3, p. 191].

In accordance with the structure of "mixed" models, emotional intelligence is associated with general intelligence, in general, and practical and creative intelligence with constructive thinking, motivation for social desirability and social insight, in particular. "Mixed" models of emotional intelligence include components such as warmth, self-confidence, self-discipline, and others. Since emotional intelligence in such models is understood quite broadly, it is desirable that in the future a distinction be made between emotional intelligence with phenomena that, although interconnected with it, nevertheless belong to different conceptual fields.

The terms "emotional culture", "emotional thinking", "emotional intelligence" and "emotional ability" are sometimes used interchangeably.

In "mixed" models, the definitions of "emotional competence" and "emotional intelligence" are practically identified.

The term "emotional creativity", like emotional intelligence, sometimes seems quite contrived. The psychological content of emotional maturity is still not clearly defined; the research belongs to underdeveloped areas of psychology.

The identification of some of these concepts was facilitated by the common origin of the mental phenomena designated by them and the closeness of their functions in the structure of individuality. The phenomena associated with emotional intelligence have a common genotypic basis (temperament properties) and contribute to adaptation and effective social functioning of



the individual. At the same time, these mental phenomena are different from it, although closely related to emotional intelligence. In this regard, it is necessary to clarify the content of the concepts of "emotional thinking", "emotional creativity", "emotional competence", "emotional maturity", "emotional culture" and determine their place

in the conceptual field of emotional intelligence.

Emotional intelligence and psychological phenomena such as creativity, cognition, identity, personality, maturity, etc. are closely interconnected with each other and play a crucial role in development of one's cognitive abilities, in general.

#### The list of used literature:

1. Андреева Г.М. Эмоциональные компоненты социального познания. // Мир психологии. – № 4, 2002. – С. 11 – 21.
2. Лобанов А.П. Интеллект и когнитивные стили. – Орша: Диаль, 2006. – 304 с.
3. Носенко Э.Л., Чоботарь А.М., Элькинбард О.Б. Формирование эмоционального интеллекта как фактора предупреждения стрессовых состояний у детей. // Наука і освіта.– Спец. вип. 2000. – С. 190 – 192.
4. Холодная М.А. Психология интеллекта: парадоксы исследования. – Томск: Изд-во Томского ун-та; М.: Изд-во «Барс», 1997. – 392 с.
5. Gardner H. Intelligence reframed. – N.Y.: Basic Books, 1999. – 176 p.
6. Mayer J.D., Salovey P., & Caruso D. A further consideration of issues of emotional intelligence. // Psychological Inquiry. – № 3 (15), 2004. – P. 249 – 255.
7. Mayer J.D., Salovey P., & Caruso D. Emotional intelligence as zeitgeist, as personality and as a standard intelligence. Handbook of emotional intelligence. – N.Y.: Jossey-Bass, 2000. – P. 92 – 117.
8. Mayer J.D. & Salovey P. The intelligence of emotional intelligence. N.Y.: Intelligence, 1993. – P. 433 – 442.
9. Sternberg R.J., Smith C. Social intelligence and decoding skills in nonverbal communication. // Social Cognition. № 3, 1985. – P. 168 – 192.

*Ismailov A. Hissiy intellektga aloqador psixologik hodisalar. Ushbu maqolada hissiy intellekt tushunchasi, turlari va tabiati va uning psixologik hodisalar bilan aloqasi tasvirlangan. Shuningdek, maqolada hissiy intellektni tadqiq qilish sohasiga tegishli g'oyalarni differentsiyalash zarurligi, hissiy va kognitiv jarayonlarning o'zaro bog'liqligi va farqlanishi to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan. Bundan tashqari, maqolada hissiy intellekt modellari tuzilishi va ularning tarkibiy qismlari va boshqa intellekt turlari bilan aloqalari tasvirlangan.*

*Исмаилов А. Психологические явления, связанные с эмоциональным интеллектом. В этой статье описывается понятие, виды и характер эмоционального интеллекта и его связь с психологическими феноменами. В статье также представлена информация о необходимости дифференциации представлений в сфере исследований эмоционального интеллекта, а также о взаимосвязи и разграничении эмоциональных и когнитивных процессов в целом. Кроме этого, в статье описывается структура моделей эмоционального интеллекта и их компонентов, а также их связь с другими видами интеллекта.*



## “ЖЕЙН ЭЙР” РОМАНИДА ГЕНДЕР ВА ЖИНС БИЛАН БОҒЛИҚ МЕТАФОРЛАРНИНГ ФАОЛЛАШУВИ

Улугова Шохида Шохруховна,  
СамДЧТИ 2- босқич докторанти

*Калит сўзлар:* концептуал метафора, феминизм, қафасдаги қуш, мустақил аёл, гендер омиллар, ижтимоий шароит, фрейм, воқелик.

Виктория даври адабиёти намунаси бўлган "Жейн Эйр" романи бош қахрамони ижобий персонаж эканлиги адабиётшунослар томонидан эътироф этилган (Taylor, Shuttleworth 1998:29-41; Chase 1984). Жейннинг тўғрисиқлиги ва дил изҳоридаги самимийлиги хатто замонавий ўқувчиларни ҳам ҳайратга солади. Уларнинг фикрича, роман "исёнчи феминизм" руҳида суғорилган эмиш. Чунки улар Жейннинг ижобий сифатларини "жамиятда ҳаёт кечириш меъёрлари ва анъаналарини инкор этиш" сифатида таърифлашни маъқул кўрадилар (Gilbert and Gubar 1979:339). Танқидчилар, бундан ташқари, Жейнни атрофидагилар унинг ақл-заковати ва эҳтиросли муҳаббати сабабли унчалик қабул қилмаганликларини таъкидлаб ўтадилар. Ҳақиқатан ҳам, у мустақил фикр юритиш ва қарор чиқаришга мойил шахс. Аммо, роман матни билан танишиш жараёнида бош қахрамонга нисбатан берилган баҳо ҳар доим ҳам ҳақиқатга мос келавермаслигини кўрамиз. Зеро, Жейн – конун-қоидаларга, тартибга риоя қиладиган инсон ва шу қоидаларга ақл-заковат ила ёндашади. Тадқиқотчилардан бири қайд этганидек, "Жейн эҳтиросли ва патриархал тизим қоидаларидан воз кечган бўлса-да, лекин, у мустақиллик сари қўяётган қадамларида ўз вазифаси, хизмати ва танлови нимадан иборат бўлиши кераклигини яхши ҳис қилади. У жамиятга эркаксифат одам билан кириб келишни ҳеч қачон орзу қилмайди. Аксинча, унинг хатти-ҳаракатлари доимий равишда қайси жинс вакиласи эканлигидан дарак бериб туради" (Conness 2004:130).

Дарҳақиқат, биз ҳам роман матни билан батафсил танишиш жараёнида

Жейннинг аёлга хос ифпати ва жинсга муносабати ўз даврига нақадар мос келишини кузатдик. Ҳа, Жейн қатъиятли ва эҳтиросли шахс, аммо, у қаерда бўлишидан (Ловуд, Торнфильд ёки Мортонда) қатъи назар, патриархал тузумни тамоман йўққа чиқаришга интилмади. У сўзсиз, мустақиллик, эркинлик ва тенглик тарафдори, лекин, буларнинг барчаси ижтимоий талаблар доирасида, Оллоҳ белгилаган қоидалар камровида бўлмоғи даркор.

Бизнингча, Рочестер Жейнга таъриф беришда бекорга уни қушга қиёсламаган бўлса керак. Қиёсланг:

I see at intervals the glance of a curious sort of bird through the close-set bars of a cage: a vivid, restless, resolute captive is there; were it but free, it would soar cloud-high. (Chapter 14, p.130);

"Jane, be still; don't struggle so, like a wild frantic bird that is rending its own plumage in its desperation."

"I am no bird; and no net ensnares me; I am a free human being with an independent will, which I now exert to leave you." (Chapter 23, p.241).

"...Consider that eye: consider the resolute, wild, free thing looking out of it, defying me, with more than courage — with a stern triumph. Whatever I do with its cage, I cannot get at it—the savage, beautiful creature! If I tear, if I rend the slight prison, my outrage will only let the captive loose. Conqueror I might be of the house; but the inmate would escape to heaven before I could call myself possessor of its clay-dwelling place."

And it is you, spirit—with will and energy, and virtue and purity—that I want: not alone your brittle frame. Of yourself you



could come with soft flight and nestle against my heart, if you would: seized against your will, you will elude the grasp like an essence—you will vanish ere I inhale your fragrance. (Chapter 27, p.304).

Юқоридаги матн парчаларида Рочестер Жейнни таърифлаш учун тўхтовсиз "қуш" метафорасидан фойдаланаётганини кўрамиз. Одатда, қушларнинг ижобий хислатлари уларни оламдаги яхши нарса ва ходисаларга хослашга имкон беради. Масалан, уларнинг осмондаги серҳаракат пирпираб (учиб) юрган гавдаси тинчлик, озодликка қиёсланса, уларнинг сайраши ёки чуғур-чуғури ҳаёт завқидан, бахтиёрликдан дарак беради.

Романни ўқишда давом қиламиз:

Once more on the road to Thornfield, I felt like the messenger-pigeon flying home. (Chapter 36, p.406).

But in his countenance I saw a change: that looked desperate and brooding—that reminded me of some wronged and fettered wild beast or bird, dangerous to approach in his sullen woe. The caged eagle, whose gold-ringed eyes cruelty has extinguished, might look as looked that sightless Samson. (Chapter 37, p.415).

The water stood in my eyes to hear this avowal of his dependence; just as if a royal eagle, chained to a perch, should be forced to entreat a sparrow to become its purveyor. But I would not be lachrymose: I dashed off the salt drops, and busied myself with preparing breakfast. (Chapter 37, p.423).

Охирги учта парча "қуш" метафорасига мурожаат Жейннинг нутқи учун ҳам бегона эмаслигидан гувоҳлик беради. Биринчи парчада Жейн ўз ҳолатини (Торнфильдга қайтиш) "уйга учаётган хабарчи – кабутарга ўхшатмоқда. Зеро, Жейн қандайдир бегона юртга эмас, балки ўз ўрганган маконга қайтмоқда ва шошилиши табиий.

Жейн Торнфильдга қайтганидан сўнг Рочестерни учратиши муқаррар, аммо, бу учрашув қандай кечишини билолмасдан ҳайрон. Чунки Рочестер қандайдир оддий қушча эмас, балки

"қафасдаги бургут" ва бургутга тўсатдан яқинлашиш хавфли.

Рочестер учун эса Жейн "осмондаги омад" бўлиб қолаверади ва ўз қалби (қучоғи)ни Жейндек қуш учун "уя" бўлишидан қочмайди. Қиёсланг:

"Never will, says the vision? But I always woke and found it an empty mockery; and I was desolate and abandoned—my life dark, lonely, hopeless— my soul athirst and forbidden to drink—my heart famished and never to be fed. Gentle, soft dream, nestling in my arms now, you will fly, too, as your sisters have all fled before you: but kiss me before you go—embrace me, Jane." (Chapter 37, p.417).

"Oh, you are indeed there, my skylark! Come to me. You are not gone: not vanished? I heard one of your kind an hour ago, singing high over the wood: but its song had no music for me, any more than the rising sun had rays. All the melody on earth is concentrated in my Jane's tongue to my ear (I am glad it is not naturally a silent one): all the sunshine I can feel is in her presence." (Chapter 37, p.423).

"Miss Eyre, I repeat it, you can leave me. How often am I to say the same thing? Why do you remain pertinacious perched on my knee, when I have given you notice to quit?" (Chapter 37, p.426).

"Қуш" метафорасининг эркакларга қараганда аёллар таърифида кўп ишлатилишининг сабаби, эҳтимол, қушнинг юмшоқ, нозик ва гўзал қиёфаси аёлнинг назокатли табиатига ўхшатилиши билан боғлиқдир. Шунинг билан биргаликда, қушнинг баъзи хислатлари кишида салбий ассоциация туғдириши мумкин. Жумладан, бу нозик жонзотлар узоқ вақт мобайнида қафасда қолиши ҳамда шунинг билан ўз хўжайинига ҳузур бағишлаши мумкин. Аммо, қушнинг бундай хусусиятлари ҳам айрим ҳолатларда аёллар тақдирига мос келиб қолади: уй-рўзғор, оила ташвишлари, жамоадаги муҳит "қафас" тайёрлаши кутилган ҳол. Шу боис, бадиий асар ижодкорлари хотин-қизларга нисбатан жамиятда қўйилган чекловларни тасвирлашда "қуш" метафорасидан тез-тез фойдаланиб турадилар. Жумладан, ўзбек





мумтоз адабиёти намояндалари ҳам феодализмда мавжуд бўлган аянчли аҳволни тасвирлашда "қафасдаги куш" образига кўп бора мурожаат қилганлар.

Қафасдаги қушнинг ҳаёти хавфдан холи бўлса-да, лекин, у озодлик ва мустақиллик бахтига муяссар эмас, одамликдаги қушлари сингари эркин қанот қоқ олмайди, чунки қаноти ва оёғи боғланган. Боз устига, қафасдаги куш ўз имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум, унинг қўлидан келгани фақат сайраши билан хўжайинни хурсанд қилиш. Бу – аёлнинг пешонасига битилган тақдир. Валерия Стил гувоҳлик беришича, "киролича Виктория даврида яшаган аёлнинг ягона вазифаси – ўз хусни-жамолини сақлашдан иборат бўлган. Унга доимий равишда чирой энг муҳим хислат эканлиги ўқтириб келинган" (Steel 1985:102).

"Жейн Эйр" асарининг аёл персонажлари айнан шу "қафасдаги куш" тимсолидир. Жумладан, Жоржианани оладиган бўлса, Ридлар оиласининг энг хушрўйси бўлган бу қизни ўз чиройи тарбиясига таъсир кўрсатади ва у худбинга айланади. Мавжуд ижтимоий қоидаларга биноан Жон ота-онасининг ҳамма мулкига бўлганини кўрган Жоржиана қисматдан зорланади ҳамда Лорд Эрвинга турмушга чиқолмагани учун Элизани айбдор қилади. Эндиликда унинг ҳаракати "кекса бўлса-да, лекин, бой жуфтни топиш: an advantageous match with a wealthy worn-out man of fashion" (Chapter 22, p.230).

Кўринадики, Шарлотта Бронте бу қизнинг қисматидан афсусда. Жейн хотинларнинг ошхонада тўпланиб қолгани ҳақида хабар бераётганида яна ўша "қафасдаги куш" образи фаоллашади: "they dispersed about the room, reminding me of a flock of white plummy birds" (p.160).

Худди шу қабилдаги образликни Инграм хоним тавсифида ҳам учратамиз: "infatuatedly pluming herself on success, when her pride and self complacency repelled further what she wished to allure" (p.175).

Инграм хонимнинг Рочестерга турмушга чиқиш режаси бошқачароқ: у эрни ўзига рақобатчи эмас, балки

"хичиндек эгилувчан" бўлишини хоҳлайди:

"Whenever I marry," she continued after a pause which none interrupted, "I am resolved my husband shall not be a rival, but a foil to me. I will suffer no competitor near the throne; I shall exact an undivided homage: his devotions shall not be shared between me and the shape he sees in his mirror. Mr. Rochester, now sing, and I will play for you." (Chapter 17, p.168).

Аммо, афсуски, орзу амалга ошмасдан қолади. Рочестер охир-оқибатда Жейнни танлаганидан сўнг, Инграмнинг қари қизликдан қутулиш режаси хомхаёл бўлиб қолади.

Романдаги яна бир аёл персонаж Берта Мейсоннинг "қафаси" – болохона. Унинг ягона умиди онасининг ота-онасидан қолган мулк. Бироқ, отаси ва акалари унинг нолойиқ хулқини намойиш этмаслик учун Ямайка оролига жўнатишни маъқул кўришади.

Романнинг 12–боби бошланишида Жейн Фейрфэкс хоним Торнфильдга йўл олиши баён қилинаётганида Жейн тўсатдан аёлларнинг жамиятдаги ноҳақликлардан нақадар азобланиши ҳақида сўзлайди:

*Millions are condemned to a stiller doom than mine, and millions are in silent revolt against their lot. Nobody knows how many rebellions besides political rebellions ferment in the masses of life which people earth. Women are supposed to be very calm generally: but women feel just as men feel; they need exercise for their faculties, and a field for their efforts, as much as their brothers do; they suffer from too rigid a restraint, too absolute a stagnation, precisely as men would suffer;.* (Chapter 12, p.101).

Дарҳақиқат, Рочестер Жейнни қафасдаги қушга ўхшатганида у патриархал тизим қонун-қоидалари аёлларнинг мустақиллигини қаттиқ чеклаб қўйганлигидан норози эканлигини маълум қилади. Жейннинг қуйи табақа вакили бўлиши ва Ловуддаги мавқеи шунга сабаб эканлиги Рочестер қўллаётган "close-set bars of a cage" ва "captive" каби ибораларда намоён бўлади. Айни пайтда, Жейн





"матонатли" (resolute) ва "тиниб-тинчимас" (restless) инсон ва озодлик, Мустақилликка интилувчан шахс. Шу сабаб бўлса-ки, Рочестер уни "интилувчан, ҳаракатдаги кушга" ўхшатади: "When you are inquisitive, Jane, you always make me smile. You open your eyes like an eager bird, and make every now and then a restless movement" (p.296).

Рочестер ва Жейн Торнфильд олчазорида учрашганларида "куш" метафораси бошқача талқинда фаоллашади. Энди Жейн қафасга кўниккан жонзот эмас, балки қанотлари билан қафасни уриб синдириб озодликка чиқаётган кушдир. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги ноҳақлик Жейнни Рочестердан ажрата олмаслигидан дарак беради. Қиёсланг:

"Jane, be still; don't struggle so, like a wild frantic bird that is rending its own plumage in its desperation."

"I am no bird; and no net ensnares me; I am a free human being with an independent will, which I now exert to leave you." (Chapter 23, p. 241).

Кушнинг жисмоний жароҳати Жейннинг руҳий жароҳатини метафорик ифодаламақда. "Қафасдаги куш" метафораси Жейннинг қалбига жароҳат изини қолдиради ва шу боис бу ўхшатиш тўғридан-тўғри инкор этилмоқда: "no bird; and no net ensnares me", чунки у ўзини "мустақил хоҳишли озод шахс (a free human being with an independent will) деб билади.

Эътибор беринг: Жейн "woman" сўзининг ўрнига "human-being" ("одамзод") тушунчасига мурожаат қилишининг сабаби ҳам жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш ниятига ишорадир.

Жейн кўллаётган яна бир метафорик ибора "no net ensnares me" (ҳеч қандай тузоқ мени ушлаб туролмайди") хавфли ҳолатдан хабар бериб, Торнфильддан кетиш ҳақидаги қарори тўғрилигига ишонч билдиради. Рочестерга хотин бўлиш ҳам хавфдан холи эмас: "to have surrounded to temptation; listened to passion; made no effort— no struggle – but to have same down in the silken snare" (p.345).

Жейн Рочестерга бўлган севгисини қизғаниш билан биргаликда, ўз мустақиллигини "ипак тузоққа" алмашишни ҳам истамайди. Яхшиси, барча "қафас"лардан чиқиш ва ўзликни сақлаб қолиш. Турмушга чиқиб, мустақилликни йўқотиш ўйи Жейнни иккилантирмоқда, аниқ қарорга келиш муаммо. Албатта, Жейн Рочестердан воз кеча олмайди, унга боғланиб қолган. Романнинг охириги саҳифаларида Жейннинг Торнфильддан кетишга рози бўлганини кўрамыз.

Кейинчалик Рочестернинг ақлдан озган хотини Берта Мейсон ҳақида хабар келганидан сўнг тўй тараддуди тўхтатилади ва Жейн, Рочестернинг қасамига қарамасдан, Торнфильдни ташлаб кетишга аҳд қилади. Чунки у Рочестернинг аввалги севгилиси Селиннинг ҳолатига тушишни хоҳламайди. Аччиқланган ва тушқунликка тушган Рочестер яна "қафасда куш" метафорасига мурожаат қилишга мажбур:

Whatever I do with its age, I cannot get at it—the savage, beautiful creature! If I tear, if I rend the slight prison, my outrage will only let the captive loose. (Chapter 27, p. 304).

Ушбу ҳолатда метафорик фрейм кўйидаги кўринишда ривожланади:

Its cage→ the frame, the body, the superficial Jane;

Bird in the cage→ the free spirit of Jane;

Seized against the will→ the act of forcing Jane to stay against her will.

Рочестер "cage" ("қафас")дан ташқари, Жейннинг жисмоний ҳолатига ишора қилувчи "the slight prison", "the house", "its clay dwelling place" каби метафораларга мурожаат қилади. Жейннинг табиати, мустақил руҳиятига ишора қиладиган метафоралар қаторига "the savage, beautiful creature", "the captive", "the inmate" кабилар қиради.

Унутмайлики, бу сафар "қафас" маълум даражада химоя воситаси вазифасини бажаради. Жейн ҳозирги ҳолатда эҳтирос уни фақат қурбонга айлантириши мумкин ва унинг ўзлигини



сақлаб қолиш йўлида ҳаракати Рочестернинг жаҳлини босиши мумкинлигини сезади. Рочестер ҳам, ўз навбатида, ҳозир ўз истагини қондира олмаслигини сезади, ҳатто, "у босқинчи сифатида уйга кирса ҳам" (the conqueror might be of the house) "махбусни тута олмайди" he cannot get the inmate). Аммо, худди шу махбус – аҳдида маҳкам турувчи, ҳаракатчан, қалби пок Жейнни истайди, холос.

"Қафасдаги қуш" метафораси Рочестернинг Жейнга қолиш ва Францияга ҳамроҳликда бориш ҳақидаги таклифга рад жавобини олган сўнгги руҳий ҳолатидан хабар беради. Ниҳоят, у Жейнга кетишга руҳсат бериш лозимлигини фаҳмлайди. Ушбу метафора, шунингдек, аёлларнинг ижтимоий шароитига нисбатан киноя ролини ҳам ўтамоқда.

Аввалги Жейн "қафасда" бўлишга тамоман рози бўлмаса–да (I am no bird, I am a free human being), кейин негадир ўзи ва Рочестернинг ҳолати, ҳис-туйғуларини тасвирлаш учун яна ўша "қафасдаги қуш" метафорасига мурожаат қилади. Бундай кескин ўзгаришнинг сабаби нимада экан?

Кейинги саҳифаларда Жейн ўзини "хабарчи кабутарга" (messenger–pigeon) ўхшатмоқда. Бу ҳолатда у Торнфильдга қайтишга қарор қилиб бўлган. Чунки у Рочестернинг Мортонга таклиф қилинганидан сўнгги аҳволини ўз кўзи билан кўрмоқчи. Аммо, эндиликда Жейн батамом ўзгарган: у катта оиланинг меросхўрига айланган мустақил шахс; жиян, қариндошларини топган ва улар билан қариндошчилик ришталарини тиклаган. У ўз касбини топган – мактабда ўқитувчи. У энди Рочестер билан нафақат маънавий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам тенг ҳуқуқли шахс сифатида учраша олади, чунки у "мустақил аёл" (independent woman). Демак, "хабарчи кабутар" образи Жейннинг хурсандчилиги ва соф ниятидан дарак беради.

Феодалларча бой-бадавлат уйни кўриш истагида қайтган Жейн "қоп-қора вайрона"ни (blackened ruin) учратади ва Милкотдаги уйга бориб, "ёниб тамом

бўлган чиғаноқ"қа (burn–out shell) нима бўлганини сўрайди.

Бертанинг ёнғинда ҳалок бўлгани ва Рочестернинг тирик қолганини эшитган заҳотиёқ, унинг янги маконига олиб боришларини илтимос қилади.

Фердинда яшаётган Рочестер Жейнга қафасга солинган йиртқич ёки бургутга ("a fettered wild beast or bird", "a caged eagle"), чунки ёнғин асорати, жисмоний нуқсон ва ачинарли ўтмиш уни ҳаракатсизлик, ноумидсизликка етаклаган эди. Юқоридаги метафоралар авваллар Рочестер томонидан Жейнга нисбатан айтилган "қафасдаги қуш" тасвирига кинояли ишорадир. Зеро, олдинлари "қафасдаги қушни" овлашни хоҳлаган шахснинг ўзи қафасда ва ёрдамга муҳтож.

Мазкур ҳолат кейинги сатрларда янада ёрқинроқ тасвирланмоқда, чунки Жейн Рочестерни "занжирбанд қилинган бургутга" ўхшатмоқда:

"The water stood in my eyes to hear this avowal of his dependence; just as if a royal eagle, chained to a perch, should be forced to entreat a sparrow to become its purveyor. (p.417)"

Бу ерда sparrow "чумчуқ" – Жейн, чунки у "янчилган қуш"нинг ёрдамчиси ва нажоткори бўлишга тайёр. С. Фрайманнинг қайдича, Жейннинг ногирон эрнинг нажоткори бўлиши ҳақидаги қарори беихтиёр аёлларнинг тақдирга бўйсунуш ва хўжайинга хизматкорликни ўз бурчи деб билишининг намунасидир (Fraiman 1996:630).

Яна бир тадқиқотчи "Жейн Эйр" романи таҳлилига бағишланган "Heading Out is not Going Home" номли мақоласида шунга яқинроқ фикрни билдиради. Унинг қайдича, Рочестер Жейнни мавжуд тизимга мослашишга қанчалик истамасин, лекин, у бундан бутунлай норози ва қаршилик кўрсатишни давом эттиради. Чунки "Жейн мавжуд тизимдан норози ва қаршилик кўрсата оладиган шахсдир" (Monahan 1988:595). Янги жуфтликни барпо қилишга интилиш унга қўшимча куч бағишлайди.

Романнинг якуний бобларида "қуш" метафорасининг яна фаоллашуви



кузатилади. Эндиликда Жейн Рочестер учун "уя"даги ёки "жўр бўладиган" (nest; sing high; perch) осмондаги турғайга (skylark) айланган. Жейн ҳам бундай ўхшатиш метафораларни қабул қилишга тайёр. Ушбу метафора Жейннинг Рочестер хаётига бағишлаётган хурсандчилик ва ишончдан дарак беради.

Олдинги саҳифаларда келтирилган Эмили Диксоннинг "Орзу" (Hope) сарлавҳали шеърини яна бир бор эслайлик:

Hope is the thing with feathers,

That perches in the soul,

And sings the tune – without the words,

And never stops at all.

Шеърдаги "қуш" метафораси "with feathers" Рочестерни руҳлантираётгандек, у Жейнни ўз орзусига қанот бағишлашига умидвор. Жейн ҳам "нажот куши" бўлишдан қочмайди, энди хаёт кечириш тамойилларига амал қилиш патриархал тизимга таъзим қилиш, дегани эмас.

Сара Пеарсон ёзганидек, "Жейннинг "аёлларча бўйсунуши"ни коидалардан фарқи шундаки, у бу йўлни ихтиёрий равишда танлайди. Биз уни онадан кўра ёш бола, бекадан кўра хизматкор, эрдан кўра хотин ролида кўпроқ кўрамыз. Асосийси, унга шу роллар ёқади, чунки шу мақомда ўз истакларини рўёбга чиқариши мумкин" (Pearson 2008:111).

Бизнингча, Жейн эркак-аёл муносабатларини бутунлай бошқача изга тушириш тарафдори эмас. Мустақил бўлиш, унинг наздида, хотинлик вазифасини бажаришни инкор этмайди. Бунинг исботини роман матнида воқеланган ўсимликлар дунёси–флорага оид метафоралар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Масалан:

I half ventured to hope that he would, even after his marriage, keep us together somewhere under the shelter of his protection, and not quite exiled from the sunshine of his presence. (Chapter 22, p.234).

Романнинг олдинги саҳифаларида баён қилинганидек, Рид хонимнинг жанозасига кетган Жейн бир ой ўтгач

Торнфильдга қайтиб Рочестерни кўрганидан хурсанд бўлади. Аделдан Рочестер Инграмга уйланиши ҳақидаги хабарни эшитганига қарамасдан, ҳали ҳам Рочестер уни химоя қилишидан умид узмайди. "Дарахт" метафорасининг қўлланишида Рочестер Адель ва Жейндек гулларга соябон бўлишга кодирлигига ишора, яъни у шундай катта дарахт. Маълумки, дарахт метафораси кўпинча эркак жинсига хос характерни ифодалаш учун қўлланилади. "Жейн Эйр" романининг феминистик мавзуси ва руҳиятда битилганини эътиборга оладиган бўлсак, дарахт метафорасининг ушбу муҳитда қўлланилгани бироз бўлса–да, ҳайронарли. Чунки Жейн доимо мустақиллик, эркинлик истагида бўлганидан хабардормиз. Аммо, у жамиятдаги удум-анъаналардан бутунлай воз кечолмайди.

Фауна метафораси Рочестернинг нутқида ҳам учрайди. У баъзи вазиятларда Адель ва Жейнни гул ёки бошқа ўсимликларга қиёслайди:

I have been green, too, Miss Eyre,—  
ay, grass green: not a more vernal tint  
freshens you now than once freshened me.  
My Spring is gone, however, but it has left me  
that French flower on my hands, which, in  
some moods, I would fain be rid of. Not  
valuing now the root whence it sprang; having  
found that it was of a sort which nothing but  
gold dust could manure, I have but half a  
liking to the blossom, especially when it looks  
so artificial as just now. I keep it and rear it  
rather on the Roman Catholic principle of  
expiating numerous sins, great or small, by  
one good work. (Chapter 14, p.131).

Кейинги бобга назар ташлаймиз:

...but hearing that she was quite  
destitute, I e'en took the poor thing out of the  
slime and mud of Paris, and transplanted it  
here, to grow up clean in the wholesome soil  
of an English country garden. (Chapter 15,  
p.135).

Бу ерда PEOPLE ARE PLANTS концептуал метафораси фаоллашмоқда. Ўсимликлар хаёт жараёни инсон хаётида қиёсланмоқда, жумладан, баҳор (spring) Рочестернинг ёшлигига ишора. Унинг



дарахтга қиёсланиши эркакликдан дарак берса, ёш Аделнинг гулга қиёси эса – аёллик хусусиятидан даракдир. Эркак ва аёлнинг дарахт ва гулга тенглаштирилиши одат тусига кириб улгургандек кўринсада, лекин, унинг "француз гули"га (French flower) ишораси ўзига хос кўринади. Жумладан, "a sort which nothing but gold dust could manure" ҳамда "it looks so artificial" қайдлари унинг Аделга муносабат рамзидир. Унинг онаси француз раққосаси Селин бир пайтлар Рочестернинг севгилисидек бўлган ва онага нисбатан ғзаб қизга йўналтирилмоқда. Буни биз Франциянинг ботқок, лойқа жойга ўхшатилиши ва Британиянинг унумдор тупроғи таърифланишида ҳам сезамиз.

Умуман, "Жейн Эйр" романида ирк миллатга нисбатан очиқ-ойдин тасвирланади. Тадқиқотчиларнинг кузатишича, "романда типик инглиз аёлининг прототиби гавдаланади, Жейн очиккўнгил, ростгўй аёл ва бу уни ҳар қандай бегона юрт аёлига қарама-қарши кўяди" (Jacobson 2000:106). Ҳақиқатдан, юқорида келтирилган парчалар кўрсатишича, француз аёли Селин ва унинг кизи сунъийликда айбланмоқда. Бунинг исботини қуйидаги парчада ҳам кузатишимиз мумкин:

Besides, I was for a while troubled with a haunting fear that if I handled the flower freely its bloom would fade—the sweet charm of freshness would leave it. I did not then know that it was no transitory blossom, but rather the radiant resemblance of one, cut in an indestructible gem. (Chapter 27, p.300).

Бу ерда PEOPLE ARE PLANTS концептуал метафораси Жейнни таърифлаш мақсадида ишлатилмоқда. Оддий гул маълум пайтдан сўнг сўлиб, ўз гўзаллигини йўқотса, Рочестер кўраётган Жейннинг гули ҳеч қачон ўз қадриятини йўқотмайди, чунки у қимматбаҳо тошлар билан безалган (cut of gem). Доимо гуллаб, яшнаб туриш Рочестерни доимо жалб қилиб келаётган гўзалликка ўхшатишган. Айни пайтда Рочестер "its bloom would fade – the sweet charm of freshness would

leave it" дейиш билан француз Селин, италян Жиасинта, немис Клара ва жинни хотини Берта Мейсонларни назарда тутди. Уларнинг барчаси бошқа миллат вакиллари. Шунинг учун ҳам уларни Рочестер "Others" (Бошқалар, яъни бегоналар) деб атади. Тадқиқотчилардан бирининг кузатишича, "Шарлотта Бронте "Жейн Эйр" романида Британияга одат тусига кирган оқ ва қора танли аёлларни қарама-қарши қўйиш аъъанасини давом эттиради" (Meyer 1990:247).

Рочестернинг Жейн билан суҳбати матнини таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз:

"I am no better than the old lightning-struck chestnut-tree in Thornfield orchard," he remarked ere long. "And what right would that ruin have to bid a budding woodbine cover its decay with freshness?"

"You are no ruin, sir—no lightning-struck tree: you are green and vigorous. Plants will grow about your roots, whether you ask them or not, because they take delight in your bountiful shadow; and as they grow they will lean towards you, and wind round you, because your strength offers them so safe a prop." (Chapter 37, p.428).

Ушбу диалог Торнфильдга ўт қўйиб, ўзини томдан ташлаб вафот этганидан сўнг Рочестер ва Жейн ўртасида кечмоқда. Уйнинг ёниб бўлганини кўрган Рочестер тамоман холдан тойган, кўр ва чўлоқ бўлиб қолган. Воқеадан хабар топган Жейн Рочестерни қўллаб-қувватлаш учун унинг янги макони Ферндинга келади.

Рочестернинг нутқидан маълумки, у тақдирдан тўйган, Жейн олдида ўзини гуноҳкор деб билади. У ўзини Торнфильд боғидаги чакмоқ урган кекса каштан дарахтига ўхшатмоқда. Бу ерда PEOPLE ARE PLANTS концептуал метафорасининг фрейм тузилиши қуйидагича ташкил топганини кузатамиз:

The old lightning – struck chestnut-tree →Rochester himself;  
a budding woodbine →Jane;  
decay →Rochester's physical handicap;  
freshness →the youth of Jane.





Жейннинг жавобида ҳам PEOPLE ARE PLANTS концептуал метафораси фаоллашган, аммо, бу ерда ушбу метафора Рочестерга далда бериш вазифасини бажармоқда. Зотан, Жейннинг таърифидаги дарахт бақувват, ёш ва дадил (green and vigorous"), атрофдаги ўсимликлар унга таъзим қилиб, ҳилпираб туради.

Равшанки, кекса дарахтга интилиб турган ўсимлик Жейннинг ўзи ва балким уларга боғланиб қолган Адель ҳам. Айни пайтда, Жейндан "take delight in your bountiful shadow; and as they grow they will lean towards you, and wind round you, because your strength offers them so safe a prop" эътирофини эшитиш кишини ҳайрон қолдиради. Доимо қатъиятли, мустақил бўлиб келган кизнинг тўсатдан хушомад йўлини танлашига ишониш қийин. Балким, эндиликда Жейн ўз аёллик мавқесини ҳис этиб, Рочестернинг паноҳида бўлиш (take delight in your bountiful shadow), айнан ундан қувват олиш йўлини танлагандир.

Албатта, бундай хулоса барчани бир хилда қониқтирмаслиги мумкин.

Чунки Жейннинг айтаётганлари воқеликдаги вазият билан боғлиқ ҳолда қабул қилиниши лозим. Унинг мақсади – Рочестерни кўллаш, унга далда беришдан иборат ва бундай вазиятда ҳамма нарсани очик-ойдин изҳор қилишга имкон қолмайди.

"Жейн Эйр" феминистик асар эканлигини биламиз, шунинг билан биргаликда Шарлотта Бронте ташвиқот қилаётган феминизм иккиёқлама эканлиги ҳам сезилиб туради. Чунончи, Жейн кўллаётган метафоралар унинг ижтимоий нотекислик, камситишдан норози эканлигидан дарак берса-да, лекин, у мавжуд ижтимоий қоидаларни йўққа чиқаришнинг йўлини қидирмайди. Ҳақли равишда қайд этилганидек, асарнинг охирида баён қилинган воқеалар "Жейннинг Рочестерга тобелиги ёки унга устунлик қилишидан хабар бермайди; фақат уларнинг ёнма-ён яшаш учун курашаётганлари ҳақида ҳикоя қилади" (Foulk 2006:20).

#### Адабиётлар:

1. Taylor B., Shuttleworth S.(ed.). Embodied Selves: An Anthology of Psychological Texts. – Oxford: Clarendon Press, 1998.
2. Chase K. Eros and Psyche: The Representation of Personality in Charlotte Brontë, Charles Dickens and George Eliot. – N.Y. – L: Routledge, 1984.
3. Gilbert S. Gubar S. The madwoman in the attic: The woman writer and the nineteenth – century literary imagination. – New Haven: Yale University Press, 1979.
4. Connex K. Domesticating women: Assertion and aggression in the Victorian novel.– Claremont: Claremont Graduate University, 2004.
5. Steel V. Fashion and eroticism: Ideals of feminine beauty from the Victorian era to the Jazz age. – N.Y.: Oxford University Press, 1985.
6. Fraiman S. Jane Eyre's fall from grace// Case studies in contemporary criticism. – Boston: Bedford, 1996.–P.619-641.
7. Monahan M. Heading out is not going home: Jane Eyre. Studies in English Literature// Autumn, 1988.Vol 28.–P.589-608.
8. Pearson S. L. Religion, gender and authority in the novel of Charlotte Bronte. – Boston: Boston University, 2008.
9. Jacobson K. Cliffs notes on Jane Eyre. – N.Y.: Hungry Minds, 2000.
10. Meyer S. L. Colonialism and the figurative strategy of Jane Eyre//Victorian Studies, 1990. Vol.33.– P.247-268.
11. Foulk A.C. The Victorian outcast: A study of Charlotte Bronte's Jane Eyre and George Eliot's Silas Marner. California: California State University, 2006.





*Улугова Ш. Актуализация метафор связанные с гендерными показателями в романе «Джейн Эйр». Роман «Джейн Эйр» является феминистским произведением, и в то же время, следует принять во внимание, что феминизм, который продвигает Шарлотта Бронте, неоднозначен. Метафоры, которые использует Джейн, указывают на то, что она недовольна социальным неравенством, дискриминацией, но она не ищет способа преодолеть существующие социальные нормы.*

*Ulugova Sh. Actualization of metaphors related to gender indicators in the novel "Jane Eyre". Jane Eyre is a feminist novel, and at the same time, it should be borne in mind that the feminism that Charlotte Bronte promotes is ambiguous. Jane's metaphors indicate that she is disgruntled with social inequality, discrimination, but she is not looking for a way to overcome existing social norms.*



## ШАВКАТ РАҲМОН ИЖОДИДА ҲАРАКАТНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАРНИНГ МЕТАФОРА ҲОСИЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

*Юнусова Дурдона Ахтамовна,  
Самарқанд ВХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** *метафора, феъл сўз туркуми, сифатдош, кўчма маъно, кўп маъно, сўроқ гап, истиора, лисоний-ментал доира.*

Нутқий муносабатларда ўзаро фикр алмашиш, суҳбатдошга воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот беришда метафораларнинг ўрни бекиёс. Айниқса, бадий матнларда, шеъриятда фикр ифодалашнинг энг таъсирчан ва образли йўлидир. Метафора нутқнинг таъсирчанлиги ва бунёдкорлиги вазифасига мувофиқ равишда антик дунёда риторикада вужудга келиб, инсоният интеллектуал оламининг барча соҳаларини ҳам забт этган.

Метафора (гр. *metaphora* – кўчириш), аввало, нутқ механизми, бирор лексема денотатининг ташқи, зоҳирий ўхшашлиги асосида бошқа маънони ифодалаш учун ишлатилишидир [Сайфуллаева 2006: 391].

Метафорани сўзловчининг лисоний-ментал доираси билан чегаралаш мушкул: инсоннинг метафоралардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти уни бошқа мавжудотлардан фарқлантириб турувчи жиҳатдир [Лагута 2003: 7]. Бинобарин, О. Лагутага кўра, “метафора” атамаси ўзининг поэтик-риторик истемол доирасидан аллақачон чиқиб кетган, ландшафт унсурлари, дизайн предметлари, тарихий ва маиший воқеалар, бадий услуб ва воситалар, ахборот технологияларидаги баъзи бир ўзгаришлар бугунги кунда метафоравий талқинда қабул қилинмоқда [Лагута 2003: 7].

Кўринадики, метафоралар борасидаги қарашлар ниҳоятда мунозарали. Бу эса мазкур илмий мавзунинг жиддий тарзда ишланмаганлигини, етарли даражада янгилигини, оригиналлигини, шу билан бирга, ўта долзарблигини қайта бор исботлайди. Шавкат Раҳмон шеъриятида метафораларнинг ўрни ва аҳамияти катта

бўлиб, шоир ўз шеърларида белги ёки предметни ифодаловчи сўзлар билан бир қаторда ҳаракатни ифодаловчи сўзлар иштирокида ҳам метафоралар ярата олган:

Масалан, “Ҳамал” номли шеърида ҳайвонларга хос бўлган хусусият, жараёнга табиатда содир бўладиган ҳолатни ўхшатиб ажойиб метафора ҳосил қилади:

*//Эриб битди поёнсиз қорлар,  
яна кўҳна замин туллади.  
Водийдаги улкан ўриклар  
бир кечада оппоқ гуллади.//*

Аслида ҳайвонот олами ҳам табиатнинг бир қисми бўлса-да, уларга хос жиҳатларнинг биридагисини бошқасига кўчириш услубий ва мантиқий жиҳатдан номуносиб. Шундай бўлса-да, Ш.Раҳмон “тулламоқ” феълени заминга нисбатан муваффақиятли қўллай олган.

Шеърнинг образли, таъсирли чиқиши учун шоир табиатнинг барча ҳодисаларига мурожаат қилиб кўрган. Юқоридаги бандда ҳайвонга хос хусусиятни коинотга кўчирган бўлса, қуйидаги мисрада қушларга хос асосий хусусиятни табиат ҳодисаларидан бўлган булутга нисбатан қўллайди:

*//Оқ булутлар ерга қўндими,  
мўъжизалар бўлдими содир?  
Оҳ, нақадар ажойиб тунда  
оқ машъала экилган водий.//*

“Қўнмоқ” феъли аслида қушларнинг асосий хусусиятини англатади. Табиатда ҳар бир жонотнинг ўзига хос хусусияти бўлади. Масалан, инсонлар, баъзан ҳайвонлар, ҳатто қушларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлган “ахтармоқ” феъли баҳорга нисбатан қўлланилганлиги шеърга ўзгача руҳ бағишламоқда:



*//Энди сафсар кечаларда оқ  
машъалалар тутиб, улузвор  
кенгликларда кезар чиройли  
кундузларни **ахтариб** баҳор. //*

Энди наботот оламига хос бўлган айрим хусусиятларнинг ўқувчи тасаввур қилиши қийин бўлган ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланишини шоир ижодида бевосита кузатиш мумкин:

*//Кунлар **пиша бошлайди** яна,  
ранглари **бошингда** элар,  
Хаёлингни **чақмоқлар** каби  
ёритгувчи **лаҳзалар** келар. //*

Айнан кунларга нисбатан пишмоқ феълнинг қўлланилиши, фақат шеърятдагина содир бўлиши мумкин. “Пишмоқ” феъли ишга, овқатга, мевага нисбатан қўлланиб келади.

“Туркийлар” шеърида эса инсонларга хос бўлган ҳаракат-ҳолатлар ҳайвонларга, хусусан, итларга нисбатан қўлланилади. Йиғламоқ феъли инсонлардан ташқари баъзан бошқа жонзотларга нисбатан ҳам ишлатилади. Қуйидаги бандда йиғламоқ феъли итга нисбатан қўлланганда шаклан феъл кўчма маънода қўлланмоқда, мазмунан олганда бу ўринда от сўз туркуми, яъни итлар сўзи бошқа маънони ифодалаш учун келтирилган:

*//...саждага бош қўйди ёвга терс  
қараб,  
ғулларни кемириб **йиғлади** итлар,  
буюк бошни кесди қилич ярақлаб. //*

Шоирнинг “Тонг очар кўзларин...” шеърида феъл сўз туркумига доир кўплаб сўзлар метафоранинг ўзига хос намуналарини ҳосил қилмоқда:

*//Тонг **очар кўзларин эриниб**,  
севинчдан **йиғлайди** қиёқлар,  
чечаклар **жилмаяр севиниб**,  
шамолда **чўмилар** гиёҳлар. //*

Ажратиб кўрсатилган феъллар, одатда, инсонларга хос хатти-ҳаракатларни ифодалаб келади. Энди мазкур феъллар табиат ҳодисаларига нисбатан ҳам қўлланилиб шеърнинг таъсирчанлигини, образлилигини таъминлаб бермоқда. Қуйидаги мисраларда ҳам шу ҳолат кузатилади:

*//Қурбақа **варақлар** баёзин,  
гулдан бол сўради арилар,*

*чигиртка **қайрайди** овозин,  
парвозда ниначи — **париллар**. //*

Шоир “Ой синиги” шеърида кўплаб шеърят намуналарида учрайдиган ҳодисанинг тескараси рўй берган, яъни кўпгина шеърларда шоирлар инсонни тасвирлаш учун табиат ҳодисалари, табиат унсурларидан фойдаланади. Ш.Раҳмонда эса бунинг акси – у табиатнинг образли, инсонга тушунарли тарзда тасвирлаш учун инсон образидан, шахсларга хос хатти-ҳаракатлардан унумли фойдаланган:

*//Ой синиги тўла сувлоққа  
шаршарадай қуйилар **ёллар**.  
Бу ёлларни силар меҳрибон  
шабадалар — **маъюс аёллар**. //*

Ёки қуйидаги мисраларда ҳам шу ҳолат:

*//**Кўк** ёлларин сувга ботириб  
не замонки сув ичар отлар.  
Атрофдаги кўм-кўк адирлар  
—**ўтовларда ботирилар ётар**... //*

Ушбу шеър бошдан-охир кўчма маънода қўлланган феъллардан иборат, шоир бу турдаги метафоралардан фойдаланиб ўқувчида ёрқин тасаввур ҳосил қилишни мақсад қилган ва буни маҳорат билан уддалагани кўриниб турибди. Биргина “хўрсиниб” ва “югурмоқ” феълларининг ўзи кишида шоир ифодаламоқчи бўлган манзарани тиниқ чизиб бера олади:

*//Тог **хўрсиниб юборди** оғир—  
водийларга **югурди** шамол,  
юзларини **яширди** ҳилол. //*

Таъкидлангани каби шеър бандларида инсонга хос барча ҳаракатлар, табиат ҳодисаларига нисбатан қўлланган, фақат “уйғонмоқ” феъли юрак сўзига боғланиб унинг қалб маъносидаги мавҳум тушунчани, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш заруратини ифодаламоқда:

*//Тог **хўрсиниб юборди** оғир,  
теран хобдан **уйғонди** юрак,  
тоғлар **каби хўрсинмоқ** керак. //*

Баҳор тасвирини берар экан шоир табиатдаги турфа ўзгаришларни шахс ва ҳашаротларга тегишли бўлган хатти-ҳаракатлар воситасида, ўхшатиш асосларига таянган ҳолда тасвирлаб берган. Вақтнинг оппоқ қўйлагини ечиб, бошқасини қийиши, яъни фасллар



алмашинувини образли тарзда ифодалаб бера олган:

*//Ечиб оппоқ кўйлагани вақт,  
кийди яшил гулли кўйлагин.  
Юрак, уйғон, капалак каби  
чечакларга қўниб ўйнагин.//*

Шавкат Раҳмоннинг баҳор тасвирига бағишланган деярли барча мисралари, асосан, метафорага асосланган. Шоирнинг бошқа ижодкорлардан фарқи шуки у табиат ҳодисаларини, борлик ўзгаришларини инсонга таниш ҳиссиётлар асосида, мўйқалам билан чизилгандек тасвирлаб бера олади. Бунда асосий вазифани феъл туркумига доир сўзлар бажариши қуйидаги намунадан англашиниб турибди:

*//Майсаларин тараб, парвозга  
шайланади чексиз далалар.  
Ўстиринлар қучогида маст  
Қирда асир тушган лолалар.//*

Тасвир метфоралар орқали шунчалар аниқ чизилганки, беихтиёр асир тушган лолаларни кўз олдига келтириш мумкин. Қуйидаги мисраларда ҳам ажратиб кўрсатилган барча сўзлар ўз маъносида эмас, ҳар бири ўхшашлик асосида мисра учун зарур бўлган маъноларни ифодалаб келмоқда:

*//Богларда оқ аланга гурлар,  
телба қилар шамоллар иси,  
гилос гулин кийган кўчада  
оқиб борар қизлар кулгиси. //*

Мисрада “оқиб бормок” феъли, маълумки, суюқ ҳолатдаги моддаларга хос хусусият, бироқ, шоир уни қизлар кулгисига нисбатан қўллаб шеърнинг жозибдорлигини таъминламоқда.

Таҳлил жараёнида метфоранинг унга ёндош бошқа ҳодисаларга муносабатини ҳам ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда. Жумладан, истиоранинг шеърини матнларда метфоралар билан битта чизиқда қўлланилаётгани қуйидаги мисраларда кузатилган:

*//Субҳидамда ям-яшил дарахт  
деразамга юзини босди,  
керишгандай ойнак сатҳига –  
гулларини оҳиста ёзди.//*

Навбатдаги мисраларда ҳам худди шундай истиорага ўхшаш ҳолат кўзга

ташланмоқда, яъни ажратилган сўзлар бу ўринга алоқадор бўлмаса-да вақтинчалик омонатга олиб турилган, чунки шошиш, қувониш инсонга хос бўлиб, вақтинча шамолларга нисбатан қўлланилиб турибди:

*//Қирчиллаган шабада келди,  
қўпирганча шошиб, қувониб,  
Баҳор, жисми очилиб, яшнаб,  
босиб кетди атир тумани.//*

Қуйидаги бандда биргина “ўргатмоқ” феъли қўлланилган бўлиб, шеър муаллифи табиат ҳодисаларининг муаллим сингари инсонга қандай яшашни ўргатиши ифодаланмоқда. Дарахт мисолида бир инсон тақдирида содир бўладиган турли синовларнинг бўлиб туриши ва сабр қилган киши кўкламга ҳам етишига ишоралар сезилиб турибди. Шоир ўргатмоқ феълени дарахтга нисбатан қўллаб ҳаёт фалсафасини ўқувчига англамоқда:

*//Гўё қуёш парчалангандай...  
Фарқ қилади оламни фараҳ.  
Ҳар баҳорда менга эринмай  
яшамоқни ўргатар дарахт.//*

Мисраларда кўпинча “уйғонмоқ” феъли мавҳум тушунчаларга нисбатан қўлланиб, баъзан ўсимликларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин, аммо, қуйидаги мисраларда “уйғонмоқ” феъли шамол сўзи билан бирга ишлатилган ҳолда ёз таровати тугаб, табиатда олтин куз бошланаётгани, саратон кунлар ҳукмрон бўлган пайтларда совуқ шабадалар худди инсон каби бир муддат ухлаб тин олаётгани тасвирланмоқда:

*//Тоғларга термулиб суради хаёл...  
Олой қирларидан  
Кетар саратон,  
Совуқ шабадалар уйғонди тагин.  
Қушлар қий-чувиға тўладир  
Осмон.//*

Қуйидаги мисраларда тоғлар шакл жиҳатидан балки сабрли, чидамли эканлигидан кўриниши инобатга олинган бўлиши ҳам мумкин, туяларга ўхшатишмоқда. Мисраларда “қуриган” сифатдоши илк маротаба Ш.Раҳмон томонидан йилларга нисбатан қўлланмоқда. Йилларни “чайнамоқ”,



“кавшамок” ни тасаввур қилиш фақат ўхшашлик нуқтаи назаридан мантиқли бўлиши мумкин:

*//Тоғлар –*

**Нортуялар** абадий чўккан,  
**қуриган** йилларни **чайнаб, кавшаниб.**  
қани, ясовуллар, туякашлари,  
тиллали, жавоҳирли сандиқлар  
қани?//

Аслида сўроқ олмошларининг ўрни сўроқ гапларда жумла бошида бўлиши керак, бироқ, шеъринг матнларда у мисра сўнгида ҳам келиши мумкин. Юқоридаги бандда қани олмоши мисра боши ва охирида келиб шеърнинг жозибадорлигини таъминламоқда. Кейинги мисрада шоир сифатдошнинг кўчма маънода қўлланилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Тарихни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириш мақсадида шеър муаллифи мозийни шахс сифатида жонлантирмоқда:

*қариси таланган,  
қароқчиларнинг  
изларини яшириб юборган мозий.  
яширган* йилларнинг чангалзорлари  
сарбонни ўлдирган қотил овози  
(Абадият оралаб, 15-бет).

Шоир ушбу шеърда кўп маъноли сўзлардан ўз ўрнида, ўринли фойдаланиши натижасида, беихтиёр руҳият тасвири, ҳолат ифодаси биринчи планга чиқиб қолади. Иккинчи даражали бўлақлардан сифатловчи- аниқловчи кўчма маъно ифодалаб келмоқда. Айни пайтда халқининг, миллатининг бутун фожеаси, биринчи навбатда, шу халқнинг ўз ютуғи- камчиликларига бориб тақалиши уни ўйга толдирди, миллат бошига тушган фожеаларнинг сабаб ва илдизини рўйирост айтишга, миллатни уйғотишга шошилди. Чунки бундай яшаш тарзи ҳали ҳам давом этарди. Шоир бундай кечинмаларини ёрқин ифодалаши учун ўхшатиш, истиора, метафораларга мурожаат қилади.

Ижодкор бир шеърда бир нечта кўп маъноли сўзларни қўллайди. Бандларда маъно кўчишнинг деярли барча турларидан фойдаланилган. Замон ҳар доим ҳам шоирнинг қўнглидаги гапларни очиқ айтишга имкон бермайди. Шу боис у

чечаклару гиёҳлардан, тошларнинг гуллаши-ю, юлдузларнинг кулашидан, тоғларнинг уйғоқлигидан биз ва сиз излаб топгандан ҳам кўпроқ маъно истаган. Уларни ўз фикрларини ифодалаш воситасига – тимсолу рамзларга, мажозий ифодаларга айлантирди ва синтактик фигуралардан унумли фойдаланган ҳолда баён этди:

*//Тош ҳам гулларми деб,  
минглаб калтабин  
гурзисин дўлайиб йиқилган пайтда,  
мардона илжайиб, кўрасиз, дедим,  
бир кун гуллайди бу тош, албатта. //*  
(Абадият оралаб, 17-бет)

Шавкат Раҳмон ўз ижодида метафоралардан унумли фойдаланиб мисраларда фикр, кечинма ифодалашнинг энг таъсирли нуқтасига чиқа олди. Аммо, шуниси эътиборлики, Шавкат Раҳмон шеърни публицистик услубда ифодаламади, тил воситаларидан ниҳоятда самарали фойдалана олди, бадиийликнинг, шеърнинг энг гўзал намуналарини яратди.

Ўз ижодида бир вақтлар дўсти йўқлигидан куйиниб шеър ёзган шоир энди куриб тугаётган денгизнинг ҳасратида миллатининг манқуртлашиб, жисмонан заифлашиб бораётганидан аламдалигини ҳам гўзал метафорик ифодаларда тасвирлаб бермоқда.

Инсоннинг азалий ва абадий дардлари, муаммоларини англаш ва англатишга уринган қалбнинг ўз-ўзини намойиш қилиши эди. Шавкат Раҳмон ҳам сўз қудратини шундай ҳис этди. Ўз ҳис-туйғуларини метафорадан унумли фойдаланиб, куйдагича ифодалайди:

Абадият **оралаб** Ўшга қачон етамиз,  
дея бир шеърда шоир ўзининг – ёник овозининг ўлмаслигига ишончни куйидагича баён қилади:

*//Агар етти қават ернинг қаърида  
ётсам-да, ларзага солиб ҳавони,  
элимнинг юрагин  
топар барибир  
жисмимни куйдириб учган овозим.//*  
(Ш.Раҳмон, Абадият оралаб, 22-бет)

Шоир шеърлятидаги тоғ – шоирнинг юксалиб кетган руҳи, изтиробу қувончлари. Шунинг учун бўлса керак,





шоирнинг илк шеърларидан то сўнггисигача тоғлар у билан яшайди. У мисраларнинг ҳар бирида феълларни қўллашда кўчма маънога асосланган:

//Тоғ хўрсиниб юборди оғир–

водийларга югурди шамол,

юзларини яширди ҳилол.

Тоғ хўрсиниб юборди оғир,

Теран хобдан уйғонди юрак,

Тоғлар каби хўрсинмоқ керак // (Ўша манба, 19-б).

Умуман, Шавкат Раҳмон ўз кечинмаларини, ҳис-туйғуларини

ифодалашда бадиий тасвир воситаларининг деярли барчасидан фойдаланади. Аммо, шоир метафоралардан усталик билан фойдалангани таҳлил қилинган намуналар орқали ҳам маълум бўлди. Хусусан, метафораларни ҳосил қилишда рухий ҳолатни ёрқин тасвирлаш учун феъл сўз туркумидан унумли фойдаланган деган хулосага келиш мумкин. Бу борада ҳам Ш.Раҳмон муайян янгиликлар ярата олган.

### Адабиётлар:

1. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Бокиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2006. – 391 б.
2. Лагута О. Н. Метафорология: теоретические аспекты / Новосибир. гос. ун-т. - Новосибирск, 2003. Ч. 1.– С.7.
3. Шавкат Раҳмон. Абдият оралаб. Сайланма. –Тошкент: 2012.- 258 б.

*Юнусова Д. Роль слов, обозначающих действие в создании метафор в творчестве Шавката Рахмона. В статье анализируется роль слов, обозначающих действие в создании метафор в работах Шавката Рахмона, а также на основе приведённых примеров представлены способы искусного использования поэтом языковых средств. Помимо этого, обоснованы метафорообразующие возможности слов, обозначающих действие в творчестве поэта.*

*Yunusova D. The role of words denoting action in the formation of metaphors in Shavkar Rakhmon's works. The article analyzes the role of word denoting action in Shavkat Rakhmon's works as well as demonstrates the poet's skillfulness in using language units on the given examples. Moreover, metaphors-forming functions of words denoting action in the poet's works have been explained.*



## ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ И ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ УПОТРЕБЛЕНИЯ ФРАНЦУЗСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ В РУССКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ

*Холмурадова Зебинисо Шавкатовна,  
Преподаватель СамГИИЯ*

**Ключевые слова:** русско-французский билингвизм, экстралингвистические факторы, русский литературный язык, французские элементы, заимствования, речевые формулы.

Анатоль Франс сравнивает французский язык с прекрасной, изящной и грациозной женщиной, в которую невозможно не влюбиться. Французский язык часто встречается в текстах мировой художественной литературы, в том числе русской классики. Особый расцвет подобных французских вкраплений в русских литературных текстах наблюдается с конца XVIII века, когда история заметно повлияла на культуру и языковую ситуацию страны.

Целью настоящей статьи является изучение французских лексических единиц на страницах русской художественной литературы и анализ влияния французской языковой культуры на развитие русского литературного языка. Выражаясь иначе, в статье исследуются особенности русско-французского билингвизма.

Билингвизм или двуязычие является объектом исследования лингвистов, социолингвистов и психологов. Термин «билингвизм» интерпретируется языковедами по-разному, употребляясь «иногда по отношению к данному обществу или стране в целом, а иногда по отношению к индивиду, владеющему одним, двумя или несколькими языками» [А.Д. Швейцер, 2018, с.114.].

Если обратиться к историческим фактам, то можно отметить, что при короле Людовике XIV французский язык и литература приобрели особую популярность во всей Европе. Французские светские традиции и придворные манеры быстро разлетелись по всем развитым европейским

государствам, которые переняли многое от изысканной французской культуры.

Активное использование французского языка в русском дворянском обществе привело к двуязычию языковой ситуации в России в 18-19 веках. Причиной популярности французского языка в России были развивающиеся отношения двух стран в политической, научно-культурной, экономической сферах.

Действительно, французский язык отличается своей невероятной мелодичностью и красотой звучания. Он был и остаётся языком интеллигентных и культурных людей. Отметим, что больше всего заимствований в романских и германских языках почерпнуто из французского языка. Эти заимствования относятся к самым разным сферам человеческой деятельности: архитектуре, изобразительному искусству, музыке, театру, моде, дизайну, кулинарии, науке и литературе.

Формирование русско-французского билингвизма, начавшегося в 18 веке, завершается в первой половине 19 века, когда французский язык приобретает статус официального языка придворно-аристократических кругов и становится языком светского дворянского общества.

Экстралингвистической причиной русского билингвизма являлась интенсификация обучения дворянской молодежи 18-19 веков иностранным языкам, в частности, французскому языку. В те времена французский язык относился к наиболее употребительным европейским языкам и поэтому очень быстро распространился по всей России, повлияв



на становление русского литературного языка.

Французский язык широко использовался в русской прозе и поэзии в виде отдельных слов, клише, выражений и речевых формул. Знание французского языка считалось важной чертой в общении светских и образованных людей. Богатство и разнообразие французской лексики, яркость стилистического аспекта сделали этот язык необыкновенно модным и популярным. Светское общение русских дворян, встречи и мероприятия 18-19 веков невозможно было представить без французских заимствований, которые вошли не только в язык дворянской коммуникации, но и язык семейного бытового общения в аристократических кругах. Дети в благородных семьях росли на чтении классической художественной литературы на французском языке. Произведения Мольера, Дидро, Руссо, Вольтера, к примеру, входили в программу учебных заведений.

Исследуя лингвистические факторы внедрения французского языка в русскую речь, В.В. Виноградов выделил два вида билингвизма: 1) распространение и популяризация французского языка в светском обществе и 2) формирование речевых формул и литературных стилей русского языка с отпечатками французской лингвокультуры [В.В. Виноградов, 1934, с. 170.].

В русско-французском билингвизме учёный выявляет следующие лингвистические особенности:

1. При переводе французских речевых формул на русский язык происходило некое приспособление русских выражений к соответствующим французским. Это привело к слиянию значений русских слов со значением французских лексических единиц.

2. Многие русские соответствия и аналоги французским словам и выражениям подбирались путём калькирования. Зачастую русские лексемы становились буквальным переводом лексических значений французских слов.

3. За лексическим калькированием на первом этапе билингвизма последовало фразеологическое калькирование.

4. Французский язык заметно повлиял на синтаксические правила русского языка. Происходило разрушение связей между этимологическим строем слов и их синтаксическими свойствами.

5. В сложной периодической речи наблюдалось разрушение и расчленение [В.В. Виноградов, 1934, с. 178-191].

Французская лексика в речи представителей других европейских народов стала настолько модной и популярной, что попала в тексты художественных произведений, а именно в виде реплик художественных персонажей. Одним из активных пользователей французских фраз и выражений, который употреблял их на своих творческих страницах, был великий русский поэт и писатель А.С. Пушкин. За особое пристрастие к французской поэзии ещё в лицейские годы он был удостоен прозвища «француз». Многие письма поэт писал на французском языке.

Французский язык воспринимался Пушкиным, прежде всего, не языком Франции, а языком европейского образованного общества, открывающий ему доступ к другим литературам [5].

Первые стихи Пушкина были написаны на французском языке. Это были стихотворения «Stances» и «Mon Portrait», которые поэт написал ещё в лицейские годы. Необыкновенная красота, мелодичность и изящная рифма принесли славу стихотворению «Mon portrait» («Мой портрет»):

*Vous me demandez mon portrait,  
Mais pein d'après nature;  
Mon cher, il sera bientôt fait,  
Quoique en miniature.  
Je suis un jeune polisson,  
Encore dans les classes;  
Point sot, je le dis sans façon  
Et sans fades grimace  
Onc il ne fut de babillard,  
Ni docteur en Sorbonne -  
Plus ennuyeux et plus braillard,  
Que moi-même en personne.*



*Ma taille à celles des plus longs  
Ne peut être égalée;  
J'ai le teint frais, les cheveux blonds  
Et la tête bouclée.  
J'aime et le monde et son fracas,  
Je hais la solitude;  
J'abhorre et noises, et débats,  
Et tant soit peu l'étude.  
Spectacles, bals me plaisent fort,  
Et d'après ma pensée.  
Je dirais ce que j'aime encor...  
Si n'étais au Lycée.  
Après cela, mon cher ami,  
L'on peut me reconnaître:  
Oui! tel que le bon Dieu me fit,  
Je veux toujours paraître.  
Vrai démon pour l'espièglerie,  
Vrai singe par sa mine,  
Beaucoup et trop d'étourderie  
Ma foi, voila Pouchkine.*

Приведём пример употребления французских обращений в произведении А.С. Пушкина «Евгений Онегин»:

*Сперва **Madame** за ним ходила,  
Потом **Monsieur** её сменил...  
**Monsieur l'Abbé**, француз убогой,  
Чтоб не измучилось дитя,  
Учил его всему шутя,  
Не докучал моралью строгой  
Слегка за шалости бранил  
И в Летний сад гулять водил.*

В этих строчках описываются особенности светского воспитания Евгения Онегина. Главная героиня произведения – Татьяна Ларина знает французский язык как родной. Чтение французских романов описывается как её любимое занятие.

В.В.Виноградов посвятил свои труды «Язык Пушкина» и «Стиль Пушкина» языку произведений Пушкина, в которых исследовал связь творчества великого русского писателя с французским языком [В.В.Виноградов, 1935; 1941]. В указанных трудах рассматривается влияние французского языка на словарный запас Пушкина, в частности, затрагиваются аспекты лексики и фразеологии. В.В.Виноградов изучал способы отбора единиц французской лексики и фразеологии в системе

пушкинского языка. Читателя изумляет то, что пушкинская поэзия «пропитана» французскими фразеологизмами и клише, причём в строгом соответствии с фонетическим звучанием строк.

Другой причиной широкого использования французского языка А.С. Пушкиным является состояние русского литературного языка, переполненного французскими элементами. Русское дворянское общество было знакомо с французской классической литературой, а французские выражения, использованные в речи, придавали изюминку в этикетном общении аристократических кругов.

Л.Н.Толстой также использует французские вкрапления в своих романах, среди которых особенно выделяется эпопея «Война и мир». Само произведение начинается с реплики героини романа Анны Шерер на французском языке. Весь текст романа переполнен французскими фразами или отдельными словами. Для читателя, не владеющего французским языком, они создают сложности и немного отвлекают от основного сюжета. Здесь возникает вопрос: зачем А.С.Пушкин и Л.Н.Толстой так широко использовали французский язык на своих страницах? Ответ прост: писатели использовали его в ситуациях общения светских людей и высших кругов общества, чтобы создать аутентичную атмосферу дворянской России конца 18-19 века. Французские названия блюд также встречаются в романе «Война и мир» Л.Н.Толстого: *santean madere, à la tortue*.

Некоторые персонажи Толстого говорят, в основном, на французском языке. К ним отнесём самого Наполеона, а также Helene и Жюли Курагину. Особенную мелодичность произведению придаёт язык фрейлины Анны Шерер, речь которой обогащена французскими словами, фразами и речевыми формулами.

Толстой настолько широко использовал французскую лексику, что критики назвали его язык «смешением французского с великорусским». В романе «Война и мир» на французском языке



говарят не только дворяне. К примеру, полководец Кутузов часто прибегает к французским фразам: «*Allez voir, mon cher, si la troisième division a dépassé le village...*». Единственный персонаж, который не говорил на французском языке, а если даже говорил, то принуждённо, – это Болконский.

Л.А.Булаховский отмечает богатство французского языка речевыми формулами и яркими клише, которые удобно употреблять в эпистолярных романах: «Хорошие знание многим писателям начала XIX в. французского языка, привычка переходить в беседе с людьми своего класса с родного языка на

французский, употреблять некоторые понятия только в его оболочке находят отражение особенно в эпистолярном и мемуарном слоге этого времени, в постоянном *вкрапливании* в русский текст отдельных французских слов и выражений» [Л.А.Булаховский, 1934, с.215.]. Лингвист чётко разграничивает подобные «вкрапливания» и словарные кальки.

Таким образом, русский литературный язык XVIII-XIX веков принял много заимствований из романских и германских языков. Самое большое количество иноязычных заимствований приходится на французский язык.

### Литература:

1. Булаховский Л.А. Русский литературный язык первой половины XIX века. – Москва: Учпедгиз, 1934. – 468 с.
2. Виноградов В.В. Очерки по истории русского литературного языка XVII-XIX веков. – Москва, 1934. – 378 с.
3. Виноградов В.В. Язык Пушкина. – Москва: Academia, 1935; Стиль Пушкина. – Москва, 1941.
4. Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. – Москва: URSS, 2018 – 176 с.
5. <http://encyclopedia.mil.ru/encyclopedia/history/more.htm?id=11068671@cmsArticle>

*Холмурадова З. Рус адабий тилида француз элементлардан фойдаланишининг лисоний ва нолисоний омиллари. Мазкур мақола XVIII-XIX асрларда рус лисоний жамиятида француз тилининг аҳамияти ҳамда унинг рус адабий тилининг ривожланишига таъсири таҳлилига бағишланган. Бунда рус-француз билингвизм шаклланишининг лисоний ва нолисоний омиллари аниқланган.*

*Kholmuradova Z. The linguistic and extra linguistic factors of using French elements in the Russian literary language. The present article is devoted to the analysis of the role of the French language in Russian lingual society in the 18<sup>th</sup> -19<sup>th</sup> centuries and its influence on the development of the Russian literary language. Here linguistic and extra-linguistic factors of the formation of Russian-French bilingualism are enumerated.*





IMOM AL-BUXORIY RIVOYAT QILGAN HADISLARDAGI صَبْح (TONG) SO‘ZINING  
LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATI  
(O‘zbek va ingliz tillari misolida)

*Temirov Jasur Nazirjonovich,  
SamDCHTI o‘qituvchisi*

**Tayanch so‘z va iboralar:** *subh, saboh, sobiyha, fajr, solat, jor, majrur, foil, maful, izofa, leksika, semantika.*

Dastlab shuni ta’kidlamoqchimizki, Imom al –Buxoriy ilmiy merosini o‘rganish bo‘yicha tadqiqotlar nafaqat o‘zbek tilshunosligida, balki turkologiyada, hatto jahon tilshunosligida ham hali yakun topmagan va hozirgi kunda ham davom etmoqda. Biroq, bizning nazarimizda, ushbu ilmiy meros to‘laligicha arab tilida, yoki bo‘lmasa o‘zbek tilida hamda ingliz tahlillarida alohida-alohida ko‘rib chiqilgan. Tadqiqotni o‘zbek, arab va ingliz tillarida qiyosiy jihatdan o‘rganishga bo‘lgan ishlar hali yetarli darajada tadqiq etilgan emas deb o‘ylaymiz. Shu bois, Imom al –Buxoriy rivoyat qilgan hadislarida payt ravishlarini qiyosiy jihatdan o‘rganishni o‘z oldimizga maqsad qildik.

Darhaqiqat, “Hadis” arabcha so‘z bo‘lib, o‘zbek tilida “gap”, “so‘z”, “xabar”, “hikoya” va “yangi” ma’nolarini bildiradi va hadis ilmi bilan shug‘ullanayotgan kishi uchun arab tilini yaxshi bilish zaruriy bo‘lgan ilmlardan biridir.

Hadisshunoslik ilmini o‘rganishda Imom al-Buxoriy rivoyat qilgan hadislar muhim manbalardan biri hisoblanadi. Undagi hadislarining leksik tizimi rang – barang bo‘lib, oziga xos uslubiy semantik xususiyatlarini namoyon etadi. Albatta, Imom al–Buxoriy rivoyat qilgan hadislarini boshqa tildagi tarjimalarga qiyoslaganimizda bunga ishonch hosil qilamiz.

Bu borada o‘zbek olimlaridan, fan doktori, professor, islomshunos olim U. Uvatov, S.Madaminov, Dushan Fayziy, D.Murodov, Abdulaziz Mansur, D.Raimjonov, J.Hamroqulov. va tarjimonlar:Sh. Boboxonov, N.Ataboyevning ilmiy ishlarini, rus tilida D.Yermakov, S.M.Prozorova, Djon Byorton, Sh.Z.

Babaxonov, tarjimon Vladimr Abdulla Nirsha, Arab tilidagi ilmiy ishlardan Ibn Saloh, Mahmud Tahhon, Ibn Hajar Asqaloniy, Mulla Aliy-ul Qoriy va boshqalarning ishlarini keltirishimiz mumkin.

“So‘zlar va jumlar ma’nolari o‘rtasidagi farqga asoslanib, biz semantikani o‘rganishda ikkita asosiy bo‘linishni tan olishimiz mumkin: *leksik semantikavaiboraviy semantika*. Leksik semantika - bu so‘z ma’nosini o‘rganish, frazematik semantika – ayrim leksemalarning kompozitsion birikmalaridan kelib chiqib, iboralar va jumla ma’nolarining qurilishini boshqaradigan tamoyillarni o‘rganishdir.

Umuman olganda, so‘zning semantik tarkibdagi leksik ma’nolar dastlab ikkita katta guruhga “hozirgi” va “avvalgi” leksik ma’nolarga bo‘linadi.

Hozirgi leksik ma’no til taraqqiyotining bugungi bosqichiga, avvalgi leksik tushuncha esa til taraqqiyotining o‘tmishdagi bosqichlariga xosdir.

Masalan, hadislardagi “tong”, “subh”, “saboh” terminlari tong, tongning boshlanishi, namoz (bomdod namozi) kabi leksemalar avvalgi leksik ma’noni anglatib bir qancha ma’nolarni qayd qilgan, ya’ni tartib, qoida, odat kabi ma’nolarda ham qo‘llanilganini kuzatish mumkin. Masalan,

Al-Farohidiyning “Mu’jamul-ayn” asaridasubhso‘ziga quyidagichata’rif keltiriladi:

و الصُّبْحُ وَ الصَّبَاحُ: هُمَا أَوَّلُ النَّهَارِ. وَ الصَّبْحُ: شِدَّةُ حُمْرَةِ فِي الشَّعْرِ، وَ هُوَ أَصْبَحُ. وَ الْأَصْبَحِيُّ وَ الْأَصْبَحِيُّ: غِلَظُ السَّيَاطِ وَ جِيَادَهَا، وَ تَقُولُ: أَصْبَحَ الصَّبْحَ صَبَاحًا وَ صَبَاحَةً. وَ صَبَحَ الرَّجُلُ صَبَاحًا وَ صَبَحَةً [10:126]

va so‘zlari kunning avvalgi qismi. Saboh bu soch (ot yoli) dagi kuchli qizarish. tongga kirmoq, tongda turmoq,



tong ottirdi, الْأَصْبَحِيُّ qamchi, darra, (ilk bora qamchi tutgan Yaman podshohlaridan الْأَصْبَحُ ga nisbatan) [1:741].

و فِي الْمَغَائِيسِ "و الصَّبَاحُ: نُورُ النَّهَارِ. وَ هَذَا هُوَ الْأَوَّلُ" [9:328]

“Maqoyiys” kitobida الصَّبَاحُ (Sobah) kunning avvalidagi yorug’lik” deb keltiradi.

Quyida keltirilgan leksemalarning uzual va okkazonal ma’nolariga e’tibor qaratsak:

1. Uzual ma’no-leksemaning semantik tarkibida bor bo’lgan leksik ma’nosini anglatadi.

2. Okkazonal ma’no-leksemaning tildagi ma’nosiga xos bo’lmagan, ayrim shaxsning leksik qo’llashi natijasida yuzaga keltirilgan sun’iy ma’noni anglatadi.

Imom al-Buxoriy rivoyat qilgan hadislardagi صَبَحَ (subh) so’zining turli xil kelishik hamda ma’nolarda kelishini ko’rib o’tamiz.

صَبَحَ (subh) so’zi مرفوع va منصوب qaratqich kelishiklarida (alif lom) bilan aniq holatda ko’pincha الصلاة (namoz) kalimasi bilan birga kelishini va صلاة الفجر (bomdod namozi) ma’nosini ifoda qilishini ko’rishimiz mumkin.

Birinchi bo’lib bosh

kelishikdakilgan صَبَحَ (subh) so’zini ko’rib chiqamiz.

قَالَتْ عَائِشَةُ: "حَضَرَتِ الصُّبْحُ فَالْتَمَسَ الْمَاءَ فَلَمْ يُوَجَدْ، فَتَرَلَّ النَّيْمُ" [11:51]

Oisha (r.a) aytadi: “Bomdod vaqti kirdi, suv qidirildi, topilmadi. Shunda tayammum (oyati) nozil bo’ldi” [4:240].

Ushbu hadisi sharifning tarjimasiga diqqat bilan qaraydigan bo’lsak ushbu hadisdagi صَبَحَ (subh) so’zi bomdod namozi ma’nosida kelayotganiga guvoh bo’lishimiz mumkin.

حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ يُوسُفَ قَالَ: أَخْبَرَنَا مَالِكٌ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ قَالَ: أَخْبَرَنِي حَفْصَةُ "أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ إِذَا اعْتَكَفَ الْمُؤَدِّنَ لِلصُّبْحِ، وَبَدَا الصُّبْحُ، صَلَّى رَكَعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ تَقَامَ الصَّلَاةُ" [11:134]

Abdulloh ibn Umar roziallohu anhumudan rivoyat qilinadi: “Menga Hafsa bunday xabar qildi: “Agar muazzin tongni poylab turganida tong otib qolgan bo’lsa Rosululloh (s.a.v) namozga iqoma aytilmasdan oldin yengilgina ikki rak’at namoz o’qib olar edilar” [4:501].

Ushbu tarjimada biz صَبَحَ (subh) so’zi tong ma’nosida kelgan. Yuqoridagi hadisda esa صَبَحَ (subh) so’zi bomdod namozi ma’nosida kelgan edi.

Demak, birinchi صَبَحَ (subh) so’zi ل predlogi bilan majrur (qaratqich) qilingan. Ikkinchi صَبَحَ (subh) so’zi esa بَدَا (ko’rinmoq, aniqlanmoq) fe’liga foil (ish-harakat bajaruvchisi) bo’lib kelmoqda.

Ikkinchi o’rinda tushum منصوب kelishigida kelgan صَبَحَ (subh) so’zini ko’rib chiqamiz.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِتَحْدِيثِ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ "ثُمَّ اضْطَجَعَ حَتَّى أَتَاهُ الْمُؤَدِّنُ، فَقَامَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ، ثُمَّ حَرَجَ فَصَلَّى الصُّبْحَ" [11:54]

Ibn Abbos r.a rivoyat qilingan hadisda Rosululloh (s.a.v) haqlarida shunday deydi: “Keyin muazzin kelguncha yonboshlab yotdilar. Shundan so’ng turib, yengilgina ikki rak’atnamoz o’qidilar. So’ngra chiqib, bomdod namozini o’qidilar” [4:248].

Ingliz tilida berilgan tarjimalarda esa, Then I went and stood by his side. (on his left side). He placed his right hand on my head and caught my right ear and twisted it. (pulled me, and made me to stand by his right side). He prayed two Raka’t then two Raka’t and two Raka’t and then two Raka’t and then two Raka’t (separately six times), and finally one Rak’a (the Witr). Then he lay down again in the bed till the *Mu’adhdhin* came to him whereupon the Prophet ﷺ got up, offered a two light Raka’t prayer and went out and led the **Fajr** (early morning) prayer. It was **subh** [8:121].

Ushbu o’rinda صَبَحَ (subh) so’zi tushum kelishigida (y) صَلَّى (namoz o’qimoq) fe’liga to’ldiruvchi bo’lib kelmoqda. Hadisi sharifning ingliz tilidagi tarjimasida صَبَحَ (subh) so’zi (Fajr prayer) bomdod namozi degan ma’noda kelgan.

مجرور صَبَحَ (subh) so’zi qaratqich kelishigida ham bir necha o’riplarda keladi. عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ أَنَّهَا قَالَتْ: "أَوَّلُ مَا بُدِيَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنَ الْوَحْيِ الرَّؤْيَا الصَّالِحَةُ فِي النَّوْمِ، فَكَانَ لَا يَرَى رُؤْيَا إِلَّا جَاءَتْ مِثْلَ فَلَقِ الصُّبْحِ". [11:11].

Mo’minlar onasi Oisha r.a dan rivoyat qilinadi: “Rosululloh (s.a.v) ga boshlangan ilk vahiy uyqudagi solih tushdir. U zot biror tush



ko'rsalar, tong yog'dusidek (aniq o'ngidan) kelmay qolmas edi" [4:118].

Hadisning ingliz tilidagi sharhida quyidagicha keltiriladi: Narrated 'Aisha, رضي الله عنها the mother of the faithful believers: The commencement of the (Divine) Inspiration to Allah's Messenger ﷺ was in the form of righteous good (true) dreams which came true like **bright daylight**, and then the love of seclusion was bestowed upon him [8:50].

Ushbu hadisi sharifda صبح (subh) so'zi qaratqich kelishigida kelmoqda, qaratqichda kelishligining sababi إِضَافَةٌ izofa (moslashmagan aniqlovchi) bo'lib kelmoqda. Ma'no jihatidan esa "tong" degan ma'noni ifoda qiladi.

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ "شَهِدَ عِنْدِي رَجُلًا مَرَضِيئُونَ وَارْتَضَاهُمْ عِنْدِي عُمَرُ، أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصُّبْحِ حَتَّى تَشْرُقَ الشَّمْسُ، وَبَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ" [11:127]

Ibn Abbas r.a dan rivoyat qilinadi: "Ishonchli kishilarning – mening nazdimda ularning eng ishonchlisi Umardir – menga aytib berishlaricha, Nabiyy (s.a.v) bomdoddan keyin quyosh chiqquncha va asrdan keyin quyosh botguncha (nafl) namoz o'qishdan qaytarganlar" [4:479].

Ushbu hadisi sharifda صبح (subh) so'zi qaratqich kelishigida kelmoqda, qaratqichda kelishligining sababi yuqoridagidek إِضَافَةٌ izofa (moslashmagan aniqlovchi) bo'lib kelmoqda. Ma'no jihatidan esa "bomdod namozi" degan ma'noni ifoda qilib kelmoqda. وَعَنْ مُحَمَّدٍ قَالَ: وَسَمِعْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ: "أَقْنَتَ النَّبِيُّ ﷺ فِي الصُّبْحِ؟، قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ لَهُ: أَوْقَنْتَ قَبْلَ الرُّكْعِ؟، قَالَ:

بَعْدَ الرُّكُوعِ يَسِيرًا" [11:203]

Muhammaddan rivoyat qilinadi: "Anasdan "Nabiyy (s.a.v) bomdodda qunut o'qiganlarmi?" deb so'raldi. U: "Ha" dedi. "Qunutni ruku'dan oldin o'qirmidilar?" deyildi. U: "kuru'dan keyin, lekin yengil qilar edilar" dedi" [5:78-79].

Ushbu hadisi sharifda esa صبح (subh) so'zi lug'aviy ma'no jihatidan "bomdod namozi" degan ma'noni bildirib kelmoqda, lekin grammatik jihatdan esa فِي predlogiga مجرور bo'lib kelmoqda, bunday grammatik qoida arab tilida جار مجرور deb aytiladi. جار (jor) qaratqich kelishigida boshqaruvchi

yordamchi so'z bo'lsa, مجرور esa qaratqich kelishigidagi so'z.

Bundan tashqari صَبَاحٌ (saboh) so'zi Imom Buxoriy rivoyat qilgan hadislarda faqat tong (kunning chiqishi) ma'nosida kelgan holatlarini uchratishimiz mumkin.

حَدَّثَنِي مُجَاهِدٌ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: "أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِمَنْكِبِي، فَقَالَ: كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ يَقُولُ: إِذَا أُمْسِيَتْ فَلَا تَنْتَظِرِ الصَّبَاحَ، وَإِذَا أَصْبَحْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الْمَسَاءَ، وَخُذْ مِنْ صِحَّتِكَ لِمَرْضِكَ، وَ مِنْ حَيَاتِكَ لِمَوْتِكَ" [11:1307]

Mujohid shunday so'zlab berdi: "Abdulloh ibn Umar (r.a) shunday dedi: "Rosululloh (s.a.v) yelkamdan ushlab, "Bu dunyoda xuddi g'aribdek yoki bir yo'lovchidek bo'lg'in!" dedilar". Ibn Umar: "Kech kirs, tong otishini kutma, tong o'tsa, kech kirishini kutma. Sog'lik paytingdan kasalligingga, hayotingdan o'limingga (foйда) olib qol!" der edi".

Ushbu hadisi sharifda صَبَاحٌ (saboh) so'zi tong ma'nosida, ya'ni (kun chiqishi) degan ma'noda kelyapti. Leksik jihatdan esa انْتَظَرَ (kutmoq) fe'liga to'ldiruvchi bo'lib tushum kelishigida kelgan.

Yana bir صَبِيحَةٌ (sobiyya) so'zi Imom Buxoriy rivoyat qilgan hadislarda faqat tong (kunning chiqishi) ma'nosida kelgan holatlarini uchratishimiz mumkin.

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، قَالَ: "سَأَلْتُ أَبَا سَعِيدٍ، وَكَانَ لِي صَدِيقًا فَقَالَ اعْتَكَفْنَا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ الْعَشْرَ الْأَوْسَطَ مِنْ رَمَضَانَ، فَخَرَجَ صَبِيحَةَ عَشْرِينَ فَخَطَبَنَا، وَقَالَ: إِنِّي أَرَيْتُ لَيْلَةَ الْقَدْرِ، ثُمَّ أَنْسِيْتُهَا – أَوْ نَسِيْتُهَا – فَالْتَمِسُوهَا فِي الْعَشْرِ الْأَوَّلِ فِي الْوَتْرِ" [11:400]

Abu Salamadan rivoyat qilinadi: "Abu Sa'iddan (Qadr kechasi haqida) so'radim, u mening do'stim edi. U dedi: "Ramazondagi o'rta o'n kunlikda Nabiyy (s.a.v) bila birga e'tikof o'tirdik. Yigirmanchi kunning tongida tashqariga chiqib, bizga xutba qildilar va: Albatta, menga qadr kechasi ko'rsatildi, so'ng u menga unuttirildi (yoki unuttirildim). Uni oxirgi o'n kunlikning toq kechalaridan izlanglar." dedilar [6:58].

Ushbu Abu Salamadan rivoyat qilingan hadisi sharifda صَبِيحَةٌ (sobiyya) so'zi tong ma'nosini bildirib kelmoqda. صَبِيحَةٌ (sobiyya) so'zi o'rin-payt holi bo'lib kelmoqda, arab tilida o'rin-payt holi tushum kelishigida



kelishligi sababidan ushbu o'rinda ham kalima tushum kelishigida turibdi.

Yuqoridagi fikrlarni inobatga olgan holda, Imom al – Buxoriy rivoyat qilgan hadislarda payt ravishi vazifasida kelgan so'zlarning qo'llanilishi ko'plab ma'no va mazmunga ega ekanligini hamda turli grammatik qoidalarga mos holda o'zgarib kelishining guvohi bo'lishimiz mumkin. Shu bilan birga, ushbu hadislardagi arab tilida payt ravishlari vazifasida kelgan subh so'zi o'zbek hamda ingliz tillariga qiyoslaganimizda o'ziga xos bir mazmunga ega bo'lishini, bir tildagi jumla boshqa bir tilga tarjima qililganda leksik-semantik qiyinchilikka

uchrab, ijtimoiy leksikaga xos o'zgarishlarga uchrashi mumkin ekan. Bu esa til hodisalariga subyektiv omilning ta'siri kuchining oshib borayotganligini ko'rsatadi. Keltirilgan misollardan ko'rinib turibdiki, asarlarda qo'llanilgan arab, o'zbek va ingliz tillaridagi payt ravishlarining umumiy jihatlarini emas, ularning qiyosiy va xususiy jihatdan ham o'rganish tilshunoslik fanining dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Har bir omil ilmiy jihatdan mukammal va sinchiklab o'rganilsa, boshqa tillardagi tarjimalarga qiyoslanilsa undagi so'zlar alohida olingan terminlar ekanligiga amin bo'lamiz.

### Adabiyotlar:

1. Ibrohimov. N. "Al-Qomus" Arabcha – o'zbekcha qomusiy lug'at. II juz "G'afur G'ulom" nashriyoti, - Toshkent 2017. - 896 b.
2. Uvatov U. "Buyuk muhaddislar: Imom al Buxoriy, Imom Muslim, Imom at Termiziy. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, – Toshkent: 1998, -63 b.
3. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf "Oltin silsila (Sahihul Buxoriy)" 1- juz "Hilol-nashr" nashriyoti, -Toshkent: 2013, - 670 b.
4. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf "Oltin silsila (Sahihul Buxoriy)" 2- juz "Hilol-nashr" nashriyoti, - Toshkent: 2013, -670 b.
5. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf "Oltin silsila (Sahihul Buxoriy)" 3- juz "Hilol-nashr" nashriyoti, -Toshkent: 2013, - 670 b.
6. Владимир Абдулла Нирша. "Сахихаль-Бухари". В 2-хт. 1-еизд.–.: Благотворительный фонд «Ибрагим бин Абдулазизаль Ибрагим», 2002, –471 с.
7. Dr.Muhammad Muhsin Khan, "Sahih al-Bukhari Arabic – English" Maktaba Darus-salam, Ar –Riyadh, 1994, 1097 p.
8. ابن فارس، معجم مقاييس اللغة، (ج3)
9. الخليل بن أحمد الفراهيدي، المعاجم و القواميس، 2007
10. أبو عبد الله محمد بن اسماعيل البخاري "صحيح البخاري"، دار كتاب العربي، بيروت لبنان، 2016م، 1728ص.

**Темиров Ж. Лексико-семантическая характеристика слова (صبح) рассвет в хадисах, рассказанных Имамом ал-Бухарий.** В статье представлены сравнительный анализ лексического и семантического значения слова "Заря" в хадисах, рассказанных Имамом аль-Бухари на примере узбекского и английского языков. (صبح) было проведено анализ, что слово "Рассвет" имеет разные значения и характеристики в разных языках, в которых сравниваются его грамматические, лексические и семантические аспекты.

**Temirov J. The lexic semantic feature of the word صبح (morning) in the hadiths narrated by Imam al-Bukhari. (examples in Uzbek and English).** The article presents a comparative analysis of the lexical and semantic meaning of the word "morning" in the hadiths narrated by Imam al-Bukhari using the examples of the Uzbek and English languages. (صبح) it was analyzed that the word "Break of day" has different meanings and characteristics in different languages, which compare its grammatical, lexical and semantic aspects.





## ОҒЗАКИ БЎЛМАГАН МУЛОҚОТНИНГ “EFL” (ИНГЛИЗ ТИЛИ ХОРИЖИЙ ТИЛ) ДАРСЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ

*Сабитова Ирода Сражиддиновна,*

*Ислом Каримов номли ТошДТУ катта ўқитувчиси*

**Калим сўзлар:** *Оғзаки бўлмаган мулоқот, дарс, масофа, юз ифодаси, имо-ишоралар, ҳис-туйғу.*

Оғзаки бўлмаган мулоқот – бу оғзаки нутқнинг таъсирини сезиларли даражада оширадиган “ҳиссиётлар тили”, инсоннинг ижтимоий ривожланишининг маҳсули, оғзаки бўлмаган тил (имо-ишоралар) нафақат оғзаки хусусиятларини (овоз, тембр, нутқ темпини) қамраб олади. Шунингдек, ҳаракатланиш услуби, ўзини тутиши, кийиниш услуби, шу жумладан, соч турмаги, ташқи кўриниши ва кийимларини ўз ичига олади. Бу оғзаки бўлмаган нутқнинг “ўқиш” тили, суҳбатдошнинг имо-ишорасини ўзаро тушунишга ёрдам беради.

Бошланғич мактаб даврида хорижий тилни, яъни инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўрганиш ўқувчилар учун фойдалидир, чунки бу ёш ўқувчилар янги билимларни ўрганиш ва англаш учун катта имкониятга эгадир. Бошланғич мактаб ўқувчилари жонли ва фаоллиги сабабли аниқ, мазмунли, визуал маълумотларни осонгина қайта ишлашга қодирлар. Бошланғич мактаб синфларида маъруза ўқиш ноўриндир, чунки ёш ўқувчилар тақлид қилиш қобилятига эга ва улар актёрликни яхши кўради. Шу сабабли, бошланғич синфнинг инглиз тили ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг билим ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олишлари ва ўқитишнинг самарали стратегияси, яъни оғзаки бўлмаган нутқни кўллашлари жоиздир.

Оғзаки бўлмаган мулоқот бу - “мулоқотга киришувчи ўзининг табиий хусусиятларидан фойдаланган ҳолда, бошқа мулоқотдошига маълумот етказиши ва инстиктив равишда ўзига хос маъно бериши жараёнидир” [3] деб тарифланади. Бу бошланғич мактабнинг EFL (инглиз тили хорижий тил сифатида

ўрганиладиган) синфида катта аҳамият касб этади. Масалан, бу ўқувчиларнинг сўз бирикмаларини, жумлаларини ва диалогларини тушуниши ва эслашига ҳисса қўшиши мумкин. Оғзаки бўлмаган мулоқотнинг 3 та тармоғи бор: 1) параллель тил 2) прксемика ва 3) кинесетика. Браун ва Эйстерхолд сўзларига биноан, параллель тил нутқ пайтида овознинг баландлиги, жаранглилиги ва тезлиги кабилардан фойдаланиш билан боғлиқдир [11]. Бу эса бизнинг ҳис-туйғуларимизни яққол намойиш қилиши мумкин. Масалан, “Мен ғазабланмайман” демоқчи бўлганимизда, овоз баландлигимизни ўзгартирсак ёки “йўқ” сўзини чизсак, у турли хил ҳиссий хабарларни етказиши мумкин. Просемика – бу бошқалар билан мулоқот қилишда масофадан тўғри фойдаланиш воситасидир ва уни 4 га ажратамиз:

(а) тегиниш ва 18 дюм оралиғидаги самимий масофа, кўпинча яқин оила аъзолари ёки энг яқин дўстлар орасида қўлланилади;

б) шахсий дўстлик, 18 дюмдан 4 фунтгача, кўпинча оддий дўстлар ёки ўқитувчилар ва талабалар орасида ишлатилади;

(с) 4 дан 12 фунтгача бўлган ижтимоий масофа кўпинча ишларда ишлатилади;

(d) жамоат масофаси, 12 фунтдан ортиқ ва бу расмий маросимларда, масалан, маъруза залларида ишлатилади. Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги масофа кўпинча шахсий масофа ҳисобланади. Агар ўқитувчи ўқувчига синфдаги масофадан яқиндан мурожаат қилса, демак, бунда кўпинча ўқитувчи бирор нарсани етказишни хоҳлайди, масалан, ўқувчининг диққатини ўқишга қаратишни. Оғзаки





бўлмаган мулоқотнинг учинчи тури-кинесетика. Кинесетика – бу тана ҳаракатини ўрганадиган фан бўлиб, имо-ишоралар, қоматни тутиш, тақлид қилиш ва кўз билан алоқа қилишни ўз ичига олади. Нэйлнинг сўзларига кўра, “Имо-ишорали тилдан фойдаланиш ўқув жараёнида муҳим элемент ҳисобланиб, у талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги позиция, юз ифодаси ва имо-ишоралар орқали маънони ифодалашдир” [7]. Фотосурат, мимика ва имо-ишораларни кинесетика деб аташ мумкин. Бу оғзаки бўлмаган мулоқотнинг муҳим туридир ва инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишда муҳим роль ўйнайди. EFL (инглиз тили хорижий тил сифатида ўрганиладиган) синфларда оғзаки бўлмаган мулоқотдан фойдаланиб тил ўрганиш, ёш ўрганувчиларнинг хорижий тилни ривожлантириши учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўқувчиларга янги билимларни яхшироқ тушунишига ва эслаб қолишига ёрдам беради. Бундан ташқари, бу ўқувчиларга ўқитувчиларнинг кўрсатмалари ва фикрларини яхшироқ тушунишига ундайди. Шу орқали, ўрганиш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш мумкин [5].

Кўплаб ўқитувчилар оғзаки бўлмаган мулоқотнинг аҳамиятини ва интенсив ўқишнинг етишмаслигини эътибордан четта қолдиради. Бундан ташқари, баъзи ўқитувчилар ҳатто ушбу мулоқотдан фойдаланганда тана қисмларини нотўғри ишлатишади. Масалан, битта ўқитувчи ўқувчиларга “қулоқ сол” деганида, у фақат қулоғига ишора қилиш ўрнига, кўрсаткич бармоғини лаблари олдида юқорига кўтарган. Кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариш, одатда, ўзбекчада “битта” деган маънони англатади, бу эса ўқувчиларни саросимага солиши мумкин. Шунинг учун, биз ушбу ҳолатга катта аҳамият беришимиз ва EFL (инглиз тили хорижий тил сифатида ўрганиладиган) синфларида имо-ишора тилидан қандай қилиб тўғри фойдаланишни тушунишимиз зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бошланғич мактаб ўқувчилари жонли ва

фаоллиги сабабли аниқ, мазмунли, визуал маълумотларни осонгина қайта ишлашга қодирлар ва ушбу синфларда маъруза ўқиш ноўриндир [10]. Шунинг учун, бошланғич синфнинг инглиз тили ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг билим ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олишлари ва ўқитишнинг самарали стратегияси, яъни оғзаки бўлмаган нутқни ишлатишлари лозим.

Оғзаки бўлмаган нутқ мулоқот ўрнини босиш, таъкидлаш, тўлдириш ва тартибга солиш функцияларига эга. Шунингдек, у бошланғич мактабларнинг EFL (инглиз тили хорижий тил сифатида ўрганиладиган) синфларида муҳим роль ўйнайди. Биринчидан, бу бошланғич синф ўқувчиларига янги билимларни янада яхшироқ тушунишга ва эгаллашга ёрдам бериши мумкин. Масалан, ўқитувчилар биринчи босқич талабаларига тана қисмлари ҳақидаги луғат атамаларини ўргатганда, сўзларнинг талаффузини аниқлаб беришлари ва сўзларнинг маъносини бошқа сўзлар билан айтиб бериш ўрнига ўз таналарининг тегишли қисмларини кўрсатишлари. Шунингдек, оғзаки бўлмаган мулоқотда ўқувчиларга феъл ва феълли ибораларни ўргатиш жуда самаралидир.

Total Physical Response (TPR-умумий жисмоний жавоб) - бошланғич мактабларнинг EFL (инглиз тили хорижий тил сифатида ўрганиладиган) синфларида самарали ўқитиш усули ҳисобланади. Жеймс Эйшр томонидан тақлиф қилинган TPR(умумий жисмоний жавоб) - бу тил ва жисмоний ҳаракатни мувофиқлаштиришга асосланган ўқитишнинг бир туридир [1]. TPR (умумий жисмоний жавоб)да ўқитувчилар ўз ўқувчиларига мақсадли тилда кўрсатмалар беришади ва талабалар тегишли ҳаракатни бажаришлари керак. Сўзларни ва тегишли ҳаракатларни такрорлаш орқали болалар ўзларининг онгида ўзаро боғлиқликни ўрнатиши мумкин. Масалан, ўқитувчилар ўз ўқувчиларига “эшикни кулфлаш” иборасининг маъносини ўргатганда, синфдаги калит билан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш мумкин. Бу



оғзаки тушунтиришга қараганда аниқроқ ва самаралироқдир. Кейин талабалар “эшикни кулфлаш” иборасини такрорлашлари ва тегишли ҳаракатларни бажаришлари мумкин.

Иккинчидан, имо-ишора тили ўқувчиларга ўқитувчиларнинг кўрсатмалари ва фикрларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Голден-Мидов ва Сингер маълумотларига кўра, тингловчилар кўпинча бу хабар имо-ишора билан етказилганда маърузачининг сўзларида етказилган хабарни тушунишлари осонроқ [4]. Байва Мехрабиан оғзаки бўлмаган нутқ мулоқотнинг 6 та функциясидан бирининг ўрнини босувчи деб таклиф қилишди [2], [6]. Баъзан, одамлар оғзаки бўлмаган хатти-ҳаракатлардан бошқаларнинг нима демоқчи эканлигини тушуниш мумкин. Масалан, талаба саволга қандай жавоб беришни ўйлаётганда, бошқа талабалар ҳам ўзлари билганларини баҳам кўришни ишташлари мумкин ва бу ҳолат талабаларнинг фикрларини бузиши мумкин. Айтиб бериш учун кўрсаткич бармоғини лабларига қўйиши мумкин. Бу оғзаки кўрсатмалардан яхшироқдир, чунки ўқитувчининг сўзлари талабанинг фикрлашига халақит бериши мумкин.

Бундан ташқари, ўқитувчилар хатти-ҳаракатларга оид тахминларни етказиш учун кўз билан алоқа қилишдан фойдаланишлари мумкин. Масалан, оғзаки бўлмаган нутқни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларига ўзларининг хатти-ҳаракатлари ҳақида мулоҳаза

юретишларига ёрдам бермасдан, уларни жазолашларига ёрдам беради.

Учинчидан, оғзаки бўлмаган мулоқот ўқитувчиларга синфдаги муҳитни тартибга солишда кўмак бўлади. Масалан, ўқитувчилар табассум, тезкор нутқ ва бўрттирилган ҳаракатлар билан ижобий синф муҳитини тарғиб қилиши ва ўқувчиларни рағбатлантириши мумкин. Талабалар интроверт, уятчан ёки саволларга жавоб беришдан қўрқсалар, ўқитувчилар жилмайиш, бош ирғаш, диққатни жамлаш нигоҳи билан ва кўрқувларини юмшатиш ва ўзларининг ғояларига қизиқишни кўрсатиш учун олдинга эгилиб уларни рағбатлантириши мумкин. Шунингдек, тегиниш ўқувчиларнинг муаммоларини энгиллаштирувчи усулдир.

Хулоса қилиб айтганда, оғзаки бўлмаган мулоқот ўқитувчиларга билимларни ўргатишда ва синфларни бошқаришда ёрдам бериши мумкин. Агар ўқитувчилар ўз синфларида оғзаки бўлмаган мулоқотдан тўғри фойдалана олсалар, ўрганиш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш мумкин. Ўқитувчилар кўпинча оғзаки бўлмаган нутқ воситаларидан фойдаланиш онгига эга эмаслар ва ўз тилларининг маъносини қўллаб-қувватловчи кўрсатмалардан фойдаланмайдилар. Шунингдек, улар ноўрин темпдан фойдаланишлари ёки оғзаки бўлмаган сигналларни ҳаддан зиёд ортиғи билан ишлатишлари мумкин [8]. Бу шуни англатадики, ўқитувчилар, айниқса, янги бошлаган ўқитувчилар, оғзаки бўлмаган мулоқотни ўзларининг дарс жараёнига киритиш учун зарур бўлган билим ва тайёргарликка эга эмаслар.

#### Адабиётлар:

1. Эйшер Жеймс. Иккинчи тилни ўрганишда TPR (умумий жисмоний жавоб)усули . “Замонавий тил журнали”, 1969.- 53, 3-176.
2. Бай Живан. Маданиятлараро оғзаки бўлмаган мулоқот. Пекин, Хитой: Чет тилини ўқитиш ва татқиқот матбуоти., 1999.
3. Экмэн Пол. Инсон қиёфасидаги ҳиссиёт. Нью-Йорк, NY: Кембридж университети матбуоти. ,1982.
4. Голден-Мидов S., & М.А.Сингер. Болаларнинг қўлларидан катталарнинг қулоқларига қадар: имо-ишора ўргатиш ва ўрганишда ривожланиш психологияси, 2003.-39, 509-520.



5. Гуан, Янгксианг. Оғзаки бўлмаган мулоқот ва коледжда инглиз тилини ўқитиш. Жинг Жи Ши, 2004.-02, 90-91.
6. Мехрабиан, Альберт. Оғзаки бўлмаган нутқ. Чикаго, IL: Aldine-Atherton. , 1972.
7. Нейл С.Р. Синфдаги оғзаки бўлмаган. Нью-Йорк, NY: Рутледж.1991.
8. Стаматис П.Ж. Синфдаги ўзаро муносабатларда оғзаки бўлмаган мулоқот: Ушлаб кўришнинг педагогик истиқболлари. Таълим психологиясидаги электрон тадқиқотлар журналы, 2011.- 9 (3), 1427-1442.
9. Су Жий. Бошланғич мактабда инглиз тили ўқитувчисининг оғзаки бўлмаган хатти-ҳаракатлари бўйича мажуд вазиятни ўрганиш. Сичуан университети, 2015. <http://cdmd.cnki.com.cn/Article/CDMD-10636-1015373341.htm> дан олинган
10. Чжоу Квян. Boshlang'ich maktabni ingliz tilini o'qitish bo'yicha mujassamlangan strategiyalarni dastlabki o'rganish. Jiangnan universiteti, 2013. <http://cdmd.cnki.com.cn/Article/CDMD-10295-1013242186.htm> dan olingan
11. Браун Стивен ва Жоди Эйшерхолд. Тилдаги мавзулар ва ўқитувчилар учун маданият. Мичиган университети нашриёти, [с]2004 .-211 p.

**Sabitova I. The role of non-verbal communication in efl (English as foreign language) classes.** *Communication is necessary to people's daily life. It can be divided into two types: verbal communication and nonverbal communication. Many people pay great attention to the accuracy and fluency of the verbal communication and overlook the importance of nonverbal communication, which plays an essential role in people's daily communication. Nonverbal communication can help people express their emotions and deliver information. Non-verbal communication sharing that it includes facial expressions, eye contact, tone of voice, body posture and gestures, and positioning within groups. It may also include the way we wear our clothes or the silence we keep. Non-verbal communication plays a great role in having a successful communication inside and outside the classroom. However, it is worth noticing that through our experience, classes with low percentage of using body language have difficulty in communication and thus have unsuccessful outcomes. Teachers should know about the importance of non-verbal communication and how it affects communicating with their learners.*

**Сабитова И. Роль невербальной коммуникации на классах efl (английский как иностранный язык).** *Общение необходимо в повседневной жизни людей. Его можно разделить на два типа: вербальное общение и невербальное общение. Многие люди уделяют большое внимание точности вербального общения и упускают из виду важность невербального общения, которое играет важную роль в повседневном общении людей. Невербальное общение может помочь людям выразить свои эмоции и передать информацию. В невербальном общении, включаются выражение лица, зрительный контакт, тон голоса, положение тела и жесты. Это может также включать в себя то, как мы носим нашу одежду, или молчание, которое мы храним. Невербальное общение играет большую роль в успешном общении внутри и за пределами класса. Однако стоит отметить, что, по нашему опыту, классы с низким процентом использования языка тела испытывают трудности в общении и, следовательно, имеют неудачные результаты. Учителя должны знать о важности невербального общения и о том, как оно влияет на общение с учениками.*



## МУСИҚАГА ОИД ТЕРМИНЛАР РИВОЖИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Арипова Гулноза Тулкуновна,*

*Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ мустақил изланувчиси*

**Калим сўзлар:** миллий мусиқа чолғулар, луғат, лексикография, шарқ алломалари, асар, дутор, чанг.

Мусиқий чолғулар халқларнинг моддий ва маънавий бойлигидир. Ҳар бир халқ ўз миллий мероси, даврлар оша юзага келган анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этувчи ва халқнинг миллий маънавиятига хос яратилган амалий санъат намуналари орқали уларга мос келувчи чолғу асбобларига эгадирлар. Ўзбек мусиқий чолғулар олами бу хусусда маънан ва моддий нуқтаи назардан бой, ҳамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Қолаверса, қайсики халқнинг маънавияти юксак бўлса, унинг тарихи ва унга мос мероси ҳам улқандир.

Муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида “Халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд кўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди” [Ш.М.Мирзиёев 2017] деб бежиз айтмаганлар.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз, халқимиз асрлар давомида биз аждодларга бой маданий мерос қолдирган. Асрлар давомида республикамизнинг турли воҳаларида турмуш тарзи, яшаш шароити, иқлимидан келиб чиқиб ранг-баранг фольклор куй-қўшиқлари яратилган, мусиқа чолғулари вужудга келган. Уларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш, келажак авлодга етказиш бизнинг олдимизга қўйилган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай тилнинг сўз бойлиги тарихий ёки замонавий тусда бўлмасин, инсонлар томонидан тузиладиган ранг-

баранг луғатларда маълум даражада аксини топади. Бугун муайян тилшуносликнинг қай даражада ривожлангани, такомил топгани айтилган тилда яратилган луғатларнинг тури, миқдори ва сифати билан ўлчанмоқда. Тилнинг луғат бойлиги доимий ривожланиб борар экан, унга янги сўзлар кириб келади, баъзи сўзлар эса эскириб муомаладан чиқиб кетади. Ана шундай ҳолатнинг илмий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш эса тилшунослардан катта матонат талаб қилади. Тилшуносликнинг лексикография бўлими ана шу сўзларни ўрганадиган фандир.

Лексикография [р<грек]. Луғат тузиш назарияси ва луғат тузиш иши; луғатшунослик [Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1981:430].

Луғат тузиш иши қанчалик машаққатли касб эканлиги бизга маълум. Шунинг учун луғат тузишдан аввал лексикографиянинг ўтмишдан то ҳозиргача ривожланиб келиш тарихини ва луғатшуносликка катта ҳисса қўшган алломаларимизнинг ишларини ўрганиб чиқиш даркор. Шарқ мутафаккирлари лексикографиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Албатта, бундай буюкларнинг номи абадий хурматда бўлади.

Бунинг ёрқин исботи сифатида бобомиз Алишер Навоийнинг номини тилга олиш кифоядир. Алишер Навоий тилшуносликка доир асари «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ҳижрий 905, милодий 1499 йилда ёзди. Улуғ ижодкор умрининг сўнггида яратган бу китоб аҳамияти бекиёсдир. А.Навоийнинг “Муҳокамат-ул-луғатайн”ни ёзишдан мақсади, унинг ўзбек тилшунослиги тарихидаги улуғ



хизматлари, Навоийнинг талқин принциплари, турли оилага кирувчи тилларни чоғиштирма-типологик ўрганиш масалалари келтирилган [Қосимжон Содиқов 2017:4].

А.Навоийнинг дунё тиллари келиб чиқиши тўғрисидаги қарашлари “Муҳокамат-ул-луғатайн”да яхши ёритилган. Ҳазратнинг фикрича, Аллоҳ инсонни нутқ билан барча жонзотлардан мумтоз айлади.

А.Навоий туркий, форсий ва ҳиндийни энг эски тиллар деб ҳисоблайди. Улар Нух пайғамбарнинг уч ўғли- Ёфас, Сом ва Ҳомнинг авлодлари ўртасида тарқалган [Қосимжон Содиқов 2017:8-9].

Дарҳақиқат, А.Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари билан танишиб чиқар эканмиз, буюк ижодкор мазкур асари билан дунё тилшунослигида тилларни типологик ўрганиш соҳасини, уларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини очиб берганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Олимларнинг фикрича, ушбу асар устида ҳали тадқиқотлар ўтказиб, изланишлар олиб борилса, ўрганилмаган жуда кўп илмий янгиликлар устида ишлаш мумкин бўлади.

Шарқ алломаларидан яна бири бобомиз Маҳмуд Қошғарий бўлиб, бундан қарийб 1000 йил аввал туркий халқларнинг олтин китоби “Девону луғотит турк”ни ёзишни бошлади ва икки йил давом этган машаққатли меҳнатдан кейин якунлади. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотларни ҳам камраб олган. Шу билан бирга, у дастлабки икки тилли (туркийча-арабча) изоҳли луғатлардандир.

Маълумотларга кўра, Маҳмуд Қошғарий туркий тилнинг аҳамияти араб тилиниқидан кам эмаслини исботлади. “Девону луғотит турк” ҳамон туркий халқлар тарихини ўрганишда бетакрор манба ҳисобланади. Буюк олим, туркий лексикограф, грамматист ва диалектолог Маҳмуд Қошғарий номи туркий халқлар тарихига қизиқувчи барча инсонлар учун кадрлидир.

Лексикография ривожда ўзининг катта ҳиссасини кўшган яна бир алломаларимиздан бири Маҳмуд Замаҳшарийдир. У ўзининг “Асос ул балоға” асари ва “Муқаддимат ул-адаб” деб номланган тўрт тилли (араб, форс, ўзбек, мўғул) луғати билан лексикографиянинг амалий ва назарий томонларини ўрганиб чиқди.

Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ҳам қадимдан ривожланиб келган экан, демак, миллий мусиқа чолғулари бўйича луғат тузишдан аввал, айнан шу мусиқа чолғулари тарихини ўрганишимиз зарур. Тадқиқотлар натижасида гувоҳи бўлдики, миллий мусиқа чолғулари шарқ алломаларининг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Бизга маълумки, ўзбек миллий чолғулари асрлар оша ривожланиб келган. Ўтмишда машҳур шоирлар ҳам ўз асарларида мусиқа чолғуларини бир неча бор зикр этганлар. Алломаларимиздан эса, Ал-Форобий (IX аср) ўзининг “Катта мусиқа китоби”да, Сафмддин Урмавий (XII аср) мусиқий рисоласида, Абдулқодир Мароғий (XIV аср) “Жами ал-алхон фи-илм ал-мусиқий) рисоласида, Аҳмадий (XIV аср) “Созлар мунозараси” асарида, Зайнулобидин Ҳусайний (XV аср) “Рисола дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” рисоласида, Абдурахмон Жомий (XV аср) “Мусиқий рисола”сида, Амулий (XVI аср) “Мусиқа рисола”сида, Дарвеш Али Чангий (XVII аср) “Мусиқий рисола”ларида мусиқа чолғулари ҳақида маълумотлар берганлар.

Шарқ мутафаккирларини ўрганар эканмиз, уларнинг лексикография билан бир қаторда миллий мусиқа санъатига ҳам кўшган ҳиссаси беқиёслигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Лекин, Гулчехра Эргашева ўз монографиясида ёзишича, асл ҳужжат ва манбаларда мусиқий созларнинг тарихи қисқа сатрларда, лавҳалардагина ёритилган. Ўша даврда мусиқани ёзиб олувчи воситалар бўлмаганлиги сабабли, ўтмиш мусиқа чолғуларининг садоланиш хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввур йўқ. Ўрта аср Шарқ алломаларининг мусиқага





оид илмий рисолаларида, шоирлар томонидан яратилган бадиий асарларида мусикий чолғуларнинг номланиши ва улар яратган муҳит ҳақида сўз юритилса-да, уларнинг яратилиш жараёни, бадиий имкониятлари ҳақида маълумотлар жуда оз [Гулчехра Эргашева 2012].

XIV-XVII аср Шарқ бадиий миниатюраси ҳамда шеърятидан Ўзбекистон ҳудудида шу даврда бўлган барча мусикий чолғу асбоблар ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш мумкин.

IX-XI асрлар давомида Ўрта Осиёнинг буюк олимлари – Форобий, Ибн Сино, ал-Хоразмийлар томонидан ўз даврининг мукамал мусиқа назарияси ишлаб чиқилди. Ўша даврларда мусиқа илми математика илмининг таркибий қисми сифатида қабул қилинган эди. Буюк олимларнинг асарларида мусиқа чолғулари ҳақида жуда қимматли маълумотлар берилган.

Фитратнинг ёзишича, бизнинг адабиётимиз шарқ-ислом адабиётига қандай боғланган, қандай муносабатли эса, мусикамиз ҳам шарқ-ислом мусикаси билан шундай боғланган, шундай муносабатдадир. Бизнинг эски куйларимиз орасида «рок», «қатор-соранг» деган куйлар бор. «Рок» ҳиндча «мақом» демакдир. «Соранг» эса, ҳинд чолғуларидан биридир. Булар мусикамизнинг кўп эскидан (ёлғиз араб-эрон эмас), ҳатто ҳинд мусикасидан таъсирланганини кўрсатадир [Фитрат 1993:5].

Фитратнинг “Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи” номли китобида Ҳофиз Дарвешнинг кўрсатишига кўра, унинг замонида ўзбек мусиқа дунёсида куйидаги чолғулардан кенг фойдаланилган экан: уд, конун, танбур, чанг, най, рубоб, кубуз, ғижжак, ишрат, кунгура, сетор, рухафзо, сурнай, балабон, ноғора, дойра. Бу сон албатта мусиқанинг бойлиги учун катта бир далилдир.

Миллий мусиқа чолғуларидан чанг чолғусининг тарихини ўрганадиган бўлсак, “Чанг [ф-т] 1.Тўрт бурчак ясси қути шаклдаги, сим торлар тортилган, қўш чўп билан уриб чалинадиган чолғу асбоби. 2.

Лабга қўйиб, пўлат тилини бармоқ билан туртиб нафас билан чалинадиган кичик чолғу асбоби; чанговуз” [Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1981:356].

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, uyushiq komponentlar gap qurilmasida o'zaro koordinativ aloqa yordamida bog'lanadi. Haqiqatan ham, koordinativ aloqa haqida [Muxin, 1968, 139; Severyanova, 1977, 13] larning ta'kidlashicha, uyushiq bo'laklar gap tarkibida qanday sintaktik o'rinda kelishidan qat'i nazar, ular ikki sintaktik aloqa yordamida ishtirok etadi, ya'ni uyushiq bo'laklar o'zaro koordinativ aloqa yordamida bog'lansa, ularning gap qurilmasida tutgan o'rniga ko'ra ikkinchi sintaktik aloqa (yadro predikativ, yadro bo'lmagan predikativ, subordinativ) kabi aloqalar asosida bog'lanishi mumkin.

Ushbu masalada, B.B.Odilovning fikricha "Koordinativ aloqa nafaqat teng huquqli elementlarni o'zaro bog'laydi, balki uyushgan qo'shma gaplarni ham o'zaro bir-biri bilan bog'lashini ham ta'kidlash joiz" [2008, 14].

Koordinativ aloqaning boshqa sintaktik aloqalardan yana bir farqi shundaki deb ta'kidlaydi I.Jumaniyozov "...uyushiq komponentlarni o'zaro bog'lashda bog'lovchilarning ham roli beqiyosdir. Ular uch guruhga bo'linadi, ya'ni biriktiruvchi bog'lovchilar – *and, nor, as well as, both ... and, neither ... nor, not only ... but (also)*, ayiruvchi bog'lovchilar – *or, either ... or*, zidlov bog'lovchilari – *but, yet*. Ushbu bog'lovchilar bilan bir qatorda og'zaki nutqda pauzalar, yozma nutqda verguldan keyin foydalaniladi" [1981, 80].





Mazkur ishimizda uyushiq o'rinlariga hamda koordinativ aloqa haqida bo'laklarning gap tarkibida tutgan barcha ham batafsil to'xtalishdan faqat ingliz va o'zbek tillari gap qurilmasida hollarning bir ko'rinishi, ya'ni payt holini ifodalovchi uyushiq sintaktik birliklar tobe komponent o'rnida kelgan gaplarni komponentlarga ajratib tahlil qilish bilan cheklanamiz.


1. *After a minute or two he went out...* (MSh, 129).
2. *I have been here every day and every night* (JU, 376).
3. *A day or two later Susie received a telegram* (WS, 82).
4. *Winter and summer he slept in the stables* (MSh, 194).

Yunksion modelda koordinativ aloqa V belgi bilan izohlanadi. Gap tarkibida tobe uyushiq komponentlar HND belgi yordamida izohlanadi. Birinchi gap tarkibida *after a minute* va *two* sintaktik birliklar o'zaro koordinativ aloqa yordamida bog'lanib, har ikkala tobe uyushiq komponentlar yadro predikativ 2 (went out) komponentiga nisbatan prepozitiv holatda kelib, u bilan subordinativ aloqa asosida bog'langan. Ushbu gap qurilmasida uyushiq komponentlarning NP<sub>2</sub>, ya'ni yadro predikativ 2 komponentiga tobeligini aniqlash maqsadida hamda yadro komponentlarni ajratish uchun eksperiment metodining tushirib qoldirish usulidan quyidagicha foydalanish mumkin:

(1) *After a minute or two he went out* → ... .. *he went out*. Koordinativ aloqa asosida bog'langan tobe uyushiq komponentlar o'zaro teng huquqliligini isbotlash uchun eksperiment metodining uyushiq komponentlarning birini tushirib qoldirish mumkin, ammo, gapning asosiy mazmuniga katta ta'sir bo'lmaydi:

- (1) *After a minute or two he went out* →  
*After a minute ... he went out* yoki ... *after two minutes he went out*.


Bu gapning yunksion va komponent modellarini quyidagicha izohlash mumkin:



Ikkinchi gapda *day* va *night* o'zaro koordinativ aloqa asosida bog'lanib, gapning yadro predikativ 2 (*have been*) komponentiga *day* va *night* tobe uyushiq komponentlar subordinativ aloqa asosida bog'lanib, *have been* yadro predikativ 2 komponentiga tobe ekanligini isbotlash uchun hamda yadro komponentlarni aniqlash maqsadida eksperiment metodining tushirib qoldirish usulidan foydalanish mumkin.

(2) *I have been here every day and every night* → *I have been here every day ...* → *I have been here ... .. every night*. Uyushiq tobe komponentlarni yoki umuman tobe komponentlar tushirib qoldirilsa asosiy yadro komponentlarni aniqlash mumkin:

(2) *I have been here every day and every night* → *I have been ... ..* mazkur gapda *here* va uyushiq komponentlar *have been* komponentiga subordinativ aloqa yordamida postpozitiv holatda bog'lanadi. Gapning yunksion va komponent modellari quyidagicha izohlanadi:



Uchinchi gapda ham *a day or two later* komponentlari tobe uyushiq komponentlar o'rnida kelib, koordinativ aloqa asosida bog'lanib, gapning *received* (NP<sub>2</sub>) komponentiga hamda *a telegram*




no yadroviy tobe komponent bo'lib subordinativ aloqa yordamida bog'langan. Eksperiment metodining tushirib qoldirish usulidan foydalanilganda faqat yadro komponentlar ( $NP_1$   $NP_2$ ) qolishi mumkin:

(1) *A day and two later Susie received a telegram* → ... *Susie received a telegram*  
*Susie received* →

*A day* va *two later* komponentlarining uyushiq ekanligini isbotlashda ham quyidagicha eksperiment metodidan foydalanishni taqozo etadi:


(3) *A day and two later Susie received a telegram* → ... *two days later Susie received a telegram* → *a day later ... Susie received a telegram.*

Bu gapning yunksion va komponent modellarini quyidagicha berish mumkin:



To'rtinchi gapni ham shu yo'sinda yunksion va komponent modellarini izohlash mumkin:

(2) *Winter and summer he slept in the stables.*



Paytni ifodalovchi tobe uyushiq komponentlari o'zbek tili misolida qaralganda, yig'ilgan faktik misollarning guvohlik berishicha tobe uyushiq komponentlar formal jihatidan o'zaro teng bog'lovchilar yoki vergul yordamida ifodalanishi mumkin:

1. *Kuz va bahorda hamma yoqqa tut ko'chatlari ekamiz* (G'.G', 495).
2. *Hozir, shu daqiqada gapni cho'zmaslikni lozim topdi* (Sh.J, 227).
3. *Inoyatxon Diyorova olti oy yoz, olti oy qish mehnat qildi* (G'.G', 194).
4. *O'lik ertaga, jumada chiqariladi* (Sh.J, 327).

Birinchi gapda *kuz va bahor* gap qurilmasida tobe uyushiq komponent bo'lib, yadro predikativ komponentga subordinativ aloqa asosida bog'lanadi. Ammo, ushbu gap qurilmasida yadro predikativ 1 komponenti ifodalanmagan, uni yadro predikativ 2 komponentiga qo'shilgan shaxs qo'shimchasi yordamida tiklash mumkin.


(1) *Kuz va bahorda hamma yoqqa tut ko'chatlari ekamiz* → *kuz va bahorda biz hamma yoqqa tut ko'chatlari ekamiz.*

Gap tarkibida yadro va tobe uyushiq komponentlarni aniqlash maqsadida eksperiment metodining tushirib qoldirilishi usulidan foydalanamiz:

(1) *Kuz va bahorda biz ... → tut ko'chatlari ekamiz.* Endi tobe uyushiq komponentlarni aniqlaymiz.

*Kuzda ... biz tut ko'chatlari ekamiz* → ... *bahorda biz tut ko'chatlari ekamiz.*

(1) *Kuz va bahorda biz tut ko'chatlari ekamiz* gapining yunksion va komponent modellarini quyidagicha:






S S PnP S S Vf k.m. 1.

Ikkinchi gapda *hozir* va *shu daqiqada* elementlari tobe uyushiq komponentlardir va ularni quyidagicha aniqlash mumkin:

(2) *Hozir, shu daqiqada gapni cho'zmaslikni lozim topdi* → *Hozir, shu daqiqada u gapni cho'zmaslikni lozim topdi.*




Uchinchi gapda *yoz*, *qish* komponentlari tobe uyushiq sintaktik birliklar ham o'zaro koordinativ aloqa yordamida bog'lanib, gapning yadro predikativ 2 (*mehnat qildi*) komponentiga subordinativ aloqa asosida bog'lanadi. Tobe uyushiq komponentlarni aniqlashda ham tushirib qoldirish transformatsiyasidan quyidagicha foydalanish mumkin:

(3) *Inoyatxon Diyorova olti oy yoz, olti oy qish mehnat qildi* → *Inoyatxon Diyorova ... ..*  
*... olti oy qish mehnat qildi* → *Inoyatxon Diyorova olti oy yoz ... .. mehnat qildi.*

Bu gapning ham yunksion va komponent modellarini quyidagicha izohlash mumkin:


(3) *Inoyatxon Diyorova olti oy yoz, olti oy qish mehnat qildi.*



To'rtinchi gapda ham *ertaga* va *jumada* sintaktik birliklar tobe uyushiq komponentlardir. Ularning isboti quyidagi transformatsiya usuli yordamida beriladi:

(4) *O'lik ertaga, jumada chiqariladi* → *O'lik ertaga ... chiqariladi* → *O'lik ... jumada chiqariladi.* Tobe uyushiq elementlar deb atalmish *ertaga, jumada* morfologik shakli har xil bo'lsa-da, uyushiq komponentlar tushirib qoldirilish usuli orqali aniqlanadi.

*O'lik ertaga, jumada chiqariladi.*



Tobe uyushiq komponentli gaplarning tashqi qurilmasi, ya'ni komponentlarga ajratib tahlil qilganimizda har ikkala tillarda ularning morfologik ifodasi bir xil, ammo, ingliz tilida tobe uyushiq komponentlar gapning boshida, o'rtasida va oxirida kelishi mumkin, o'zbek tilida esa gapning boshida va o'rtasida keladi.



---

---

**Adabiyotlar:**

1. Усманов У.У. Неполные предложения с нулевым подлежащим. -Самарканд: СамГПИ, 1991. -37 с.
2. Хаританова Т.С. Группа определителей в современном английском языке: Автореф.дисс...канд. фил. наук. –Ленинград: 1971. -25 с.
3. Odilov B.B. Uyushgan qo'shma gaplarning semantik-pragmatik xususiyatlari. / fil. fan. nomzod. diss. avtoreferati. –Toshkent: 2008. -29 b.
4. Yerov. B.A. Uyushiq kesim: uning zotiy (substansial) tabiati va gapdagi mavqeyi: nomzod. diss. avtoreferati. –Toshkent: 2001. -54 b.
5. Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. Санкт-Петербург, СПб, 2007. -198 с.

**Салохиддинов М. Темпоральность в позиции неядерных однородных компонентов.** В данной статье приводятся примеры о неядерные однородные компоненты выражающие темпоральность и как перевести их в художественной литературе с английского на узбекский. Тот факт, что грамматические формы играют важную роль в переводе из анализа, что темпоральность отражается не только в простых предложениях, но и в неядерных однородных компонентов.

**Saloxiddinov M. Temporality in the position of unnuclear homogeneous components.** This article provides examples of non-nuclear homogeneous components expressing temporality and how to translate them in fiction from English into Uzbek. The fact that grammatical forms play an important role in translation from analysis is that temporality is reflected not only in simple sentences, but also in non-nuclear homogeneous components.



**SHE`RIY TARJIMANING LISONIY KOGNITIV TAHLILI**  
**(A.Navoiy Gazels Traduction et adaptation Mourodhon Ergashev)**

*Eshboyeva Tursuntosh Soxatmamatovna,*  
*SamDCHTI 2-kurs magistranti*

**Kalit so'zlar:** tarjima, kognitiv tilshunoslik, obraz, ohangdosh so'zlar, qofiyani qayta tiklash, g`azal, kompozitsiya, badiiy tarjima, shakl va mazmun, she`riy tarjima.

Tarjima- bu bir tildagi matnni boshqa tilda qayta yaratishdan iborat adabiy ijod turi bo`lib, tarjima millatlararo muloqotning eng muhim ko`rinishidir. Asliyat va qayta tiklangan matn xususiyatiga qarab badiiy tarjima, ilmiy tarjima va boshqa turlarga ajratiladi. Asl nusxani aks ettirish tarziga ko`ra tafsir, tabdil, sharh kabi ko`rinishga ham ega bo`lishi mumkin. Tarjima qadimgi davrlarda, turli qabilaga mansub kishilar orasidagi o`zaro aloqa, muloqot ehtiyoji tufayli yuzaga kelgan.

She`r – badiiy ijodning his-tuyg`ularga boy eng nafis namunasidir. She`riyatda xalqning roli, madaniy taraqqiyot darajasi, o`ziga xosligi, tilining qudrati, iste`dod va iqtidorining mavqeyi mujassamlashgan bo`ladi. She`r nasrga qaraganda boshqacha rol tasvir etadi. Unda katta umumlashtiruvchi kuch mavjud. Bir band she`rda bir olam ma`no ifodalanishi mumkin.

Chunki sh`er inson kechinmalari, kayfiyati va ichki dunyosini, tuyg`u-hissiyotlarini to`laroq va chuqurroq bayon qila oladi, kishining qalbiga juda tez kirib boradi. Shuning uchun she`r estetik ta`sir o`tkazuvchi beqiyos katta qudratga, ulkan tarbiyaviy ahamiyatga molik san`atdir. Fikr she`rda tuyg`ular, ehtiroslar va barqaror intonatsiyalar orqali uyushib yuzaga keladi.

Intonatsiya she`rdagi har bir so`zni o`ziga tobe qilib, uning ta`sir kuchini oshiradi, mazmuni kitobxon ruhiga ta`sir ettirib, yorqinroq ro`yobga chiqaradi.

Nasriy asarni bir tildan ikkinchisiga o`girish qanchalik qiyin bo`lmasin, she`rni tarjima qilish undan ko`ra ancha mushkul, chunki she`riy asar tarjimasining o`ziga xos tomonlari mavjud. Tarjimon faqat she`r tarkibidagi so`zlarning mazmuninigina emas, shu bilan birga, uning ritmi, qofiyasi va

intonatsiyasini ham qayta tiklashi lozim [1.b.30].

She`riy asarda shakl va mazmun bir-biri bilan chambarchas bog`langan bo`ladi. Har bir she`riy asar o`z mazmuniga mos shakl – vazn, qofiyalanish sistemasi, ritmi va intonatsiyasiga ega. Shoir muayyan g`oyani ifodalash uchun unga muvofiq so`z va so`zlar silsilasi, sintaktik birikish yo`li, vazn turini tanlaydi va shu orqali o`z g`oyasini mukammalroq bayon eta oladigan shakl ijod qiladi. Har bir shakliy zarra she`rda mazmuni ro`yobga chiqaruvchi vosita hisoblanadi. She`rda mazmun bilan shakl birikivi uyg`undir.

Ma`lumotlar shuni ko`rsatadiki, tarjima qadimgi davrlarda turli qabilalarga mansub kishilar orasidagi o`zaro aloqa, muloqot ehtiyoji tufayli yuzaga kelgan. Tarjima – bir tildagi matnni boshqa tilda qayta yaratishdan iborat adabiy ijod turi hisoblanadi. Tarjima millatlararo muloqotning eng muhim ko`rinishi bo`lib ,uning asliyatga shaklan va mazmunan monand tarzda yaratilishi tarjimonning o`z tilida asliymonand lisoniy vositalar tanlab ifoda etish bilan belgilanadi. Asliyat va qayta tiklangan matn xususiyatiga qarab tarjimalar badiiy tarjima, ilmiy tarjima va boshqa turlarga ajratiladi. Asl nusxani aks ettirish tarziga ko`ra tafsil, tadbil, sharh kabi ko`rinishlarda ham uchratish mumkin.

Tarjima – murakkab jarayon va mas`uliyatli ishdur. Suniy intellekt texnologiyalariga asoslangan avtomatik tarjima tizimlari paydo bo`lib borishiga qaramay tarjima har doim ijodiy ish bo`lib kelgan va shundayligicha qoladi. She`riy asarlarni nasriy ijoddan ajratib, farqlab turadigan o`ziga xos xususiyatlari tarjima jarayoniga ham o`z tasirini ko`rsatadi.





Shunday ekan, she'ning biror muhim zarrasi o'zgarishi bilan uning butun ruhi o'zgacha tus olib ketishi mumkin. Ritm o'zgarishga uchrar ekan, so'z va so'zlar mazmuni ham binobarin, intonatsiya, uslub ham o'zgaradi. Demak, asarning butun she'riy mohiyati, mazmuni o'zgacha bo'lib qoladi. Lirik qahramon, uning ovozi, dunyoga munosabati bo'lakcha maqomga ko'chadi.

She'riy tarjima murakkab ijodiy jarayonni o'z ichiga qamrab oladi. Bu murakkablik, ayniqsa, she'riy asarlar tarjimasida yaqqol namoyon bo'lishini kuzatamiz. Shuning uchun ham biz mazkur soha vakilini haqli ravishda shoir-tarjimon deb ataymiz. Bunda tarjimon-chizmakash emas, rassomdek ijod qiladi va tarjimaning turli jumladan, yashirin ma'nolarini mufassal bayon qilish yo'llari orqali muallif fikrini kitobxonga aniqroq yetkazishga intiladi.

Ammo, to'rt satr she'rdagi ohang va lirik kechinmani o'quvchi qalbidan joy oladigan darajada tarjima qilish tarjimondan shoirona ilhom va ulkan mahoratni talab qiladi. She'riy tarjima ham she'r kabi ilhom kelganda, asar tarjimonga kuchli ta'sir ko'rsatganda dunyoga keladi.

Ammo, she'r tarjimasi ko'ngil ishi ekanini tan olmasdan ilojimiz yo'q. Chunki, tarjimon yuragiga yaqin, ko'ngliga mos keladigan, ruhiyatiga tushadigan g'azalni yoki she'rnigina estetik zavq bilan qayta yaratadi. Agar tarjimon o'z tarjimasidagi g'azal yoki she'rdan estetik zavq olmasa, u qilgan tarjimaning estetik ta'sirchanligi bo'lmaydi, natijada tarjima quruq va shirasiz bo'lib qoladi.

She'riy tarjima lisonida (nutq) ona tili va xorijiy tillarni o'rganishda, terminologiyani ishlab chiqish va takomillashtirishda, lisoniy matnlarni ilmiy sharhlashda muhim ahamiyatga ega; mavjud va xayoliy narsalar (moddiylik va g'oyaviylik)ning o'zaro aloqadorligi muammolarini hal qilish, ijtimoiy ongini va ijtimoiy mavjudot bo'lmish insonning o'zini to'g'ri tushunish uchun nazariy xulosalar chiqarishga imkon beradi.

Til va tafakkurning, lisoniy va mantiqiy birlik (kattalik)larning o'zaro aloqasi muammosi she'riy tarjimaning lisoniy

kognitiv tahlili tomonidan baravar, bir vaqtning o'zida o'rganiladi. Asosiy lingvistik metodlar sifatida tavsifiy (qiyosiy, konfrontativ, kontrastiv, tipologik), tarixiy (qiyosiy-tarixiy, komparativ) va normativ stilistik (me'yoriy uslubiy) metodlarni ko'rsatish mumkin.

She'riy tarjimada lisoniy –kognitiv metod ham mavjud. Kognitiv so'zi inglizcha "cognize- bilmoq, anglamoq, tushunmoq" so'zidan olingan bo'lib, bu soha faqat falsafadagi bilish nazariyasi bilan cheklanmay, balki tilni tafakkur bilan bog'lab, lisoniy hodisalar bilan uzviy aloqasini chuqur ilmiy tadqiq etadi.

Kognitologiya bilimning lisoniy voqelanishi jarayonini tavsiflashni gumanitar fanlar sohasidagi eng asosiy muammolar qatoriga qo'yadi. Ushbu muammo zamonamizda rivoj topayotgan ilmiy taqdiqotlarning muhim yunalishlarini belgilab bermoqda.

Professor Sh.Safarovning fikricha, kognitiv tilshunoslikning vazifasi til yordamida bilim olish va saqlash, tilni amalda qo'llash hamda uzatish, umuman, til tizimi va tarkibini inson miyasidagi tafakkur bilan bog'lab, chuqur ilmiy tadqiq etishdir diya ta'kidlaydi [2.b.10]. Shunday ekan insonning kundalik voqea- hodisalarga munosabati tilning kognitiv nazariyasining amalda qo'llanishi bilan uzviy bog'liqdir.

Zotan, biz yillar davomida hosil bo'lgan hayot tajribamiz, bilim va ko'nikmalarimiz asosida voqelikdagi u yoki bu tarzda mavjud bo'lgan narsa – predmetlar, voqealar, hodisalar haqida fikrlar olamiz va ana shunga tayangan holda o'zaro so'zlashuv jarayonida nutqimizning yanada ravon bo'lishiga ya'ni, bekam-ko'stligiga erishamiz.

Bizga ma'lumki, bilish faoliyati insonning voqelikni bevosita sezish, his etish bilan boshlanadi. Hozirgi zamon tilshunosligida kognitiv yunalish leksik-semantik sathdagi tahlillar bilan chambarchas bog'liq bo'lib, unga ko'ra til umumiy kognitiv mexanizm bo'lishi bilan birga, kognitiv qurol tarzida axborotning taqdimotini, kod yordamida uzatish va



o'zgartirish vazifasini bajaruvchi belgilar tizimi hamdir.

She'riy asarlarni nasriy ijoddan ajratib, farqlab turadigan o'ziga xos xususiyatlari tarjima jarayoniga ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Har qanday she'riy asarni ko'lga olishingiz bilan dastlab ko'zga tashlanadigan narsa uning zohiriy tomoni bo'lib, hali mazmuni bilan tanishmay turib, nazmni nasrdan farqlash imkoniyatini beradi.

Bu zohiriy tomon - she'riy asarlarning ma'lum tartibidagi shakli: o'lchovi, bandlanishi, kofiyasidir. Zohiriy fazilatlar she'riy asarning mazmunini ifoda qilish uslubiga (ifoda siqirligi, obrazli uslubiy vositalarning ko'p ishlatilishi, o'ziga xos sintaksis) ta'sir qiladi.

Nazm uchun xos bo'lgan maxsus xususiyatlarning tarjima jarayonida qay tarzda va qay sifatda qayta ishlatilishi, ularning tarjima asarlarining estetik ta'sir ko'rsatadigan kuchini qayta tiklanishidagi mohiyatni o'rganish tarjima nazariyasi va amaliyoti nuqtayi nazaridan ma'lum qiziqish uyg'otadi.

Filolog, tarjimon Murodxon Ergashev she'riy tarjimaga yuqori baho berib, shunday ta'rif beradi: "Badiiy tarjimaning boshqa turlariga qaraganda she'riy tarjima badiiy tarjimaning oliy navi – desa bo'ladi". Atoqli tarjimashunosimiz she'riy tarjimaga bejiz bunday yuqori baho bermaganlar. Chunki she'riy tarjima jarayonida shoir tarjimon, ijodkor tarjima mahsulini dunyoga keltiradi. Mana shunday mashaqqatlar bilan xalq mulkiga aylanadigan tarjima asarlar san'at darajasiga ko'tariladi.

She'riy asarda shakl va mazmun bir-biri bilan chambarchas bog'langan bo'ladi. Har bir she'riy asar o'z mazmuniga mos shakl – vazn, qofiyalanish sistemasi, ritmi va intonatsiyasiga ega. Shoir muayyan g'oyani ifodalash uchun unga muvofiq so'z va so'zlar silsilasi, sintaktik birikish yo'li, vazn turini tanlaydi va shu orqali o'z g'oyasini mukammalroq bayon eta oladigan shakl ijod qiladi. Har bir shakliy zarra she'rda mazmunni ro'yobga chiqaruvchi vosita hisoblanadi. She'rda mazmun bilan shakl birikuvi uyg'undir.

She'riyat boshqa uslub va janrlar ichidagi eng jonli va ta'sirchani bo'lganligi,

shuningdek, u qofiya, misra, band kabi qayta tartibga soluvchi unsurlarga ega bo'lganligi tufayli, undagi gaplarda so'z tartibi nasrga qaraganda ko'p va antiqa o'zgarishlarga uchrab turadi. Sintaktik uslubiy vositalar ham nazmda nasrdagidan ko'ra ko'proq ishlatilib, ular she'r ritmini tashkil etishda, uning ifoda kuchini oshirishda, eng muhimi, uning g'oya va mazmunini kitobxonning his-tuyg'ulariga kerakli ta'sirni o'tkazishda ishtirok etadi. Inversiya, ajratilgan bo'laklar, takrorlar, sintaktik parallelizm, xiazm (teskari 8 parallelizm), ritorik savollar kabi sintaktik vositalar fransuz tilidagi she'riy asarlarda ham, o'zbek nazmida ham ko'plab uchraydi.

Har ikki tildagi adabiyotda keng qo'llanilgani, milliy bo'yog'i bo'lmagani tufayli, yuqorida sanab o'tilgan uslubiy vositalarning matnda bajargan vazifasini tarjimada qayta yaratish katta qiynchiliklarni vujudga keltirmaydi va ular ko'pincha asliyatga mos holda aks ettiriladi. Mustaqillik yillari o'zbek mumtoz adabiyoti namunalari bir necha bor fransuz tiliga tarjima qilindi. 1991-yili Parijdagi "Orphée» nashriyoti Alisher Navoiyning g'azallari va boshqa she'rlaridan tashkil topgan to'plam "Gazels et autres poèmes» ni e'lon qildi.

Asarlarni o'zbek tilidan Hamid Ismoilov tarjima qilgan, Jan-Pyer Balp fransuz tiliga moslashtirgan. To'plamdan 27 ta g'azal, qator qit'a, chiston, ruboiy, muxammas, fard va mustazodlar o'rin olgan.

Mazkur to'plamning qiziqarli tomoni shundaki, undagi asarlarning asliyatlarini eski o'zbek (arab) alifbosida keltirilib, ularning yonida fransuzcha tarjimasi beriladi.

Asarlarning o'zbek tiliga tarjimasi Ma'mura Rashidovanning kalligrafiyasida berilgan. Bundan tashqari "Action poétique» jurnalining 121-sonida A.Navoiyning qator g'azallari e'lon qilindi. 1996-yili Parijdagi "Jarach-La Ruhe» nashriyotida "A la Cour des Princes Timurides" (Temuriy shahzodalar saroyida) nomida o'zbek mumtoz she'riyati vakillarining asarlari e'lon qilindi.

To'plamdan Lutfiy, Atoiy, Sakkokiy, Navoiy, Bobur, Zebiniso va Nodirabegimning g'azal va ruboiylari joy olgan. Ularni fransuz tiliga B.Ermatov tarjima qilgan.



2007 -yili Brest (Fransiya) shahridagi "Georama» nashriyoti A.Navoiyning g'azallarini "Gazels» fransuz tilida e'lon qildi. Asarlarni fransuz tiliga filolog, tarjimon Murodxon Ergashev va Jan-Jak Gate tarjima qilishgan. A.Navoiyning ayrim g'azallari fransuz tiliga bir necha marta tarjima qilingan. Bu tarjimalarni qiyosiy o'rganish qiziq natijalarini beradi. Jumladan, Navoiyning "Munojot» g'azali mustaqillik yillarida fransuz tiliga uch marotaba tarjima qilindi. Bu tarjimalar "Gazels et autres poèmes» to'plamida, "Action poétique» jurnalida va "Gazels» da e'lon qilingan.

Asliyatda g'azal quyidagicha boshlanadi;

*"Kecha kelgumdur debon ul sarvi gulru kelmadi*

*Ko'zlarimga, kecha tong otguncha uyqu kelmadi ... »*

#### **P.SHuven tarjimasini:**

*«Le soir je viendrai, a dit ce cyprès à visage de fleur; il n'est pas venu*

*Sur mes yeux, de la nuit jusqu'à l'aube, le sommeil n'est pas venu... »*

#### **H.Ismoilov va J.P.Balp tarjimasini:**

*«Sa silhouette de cyprès, son visage de fleur promettent*

*sa venue mais elle ne vient pas.*

*Cette nuit, du crépuscule à l'aube, le sommeil n'est pas*

*venu sur mes yeux» [Navoi, 1991, P.29].*

#### **M.Ergashev va J.J.Gate tarjimasini:**

*«Elle avait tant promis qu'elle viendrait ce soir,*

*Souplasse de cyprès au visage de fleur.*

*Jamais elle ne vint.*

*Mes yeux ont attendu que l'aube soit venue.*

*Et le sommeil jamais ne vint» [Navoiy, 2007, P. 70.].*

Keltirilgan misoldan ko'rinib turganidek, Pyer Shuvenning fransuzcha tarjimasini asliyatga ham shakl jihatidan, ham mazmun jihatidan juda yaqin turadi. Tarjimada g'azalga xos qofiya ham, musiqa ham saqlangan. Biroq, mazkur tarjimada "sarvi gulru» mujskoy rodda keltirilgan bo'lib, asliyatga qusur etgan (il n'est pas venu).

P.Shuvendan farqli o'laroq, M.Ergashev va J.J.Gate asar mazmunini

saqlashga intilishgan va buning uddasidan ham chiqishgan. Sintaktik uslubiy vositalar so'zlar orqali anglatilgan mazmunni o'quvchiga yorqinroq, ifodalibroq, ta'sirchanroq etkazib berishga yordamlashadi [3.Navoiy, 2007, 70-bet]. Aksar vaziyatlarda ular leksik uslubiy vositalar bilan birlashib, so'zlardagi obrazlilik, emotsionallikni kuchaytirib, o'quvchi diqqatini kerakli so'z, ibora va gaplarga tortishga yordam beradi. Tarjimada sintaktik uslubiy vositalarni xuddi shunday vazifada yuzaga chiqirish muhim ahamiyatga molikdir.

She'riy asardagi sintaktik jihatlarining tarjimada aks ettirilishi yoki ettirilmasligi asar mazmunini qayta ifoda qilishga salbiy yoki ijobiy ta'sir o'tkazmay, shu mazmunning o'quvchiga qay tartibda yetib borishi, o'quvchi hissiyotlariga qanday ta'sir ko'rsatishi bilan bog'liqdir.

Tarjima amaliyotida kam uchrasa-da, ba'zida tarjimonning asliyatidagi gap tuzilishiga yetarlicha e'tibor bermaganligi tufayli, asar mazmunining noto'g'ri talqin qilinishi hollari ham uchrab turadi. Xullas, tarjima qilinayotgan she'riy asar shakli va mazmuni mutarjimlar tomonidan yetarlicha chuqur his etilsa, uni tarjimada ham qayta yaratish mumkin, zero, har qanday asar fazilatlarini, undagi uslubiy vositalar vazifasini tarjima matnida tiklash uchun o'zbek she'riyatining zahirasi yetarlicha so'z san'ati boyliklariga ega. Sintaktik vositalar tarjimada hamma vaqt ham xuddi asliyatdagi shaklda berilmasa-da, mohir tarjimonlar ularning matndagi vazifasini boshqa vositalar yordamida qayta tiklash imkoniyatlaridan keng foydalanadilar. Bu esa asarni tarjima tili o'quvchisiga asliyatga mutanosib holda yaxlit etkazib berish uchun muhimdir.

Xulosa qilib aytganda, tarjima qilinayotgan she'riy asar shakli va mazmuni tarjimonlar tomonidan yetarlicha chuqur his etilsa uni tarjimada ham adekvat qayta yaratish mumkin, zero, har qanday asar fazilatlarini, undagi uslubiy vositalar vazifasini tarjima matnida tiklash uchun o'zbek she'riyati zahirasi yetarlicha so'z san'ati boyliklariga ega. Sintaktik vositalar tarjimada hamma vaqt ham xuddi asliyatdagi shaklda berilmasa-da mohir



tarjimonlar ularning matndagi vazifasini boshqa vositalar yordamida qayta tiklash imkoniyatlaridan keng foydalanadilar. Bu

esa asarni tarjima tili o`quvchisiga asliyatga mutanosib holda yaxlit yetkazib berish uchun muhimdir.

#### Adabiyotlar:

1. Salomov G'., Komilov N. Tarjimon mahorati. – T.: Fan, 1979. – B. 30.
2. Safarov SH. Kognitiv tilshunoslik. –Jizzax: Sangzor, 2006. -B. 10.
3. Navoiy Mir Alisher. Gazels. - Brest: Georama, 2007.-B.70.
4. Navoi Alisher. Gazels et autres poemes – Paris: Orphee La Difference, 1991.-b.29.

*Эшбоева Т. Лингвистико-когнитивный анализ поэтического перевода. В статье исследуется специфика художественного перевода, в частности поэтического перевода. Теоретические обобщения основаны на переводах газелей Алишера Навои на узбекский и французский языки. Теоретические выводы основаны на сравнительном анализе текстов: в переводе газелей, который является одним из важнейших жанров классической турецкой литературы, переведенный текст ближе к оригиналу. Проанализированы особенности поэтического перевода, сложность методов перевода с периодической сменой и совершенствованием поэтических жанров, а также различия между ними.*

*Eshboyeva T. Linguistic-cognitive analysis of poetic translation. This article examines the specifics of literary translation, in particular, poetic translation. Theoretical generalizations are based on the translations of Alisher Navoi's ghazals into Uzbek and French. Theoretical conclusions are based on the comparative analysis of the texts. In the translation of ghazals, which is one of the most important genres of classical Turkish literature, the translated text is closer to the original text. The features of poetic translation, the complexity of translation methods with the periodic change and improvement of poetic genres, and the differences between them were analyzed.*



## O'ZBEK TARJIMASHUNOSLIGINING ULKAN YUTUG'I

Ma'lumki, O'zbekistonda tarjima amaliyoti uzoq davrlarga borib taqaladi: IX asrning birinchi yarmida Bag'dodda Xalifa Ma'mun ar-Rashid tomonidan asos solingan, dastlab "Bayt ul-hikmat" ("Bilimlar uyi"), keyinchalik akademiya deb atalgan, ilm maskanida faoliyat ko'rsatgan Husayn ibn Ishoq, Sobit ibn Kurra, Xubaysh, Baxtyashu, Qusto ibn Luqa al-Baaxbanniy, Yaxyo ibn Adiy, Ishoq al-Damashqiy, Tasarjuvayxlar oilasi, Navbaxiy, ibn Muqaffa, ibn Mojja, ibn Vaxshiya va boshqalar tomonidan yunon, yaxudiy, sanskrit, suryoniy va fors tillaridan juda ko'plab ilmiy adabiyot, falsafiy, didaktik xarakterdagi noyob asarlar arab tiliga tarjima qilingan, ularga sharhlar yozilgan va butun musulmon dunyosiga tarqatilgan. Aynan shu tarjimalar bizgacha yetib kelgan. E'tiborli tomoni shundaki, bu tarjimalar arab ilm-fani, madaniyati va ta'limida erishilgan manbalar bilan boyitilgan. Keyinchalik asarlari tarjima qilingan mamlakatlar inqirozga uchraganda, arabcha tarjimalarni yana o'z tillariga o'giranlar. Boshqacha aytganda, ular o'z asarlarini arab ilm-fani va madaniyatining eng so'nggi yutuqlari bilan boyitilgan holda yana tarjima qilib olganlar.

O'zbekistonda tarjima tarixi olimlarimiz tomonidan o'z vaqtida yozilgan. Bu borada marvlik Abu Ali Yaxyo ibn Mansur, keyinchalik buyuk vatandoshimiz Muhammad Xorazmiy, adib, mutarjim va tarjimashunos prof. Jumaniyoz Sharipovlarning xizmatlari e'tiborga molik. Prof. J.Sharipovning O'zbekistonda tarjima tarixiga bag'ishlangan maqolalari va ikki jildlik kitobidan o'tmish tarjimonlarimiz kimlar bo'lganligi, qaysi asarlarni qanday tillardan o'giranliklari haqida ma'lumot olish mumkin.

Garchi o'zbek tiliga qilingan tarjimalar sifatiga o'z davrida munosabat bildirilgan bo'lsa-da, bizni tarjimashunoslik alohida fan sifatida rus olimlari (xususan, A.V.Fedorov, I.Kashkin, K.Chukovskiy, E.G. Etkind va b.) ta'sirida yuzaga keldi va shakllandi. Bunda J.Sharipov, N.Vladimirova, Q.Musayev, G'.Salomov, N.Komilov, U.Sotimov, M.Xolbekov, tarjima amaliyotining lisoniy, uslubiy va adabiy aspektlarini o'rgangan yana ko'plab olimlarning xizmati katta. Prof. G'.Salomovning "Til va tarjima" asari (T., 1966) O'zbekistonda tarjima ilmi va amaliyoti bo'yicha to'plangan nazariy ma'lumotlarning sintezi o'laroq yuzaga keldi.

Mustaqillik yillarida tarjima amaliyoti behad rivojlandi, bevosita chet tillardan o'zbek tiliga, o'zbek tilidan chet tillarga tarjimalar ko'paydi. Natijada buyuk ajdodlarimizning asari rus (yoki boshqa tillar) orqali emas, balki bevosita o'zbek tilidan tarjima qilinadigan bo'ldi. Biroq, shu yillarda tarjima ilmi bir joyda deysinishdan nari o'tolmadi. Marhum prof. M.Xolbekovning bir-ikki kitobi, himoya qilingan bir necha dissertatsiyadan boshqa deyarli hech narsa qilinmadi. Va kutilmaganda taniqli olim, tilshunoslikning zamonaviy yo'nalishlari bo'yicha yetuk mutaxassis, prof. Sh.Safarovning "Tilshunoslikning kognitiv asoslari" nomli fundamental monografiyasi chop etildi. Lingvokognitiv ta'limotning eng so'nggi yutuqlari asosida tayyorlangan ushbu monografiya tarjima ilmi va amaliyoti bilan shug'ullanadiganlar, shuningdek, umuman, tilshunoslik masalalari bilan qiziqadiganlar uchun ham birdek foydali, ma'qul va manzur bo'lishi shubhasiz.

Prof. Sh.Safarovning mazkur asari an'anaga ko'ra, muqaddima, bir-biridan dolzarb mavzularda yozilgan o'n bob, o'zbek va ingliz tillarida berilgan rezyume va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan tarkib topgan. Quyida shu monografiyaning aksariyat tarjimashunoslar uchun yangi mavzu-tarjima jarayoni tadqiqining kognitiv tamoyillari haqida so'z yuritimiz (Sh.Safarov 2019, 67-91).

Kognitiv yondashuvning, muallif to'g'ri ta'kidlaganidek, mental (aqliy) faoliyat hosilalarini o'rganuvchi barcha fanlarda keng ko'lamlarda kirib borayotgani ilm-fanning butun e'tibori antroposentrik tadqiqotlarga qaratilgani bilan izohlanadi. Binobarin, inson ongi mahsuli bo'lgan tarjima amaliyoti ham kognitiv jarayondir. Sh.Safarov kognitivist olim sifatida buni boshqalarga qaraganda teranroq fahmlaydi va tarjimashunoslik kognitiv faoliyat bilan bog'liq jarayonlarni o'rganish o'rniga, asosan, tarjimonning rolini baholash bilan mashg'ul ekanligini asosli e'tirof etib, "...til kognitiv jarayonlarning "iz" larini uzluksiz va seroblik bilan mo'l-ko'l aks





ettiradigan yagona tabiiy hodisadir. Shunday ekan tarjima muammolarining yechimini ta'minlaydigan mental hodisalar tahlili muhim rolini o'tashi aniq “,-deb yozadi (Sh.Safarov 2019, 68).

Xullas, prof. Sh.Safarovning “Tarjimashunoslikning kognitiv asoslari” nomli monografiyasi O'zbekistonda kognitiv tarjimashunoslikning yuzaga kelishi va alohida muhim ilmiy yo'nalish sifatida shakllanishida muallif Dan Shperber bilan D'erdr Vilsonlarning relevantlik (haqiqatga moslik, muqobillik) nazariyasida tagma'nosi (yashirin axborot) yetakchi omil o'rinni egallashini to'g'ri ko'rsatib beradi. Chunki kognitiv faoliyat asnosida qilinadigan xulosalar matn (axborot) mazmuni mag'zini o'zida mujassam etadi. Bu xil xulosalar chiqarishga nisbatan “interferensiya” atamasini qo'llaydigan nazariy yondashuvda “Kontekst” va “relevantlik tamoyili” tushunchalariga tez-tez murojaat qilinadi. Bunda “kontekst” yoki “kognitiv muhit” tushunchalarining qo'llanishida xulosa chiqarish manbayi, zahirasi nazarga tutilsa, “relevantlik tamoyili” esa inferensiyani boshqaradi, ya'ni chiqariladigan xulosalarning me'yorini, chegarasini belgilaydi (Sh. Safarov, o'sha asar, 70).

Sh. Safarov o'z fikrini asoslash uchun dialogik nutqdan quyidagi misolni keltiradi:

Ahmad: Tushlikka biz bilan borasanmi?

Toshmat: Soat birlar atrofida biroz vaqtga bankka kirishimiz kerak.

Mazkur nutq parchasining relevantligini ta'minlash uchun Sh. Safarov quyidagilarni asos qilib keltirdi: “Toshmatning javobi aniq bir propozitsiya shakliga ega bo'lishi uchun ushbu nutqiy tuzilma referenti to'ldirilishi, ma'no jihatidan aniqlashtirilishi, lozim bo'lganda, boyitilishi zarur. Bu xildagi mantiqiy–lisoniy amallarning bajarilishi kontekstdagi ma'lumotlar asosida ta'minlanib, relevantlik tamoyili nazoratida bo'ladi. Jumladan, Ahmad berilgan javobning mazmunini anglashi uchun “**bizlar**” shaklining referentini topishi kerak. Xuddi shuningdek, “**biroz vaqt**” birikmasining referentini izlash shart, chunki “**biroz vaqt**” bir necha daqiqanimi yoki bir necha soatni anglayotganligini bilish muhimdir. Faqat shu kabi amallarning bajarilishi Toshmat tushlikka taklifga rad javobini berayotganini ravshanlashtiradi”, (Sh.Safarov, o'sha asar, 70-71).

Monografiyada tarjimaning relevantligini ta'minlashda falsafaning umumiylik, xususiylik va yakkalik kategoriyasi talablariga amal qilish muhimligi ta'kidlanadi. Aks holda, “nazariy talqinlar-xulosalar puchga chiqib, ilmiy tafakkurning poydevori vayronagarchilikka yuz tutadi” (Sh.Safarov,o'sha asar, 72). Mazkur falsafiy kategoriya, til va kognitsiya ( kognitiv mushohada ) munosabati barqarorligini ta'minlaydi. Til (sinergetik ong) va kognitsiya birlashgan joyda matn hamda uning tarjimasi mantiqiy izchil, mazmunan teran, tushunarli bo'ladi.

Tarjima ilmi va amaliyotining kognitiv masalalariga doir metodologik xarakterdagi fikr-mulohazalarni umumlashtirish asnosida monografiya muallifi quyidagi xulosalarga keladi:

“Shunday qilib, tarjima jarayonining kognitiv tamoyillari tatbiqida quyidagi xususiyatlar oldingi o'ringa chiqadi:

- a) ma'noni tushunish va qayta ifodalashning kognitiv bosqichlari mavjudligi;
- b) axborotni xotirada saqlashning muhimligi;
- v) jarayonning lisoniy va nolisoniy elementlar yakdilligida ta'minlanadigan dinamik ta'biati;
- g) jarayonning nochiziq yo'nalishda kechishi, uning matnning bir tekis taraqqiyotiga bo'ysunmasligi;
- d) avtomatik va oqilona, nazoratli va nazoratsiz harakatlarning faollashuvi. Tarjima beixtiyor va nazoratli bajariladigan harakatlar zahirida yaratiladigan axborot manbalarini tanlaydi;
- e) jarayonning maxsus strategiyalar asosida, muammolar yechimini izlash va qaror qilish harakatlari faolligida kechishi.

Ushbu turdagi xususiyatlarning keng ko'lamda bo'lishi tarjimani nochiziq, sinergetek tartibotli jarayon sifatida tavsiflashga undaydi hamda uni nazoratli va nazoratsiz, beixtiyor harakatlar uyg'unligida kechishidan darak beradi (Sh.Safarov, o'sha asar, 91-92-betlar).

Xullas, prof. Sh.Safarovning “Tarjimashunoslikning kognitiv asoslari” (“Cognitive basis of translation studies”) nomli monografiyasi mazmunan ham, tahlilga tortilgan mavzularning dolzarbligiga va ularning o'zgacha talqin qilinganligi bilan ham o'zbek tarjima ilmi hamda



amaliyotini yangi nazariy ma'lumotlar bilan boyitadi va kelgusida yaratilajak kognitiv tarjimashunoslik uchun mustahkam poydevor vazifasini bajaradi.

**Adabiyotlar:**

1. Bertels E.Y Sufizm va tasavvuf adabiyoti. Rus tilidan Ibodulla Mirzayev tarjimasi.-S.: SamDU, 2006.
2. Ma'mun akademiyasi // [uz.m.wikipedia.org](http://uz.m.wikipedia.org).
3. Safarov Sh. Tarjimashunoslikning kognitiv asoslari -T.:2019.

*SamDU professori I.K.Mirzayev*

## **“XORIJIY FILOLOGIYA” ILMIY-USLUBIY JURNALIGA MAQOLALARNI TAQDIM ETISH TARTIBI**

Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal mavzusiga mos keladigan materiallar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi 10-12 betdan oshmasligi kerak. Maqola Microsoft Word dasturi, «Times New Roman» shrifti, 14 kegl, sahifa maydoni barcha tomondan 2 sm va 1,5 intervalda rasmiylashtirilishi kerak.

### **Oo'lyozmaning nomi:**

Maqola va boshqa materiallar sarlavhasi yetarlicha qisqa, mazmunga muvofiq va 13 so'zdan oshmasligi kerak.

### **Mualliflar:**

Mualliflarning nomlari quyidagi tartibda to'liq qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, keyin uning otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar uchun vergul bilan ajralib turiladi. Oxirgi muallif qolgan muallifdan «va» so'zi bilan ajratilishi kerak.

### **Muallif (lar) ning ish joyi:**

Ushbu ma'lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: institut, shahar va mamlakat. Muallif o'zining pochta manzili, telefon raqami, faks raqami (agar mavjud bo'lsa), elektron pochta manzilini keltirib o'tishi kerak.

### **Annotatsiya va kalit so'zlar:**

Agar maqola o'zbek tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya rus va ingliz tillarida; maqola rus tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya o'zbek va ingliz tillarida, xorijiy mualliflar uchun esa annotatsiya rus va o'zbek tillarida qisqa va aniq bo'lishi kerak. Annotatsiya “Adabiyotlar” dan keyin, 8-10 ta *kalit so'z va iboralar* maqolaning boshida muallif nomidan keyin ko'rsatilishi kerak.

### **Maqolaning mazmuni**

Maqolaning *asosiy qismida* tadqiqot jarayoni va erishilgan natijalarning batafsil bayoni beriladi.

### **Adabiyotlar ro'yxati:**

Adabiyotlar ro'yxati GOST R 7.0.5.-2008 talablariga javob berishi kerak. (Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу).

*Matn ichidagi adabiyotlarga havolalar* kvadrat qavs ichida muallifning familiyasi, nashr yili va sahifasi tartibida beriladi. [Bo'ronov 2002: 3]. Agar havolada bir nechta adabiyotdan foydalanilganligi ko'rsatilsa ular nuqtali vergul bilan ajratiladi [Safarov 2018: 30; Hakimov 2013: 76].

Maqolada *foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati* matn oxirida, alfavit tartibida “Adabiyotlar” sarlavhasi ostida beriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatida oxirgi 10 yilda chop etilgan ishlar berilishi maqsadga muvofiqdir. Ilmiy maqoladagi adabiyotlar ro'yxati 10 tadan, adabiyotlar sharhi esa 20 tadan oshmasligi kerak.

### **Adabiyotlar ro'yxatini rasmiylashtirish bo'yicha namunalar:**

#### *Monografiya*

Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. –Toshkent: Fan, 2007. – 234 b.

Roget P.M. Roget's Thesaurus of English Words and Phrases. London: Penguin books, 2000. 810 p.

#### *Jurnaldan maqolalar*

Трегубов, А.Н. О возможностях использования метода бинарного семантического анализа лексики //Вестник ВЭГУ. - 2009. - №3(41). - С. 97-103.

Cornish F. Relations de coherence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages, 2006, 40e annee, n°163. P. 37–55.

#### *To'plamlardan maqolalar*

Маджаева С.И. Термин как когнитивная единица научного текста / Термины в коммуникативном пространстве. Астрахань: Изд. Астраханского гос. мед. унив., 2017. С. 237–240.

*Dissertatsiya*

Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте: дис. ... канд. филол. наук. Челябинск, 2007. 175 с.

*Internet-manbalar:*

Kipling R. The Ballad of East and West [Электронный ресурс] // Kipling Society: [сайт]. URL: [http://www.kiplingsociety.co.uk/poems\\_eastwest.htm](http://www.kiplingsociety.co.uk/poems_eastwest.htm) (дата обращения: 24.01.2017).

**Jadval va rasmlar**

Maqolada jadval, formula, rasm va grafiklar bayon qilinadigan jarayonni matn shaklida berish imkoniyati bo'lmagan holda berilishi maqsadga muvofiq. Barcha obyektlar oq-qora shaklda rangsiz bo'lishi kerak. Barcha formulalar Microsoft Equation komponentidan foydalangan holda yoki aniq rasmlar shaklida rasmiylashtirilishi kerak.

**Qisqartmalar va belgilar**

Faqat standart qisqartmalardan foydalaning. Maqolaning sarlavhasida va annotatsiyalarida qisqartmalardan foydalanmang. Qisqartma matnda birinchi marta ishlatilishdan oldin (standart o'lchov birligidan tashqari) bo'lishi kerak.

# XORIJIY FILOLOGIYA

*til • adabiyot • ta'lim*

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

# FOREIGN PHILOLOGY

*language • literature • education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

---

Мухаррир	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ё. Қаршибоев
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов

Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 25.03.2021.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № 50. Times гарнитураси.

